

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАР МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ**

**И. РАҲИМОВ, А. ЎТАМУРОДОВ.**

**Ф А Н Л А Р Н И Н Г   Ф А Л С А Ф И Й  
М А С А Л А Л А Р И  
(Фан фалсафаси)**

Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамаси қошидаги мувофиқлаштириш комиссиясининг 07/108-34 30 май 2002 йил қарорига биноан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлараро илмий- услубий бирлаш-малар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаши Президуми тамонидан ОЎЮлари учун ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган.

Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи наشري

**Тошкент 2005**

## КИРИШ

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан магистратура таълим босқичи давлат таълим стандартига киритилган «Фаннинг фалсафий масалалари» предмети юзасидан тузилган дастур асосида ёзилди. Бунда фан фалсафасининг асосий муаммолари, тузилиши, унинг ривожланиш механизми, фаннинг тараққиёт эволюцияси, илмий билишни режалаштириш ва унинг мантиқи, стандартлаштириш ва системалаштириш концепцияси, илмий ва ноилмийлик чегараси, фанда янги гоаялар, билимларнинг эзгуликка Хизмат қилиши муаммоси, илмий изланишнинг замонавий дастури, табиатшунослик, техника ва ижтимоий фанлардаги фалсафий муаммолар баён этилган.

Қўлланмага Республикамиз Мустақилликка эришгандан кейинги таълим тизимидаги ислохотлар, илм фан соҳасидаги ўзгаришлар «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»ни амалга ошириш борасидаги амалий натижаларни янгича фикрлаш ва дунёқараш асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. қўлланманинг асосий мақсади ва табиат ва ижтимоий фанларнинг ютуқларини фалсафий таҳлил қилиш асосида ёшлар дунёқарашини шакллантиришдан иборат.

Шу асосда «Уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш миллий ва умумбашарий руҳда тарбиялашдан иборат» (Ислом Каримов)

Қўлланманинг социал фалсафа бўлимини М. Раҳимова 108-112 б. II боб 1,2,3 параграфлари (94-100 б.) проф. Ў.Ж. Хайдаров ёзган.

Муаллифлар қўлланмани таҳрир этишда ёрдам берган доц. З. Саидов ва доц. А.Файзиев иккинчи нашрга тайёрлашда ёрдам берган доц. А.Зоҳидий ва катта ўқитувчи Ш.Ашуровларга миннатдорчилик билдиради.

**Масъул муҳаррир: ф.ф.д., проф. Қ.Н. Назаров**

**Такризчилар: ф.ф.д., проф. Б.Каримов,  
ф.ф.д. проф. С.Мамашокиров**

## МУҚАДДИМА

Фалсафа цивилизациянинг натижаси бўлиб, у жамият шаклланиши ва ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

*Фалсафа нега керак? Унинг ўзига ҳос томонлари нимада?*

Яшаш тамойиллари (асослари) ўзгариши билан ҳаётни янгича фикрлаш асосида тушунтирадиган назарий билимларга эҳтиёж туғилади. Бу масалани ҳал қилишда донолик ҳақидаги билим ҳисобланган фалсафа асосий ўринни эгаллайди. Чунки жамият тараққиётининг турли босқичларида эскича яшаш асослари ўзгаргандан сўнг фалсафий фикрлар:

энди қандай яшаш керак;

инсонлар қайси йўлдан кетмоқда;

уларнинг фаолияти нимага қаратилиши лозим;

- одамларнинг мақсади, орзу-умидлари, истакларини қайси йўл билан амалга ошириш мумкин;

яшашнинг мақсади, маъноси, тамойиллари нимадан иборат;

инсон дунёни нима мақсадда ва қандай билади

каби саволларга жавоб қидиради ҳамда шу асосда назарий фикрлар тизимини ишлаб чиқади. Бу саволларга топилган жавобларнинг ҳар бири маълум бир ғоянинг у ёки бу тамойилларига асосланади ҳамда ўша ғоянинг мазмуни ва моҳиятини акс эттиради.

Инсон доим турли ҳодисаларга дуч келар экан, унинг маъноси-ни англашга қизиқади. Унинг умри табиий жараён, ва ҳодиса сифатида қаралиши мумкин. Ана шу ҳодисалар умумлашиб жамият тўғрисида, унинг турли хусусиятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишга, қолаверса, унинг қандай нафас олиши, озуқаси нималигидан тортиб башарият тараққиётида тутган ўрнини аниқлашга имкон яратади. Фалсафий дунёқараш шу тариқа пайдо бўлади. **Фалсафий дунёқараш шаклланади экан, у албатта маълум бир ғояда вужудга келтиради.**

*Буюк файласуфлар ана шундай ғоялар, уларнинг тамойиллари ҳақида фикр юритганлар. Чунки ғоя бутун ҳодисаларнинг маъноси сифатида намоён бўлади.*

**Ғоя даврнинг моҳиятини ифодаловчи категориядир.** Қадимги давр фалсафасининг асосий тамойили ана шу ғоялар тизимини ишлаб чиқиш эди. У тафаккур салоҳиятини ишга солиш асосида пайдо бўлади. Фалсафий дунёқараш инсонлар маънавий ҳаётини янги босқичга кўтарди. Натижада дунёни ақл "кўзи", тафаккур салоҳияти билан ўрганиш бошланади, яъни дунёни илмий тушуниш-

нинг замини яратилади, уни эстетик идрок этишга рағбат пайдо бўлади.

**Шундай қилиб, фалсафа, фалсафий дунёқарашнинг пайдо бўлиши билан инсон кундалик турмуш ташвишларини ўйлашдан ўзига ва ўз моҳиятини тушунишга, ходисалар дунёсини билишдан ғоялар дунёсини англашга ўтади.**

*Нима учун ғоялар концепцияси ўз моҳиятига кўра, фалсафий ҳисобланади? Нега у математик ёки физикавий эмас?*

Чунки ғоянинг фалсафий мазмуни бутун борликқа тегишли, унинг моҳияти ҳамisha борликда иштирок этиб, мавжудликнинг асосини таъминлайди. Фалсафий мазмун борликнинг иқтисодий, сиёсий, шахсий, маърифий масалаларининг асосий мақсадларини, умумий, фундаментал томонларини ифодалайди.

*Ғоя қандай пайдо бўлади? Фалсафий етуклик ва ғоя, фалсафий мафкура ўзаро қандай муносабатда? ғояни қандай одамлар яратади?*

Буюк, эзгулик ғоялари давр талаби, миллат эҳтиёжи асосида пайдо бўлади ва улар бағри кенг, салоҳиятли, етук шахслар томонидан майдонга ташланади.

Бугунги кунда Президент Ислом Каримов миллий ғоя тўғрисида гапирар экан, бу ғоя давримизнинг асосий моҳияти, миллатнинг умид-истаклари, мақсад ва вазифаларининг фундаментал томонларини ифода этганини кўраемиз. Бу "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт" барпо этишдек асосий мақсадларимизнинг концепцияси ифодасидир.

Одамларни эзгу мақсадларга интилиб, изланиб, ташаббускор бўлиб, ёниб яшашга даъват этиш фалсафий тафаккурнинг асосий хусусиятидир. Фалсафий етуклик, улуг ғоялар ўз миллатини ардоқлайдиган, қалби пок инсонлар тафаккурига хосдир.

*"Файласуф ўз халқининг раъйини, ўз халқида бўлган энг яхши фазилатларни ифодалаган бўлиши керак. Файласуфнинг хулқ-атвори, ахлоқи ҳам ўз касбига лойиқ бўлиши керак... Файласуф бўлмоқчи бўлган одам ўз ахлоқи ва ҳислатлари билан бу айтилган шартларга жавоб бера олса, шундан кейин, у фалсафа билимини ўрганишга ва уни бошқаларга ўргатишга киришуви мумкин".*

### **3 Абу Наср Форобий**

Давлатимиз раҳбари ўзининг қатор асарларида миллий ғоя ва миллий мафкура назариясининг асосий тамойилларини ишлаб чиқди. Юртбошимиз асарлари асосида жамиятимизнинг маънавий ҳаётида, одамлар дунёқаршида туб ўзгаришлар яшашнинг, комилликка интилувчи шахс тарбиясининг назарий ғоявий ва амалий замини яратилди.

*Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий руҳда тарбиялашдан иборат.*

## **1 Ислом Каримов**

Президент Ислом Каримов миллий ғоя ва миллий мафкурани янги босқичга кўтаришда, унинг мазмун ва моҳиятини очиб беришда, одамлар онига етказишда жамоат ташкилотлари, зиёлилар ва, айниқса, жамиятшуносларнинг ролини алоҳида таъкидлади.

***Ғоя яшаш учун нега керак, шунчалик зарурми?***

Буюк миллат бўлиш халқ қандай бўлиши, демакки, ҳар бир инсон қандай бўлиши кераклиги билан чамбарчас боғлиқ. Буюк миллат буюк ғоялар билан яшайди. Янги замон янги ғоялар тантанаси билан олға қараб кетади. Биз келажаги буюк давлат томон кетаётган эканмиз, бу йўл орзу - умидларимиз, эзгу-ниятларимиз тантанаси намоеън бўлиши асосида боради. Демак, бугунги кунда ана шу юксак ғояларни амалга ошириш, оммага етказиш масаласи кун тартибига қўйилган экан, бу ғояларни буюк кучга айлантириб, миллатнинг, халқнинг ролини кўрсатиб, уни сафарбар қилиб, бирлаштириб, маълум мақсадларни кўзлаб фаолиятда бўлишга қаратиш асосий масаладир.

Бугунги кунда ҳар бир шахс, ҳар бир фуқарода халқ тақдирига, Ватан тақдирига, жамиятимиз равнақига масъул бўлиш ҳиссини тарбиялаш муҳимдир. Негаки, эркин ва фаровон ҳаёт миллионлар меҳнатининг самараси асосида барпо этилади, амалга ошади.

Негаки, борлик, билиш, методологик амалиёт, маънавият, мафкура, миллий ва башарий қадриятлар, инсонийлик ва одамийлик, маърифат ва тарбия, ғоя ва тамойиллар, жамият ва инсон, цивилизация ва инсон омили кабилар бир бутун антропоцентрик дунёқарашнинг у ёки бу хусусий ҳолидир. Яхлит дунёқарашни шакллантириш эса, фалсафанинг асосий вазифасидир.

**Баркамол авлод орзуси буюк мақсадимиз экан, комил инсонни тарбиялаш концепцияси – бу, биринчи навбатда, фалсафий масаладир. Комил инсон ва дунё қараш тушунчалари кўзга кўринмас томирлар, яшаш, ҳаёт ришталари билан ақл бовар қилмайдиган даражада узвий ва узлуксиз боғлиқдир.**

Олий таълимнинг биринчи босқичи бакалавр таълим босқичида фалсафа тарихи, унинг асосий тушунчалари ва назарий масалалари ҳақида фикр юритилган бўлса, магистратурада асосан фан фалсафаси ҳақида билим берилади. Бунда дунёнинг илмий манзараси, фалсафанинг фан билан узвий боғлиқлиги, фаннинг тараққиёт

эволюцияси, илмий билимларни режалаштириш ва стандартлаштириш, системалаштириш концепцияси; илмийлик ва ноилмийлик чегараси, фанда янги ғоялар, билимлар муаммоси, илмий изланиш дастурлари; табиатшунослик, техника ва ижтимоий фанлардаги фалсафий муаммолар ҳар бир фан мисолида баён этилади.

### **Фалсафанинг асосий вазифалари**

Ҳар қандай предметни ўрганишнинг дастлабки вазифаси-бу фаннинг мақсадини аниқлаб, унинг ўзига хос томонини, аҳамиятини очиб беришдан иборат. Бу эса фан ҳақида тўлиқ ва аниқ тушунчага эга бўлишга хизмат қилади. "Фалсафа" атамаси бугунги кунда турлича маънода ишлатилади.

**Биринчидан**, кундалик, ҳаётий масалаларни донолик ва тафаккур салоҳияти асосида ҳал қилиш. Бу маънода донолик ҳамма одамларга хос ҳислатдир. **Иккинчидан**, илмий-назарий донишмандлик. Бу дунёни ақл кўзи, тафаккур салоҳияти билан идрок этиш, дунёни тафаккур қонунлари ва категориялари билан англаш, мушоҳада қилиш демакдир. Бундай ёндошувда фалсафа илмий тафаккур, назарий билимлар даражасидаги фандир; табиат, жамият ва тафаккурнинг умумий қонунлари, категориялари ҳақидаги таълимотдир.

Фалсафанинг пайдо бўлиши билан фаннинг вужудга келиши ва ривожланишига замин яратилди. Фалсафа тафаккур қонунлари билан иш кўради. Унинг қонунлари ҳақидаги таълимот фалсафанинг муҳим бир таркибий қисми бўлмиш логика илмидир.

Ҳар қандай фаннинг асосий идеаллари, масалан, исботланган тизимли ҳамда изчил, аниқ текширилган бўлишлиги, воқеликка мос келишлиги даставвал фалсафада ишлаб чиқилган. Фалсафа ҳамма вақт илмий тушунчаларга асосланиб иш кўрган Шунинг учун ҳам кўпчилик файласуфлар фалсафани қатъий фан деб айтганлар. Масалан, Аристотел, Форобий, Ибн Сино, Гегел, Гуссерл ва бошқалар. Улар **фалсафани назарий ва амалий фалсафага ажратганлар**. Масалан,

- борлик, билиш, методология, кадриятлар, дунёқараш ва тарбия вазифаси фалсафанинг назарий томонини;

- этика, эстетика, фан фалсафаси, ҳуқуқ ва сиёсат фалсафаси, социал ва тарих фалсафаси фалсафанинг амалий томонини ташкил этади, деб кўрсатганлар

Фалсафанинг фан эканлиги унинг мазмуни, методи ва мақсади билан боғлиқ.

**Фалсафанинг мазмуни борлиқни бир бутун тарзда қамраб олишга қаратилганидир** (интилишидир). Агар алоҳида фанлар дунёнинг у ёки бу томонини ўрганса, фалсафа бутун бир реалликни

яхлит ҳолда қамраб олади. Хилма-хил дунёнинг бир бутун, ягоналиги фалсафанинг мазмунини ташкил этади. Баъзида **фалсафанинг предмети** бир бутун дунё деб кўрсатадилар. Бирок, предмет ва унинг объекти тушунчаси алоҳида фанларга тааллуқли бўлган аталардир.

Фалсафа учун мазмун тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, фалсафа учун дунёнинг моҳияти нимада деган масала муҳимдир. Нега дунё мавжуд; инсон нимага ва қандай мавжуд бўлади, яшайди; борлиқнинг фундаментал асоси нима; инсон ҳаётининг маъноси қандай каби саволар фалсафий масалалардир.

**Фалсафа ўзининг услуби жиҳатидан воқелиқни (борлиқни) ақлий таҳлил қилиб ўрганишдан иборат. Фалсафанинг методи рационал дир.**

Юқоридаги фикрлардан **фалсафанинг муҳим вазифаси**, яъни дунёқараш ва методологик тамойиллари келиб чиқади. Фалсафа дунёқараш сифатида дунёнинг бир бутун манзарасини беради, унинг шахс томонидан англанлишини такозо қилади.

**Дунёнинг фалсафий манзараси** кўп поғонада, кўп қаватли, кўп ўлчовлидир. Дунёнинг фалсафий манзараси ҳамма вақт давомийлик билан белгиланади. *Фалсафий манзара* ҳамма вақт конкретлаштиришни (ойдинлаштиришни) талаб қилади ва у донолик, тафаккур салоҳияти орқали идрок қилинади. Бу инсонлар учун асосли, фундаментал аҳамиятга эга. Ундан жудо бўлиш ақлсизликдир. Нега ундан маҳрум бўлиш керак? Ахир, улар юксак, олийжаноб ақл салоҳияти-ку!

Демак, **фалсафанинг ўзига хос томони (вазифаси) инсон борлиги ҳақидаги энг муҳим ҳаётий масалаларни ўрганиш, мушоҳада қилиш, унинг салоҳиятини ана шу томонга йўналтиришдан иборат.** Фалсафанинг нафақат ўзига хос томони, балки унинг мустақил вазифаси ҳам бордир. Фалсафий масалалар ҳаммабоп, ҳаммага тегишлидир.

*Фалсафанинг мустақил вазифаси нимадан иборат?*

Биз шу вақтгача фалсафий масалаларни бир бутун тарзда қараб чиқдик, унинг илмий салоҳиятига эътибор бердик. **(Фалсафанинг) ахлоқий - тарбиявий ва диний - эътиқодий вазифаси** ҳам бор.

Ҳозирги давр фалсафасида ахлоқ нафақат анъана ва инсон характери (Аристотел) ёки инсоний бурч масаласини (И.Кант) қамраб олади, балки қадриятлар муаммосига алоҳида аҳамият беради. Бизнинг диёримиздаги фалсафада қадриятлар масаласига ҳамма вақт урғу бериб келинган.

**Қадриятлар фалсафаси инсон яшашининг мазмуни ва маъноси ҳақидаги таълимот экан, энг бош қадрият эзулик, ҳақиқат ва**

худоба бўлган эътиқоддир. Шунга кўра, фалсафа нафақат фан, балки у ахлоқий қадрият ҳамдир.

*Донишмандлик билишгина эмас, у даставвал ҳаёт фаолияти тарзидан иборат. Ҳақиқий файласуф амалий, ҳаётий донишмандликнинг устозидир.*

### 5 Кант.

Ҳақиқий файласуф бутун донишмандлик ҳақидаги таълимотга эга бўлиш билан бирга бу билимларни инсонларга яхшилик қилишга қаратади. Ана шундагина инсон ўзининг бу дунёда тутган ўрнини англаб олиши мумкин.

Биз юқорида **фалсафа қатъий фан** деган мутафакқирлар фикрини эслатдик. Шунинг билан **фалсафанинг бошқа фанларга бўлган муносабати** хусусида ўзларнинг мустақил фикрларини баён этган алломалар бўлганини ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Улар орасида Ницше, А.Шопенгауэр, Керкегор, Шеллинг, Хайдеггер, Фуко, Ясперс ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Уларнинг фикрича, фалсафа нафақат мавҳум тафаккур билан иш кўради, балки **фалсафанинг ҳиссий-эстетик вазифаси ҳам бор**. Бу жиҳатдан фалсафа фанга эмас, балки бадиийётга яқиндир.

Фалсафий масалалар ичида инсон муаммоси биринчи ўринда экан, унинг ички дунёси, маънавий борлигини англаб етиш учун тушунчалар воситаси етарли эмас. Юқорида кайд этилган бир қатор мутафакқирлар, уни эстетик, ахлоқий томонлар билан, диний эътиқод орқали англаб етиш, интуиция йўли билан ҳал қилиш мумкин, деб кўрсатмоқдалар.

**Фалсафа** бадиий ижод сингари ҳар бир шахснинг ҳислатларининг ифодалаб, унинг ўзига хослиги, бетакрорлигини ҳам кўрсатади. Фалсафий фикрлар бадиий ижод каби файласуфнинг фикр салоҳияти, ҳис-туйғулари, иродаси орқали ифодаланади. Шунга кўра, «Аристотел фалсафаси», «Гегел фалсафаси», деб юритилади. Ҳиссий эстетикага асосланган фалсафада ўзига хослик, индивидуалликни фалсафанинг муҳим томони деб қараб, унинг универсал томонига эътибор бермайдилар. Оқибатда, фалсафадаги плюрализмга асосланиб, унинг бир бутунлигини рад этадилар; интуитив ва ижодий томонига ортиқча эътибор бериб, методологик бирликни назарписанд қилмайдилар; эстетик кўтаринкиликка урғуни кучайтириб, ахлоқий босиқликка аҳамият бермайдилар. Инсон ҳаёти ва тақдирига мавҳум қараб бўлмаслигини кўрсатиб, уни конкрет ҳал қилишни биринчи ўринга қўядилар.

XX аср файласуфлари ичида ана шундай ғояни илгари сурувчилар кўпроқ ёзувчи, рассом ва шу каби бадиий ижод вакиллари бўлганлар. Булар ҳаммаси яхши, бироқ ҳозирги замон фалсафасида фан билан бадиий ижоднинг яқинлашуви, эътиқод билан ҳақи-



қатнинг уйғунлиги, рационаллик билан иррационаллик бирлиги тўғрисида гап кетмоқда. Бугунги кунда дунёни ақлий тушуниш билан ҳиссий-эстетик тушунишнинг монандлиги, объект билан субъектнинг уйғун ва нисбийлиги, дунёнинг беқарорлиги ва барқарорлиги масаларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда миллий истиқлол гоёси ва уни одамлар онгига сингдириш масаласи кун тартибига қўйилган экан, миллий фалсафанинг ривожланишига алоҳида аҳамият бериш жоиз. Биз бирор фан тўғрисида фикр юритганимизда ёки унга тавсиф берганимизда миллий сўзини ишлатмаймиз.

*Фалсафа илмийлик билан миллийликни уйғунлаштиради.* Фалсафанинг миллийлиги халқнинг қалби, урф-одати, анъанаси, ахлоқини ифода этишда, унинг дунёқарашини, мақсадларини ўзида акс эттиришда намоён бўлади. Шунга кўра, ҳатто дунё динларига ҳам, фанга ҳам миллий сўзини қўшиб бўлмайди. Фалсафага эса, миллий сўзи қўшилиб, унинг сифат белгисини ташкил этади. Масалан, немис фалсафаси, юнон ёки француз фалсафаси каби.

**Алоҳида таъкидлаш лозимки, фалсафа илк сифатида миллийликни умуминсонийликка қўтаради, уларни уйғунлаштиради. Чунки, фалсафа фаннинг қадриятлар даражасида инсонга хизмат қилишининг маънавий асосини беради.**

## I-БОБ.

### ФАН ФАЛСАФАСИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Бу бобда фан фалсафасининг асосий муаммолари, тузилиши, унинг ривожланиш механизми ҳақида гап боради.

Фан фалсафаси фалсафанинг бир тармоғи сифатида XIX аср ўрталарида шакллана бошлади. Бу борадаги фикрлар инглиз файласуфи, фан тарихи билан шуғулланган олим Уильям Уовелл ва Жон Милл (1773-1836), О.Конт (1798-1857) ва бошқа мутафаккирлар асарларида учрайди. Уларгача ҳам файласуфлар фан тўғрисида жуда кўп фикрларни айтганлар. Айниқса, диёримиздаги файласуфлардан Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқалар фанни илмий билиш доирасида:

унинг ривожланиши;

фалсафанинг фанга бўлган муносабати;

билимлар тизимида фан ва фалсафанинг ҳамкорлиги;

илмий билиш усуллари ва шакллари ҳақида фикр юрит-

ганлар.

XIX асрга келиб айрим шахслар ёки бир гуруҳ одамларгина фан билан шуғулланиб қолмай, балки фан кўпчиликини ўзига жалб этди ва фан билан шуғулланувчи олимлар сафи кенгайди: академияларда, университетларда илмий иш билан шуғулланадиган мутахассислар пайдо бўлди; саноатда илмий лабораториялар ишлай бошлади. Кейинчалик кишлоқ хўжалиги ва савдо соҳаларида ҳам илмий лаборатория ва тадқиқотчилар гуруҳи ташкил этилди. Бундай шароитда фаннинг умумий мантиғига бағишланган, социал маъносини очиб берадиган ишлар пайдо бўла бошлади. Буларда фаннинг социал аҳамияти ва жамиятда тутган ўрнини кўрсатиб беришга қаратилган муаммолар майдонга ташланган эди.

XX аср бошларида фан ҳақида фалсафий фикрлар алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Физикада нисбийлик назарияси, квант механикасининг кашф этилиши, биологияда генетик назариянинг пайдо бўлиши ва бошқа кашфиётлар *фанда буюк ўзгаришлар* деб ҳисобланди. Буларнинг барчаси фалсафага бўлган қизиқишни уйғотди. Фаннинг жамиятдаги ўрни тўғрисида фалсафий фикрлар шаклланди. Бу фикрларнинг баъзилари фаннинг ҳамма соҳадаги устунлигини кўрсатса (сцентизм), баъзиларида фаннинг ривожланиши кутилмаган фожиаларга олиб келиши айтилди (антисцентизм). Буларнинг ҳар бирини ўз ўрнига қўйиб, фаннинг жамиятда тутган ролини тўғри кўрсатиб бериш ва шу билан бирга уни инсонийлаштиришга қаратилган фалсафий муаммоларни майдонга ташлаш керак

бўлди. Жамият ва табиийёт фанларида жуда катта янгиликлар юз берди, ҳаёт ўзгарди. Ҳаётдаги ўзгаришларни эски қарашлар тизими билан изоҳлаб бўлмас эди.

XX аср файласуфи Гуссерл 1935 йилда "Вена маданият уюшмасида" қилган маърузасида жамиятдаги маънавий маданиятга алоҳида эътибор берди.

*Табиийётшунослик тарихи, фалсафа тарихи, маънавиятнинг бутун бир тарихи нафақат инсонлар тақдирини ва келажагини тушунишга, балки уни тузатиш учун тўғри диагноз қўйишга восита топишга олиб келади. Европадаги "касаллик" нафақат фанда, балки Европа одамнинг "қалбида", унинг маънавий дунёсида ҳамдир. «Касаллик»ни ҳал қилиш учун инсониятнинг маънавий дунёси тарихини таҳлил қилиш керак.*

## **6 Гуссерл**

1920-1930 йилларда "Вена тўғараги" аъзолари фан фалсафаси ва унинг мантигини фалсафанинг бош мавзуси, деб эълон қилдилар; бу масала ҳозирги замонда аналитик фалсафанинг (неопозитивизм, постпозитивизм) асосий мавзусига айланиб қолди. Улар фан тараққиёти эволюциясининг жамият ривожланиш босқичларида фалсафа, дин ва социал-гуманитар фикрлар билан узвий боғлиқлигини ишлаб чиқдилар.

Биз талабаларда бир бутун дунёқарашни шакллантириш, юксак маънавий хислатларга эга бўлган комил инсонни тарбиялашдек вазифани мақсад қилиб қўйган эканмиз, табиат ва ижтимоий-гуманитар ва техника фанларининг эволюцияси, бугунги кундаги манзарасини кўрсатиб беришимиз керак.

## **1.1 ФАННИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ (ҚАДИМГИ ДУНЁ, ЎРТА АСР ШАРҚ ВА ЯНГИ ЗАМОН ФАНЛАРИ)**

*Илму тафаккур – кишини эзгуликка бошлайдиган беқиёс куч. Илм ва тафаккур одамлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз-барака келтирадиган буюк мўъжизадир.*

## **2 И.Каримов.**

Фан фалсафаси ҳозирги замон илмий билимлар табиатини ўрганар экан, у билан шугулланувчилар фан тараққиётининг босқичлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак. Фан мустақил билим соҳаси сифатида қачон ва қандай шароитда келиб чиққан, унинг асосий босқичлари, ҳозирги замон фанининг вужудга келишида юксак салоҳияти билан ўз ҳиссасини қўшган шахслар ҳақида фикр юритиш жоиздир.

Бугунги кунда Европадаги фан энг юксак ва замонавий деб қаралади. Фаннинг бу даражада шаклланиши ХУ1-ХУ11 аср мутафаккирларининг юксак маҳорати билан изоҳланади. Бу давр мутафаккирлари Галилей ва Кеплер, Бэкон ва Декарт, Гюйгенс ва Ньютонларнинг хизматлари бекиёсдир, «илмий инкилоб» деб аталувчи фикрнинг шаклланиши уларнинг номлари билан бевосита боғлиқ. Шу билан бирга башарият тафаккури хазинасига, фан ва фалсафа тараққиётига унутилмас ҳисса қўшган диёримиз фалсафаси ва фани, унинг йирик вакиллари Форобий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Ал Фароний, Улуғбек каби юзлаб алломаларнинг хизматларини ҳисобга олмасдан бугунги кун фан фалсафасини тушунтириб бўлмайди.

*Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган.*

### **3 Ислом Каримов**

Миср, Месопатамия, Ҳиндистон, Хитой ва Ўрта Осиёда бўлган қадимги цивилизация астрономия, математика, биология, тиббиёт таълимотлари ва тажрибаларидан катта билим тўплади. Бироқ бу билимлар хали фан даражасига, назария даражасига кўтарилган эмас эди. Улар бевосита кўзга ташланиб турган ҳодисалардан чиқарилган хулосалар эди. Уларнинг асосчиси ва ташувчиси бўлган сараланган турли шахслар, коҳинлар – фаолияти туфайли «муқаддас» илоҳий мақоми берилиб, кенг табақалардан «сир» тутилар эди. шу соҳанинг фидойилари орқали сақланар ва авлоддан авлодга ўтар эди. Бу тажрибалар, йиғилган билимлар юнон фани ва фалсафасининг вужудга келишида замин бўлиб хизмат қилди.

Европада илмий билимлар тизими бундан икки минг беш юз йил олдин пайдо бўлди. Табиат ҳақидаги биринчи билимлар тизимининг яратилиши Фалес (э.о.625-547), Пифагор (э.о.У1 аср), Анаксимандр (э.о. 610-547) каби файласуфларнинг номлари билан боғлиқ. **Биринчидан**, улар фактларни тартибга келтирдилар ва мантикий асосладилар, натижада табиат ҳақида билимлар тизими назарияси вужудга келди. **Иккинчидан**, дунёнинг моҳиятини, биринчи асосини тушунишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг илмга бундай қараш, муносабатлари Миср, Бобил, Мақовон коҳинларда бўлганидек «Муқаддас», «Илоҳий» деб, қаттиқ «сир» тутилмасдан балки дунёвий одамлар, реал шахслар амалга оширдилар ва кейинги авлодга қолдирдилар. Танланган одамларгагина эмас, бу билимларни ҳамма истовчиларга ўргатдилар. Натижада қадимги юнонлар ўз даврига монанд ажойиб математик назария туздилар, космик тизимни майдонга ташладилар, физика, биология, социология, психология, медицина, астрономия ва бошқа фанлар учун назарий замин яратдилар.

Платон академиясида, Аристотел лицейларида, Пифагор мактабларида бу фанлар илмий предмет сифатида ўқитилди, илмий изланишлар олиб борилди.

Аристотел бутун фанларга асос солиш билан бирга барча фанларнинг мантигини яратди, илмий билиш, яъни рационал фикрлашнинг "қуроли" ("Органон")ни кўрсатди. У илмий билимларни тасниф (классификация) қилди. Фалсафани назарий ва амалийга ажратиб, умумий фалсафадан конкрет фанларнинг фарқини кўрсатиб берди.

Аристотел илмий ишларида фаолият назариясини ишлаб чиқишнинг асосий босқичларини баён этди. **Ҳар қандай олимнинг иш мазмуни тўрт босқичдан иборат бўлиши кераклигини кўрсатди:**

- ўрганаётган масаланинг тарихи, унинг танқидий таҳлили;
- шу асосда ўрганиладиган масалани аниқ қўя билиш;
- ўз мулоҳаза, ўз тахминлари - гипотезаларини бера билиш;
- қўйилган масалани мантиқий асослаб, фактларга суяниб, ўз кузатишлари асосида янги илмий қарашларнинг илгариги қарашлардан устун эканлигини кўрсатиб бериш.

Бу жуда оддийдек кўриниши мумкин. Бироқ ҳозиргача илмий тадқиқот ишлари юқоридаги схема асосида ёзилади.

Аристотел фикрини давом эттирган буюк аллома бобокалонимиз **Форобий силлогизм (хулоса)нинг беш исбот усулини айтади:**

- **шеърый усул** – шеър санъатнинг жонли, жозибали, маҳлиё қилиш тимсоллари (образлари) имконият, воситалари ёрдамида кўпчилик оммани бирон бир нарса, фикрга ҳайрихоҳ ёки қарши қила олиш санъати.

- **Хитобий усул** – кишиларни бирон бир хулоса, ғояга назарий исбот, далил келтириб ишонтириш ўрнига, уларни мазкур хулоса, ғояга алоқаси йўқ хусусият, қилиқларига хитобан мурожат қилиб гўёки ишонтириш санъати. Масалан, математиканинг бирон масаласини еча олмаган болага, у йўл қўйган хатони аниқлаб, кўрсатиб исботлаб бериш ўрнига – «Хой Амр! Қандақ қилиб, Зайддан 2 ёш катта, куп ўкиган бола бўлиб туриб, наҳотки шу оддий масалани ечолмасанг?!» деб хитоб қилиш, итоб ва дашнам бериш орқали уни ўяттириш, масъалини нима қилиб бўлсада ечишга ундаш.

- **Суфистика (софистик)** усули – бирон бир муаммо бўйича ҳақиқатга ўзгаш фикр – мулоҳазаларни қизгин баҳс- мунозара уюштириб, гўёки ҳақиқатни исботлаб бергандек тассурот қолдириш санъати. Кўпинча сохта далил, аниқлаш мумкин бўлмаган

жиҳатларни қалаштириб ташлаш йўли билан «исботлаб бергандек» тассурот уйғотиш санъати.

• **Жадалий (диалектика)** – бу аслида исботлаш усули эмас, балки синаш, муаяйн ҳақиқатмонанд мақсад, гоёга кишиларни йўналтира олиш, ишонтириш гўё илмий, мантикий, фалсафий далилларни изчил, беҳато келтириб исботлагандек қилиб кўрсатиш, қандай қилиб бўлсада «ғалаба қилиш санъатидир».

• **Илм – яқийн (аподейктик)** усул – илм – фан, фалсафада ҳақиқий, бирдан – бир исботлаб бериш орқали тўғри, асосли зарурий ҳукмини ифодалаш усулидир ёки силлогизм назариясидир.

Арасту, Форобий фикрича 1-4 усуллар ҳақиқий исбот усуллари эмас, фақат илм – ул – яқийн (Аподейктика) ҳақиқат нима эканлигини кўрсата олади, одамни шунга ўргатади ва бу ҳақиқат билим эканлигини исботловчи усулдир – Қаранг: Аристотел. Сочинения в 4-тт. т.2.М:Мысль. 1978. с.268, 277;349;554-555; Аль-Фараби. Логические трактаты. Алмаата:Наука.1975. сс.67; Аль-Фараби. Философские трактаты. Алмаата: 1970 сс.131-132; Чанышев. Аристотел. Москва:Мысль 1987 с.152.

Аристотелнинг фикрини давом эттириб, ўзининг фалсафаси орқали илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшганлиги учун Форобий «Ал-муаллими ас-соний» «иккинчи муаллим», Аристотелдан кейинги устоз деган унвонни олди. Форобий Шарқ фалсафасида Аристотел аънаналарини давом эттириб, фанни ривожлантириш учун жуда катта ҳисса қўшди. Натижада ватанимиз мутафаккирлари яратган фан дунё маданиятининг дурдонасига айланди. Улар яратган фан жаҳон фани ичида олдинги ўринга чиқиб олди.

Ватандошларимиз Муҳаммад Ибн Муса Хоразмийнинг «Жабр ҳисоби ва қиёслов бўйича қисқача китоб» асари Жабр (алгебра) фанига асос бўлди. Аҳмад Фарғоний астрономия фанини юксакликка кўтариб, осмон жисмлари ҳаракати тўғрисидаги таълимотни яратди, математика фанининг амалий аҳамиятига эътибор бериб, техник қурилмалар ишлаб чиқди, география ва геодезия фанларини ривожлантирди, гидрология масаласини ўртага ташлади. Беруний экспериментал методга асос солиб, фаннинг ривожланишини янги босқичларга кўтарди.

Демак, диёримиз алломалари фан фалсафасини Аристотелдан кейин давом эттирибгина қолмасдан, уни ривожлантирдилар, фаннинг равнакига татбиқ этдилар. Улар Аристотел таълимотига ҳурмат билан муносабатда бўлиш билан бирга унинг чекланганлигини ҳам кўрсатдилар. Масалан, Беруний Аристотелнинг космос назарияси, геоцентрик назариясини танқид қилиб, дунёни ёпиқ тизим сифатида ўрганганлигини кўрсатиб берди. Аристотел асарларида математика табиатни ўрганишнинг идеал шакли сифатида қаралган, лекин осмоний жисмларни ўрганишда у давр математикаси чекланган, унинг

ҳисоби аниқ эмас эди. Табиатни ўрганиш – кузатиш, оддий тажрибага асосланган эди. Аниқ эксперимент асосида қилинган тажрибалар етишмас эди. Бу вазифани биринчи бўлиб Ўрта Осиё олимлари амалга оширдилар. Бирок, уларнинг буюк янгилликлари, назарий билимлари ҳаётга, техника ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилмади.

Тенгсиз, бетакрор фан уфқларига эришган аждодларимизнинг илмий асарлари Европа кутубхоналаридан жой олди. Диёримизда табиат фанларини ўрганиш, фаннинг янги мантиғини яратиш масаласи борган сари орқага кетди. Бунинг учун турмуш тарзини, ҳаёт оқими, ишлаб чиқариш ва техниканинг талабига мос фанларни барпо қилиш керак эди.

Ватанимизда яратилган, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Улуғбеклар асос солган дунёнинг гелиоцентрик манзарасига йўналтирилган фикрлари расадхоналарда қолиб кетмади, балки ХУ1 асрга келиб, ғарб уйғониш даврида фаннинг ривожланиши учун асос бўлди. Пировард натижада Николай Коперникнинг (1473-1543) гелиоцентрик назариясининг пайдо бўлишига олиб келди. Бунда диёримиз олимларнинг илмий-фалсафий қарашлари назарий асос бўлган бўлса, у ўз навбатида Ф.Бэконнинг (1561-1626) «Янги арганони»нинг пайдо бўлишида, эмпирик ва индуктив методни ишлаб чиқиши ва тарғиб қилишида ҳам назарий асос бўлди.

Аристотел табиотининг чекланганлигини таҳлил қилишда ҳал қилувчи зарба Галилей (1564-1642) томонидан берилди. У Н.Коперникнинг гелиоцентрик назариясини асослабгина қолмасдан, фаннинг янги табиатини ишлаб чиқди, фаннинг аниқ экспериментал тадқиқот методи тўғрисидаги ғояни майдонга ташлади. Бу тадқиқот методи ўрта аср шарқ фалсафаси ва фанида пайдо бўлган бўлса-да, у кенг илмий усул сифатида қўлланилмаган эди. Галилей Куёшни кузатиш учун телескоп яратди ва Куёш доғларини кузата борди: Ойнинг тепа қисмини, Юпитер сайёрасини кузатди. Аристотел яратган фан манзарасининг асосий хулосасига таяниб, аниқ эксперимент ўтказилмаганини кўрсатди ва фаннинг янги манзарасини очиб берди.

Аристотелдан фаркли ўларок Галилей фанни ҳақиқий ифода-лайдиган тил математика тилидир, деб айтди. У файласуфлар юксак маҳорат билан китоблар ёзганлар, китобни тушуниш учун унинг ҳарфларини ўқий ола билиш керак, дейди. Бу математика тили билан ёзилган бўлиб, унинг ҳарфлари уч бурчак, ёй каби геометрик фигуралардир, уларсиз фаннинг сўзларини тушуниб бўлмайди, янги усул билан, қоронғу билимларни ёруғ билимга айлантиради, дейди. Мана шундагина табиатнинг биринчи сифатларини объектив ўрганиш мумкин. Иккинчи сифатлари эса (ранги, мазаси, ҳиди, товуши)

объектив эмас, дейди у. Галилей иккинчи сифатлар аниқ эксперимент орқали биринчи сифатни акс этириши мумкин, деб айтади.

Галилей математика орқали нарсаларнинг моҳиятини ўрганишни майдонга ташлади. Фаннинг математик табиатини очиб берди. Аристотел сингари ҳодисаларнинг моҳиятини очиб берибгина қолмай, балки сифатий ўзгаришлар миқдорий ҳар хиллик (масса, заррачалар, моддалардан келиб чиқишини ҳам кўрсатди. Мана шу миқдорий характеристика математик аниқликда ифодаланиши мумкин, дейди у.

Маълумки, Аристотел фалсафасида ҳодисалар тўртта сабаб билан белгиланади: формал сабаб (ҳодисаларнинг моҳияти, унинг тузилиши ёки тушунчаси); моддий сабаб (формал тузилишга кирган нарсалар, унинг асоси); ҳаракатий сабаб ёки охириги сабаб (бирор ишга ундайдиган сабаб); мақсадий сабаб (нима мақсадда ҳодиса юз берди). Галилей Аристотелнинг мақсадий сабаби ўрнига табиатнинг мақсадга мувофиқлигини кўйди. Буларнинг ҳаммаси миқдорий характеристика орқали сифатий ўзгаришларга олиб келишини кўрсатди. Галилей Аристотелнинг мақсадий сабабининг ўрнига «табиий қонун» чексиз табиатни ташкил этувчиларни табиатдаги мақсадга мувофиқлашни майдонга ташлади. Табиатни ўрганишнинг математик тили ҳақидаги Галилей таълимотини Декарт, Ньютон ва Европа фанининг бошқа йирик намояндалари давом эттирдилар. Улар дунёнинг табиий-илмий манзарасини бердилар. Уларнинг таълимоти асосида табиатшуносликни математикалаштириш ҳақидаги табиатни билишнинг аниқ шакли ва экспериментга асосланган методи ишлаб чиқилди. Пировард натижада, дунёнинг табиий-илмий манзарасини аниқ ҳисобланган «сунъий» шароитдаги эксперимент ва математик фикрлашга асосланган механик манзараси майдонга ташланади. Бу метод баъзи ўзгаришлар билан ўз аҳамиятини ҳозиргача сақлаб қолмоқда. Эксперимент ва математик (мантикий) таҳлилга асосланган бу метод эса, фан фалсафасининг ўрганиш объекти бўлиб хизмат қилмоқда.

## 1.2. ИЛМИЙ БИЛИШНИ БИР АНДОЗАГА КЕЛТИРИШ (СТАНДАРТЛАШ) ТАМОЙИЛИ

Фан тараққиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, у аста-секин бир қолипга тушиб, тушуниш жиҳатидан турғун ҳолга келади. **Илмий билишнинг тузилиш жиҳатдан турғун ҳолга келиши фан фалсафасида фаннинг стандартлашган тамойили деб аталади.** Кўпчилик олимлар бу атамани табиат фанлари учун қўллайдилар.



Фаннинг стандартлашган тамойилини яратишда, фанни стандартлашнинг икир-чикирларигача изчил ўрганишда 1920-1930 йилларда «Вена тўгараги» аъзолари бўлган файласуфлар катта хизмат қилдилар.

«Вена тўгараги» деб аталган семинар 1922 йилда ташкил этилган. Унинг ташкилотчиси Вена университети индуктив фани фалсафа кафедраси мудири М.Шлик эди. Бу тўгарак аъзоларининг асосий муаммоси фан фалсафаси эди. Тўгаракда бир гуруҳ файласуфлар ва таниқли физик, математик, Р.Карнап, О.Нейрат, К.Геддал, Г.Ган, Ф.Вайсман, Г.Файгл, Г.Рейхенбах, А.Айер, К.Поппер, Э.Нагел каби олимлар тўпланди. Тўгарак аъзолари қарашларининг шаклланишига XX асрнинг энг йирик файласуфларидан Л.Витгенштейн ғоялари катта таъсир кўрсатди.

XX асрнинг ўттизинчи йилларида-дунё сиёсий бетинч бўлиб турган бир пайтда «Вена тўгараги» аъзолари 1929 йилда ташкилотнинг «дунёни илмий тушуниш» деган Манифестини эълон қилдилар. Мантиқий позитивизм унинг ғоявий ва ташкилий Маркази фаолиятига фан фалсафаси сифатида хизмат қилди. 1936 йилда фашизм таъкиби туфайли тўгарак аъзолари Англия ва АКШга кўчиб ўтди. Бу ерларда фан фалсафасининг ривожланишига катта имкониятлар туғдирилди.

Вена тўгараги концепциясига кўра, фан томонидан ўрганиладиган дунё ҳодисалари реал бўлиб, у, ўзининг характерига кўра ўрнаётган одамга боғлиқ эмас. Инсоннинг билиши фактларни (нарс) кузатиш, эксперимент қилишдан бошланади. Нарсалар табиатда мавжуд. Улар ўзининг, Америка Колумбни кутганидек, кашф этилишини кутади. Дунё турли-туман бўлишига қарамасдан у ўлчовлик, уни ўлчаб кўриш мумкин. Унинг ички томонига кириб бориб, турғун, бир хиллигини топиш нарсалар билан унинг моҳияти ўртасидаги алоқани кўрсатади. Фандаги ана шундай бир хиллик нарсалар билан алоқа даражасини кўрсатувчи қонунларда ўз ифодасини топади.

Қонунлар, ўз навбатида, икки турга бўлинади: эмпирик ва назарий қонунлар. Эмпирик қонунлар кузатилган объект ҳолатини ёзиб олиш имкониятига эга бўлади. Объект бевосита ёки оддий асбоблар ёрдамида ўрганилади, кузатиш ва эксперимент асосида умумлаштирилади.

Ундан ташқари, нисбатан мавҳумроқ бўлган назарий қонунлар мавжуд. Бу қонунларни бевосита объектни кузатиш асосида яратиш ёки тушунтириб бўлмайди. Назарий қонунлар моҳиятини бевосита индуктив умумлаштириш асосида ёритиб ҳал қилиб бўлмайди. Бунда олимнинг назарий хаёли, тафаккур салоҳияти ишга тушади. Олим

бунда фактлардан узоқлашиб, ақл салоҳиятини, ўзининг тахмин (гипотеза)ни ишга солиши керак бўлади.

*Муайян назариянинг тўғрилигига қандай ишонтириши мумкин?*

Бунда индуктив метод эмас, балки дедуктив метод ишга тушади. Назарий билиш кузатиш ва эксперимент асосида қилинган эмпирик назарияга асосланиши керак. Демак, эмпирик билиш фактларга асосланса, назарий билиш эмпирик билишга таянади. Илмий билишнинг стандарт моделини куйидагича ифода этиш мумкин:



Кўриниб турибдики, фактлардан эмпирик қонунлар чиқарилади, бунда индуктив метод ишлайди. Эмпирик қонунларни дедукциялаштириш асосида гипотеза, тахминлаш асосида назарий қонунлар яратилади. **Бундай билиш шакли назариянинг гипотетик – дедуктив модели деб аталади.**

Концепция муаллифлари илмий билишларни стандартлаш концепцияси, илмий фикр планеталар ҳаракатидек ҳодисадир, деб кўрсатади. Дунёнинг илмий концепцияси диний ва фалсафий қарашлардан фарқ қилади. Шундай асосий ҳодисалар борки, илмий фикрнинг аниқ моделини беради.

Илмий билиш фалсафий ҳамда диний хулоса ва натижалардан фарқ қилади. Унда умумлаштириш илмий хулосанинг қатъийлигига, тушунча ва хулосалар қондасига асосланади. Мантикий қонунларга асосланган фикрлаш ўзининг илмий тузилишига эга бўлгани учун ҳам катта кучга эга. Бу тузилиш, юқорида кўриб чиқилганидек, фактларни умумлаштириш илмий эмпирик асосда фактлардан назария ҳосил қилиш ва эмпирик назариялар асосида гипотетик-дедуктив йўл билан назарий қонунларни яратишдан иборат. Бундай фактлар ва уларни умумлаштириш фалсафий ёки диний онг билан амалга ошмайди. Чунки, улар анъаналар ёки қундалик онг даражасида ифодаланади.

Фалсафа эса аниқ ўлчовни бермайди, деб ёзади илмий билишларни стандартлаштириш концепцияси муаллифлари. Табиатшунос ўз текшириш объекти қилиб борлиқнинг бир бўлагини олади ва бу

бўлакнинг ички хусусиятига кириб боради, қонуниятини очади. Бу вазифани дин ҳам, фалсафа ҳам бажара олмайди.

Мазкур бўлимга хулоса ўрнида қуйидагиларни эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

**Биринчидан**, ФАН инсоннинг билимлар тузиш, ишлаб чиқиш, тизимга солиш (системалаштириш), ва уни текширишга қаратилган фаолиятидир. Фаннинг вужудга келишида қадимги даврда Аристотел, ўрта асрларда Форобий, Ибн Сино, Хоразмий, янги даврда эса Галилей, Коперник, Декарт, Ньютон, Гюйгенсларнинг илмий салоҳияти муҳим, роль ўйнади.

**Иккинчидан**, илмий билишда эмпирик даражада кузатишга, илмий тажриба ва эксперимент методларига амал қилинади.

**Учинчидан**, илмий текширишнинг назарий босқичида назария у ёки бу синфга оид ходисаларни тушунтириш учун ишлатиладиган қонунлар тушунчаси, тамойиллар тизимидан иборат эканлигини кўрсатиб, дедуктив-гипотетик метод асосида иш кўради. Умумийликни ифодалаш шакли бўлган идеаллаштириш, мавҳумлаштириш (абстракция), аналогия, моделлаштириш методларидан фойдаланади.

**Тўртинчидан**, илмий назариянинг шаклланишида, унинг ўсишида таққослаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, умумлаштириш, формаллаштириш, идеаллаштириш, математик методлардан фойдаланилади.

**Бешинчидан**, назарий методни ҳаётга татбиқ этиш босқичма-босқич амалга оширилади. Назарий метод мақсадга назарий йўл билан эришишдир. Бунда аксиоматик, конструктив, гипотетик-дедуктив, прагматик методлар энг асосий методлар ҳисобланади.

**Олтинчидан**, дунёнинг табиий-илмий, фалсафий ва диний манзарасининг аниқ муносабатини билиб олиш керак.

Бу масаланинг аниқ ифодаси кейинги бўлимда батафсил баён этилади.

### **1.3. ҲОЗИРГИ ДАВРДА ФАННИНГ АҲАМИЯТИНИ ОРТИБ БОРИШИ.**

#### **Илмий ва ноилмийлик соҳалар чегараси (демаркация)**

Фан ва фан эмаслик чегарасини аниқлаш демаркация (инглизча демаркацион – чегара демак) муаммоси деб аталади. Бу фан фалсафасининг асосий томонидир.

Ҳозирги кунда фан энг ишончли соҳага айланиб бормоқда. «Фан» деб тан олиннадиган соҳага одамлар ишонади. Чунки, фан ишонарли фактларга, эксперимент ва тажрибаларга асосланади ва рад этиб бўлмайдиган далилларга эга бўлади; унинг ютуқлари

хаётга татбиқ этиб борилади. Шунинг учун ҳам кўпчилик файласуфлар ва диндорлар ўзларининг қарашларини илмий деб эълон қиладилар. Улар ўз фаолиятларида фаннинг категорияларидан, тушунчаларидан мумкин қадар кенг фойдаланадилар.

Бугунги кунда маънавиятнинг турли соҳалари ҳам фан ютуқлари ва категорияларига асосланмоқда. Бироқ, фанга ўхшаган, лекин «шошилиб» чиқарилган ҳамма хулосалар ҳам фан мақомини олавермайди. Баъзида текширувчи шундай ғоялар, шундай қарашларни майдонга ташлайдики, уни энг ишонarli деб билади ва ҳеч қандай танқидий асосларни қабул қилмайди. Бундай «назариялар», одатда, фанга ўхшаган тузилишга эга бўлади. Хатто ўзи изчиллигига ҳам эга бўлади. Бугун инсоният тарихини ёки дунёни маълум ғоялар тизими орқали изоҳлашга ҳаракат қилади. Масалан, марксча синфий мафкура асосида дунёни тушунтириш: у фанга зид эмасдек кўринади, аксинча фан қонунларига асосланади ҳам ва дунёнинг синфий материалистик манзарасини беради. Ваҳоланки, бу манзара изчил илмий бўлмай, дунёнинг илмий манзарасига тўла мос келмайди. Худди дунёни синфий мафкура асосида тушунтиришдек, парапсихология, билиб бўлмайдиган «ўчиб юрувчи тарелкалар», астрологик башоратлар каби нарса, ходисалар, жараёнларни, улारेинг хали эксперименталь исботламаганлиги фактига асосланиб, бу соҳаларни, қатъий тарзда ҳаммаси парафан, сохта фан деб хулоса чиқариш бир ёқламалик бўлар эди. А.З

*Қандай қилиб фан ва фан эмаслик чегарасини аниқлаш мумкин?*

Бу жуда муҳим, бироқ ҳал қилиниши ўта мушкул масаладир. **Фан эмаслик шунда намоеъни бўладики, унда фан фактларига ва ҳозирги замон фани қонунларига мос келмайди, дунёнинг илмий манзарасини ифода этмайди.** Ҳозирги замон олимлари фан эмасликни ана шу критерий – мезон билан ифода этадилар. Бизнингча, бу тўғри.

Бироқ астрология, алхимия, парапсихология фан ҳисобланмаса ҳам фан қонунларини очиш учун туртки бўлиши мумкин. Масалан, Ньютон алхимия билан, Кеплер астрология билан шуғулланишган. Олимлар 1941 йил 22 июнда Германиянинг собиқ иттифоққа хужум бошланишини Амир Темур қабрининг очилиши билан боғлайдилар. Бунда одамлар ўз “назария”сининг тўғрилигига ишонадилар ва “бизнинг назариямиз хатолигини, фактларга мос келмаслигини исботлаб беринг”, деб даво қиладилар. Ана шундай ҳодисаларга асосланган “назария”ларнинг хатолигини исботлаш учун назария ҳам, вақт ҳам етмайди. **Бундай ҳодисаларни таҳлил қилиш учун фан фалсафаси ёрдамга келиши мумкин.** Замонавий фан фалсафаси уни (фан ва

фан эмасликни) ҳал қилишнинг мақбул усулини ишлаб чиққан. Юқорида келтирилган алхимия, руҳий таҳлил, парапсихология, астрология тўғрисидаги маълумотларни тўғри деб ҳам бўлмайди, хато деб ҳам рад этиш қийин. Ҳатто биринчи қарашда илмийликни эслатса-да, аслида улар бошқача тузилишга эга. Улар тўғри ҳам эмас, хато ҳам эмас, лекин улар муайян даврда ўзига хос тарзда илмий билиш аҳамиятига эга бўлган. Алхимия химиявий элементларнинг ички таркибига кириб боришга йўл очган. Улар орасида ўзаро муносабат, таъсир мавжудлигини аниқлашга, охир – оқибатда эса «Менделеев даврий системаси» нинг яратилишига олиб келди.-А3.

Илмий назария хато бўлиши мумкин. Бирок, у илмий назария бўлиб қолавереди. Юқорида айтилган ҳодисаларнинг “илмий” жиҳати бошқача. Улар мифологик (афсонавий) бадийят учун, шунингдек, инсон руҳий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиш учун муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Инсон ишончи ва эътиқодини шакллантиришда улар катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бирок, илмий нуқтан назардан аҳамиятга эга эмас. Улар илмийлик тушунчаси доирасига кирмайди.

**Илмийликнинг биринчи мезони тажрибага мос келишидир.** Бу ҳақда Юм ва Кант жуда тўғри фикрни айтганлар. Уларнинг фикрича, ҳиссий тажриба орқали эмпирик билишда у ёки бу объект кўрсатиб берилмаса, бундай билим аҳамиятли эмас, қуруқ сўздан иборат бўлиб қолади.

XX асрда Вена тўғараги аъзолари (позитивистлар) томонидан майдонга ташланган ВЕРИФИКАЦИЯ принципи алоҳида аҳамиятга эга. Улар ҳар қандай муҳокама (ҳукм) ёки тушунча фақат эмпирик (тажриба) синовидан ўтсагина аҳамиятлидир, деб кўрсатдилар. Астролог, парапсихологлар бир неча бор муҳокама, мулоҳаза қилиши мумкин, бироқ бу мулоҳазалар фактларга асосланмаса, унинг муҳокамаси тажрибада исботланмаса, уни фан деб бўлмайди. Улар фанга ўхшаган ёки тажрибага эга бўлмаган сўзлар деб аталади, фан жиҳатидан маъносиздир. Ўшатишдан фойдалансак, ҳарбий кийим кийиб, унинг қойдаларига амал қилишдан ташқари ҳарбий билим ҳам керак. *Демак, фан шаклида намоён бўлган ҳар қандай фикр-мулоҳаза ақлга мувофиқ келавермайди. Демак, фан бўлиши учун юқоридаги илмий билиш мезонларига жавоб бериш керак.*

Позитивизм вакилларининг энг кўзга кўринган намоёндаси инглиз файласуфи Карл Поппердир (1902-1994). Карл Поппер верификация илмийликни кўрсатадиган чегара бўлаолмаслигини кўрсатиши тасодифий эмас. Верификация методологияси ишонч асосига қурилган, билим эса мутлоқ ҳақиқий бўлиши мумкин деган фикрга асосланган. Бу иллюзияли тасаввурдир. Эртами-кечми эски назариялар ўрнига янги назария келади. Ҳақиқат деб қараганимиз

янглиш, хато бўлиб чиқади. Шунинг учун эпистемология (фалсафий илмий билиш)ни ортиб, ўсиб бориши муаммосини ҳал қилиш керак. Билимларни ортиб бориши, ўсиши билимларнинг танқидий усули бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун Поппер фалсафани танқидий рационализм, деб атади. Илмий кашфиётларнинг мантиғи нимада? Поппер фикрича, олим индуктив методдан мустақил тарзда кашфиётлар қилади. Бу қилган кашфиёти фактларга суянган ҳолда эмас, гипотезаларни майдонга ташлаш асосида амалга ошади. Ундан айрим фикрларга ўтади, деб кўрсатади. Шундай қилиб у гипотетик дедуктив методни майдонга ташлайди.

Умумий гипотезадан гаплар (фикрлар) келтириб чиқарилади. Булар тасдиқланган (исботланган) гапларга солиштирилади. Агар назариялар исботланган гапларга мос келса, олимлар бир битимга, келишувга келсалар бу назария вақтинча исботланган ҳисобланади. Чунки, ҳеч бир назария охиригача исботланган бўлмайди. У маълум маънода гипотетик характерда бўлиб қолади. Демак, ҳар қандай назария қатъий ишончли эмас, у тўғрилиқка яқин (тўғрисимон)дир. Ҳар қандай назария хато қилишдан ҳоли эмас (филибализм тамойили). Назарияни охиригача тасдиқлаш мумкин эмас, бироқ уни рад этиш, нотўғрилигини исбот қилиш (фальсификация қилиш) мумкин. Назария тажрибага, кейинги назарияга мос келмай қолса, фальсификация (нотўғрилиги исбот) қилинади.

Турли гипотетик – дедуктив тузилиш ўзининг яшаб қолиши билан белгиланади. Дунёда организм муҳитга мослашганида яшаб кетади, илмий дунёда қарама – қарши бўлмаган концепциялар яшаб кетади, дейди Поппер.

Илмий назария тажрибага солиштирилган концепция деб эътироф этилади, демак ҳоҳлаган пайтда уни нотўғри эканлиги исботланади (фальсификация қилинади). Фандан фаркли ўлароқ фалсафа фальсификация қилинмайди, демак у илмий характерга эга эмас, бироқ фалсафа маъно ва мазмунга эга, гарчи фалсафа илмий характерга эга бўлмасада, фан фалсафасиз мавжуд бўлмайди, ў сиз фанни тасаввур қилиш мумкин эмас, дейди.

Поппер фалсафа билан фан деморкация (чегаралаш) муаммосини юқорида кўрсатилганидек ҳал қилади. Поппер илмий билимнинг ўсишига катта ҳисса қўшган бўлсада, унинг концепцияси танқиддан ҳоли эмас эди. У илмий билишда гипотетик-дедуктив методга катта эътибор берсада, индуктив методга, фактларга унча эътибор бермади. Назариялар фактларга тўғри келмаса ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмаслигига эътибор бермади. Масалан, Ньютон таълимоти жуда кўп фактларга мос келмаса ҳам ҳозирги замон олимлари ундан кенг фойдаланмоқда, қўлламоқдалар. Демак, Поппер назарияси ҳам тўлдиришга мухтож.

Англиялик файласуф И. Лакатос (1922-1974) илмий изланишнинг дастури методологиясини майдонга ташлади. Поппер таълимотига кўра эски назария ўрнига янгиси келиб, эскисини бутунлай инкор этади, дейилса, Лакатос эски назария билан янги назарияларни солиштириш муҳим аҳамиятга эга деб кўрсатади. Назарияларни таққосланган илмий текширишнинг дастури асосида боришини айтади. Ҳар бир илмий текширишнинг дастури бир неча назарияларни ўз ичига олади.

Дастурнинг «катъий ядроси» бир назариядан бошқасига ўтади ва кейинги дастурга ўтиб, ўзининг ёрдамчи гипотезалари орқали ҳимоя чизигини ташкил этади. Шунингдек, ёрдамчи гипотезалардан ташкил топган ҳимоя чизиги қисман емирилиши мумкин. Ньютон илмий изланиши дастурининг «катъий ядроси» механик учала қонуни ва «тортиш» қонунидир. Мана шу асосда бир неча қонунлар ривожланди, вужудга келади.

Программанинг «катъий ядроси» бузилгандан сўнг, эски илмий текшириш дастурдан янгисига ўтиш заруриятини туғдиради. Янги илмий текшириш дастури турғинрок, катъийрок эмпирик мазмунга эга бўлиши керак. Лакатос билимларнинг ворислиги, илмий текшириш дастурининг бир-бирига боғлиқлиги масаласига эътибор берди. Илмий текшириш дастури эски дастур билан узвий боғлиқлиги кўрсатиб берилди. Илмий текширишда фанни ўрганиш фақат унинг тарихи билан чегараланиб қолмайди. Акс ҳолда догматизмга олиб келади.

Америка файласуфи Томас Кун (1922 йилда туғилган) фаннинг ривожланиши туғрисидаги Поппер, таълимотига қўшилмайди Т. Кун фикрича фаннинг ривожланиши учун илмий жамоатчилик фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Фаннинг ривожланиши учун мантикий нормалар, методология эмас, балки парадигмалар аҳамиятли деб кўрсатади.

Парадигма (намуна демакдир) ҳозирги замон фан фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири. Парадигма илмий жамоатчилик томонидан қабул қилинган, илмий анъаналарни давом эттиришни таъминлайдиган иш онг, кадриятлар, техник воситалар йиғиндисидан иборат. Парадигма ўзининг мазмуни жиҳатидан назария ва илмий текшириш дастуридан кенг ва чуқурдир. Агар у ёки бу парадигма яққа ягона ҳукмрон бўлса, мавжуд назарияга асосланган нормал фан мавжудлигидан дарак беради.

Парадигмалар қулаши, бузилиши илмий инқилобга олиб келади. Ҳар бир парадигма ўзининг рационал критерияси (мезони)га эга. Улар универсал эмас. Парадигмалар бир-бирига тенг эмас, улар ўртасида бевосита мантикий ворислик йўқ, янги парадигма эскисини бекор қилади. Шундан кўп олимлар Кун илмий билишнинг ворис-

лигига эътибор бермайди, деб кўрсатадилар. Бирок Кун фан илмий коллектив фаолияти эканлигига урғу беради. Фаннинг социал ва психологик (руҳий) томонига катта эътибор беради.

**Фаннинг вазифаси ҳақиқатни ҳолислик билан очиб беришдир.** Ҳозирги замон фанида ҳақиқат тўғрисида уч хил қараш мавжуд;

- корреспондент (хабар, маълумотли) ҳақиқат;
- когерент (маълум алоқали) ҳақиқат
- прагматик ҳақиқат.

Корреспондент ҳақиқатни тушунишда фан назарияси эксперимент асосида исботланади, қилинган гипотезалар фан доирасига кирадими, деган саволга ҳам жавоб беради. Майдонга ташланган назариялар тажрибада синалган бўлиши керак. Вена тўғараги аъзолари (неопозитивизм вакиллари) экспериментга мос келган назария, исботланган билим - ҳақиқий билимдир. Эксперимент билишнинг ҳақиқийлигини белгилувчи синов тошидир. Билим тажрибада синалади – верификация қилинади У тажриба синовидан ўтса, тўғри бўлиб ҳисобланади, тажриба синовидан ўтмаса, хато бўлиб қолади, деб кўрсатадилар.

К.Поппер биринчи бўлиб бу қонданинг камчилигини кўрсатди. Вақт ўтиши билан кейинги тажриба назарияни рад қилиши мумкин. Натижада илгариги тажриба ҳақиқат бўлмай қолиши мумкин. Бирок, маълум шароитда бошқа тажрибалар учун ҳам яроқли томони сақланиб қолиши мумкин. Бундай вазиятларда янги назария пайдо бўлади. Янги назариялар эски билимларга нуқта қўймайди, уни давом эттиради.

Физиканинг янги қонунлари Ньютон механикасига зид экспериментларни тушунтиради. Янги қонунлар уларни рад этган бўлишига қарамай бутун кунда ҳам Ньютон қонунларидан физик ҳодисаларни таҳлил қилишда унумли фойдаланилмоқда. Унинг қонунлари хусусий ҳолатларда, яъни квант механикасига ва нисбийлик назариясига қараганда оддийроқ ҳолатларда ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Таъкидлаш жоизки, экспериментнинг мос келмаслиги ҳамма вақт ҳам янги назарияни вужудга келтиравермайди. Мавжуд назарияни такомиллаштириш, унинг янги усулини топиш асосида ҳам бориши мумкин. Бирок, эксперимент хусусий ҳолларнигина эмас, балки бир бутун назарияни ҳам рад этиши мумкин. Маълумки, конкрет эксперимент ҳолати назарияни бир бутун ҳолда ифодалайди. Шундай экспериментлар борки, улар назария ифодаланаётган нарса, ҳодиса, жараённинг муайян қисми, бўлагини бир бутун ҳолда тушуниб етиш ва талқин қилиш имконини берувчи ўта муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бундай экспериментларнинг кучи бекиёсдир.



Буларни ҳал қилувчи эксперимент деб аталади. Назария ўз ғоясини реаллаштириши учун, атрофлича тушунтириш учун уни корреспондент ҳақиқат билан бир қаторда когерент ҳақиқат тарзида талқин қилиши керак. *Когерент ҳақиқат деганда (лотинча coherentia – бир-бирига боғланган демакдир) бутун илмий тасдиқ ягона гармоник бирликни, бир бутунликни ташкил этиши назарда тутилади.* Бунда эксперимент ва назария бирликни ташкил этади., ҳақиқат эксперимент ва назариянинг бирлиги сифатида намоён бўлади. Янги назария ва эксперимент натижаларини таққослаш, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида боради. Бундай ҳамкорлик илмий тизимда муҳим, ҳал қилувчи ўзгаришларга олиб келади. Ҳозирги замонда илмий билиш худди шундай тизимли (системали) ва ўта кенг кўламли характерга эга.

Замонавий фан мураккаб тузилишга эга бўлиб бормокда. Шунга кўра муваффақиятли натижа олиш ҳам осон иш эмас. Фаннинг ҳамма вақт фактга суяниши илмий билимларни тезлаштиришга ҳалақит бериши ҳам мумкин. Ҳозирги кунда олимлар ўз салоҳиятини ишга солиб, назарий билимлар ҳақида бир хулосага келганидан кейин ҳам фактга мурожаат қилишади.

Бугунги кунда, инсоннинг интеллектуал салоҳияти ижтимоий ҳаётда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вақтда инсон ўз имкониятларини, инсонийлигини намоён қилиб яшаш имкониятларига эга бўлмокда. Биз ҳақиқатнинг прагматик томонини таҳлил қилишда, практика ҳақиқат мезонидир, деган қонундан келиб чиқамиз. Бирок, илмий практика эксперимент билан чекланмайди. Амалиёт (практика) бутун назариянинг асосини қамраб олади. Бугунги кунда инсон амалий фаолиятининг бирор соҳаси йўқки, фандан фойдаланмаган бўлсин. Фан инсон кучининг ҳаётий моҳиятига айланиб бормокда. Шу жиҳатдан қараганда фаннинг тўғрилигини текшириш бутун инсон ҳаётининг барча соҳаларига тегишли бўлиб бормокда.

Шунга кўра, таълимнинг янги тизимида мустақил фикрловчи эркин шахсни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун **Президент Ислом Каримов «куч – билим ва тафаккурда» деб таъкидлади.** Бугунги кунда фанни инсон қадриятлари даражасига кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Бу деган сўз **фанни инсонийлаштириб бориш** муаммоси энг муҳим масалалардан биридир демакдир. **Илмий фаолиятни яхшиликка, эзгуликка қаратиш фалсафанинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.**

Бу масалага кейинги мавзуда атрофлича тўхталинади.

#### **1.4 ФАН ИДЕАЛЛАРИ. ОЛИМНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ**

Яшашдан мурод – эзгуликдир.

Фан инсон маънавий ҳаётининг юксак чўққиларига интилиб яшайди. Мана шу юксак чўққига интилишнинг бутун бир йўли фан идеалларини ташкил этади.

**Фан идеаллари – билимнинг назарий ва экспериментал жиҳатдан юқори даражада асослаш ва исботлаш талаби қўйилган, келажакка қаратилган нишон, фаннинг янги уфқларини очувчи, кенгайтирувчи қадриятларидир.** Фан ҳодисаларни аксиоматик, гипотетик – дедуктив, конструктив, прагматик методлар орқали тавсиф қилишда, унинг табиатини тушунтиришда қонунлардан фойдаланиб, *номологик* (Номологик лотинча номо қонун, логос – таълимот сўзларидан тузилган бўлиб, қонун тўғрисидаги таълимот демакдир) тушунтириш йўлини қўлласа, фактларни назарий жиҳатдан назариялардан фойдаланади. Биз номологик ва назарий тушунтиришга ажратишимизнинг боиси шундаки, баъзида қонун назария доирасига кирмай, мустақил иш тутади. Қонун, аксарият ҳолларда, назария доирасида амал қилади. Бундай шароитда номологик тушунтириш айни бир вақтда назарий тушунтириш ҳамдир.

Агар назарий тушунтириш «ҳодисалар қандай рўй беради?» деган саволга жавоб берса, у ҳолда феноменология жиҳатдан қаралган бўлади. «Ҳодисалар қандай қилиб, қандай усулда юз беради?» деган саволга жавоб берса, у ҳолда динамик жиҳатдан қаралган бўлади. Демак, биринчисида ҳодисалар тушунтирилади, иккинчисида унинг ўсиши, динамикаси тушунтирилади.

Фаннинг кучи ва унинг самарадорлиги юксак билимга эга бўлиш билан изоҳланади. Инсон ҳаётининг турли-туманлиги билимлар таркиби билангина чегараланмайди, балки қадриятлар ва эзгулик ғояларни ҳам ўз ичига олади. Билимга ҳалол хизмат қилиш, билим идеалларига ўз умрини бағишлаш силлиқлик билан ўтмаган. Ноилмий соҳалар томонидан тазйик ўтказилиб, унинг йўли бузиб турилган. Ўз касби ҳақида максимал даражада билимга эга бўлган олимлар фаолиятига улардан ташқарида турувчи, мутахассис бўлмаган, кучларнинг аралашуви уларнинг ҳалол, инсоний бурчларини бажаришларига халақит қилиб келган. Ёки фандан ўзларининг сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланиб, умуминсоний йўлдан буриб юборишга, фан ютуқларини инсониятнинг ўзига қарши қўйишга ҳаракат қилганлар.

Физикларнинг атом ядроси сирларини ўрганиш борасидаги кашфиётларидан инсониятни йўқ қилиш йўлида фойдаланганлар. Атом бомбасини ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқармаслик бу физиканинг назарияси эмас, балки социология ёки бошқа гуманитар фанларнинг муаммосидир. Аммо бу масалани олимлар ҳал қилмай-

ди, балки олимларни ўзига жалб қилган сиёсатчилар ҳал қилади. Шундай бўлса-да, олимлар сиёсатчиларни ҳам бутун инсониятга тегишли тўғри йўлни ишлаб чиқишга, мавжуд муаммоларни тўғри ва адолатли ҳал қилишга ундаши лозим

**Ўз виждони олдида, халқи, инсоният олдида масъулият ҳис қилиш олимнинг маънавий қиёфасини кўрсатади.**

Ҳақиқатга интилиш ҳамма вақт ҳам яхшилик билан тугаши учун ҳар бир олим ўз вазифасига масъулият билан қараши, фан ютуқларини фақат эзгулик мақсадларига қаратиш лозимлигини англаб етиши керак.

Буюк аллома Ибн Сино айтган, «яшашдан мурад эзгулик» шиори остида фаолиятда бўлиш олимнинг маънавий бурчидир.

**Фан билан шуғулланиш дунёга қадриятлар нуқтан назардан қараш асосида бориши керак. Фан инсониятни йўқ қилишга эмас, уни юксакликка кўтаришга хизмат қилиши; инсоний хислатларини намоён қилиб яшашга ундабгина қолмай, унга шароит яратиб беришга қаратилиши керак.**

Олим фан уфқларига интилар экан, унинг ютуқлари адолат, яхшилик, ҳақиқат мезонлари билан уйғунлашиб, инсон маънавий ҳаётини қадриятлар даражасига кўтаришга ҳаракат қилиши лозим. Ҳар бир инсон эркинлигини таъминлаш билан бирга унинг дунё олдида, миллат олдида, халқ олдида масъул эканлигини ҳис этиб яшашга ундаш фан соҳаси вакилининг ахлоқий бурчидир. Ҳеч бир шахс фан ютуқларининг ижобий ёки салбий томонларини олимлардек тўғри баҳолай олмайди. **Фан ҳамма вақт эркинлик, адолат, бахт, озодлик каби инсоннинг ҳаётий қадриятларини ардоқлашга хизмат қилади. Ҳақиқий олимнинг яшашдан мақсади ўз илмий салоҳиятини ҳақиқатни қарор топтиришга адолатни ўрнатишга, бахтли ҳаётга интилишни таъминлашга қаратилади.**

*Фан ана шу тараққиётга хизмат қиладими ёки реакцияга хизмат қиладими?*

Бу шу жамиятда яшашган одамларга, уларнинг келажак олдидаги масъулиятига боғлиқ.

## **1.5. ДУНЁНИНГ ФАЛСАФИЙ, ДИНИЙ ВА ИЛМИЙ МАНЗАРАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗARO НИСБАТ.**

**Дин фан учун келажакдир  
Г. Кюн**

Дунёнинг манзараси деган янги атамани аниқлаш керак.

*Дунёнинг манзараси - дунёни бир бутун, яхлит ҳолда тасаввур қилиш, кўра билиш демакдир.*

Дунёни бир бутун тасаввур қилишнинг фалсафий, илмий ва диний жиҳатлари бор. Агар дунёни яхлит тасаввур қилмоқчи бўлсак, уларни ўзаро бирликда қараш керак. Уларни фарқлаш асосида эмас, балки бирлаштириш, синтез қилиш асосида ўрганиш дунёни яхлит тушунишни ҳосил қилади. Бироқ, бир бутун дунё тўғрисидаги тасаввурларимиз у тўғрисидаги фалсафий, илмий ва диний қарашлар орқали шаклланади. Улар ўртасидаги ўзаро бирлик, ҳамкорликка эришиш жуда мураккаб кечмоқда. Баъзида эса, тасаввурлар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлмоқда. Шундай экан, уларнинг бир бири билан бўлган мунозарасини босиқлик билан ҳал қилиш керак.

**Фалсафа, дин ва фаннинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш учун улар ҳар бир инсон маънавий ҳаётининг асослари, томонлари, маданиятининг шакллари эканлигини тан олиш керак. Уларнинг қайси бири аҳамиятли деган савол қўймай, ҳар бирининг ўз ўрни ва вазифаси бор эканлигини, улар бирисиз иккинчиси яшаши мумкин эмаслигини кўрсатиш керак.**

XX асрда фан онгнинг устувор шаклига айланди. Эндиликда фан жамият тараққиётининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Жамият фансиз ҳеч жойга бормаслиги аён бўлиб қолди. Бу ҳаммага маълум.

Фан шунчалик аҳамиятли бўлишига қарамай, нима учун динсиз, фалсафасиз яшай олмайди?

**Фалсафанинг фан билан бирга яшашининг зарурияти шундаки,**

- **биринчидан,** фалсафа ўзи илмий;
- **иккинчидан,** фалсафа борлиқнинг асосий масалаларини ҳал қилиб беради;
- **учинчидан,** фалсафа илмий билим билан ноилмий билим, фан билан дин ўзаро қарама қарши эмаслигини, улар ўртасидаги мавжуд ва ҳатто кескин тафовутни ҳал қилишнинг йўлларини кўрсатиб беради.

**Диннинг муҳимлиги шундаки, диний башоратлар фан учун катта дарвозадир.**

Дин фан учун катта дарвозани очиб беради. «Дин фан учун келажакдир», - дейди немис файласуфи Г. Кюнг. Кюнг дин **фан учун келажак эканлигига қуйидаги далиларни келтиради:**

1. Ҳозирги дунёдаги адолатсизлик, тартиб йўқлиги фаннинг динга нисбатан ошиқиб, интилиб, дўст бўлиб яшашини тақозо қилади.
2. Ҳаёт қийинчиликлари ахлоқий масалаларни устувор қилиб қўйишни талаб қилади. Бу эса диний масалаларга қизиқишнинг ўсишига олиб келади. Бу тамомила асосли ва тўғри чунки дин чек-

сиз борлиққа нисбатан инсонда мантиқан ва психологик қўрқувни енгиб ўтишга имкон беради, рухий тасалли беради, ўзига ишончини шакллантиради

3. Черков таъсири камаяди, атеизм рад этилади.

4. Диний борлиқнинг моҳиятини англаш социал муносабатларни тушунишда дин фақат ўзига тегишли диний аҳамиятига бўлган масалаларнигина қўйишини тушуниб етиш имконини берди.

5. Борлиқ худо сифатида қаралади. .

*Худо тўғрисидаги масала билан худонинг ўзи тўғрисидаги масалани фарқ қилиш керак. Худонинг реаллиги эътиқодли инсон учун энг муҳимдир. (7)*

*Бугунги кунда фалсафа, фан, дин уйғунликни ташкил этади. Дунёнинг диний манзарасини тасаввур қилиш эътиқодга асосланади.*

*Фалсафа мантиққа, мантиқий қонунларга асосланади.*

*Фан экспериментга, тажрибага асосланади.*

*Дунёни тушуниш учун эътиқод, мантиқ, тажриба – ажралмасдир.*

XX аср файласуфларининг фикрлари хилма - хилдир. Масалан, англиялик файласуф Б. Рассел фанни биринчи ўринга қўяди (фалсафа ва дин кейинги ўринларда). Гегел фалсафани биринчи ўринга қўяди. Ницше дин, фан ва фалсафага танқидий қарайди. В. Соловев динни фалсафа ва фандан юкори қўяди. Хайдеггер эса, фалсафани устун қўяди.

*Фан, дин, фалсафа бугунги кунда ўзаро ҳамкорликда яшайди. Бу ҳақиқат. Инсонлар мулоқот қонунлари асосида, дунёнинг бир бутун манзараси асосида тинч осойишта яшашга ҳақли. Инсоннинг ана шундай интилишларини асослашда фалсафанинг ўрни юксак.*

*Фалсафа фан доирасида ўз уйида яшагандек бўлса, дин билан ҳамкорликда эса, қадриятлар моҳиятини англайди, инсон моҳиятини намоён қила олади.*

*Фалсафа фан билан фан эмасликнинг маънавий ҳаёт тарзини мулоқотга келтиради, муросяю-мадорага олиб боради.*

Хулоса ўрнида: дунёнинг уч хил манзараси бўлиб, улар бир - бирини инкор этмайди, аксинча бир - бирини тўлдиради. Фақат уларнинг ҳамкорлиги асосида инсониятга таҳдид солиш ғояси барҳам топади. Инсонлар ўртасидаги биродарлик туйғуси қарор топади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А.. Миллий мафкура ҳақида. Т. Ўзбекистон, 2000 й. 28-бет.

2. Каримов И.А. «Истиклол имкониятларидан оқилонга фойдаланайлик», асарлар. 4 жалд 133 бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т. 1995. 9-бет.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т. 1993, 184-бет.
5. Кант И. Соч. в 6 т. Т. 4, часть I. 241-бет.
6. Зотов А.Ф., Мельвиль Ю.К. Западная философия XX века. М. 1998, 247-бет.
7. Философия. Учебник под ред. Д.Губина, Т.Ю.Сиборной, В.П.Филатова, М. 1997, 269-275 бет

## **1.6 МЕТОДОЛОГИЯ. ИЛМИЙ МЕТОД ВА УНИНГ МАНТИФИ.**

### **Фалсафа ва фан.**

Фалсафанинг пайдо бўлиши борлиқни ақлий ўрганишга ундади. Бу эса фаннинг пайдо бўлишига замин яратди. Фалсафанинг фан билан алоқаси унинг маъно ва вазифасини чуқурроқ аниқлаш имконини беради. Фалсафа фанми? деган саволни кўйса, бизнинг кўпчилик файласуфларимиз ҳайрон қоладилар. Баъзилар эса, бу саволни ақлига сиғдирмай «Фалсафа яхлит фан», фалсафани фан эканлигини инкор этиш, унинг мавқени пасайтириш деб биладилар. Ваҳонланки, фалсафа тарихида кўпчилик файласуфлар унинг фан эмас, балки ундан юқори турадиган онг шакли, юксак маданият эканлигини таъкилайдилар.

Бундай саволга жавоб бериш учун фалсафа ва хусусий фанларнинг вазифасини аниқлаб олишимиз керак. Хусусий фанлар деганда реалликнинг айрим томонларини ўрганувчи фанлар тушинилади. Булар физика, химия, биология, иқтисодий назария, адабиётшунослик, ҳуқуқшунослик, тилшунослик ва бошқа кабилардир. Шундай қилиб, фан бугунги кунда мустақил билимлар соҳасини ташкил этади. (гуманитар, ижтимоий, табиий фанлари, техника фанлари каби).

Шунга қарамадан ҳамма фанларга хос йўллارни белгилайдиган томонлари бор. Бу уларнинг илмийлигидир. Шунинг учун илмий билиш ноилмийликдан, илмий эмас билимлардан фарқ қилинади:

Кундалик онг (ростмона онг), бадиий онг ва бошқалар ноилмий билишни ташкил этади.

Бугунги кунда фан инсон фаолиятининг барча соҳаларига кириб бормоқда. У инсон кўлида турли соҳаларни ташкил қилишда кучли қурол бўлиб хизмат қилмоқда. Бироқ фаннинг шундай ҳолат-

га келиши учун инсоният узоқ йўлни босиб ўтди. Натижада илмгача бўлган билиш шаклидан илмий онг вужудга келди.

Фаннинг пайдо бўлиши ҳақида бир неча қарашлар мавжуд. Булардан кенг тарқалганларини айтиб ўтаем.

Биринчи қараш, фаннинг пайдо бўлиши Қадимги Юнонистонда (Грецияда) эр. VI-V асрларда фалсафанинг пайдо бўлиши билан вужудга келган деган фикрди. Бу даврда инсон мифологик тафаккур тарзидан, фалсафий ва илмий фикрлаш тарзига ўтади. Натижада фалсафа ва фан вужудга келади. Бу даврда қатор фанлар соҳаси пайдо бўлади. Даставвал математика, сўнг биология, тиббиёт, астрономия, механика фанлари ташкил топа бошлайди. Эвклид (эр. и. 333-277), Архимед (эр. и. 287-212) таълимотлари пайдо бўлади. Эвклид таълимоти геометрияга асос солди. Эвклид ва Архимедлар биринчи бор изчил математик назариянинг намунасини бердилар. Қадимги Юнонистонда тафаккур соҳасида изчил назарий билимлар яратдилар. Булар изчил билимлар тизимини бевосита кузатиш асосида яратдилар. Бироқ улар табиат фанларига математикани тадбиқ этаолмадилар. Шунинг учун табиат фанларидан қатъий илмий назария ярата олмадилар.

Ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирлари майдонга ташлаган таълимотлар табиат ва инсон тўғрисидаги илгор табиий-илмий ва фалсафий қарашлар илм-фан ва ижтимоий тараққиётни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб юборди. Шарқ мутафаккирлари «юнон риёзати, фалакиёт ва тиббиётнинг тор асосларини емириб ташлаб, алгебра ва тригонометрия, шунингдек, оптика фанларининг асосларини қурдилар»-деб ёзганди Ж.Бернал.

Табиий-илмий тасаввурларнинг тобора чуқурлашиб бориши оламдаги нарса ва ходисаларнинг ўзаро алоқадорлигини пайқаш, аниқ фанлар соҳасида олиб борган фундаментал тадқиқотларда (Жобир-химияда, Розий-химия ва тиббиётда, Ҳоразмий, Фарғоний математика ва астрономияда, Беруний фалакиёт, геодезия, маъданшуносликда, Ибн Сино тиббиётда ва манзил, ва шаҳар сиёсатида) мазкур алломаларнинг илмий қарашлари эволюцион дунёқарашнинг шаклланишига олиб келди-деб ёзади; А.Зоҳидий. (1)

Бундан кўринадики, Марказий Осиё мутафаккирлари конкрет фанларнинг вужудга келишига замин тайёрлабгина қолмай, уларнинг текшириш объектлари ва предметларини ишлаб чиқди. География, картография, химия, геодезия, биология каби фанларнинг бошловчиси сифатида тадқиқот олиб бордилар. Медицина, астрономия, математика фанларини янги босқичга кўтардилар. Агар юнонлар табиатшуносликда ҳеч бир изчил назарияни ярата олмаган бўлсалар, бу вазифани диёримиз алломалари шараф билан амалга оширдилар. Математикани табиат ходисаларини ўрганишга тадқиқ этдилар.

«... Муҳаммад Хоразмий алгебра фанининг асосчисидир; деб ёзади О.Файзуллаев. У фан тарихида биринчи бўлиб квадрат тенгламаларнинг тигларини ва ҳар бир типини ечиш методларининг таснифини беради.

Агар қадимги Юнонистонда математикани алоҳида фактлар асосида, эксперимент қилинмаган бўлса, Беруний, Хоразмийлар уни конкрет фактларга тадбиқ этди, шу асосда ҳозирги замон табиат илмининг изчил мантиғи яратилди. Ҳатто Виннер асос солган кибернетика, И.Пригожин ва Хакенлар асос солган синергетиканинг назарий ва мантиқий асослари ҳам Шарқ тафаккуридадир (Буни Фарб олимлари ҳам тан оладилар).

Фаннинг ривожланиши ва пайдо бўлишини Овропада XVI-XVII асрлардан бошланади, деган концепция ҳам бор. Бу қарашга кўра фан И.Кеплер (1571-1636) И.Ньютон (1643-1727)ларнинг таълимотлари пайда бўлиши даври билан боғлайдилар.

Фаннинг пайдо бўлиши табиатшунослик билан боғлиқдир. Гарчи табиатшунослик ва техника Шарқда вужудга келса-да кенг омма тафаккурини ўзгартира олмади. Фан бир бутун зиёлилар оммасини вужудга келтира олмади. Фан оммавий тус ола олмади. Жамиятда техник эҳтиёж вужудга келадиган тафаккур тарзи, ижтимоий муҳит йўқ эди.

Фарбда изчил математик тилга асосланган эксперимент пайдо бўлди. Бу эса табиий қонунларни кашф қилиш имкониятларини берди. Табиатшунослик назарияси даставвал механикада, кейинчалик физиканинг турли соҳаларида кашф этилди. Бу назариялар қатъий, тизимли тажрибаларга, кузатишларгагина эмас, балки мавҳум – назарий тушунчалардан ташкил топиш характериға ҳам эга эди. Шунинг учун улар математик моделлаштириш билан боғлиқ тарзда (1-бобға қаранг) XVII асрларда олимларнинг илмий уюшмаси Овропада пайдо бўла бошлади.

Бу уюшмаларда одамлар ўзларининг вазифалари ва ижтимоий аҳамиятни англаб етдилар. Демак, фан ўзига хос социал институт сифатида пайдо бўлди. Секин-аста фаннинг Лондон Қироллик жамияти (1662), кейинчалик (1666 й.) Париж фанлар Академияси ва бошқа илмий уюшмалар пайдо бўла бошлайди. Фан ҳукмрон динға ҳам, ҳукмрон ҳокимиятға ҳам анъанавий фалсафаға ҳам зид фаолиятда бўлмади. Билимларнинг тузилиши ва ижтимоий институт ҳақида изландилар. Бироқ бутунлай қарама-қаршиликсиз илмуғи йўқ эди. Айрим олимлар анъанавий фикрларға кескин қарши чиқди. (М.Г. Галилей, Ж.Бруно) Бироқ кўпчилик олимлар бундай зиддиятларға эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлдилар. Танланган хаваскор олимлардан мутахассис олимларға ўтиши секин-аста илмий-зиёлилар армиясини вужудга келтирди. Бу биринчидан, олий мактабда ва ил-



мий муассасаларда ишлайдиган олимлар доимий ва ҳақ тўлаш асосида борди. Иккинчидан, олий мактабда доим илмий кадрлар тайёрланди. Учинчидан, уларда илмий гоёлар ворислиги таъминланди, илмий иш олиб бориш таъминланди, олий мактаб академиялар билан илмий алоқалар ўрнатилди.

Даставвал фан фалсафадан алоҳида ўзини тасаввур этмас эди. Олимлар ўзларининг илмий ишларини «позитив экспериментал фалсафа» деб атадилар. Табиатни илмий ўрганиш йўли ва методини фалсафий асослаш деб қаралди. Илмий билишнинг методини ишлаб чиқишда Ф.Бекон (1561-1626) Р.Декарт (1596-1650) Ж.Локк (1622-1704) Г.Лейбниц (1646-1716) ва бошқа файласуфларнинг ҳизмати катта. Бироқ янги замон файласуфлари ўрта аср ғарб аъъанавий-схоластик фалсафани танқид қилиб, илмни экспериментал ва назарий асослашни исботлаб бердилар. Олимлар даставвал дин билан алоқаси асосида табиатни худо берган сирларини таҳлил қилиш мумкинлиги ҳақида фикр юритдилар. Табиат тўғрисидаги китоблар илоҳий қудратнинг хотирада сақланиши деб қарадилар. Илоҳий яратгани учун унда қонуният, тартиб мавжуддир. Инсон ақлий мавжудод сифатида уни билишга қодир деб айтганлар. Бундай қарашлар ҳозиргача давом этиб келмоқда. Шундай қилиб, фан пайдо бўлиши, унинг ривожланишида бош маданият шакллари билан: дин билан ҳам фалсафа билан ҳам келишмовчиликка бормаган.

Бироқ фаннинг кенг риволаниши, унинг таъсир доираси кенгайиб бориши, бутун маданият устидан ҳукмронлик қилишига олиб келди. Бошқа маданият турлари ўртасидаги муносабат мураккаблашди. Бундай ҳукмронликнинг биринчи тўлқини дин ва фалсафа устига тушди. Санъатга ҳам таъсирини кўрсатди. Фан ҳаётнинг бутун жабҳаларини истисносиз қамраб олди.

Европада бундай тўлқин XIX аср бошларида намоён бўлди. Россияда XIX аср 60-йилларида кузатилди. (2) Бу даврда ноилмий маданият шакллари инкор этиш расмга кириб қолган эди. Бунинг сабаби Европада бу даврда фан жуда катта мувоффақиятга эришиб улгурган эди. Бугунги кунда компьютер технологияси, информацияга боғлиқ фанлар глобаллашиб бормоқда, генетиканинг аҳамияти ортиб бормоқда, фан бойликнинг манбаи сифатида намоён бўлмоқда, унинг аҳамияти биринчи ўринга чиқиб қолди. Инсон борлиги фан билан тобора боғлиқ бўлиб бормоқда. Бундай жараёнлар фаннинг табиат устидан эмас балки инсонлар устидан ҳам ҳукмронлик қилишга олиб келмоқда. Фаннинг ҳукмронлиги одамларнинг ахволини яхшилаш билан бирга уларнинг маънавий ҳаёти, ахлоқи, қадриятлар устидан ҳам ҳукмронлик қилмоқда. Бу деган сўз техноген цивилизацияси бухронга учрамоқда. Мана шу фан-техникага асосланган Ғарб тафаккурига инсоннинг моҳиятини чуқурроқ ўрганадиган Шарқ та-

факқурини, (ҳис-туйғусини) кўшиш асосида цивилизацияни кутқариш мумкин. Фан табиатниг ўзгартриб инсон эҳтиёжига мослаштирмоқда, инсоннинг сунъий модели пайдо бўлмоқда, унга олдида белгилаб қўйилган хоссаларни вужудга келтирмоқда. Унинг онги илгаридан белгилаб қўйилган лойиҳа асосига кирмоқда. Бундай одамни лойиҳалаш инсоний муносабатларни сиқиб чиқармоқда, ундаги инсонийлик туйғусини йўқотмоқда инсон билан инсон ўртасидаги туйғуларга асосланган муносабатларга путур етказмоқда.

Шундай қилиб, фан ривожини инсонлар жамоасини, бутун маданиятини, даставвал гуманитар маданиятни бир томонлама тараққиётга олиб келади.

Фан таъсирининг борган сари ўсиб бориши фалсафа олдида бир талай муаммоларни майдонга ташлайди. Даставвал фалсафа фанми? унинг фанга муносабати қандай? Деган саволларга аниқ жавоб бериш керак. Фалсафий фикр тараққиётда турлича қарашлар мавжуд. Буларнинг энг асосийларини кўриб чиқайлик.

**Булардан биринчиси,** фалсафа мустақил аҳамиятга эга эмас, деган фикр билан боғлиқ. Бундай қараш тарафдорлари фалсафа фанга хизмат қилиш керак, деб айтадилар. Бундай йўналишда ўзининг аниқ қарашларини берган неопозитивизм ва унга яқин бўлган XX аср 20-30 йилларида вужудга келган аналитик фалсафадири.

Бундай қарашлар тарафдорлари гарчи тил тўғрисида янги фалсафий назарияларни берган бўлсада, фалсафанинг вазифаси билимларнинг тилини мантиқий таҳлил қилишдан иборат, фалсафа илмий билиш жараёнини таҳлил этиш керак, илмий билишнинг методологиясини бериш керак, дейди. Олимлар реалликни ўргангани, файласуф методологик жиҳатдан олимнинг қилган ишини таҳлил қилади. Унинг қилаётган фаолиятининг маъносини аниқлайди. Демак, фалсафа фанга нисбатан буйсуниш характериға эга дейдилар.

Мана шундай қарашларға эътироз билдириб Иля Пригожин шундай дейди: фалсафа ўз мавқеини тиклаб «Фанлар қироли» бўлади ёки бошқа фанлар орқасидан эргашиб уларнинг хизматқори бўлиб қоладими?» (3)

**Иккинчи хил қарашлар** фалсафани қатъий фан деб билишдир. Бундай қараш тарафдорларидан фалсафа тарихида Аристотел, Гегелларни келтириш мумкин. Фалсафа физика ёки математика каби қатъий фандир. Кўпчилик фан идеалари, тамойиллари фалсафа томонидан ишлаб чиқилган. Бугунги кунда фаннинг тушунча тузилишларини (категориал апаратларини) фалсафа ишлаб чиқмоқда. Фундаментал тушунчаларини таҳлил қилишда бир келишувға келишда табиатшунослик ва фалсафа самарали иш қилиши мумкин. (4)

Фалсафа шундай илмий масалаларни ҳал қилишда мувоф-  
фаққиятли иш олиб бормоқда. Мана шунинг учун анчагина файла-  
суфларга фалсафани фан деб аташга имконият беради. XX аср фай-  
ласуфларидан Гуссерл ва шу кабилар фалсафани фан деб қарайди-  
лар. Феноменология фалсафасининг энг йирик вакиллари билан бўлган  
Гуссерл (1859-1938) шундай деб ёзади: «Инсон маданиятига бўлган  
қизиқиш қатъий илмий фалсафани ташкил этишни талаб қилади».  
(5) Гуссерл ва унинг тарафдорлари фалсафанинг фанга айланиши  
ҳақидаги усуллар билан шуғулланишди. Бу метод фалсафани фанга  
айлантиришга имконият яратади, деб билдилар. Бу масала билан  
фалсафадаги бошқа оқим вакиллари ҳам иш олиб бордилар.

**Учинчи хил қарашларда** фалсафа фан эмас, фан бўлиши мум-  
кин эмас деган фикрлар мавжуд. Фалсафа фандан тамомила фарқ  
қиладиган, моҳият эътиборан бошқа маданият шакллари билан ўзгача  
маданиятдир. «Ҳа фалсафа фан эмас, у фандан кенг, ундан катта-  
дир»-дейди испан файласуфи Х.Ортега-и-Гассет (6). Бу деган сўз  
фалсафа бошқа фанлардан хабардор бўлиши, уларни умумлаштири-  
ши, хусусий фанларнинг чекланганлигини, улар қилаолмаган вази-  
фаларни бажариши керак демоқдир. Бу маънода фалсафа «Фанлар-  
дан катта»дир. Фанларни умумлаштириб, янги билимлар беради, бу  
билимларни хусусий фанлар бера олмайди, бажараолмайди. Фалсафа  
янги вазифани, ижтимоий вазифани ҳам бажарди.

Бугунги кунда энг кўп тарқалган қараш 2-3 қарашлар (бу ҳақи-  
даги сўз бошида ҳам айтилган).

Фан билан фалсафа ҳамма вақт ҳамкорликда яшайди. Бундай  
ҳамкорлик фалсафанинг методологик вазифасида ўз ифодасини то-  
пади.

### **Метод ва методология**

XX аср фан асри бўлганлиги маълум. Унинг мавқеи вазифаси  
қатъий. Бу фанга бўлган ишонч ортиб бориши билан изоҳланади.  
Кўпинча «билиш» тушунчасини «Илмий билиш» тушунчаси билан  
аралаштириб ишлатамиз. Уларни деярли бирдек қараймиз. Ваҳо-  
ланки, улар ўртасида кескин фарқ борлигини I бобда кўриб чиқдик.  
Илмий билиш доирасига кирмаган анчагина билимлар тури борки,  
уларнинг манбаалари фан, илмийлик бўлмасдан, ҳаётий тажриба,  
эстетик тасаввурлар, диний башоратлар ва бошқалардан иборат  
бўлиши мумкин.

Фан, илмийлик ўзининг тўлаллиги, амалий исботланиши ва на-  
зарий асосланиши тарзида ўзига хос восита ва усуллар билан уни  
ташкил этиш, тузилиши билан характерланадиган онг шаклидир.

Илмий методнинг моҳияти шундаки, уни тасаввур қилиш қийин  
эмас: у шундай бажариладиган иш таркибиди, натижада илмий би-

лим олинади, бу усул ёрдамида уни қайта тиклаш, текшириш, бошқаларга узатиш, фалсификация қилиш мумкин. Билиш жараёнида инсон учун асосан икки савол кизикарлидир. Қандайдир реалликнинг ўзи нима. ва ўша реаллика қандай муносабатда бўлиш керак?. Бошқача айтганда, реалликдаги нарса ва ҳодиса нима? Бундан мазкур нарса, ходиса, жараёнларни қандай билиш мумкин деган муаммо – савол ўз – ўзидан мантиқан келиб чикди.-А3  
Метод – бу иккинчи саволга жавобдир. Кўпинча бу саволга жавоб ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Методнинг аҳамиятини тушуниш учун қадимги Хитой балик овчилари билан деҳқонлар ўртасида бўлган воқеани мисол келтириш мумкин. Саҳий балиқ овчилар ўзининг тутган балиқларини оч қолган деҳқонлар билан бўлишар эди. Ҳар сафар баликнинг бир қисмини берар эдилар. Кейинчалик маълум бўлдики, ҳар сафар балиқ бергандан кўра, деҳқонларга балиқ овлашни ўргатиш осонроқ ва арзонга тушар экан. Балиқ овлашга ўргатиш уларга метод, усул бериш, демакдир яъни амалий фаолият учун усуллар тизимини бериш демакдир.

Билиш фаолияти ҳам шундай бўлади. Демак, билимларни қандай қилиб олиш мумкин. Булар, биринчидан, қайта тикланади ва унинг мавжуд билимлар асосида тўғрилиги исботланади. Иккинчидан, янги, илгари номаълум билимлар олинади. Демак, фан бошқа ижтимоий онг шаклларида фарқли ўларок унда метод янги билим олиш тизими сифатида қўлланади. Мана шу методлар тизими, йиғиндиси сифатида фан соҳасида илмий билишнинг методологияси пайдо бўлди. Фалсафа аксиологик-қадриятлар тўғрисидаги таълимот, онтологик-борлик тўғрисидаги таълимот, гносеологик-билиш тўғрисидаги таълимот, праксиологик амалий фаолият тўғрисидаги таълимот, фалсафий антропология-инсон тўғрисидаги таълимотларни ўз ичига олиши билан унинг дунёқараш вазифасини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фалсафанинг дунёқараш вазифаси унинг методологик функцияси билан узвий боғлиқдир. Методология, методлар тўғрисидаги таълимотни, маълум мақсадга эришиш усули сифатида тушунилар экан, илмий билишнинг, бадий ижоднинг, социал амалиётининг самарадорлик билан конкретлаштириш, тизимга солиш, рўёбга чиқишини тушунтириб, изоҳлаб бериш вазифаси борлиги маълум бўлди. –А3.

Фалсафий методология деганда бутун борлиқга тегишли бўлган унинг таъсири фундаментал аҳамиятга эга. Муайян даврларда баъзи методлар, масалан, индуктив ёки дедуктив умумфалсафий метод, методология даражасида аҳамият касб этиши мумкин. –А3  
Бу:унги

кунда илмий билишни, фанни ташкил қилиш, тузишида амал қиладиган методлардан: тизимлилик, глобал ва ижодий эволюционизм, ўз-ўзини ташкиллаш, тарихийлик кўрсатиш мумкин. Булар дунёнинг умумий манзарасини ўрганадиган методлардир.

### **Тизимлилик методи**

Тизимлилик методи деганда фанда фундаментал қонуниятга асосланган ҳолда текшириладиган объектни қайта тиклаб уни тартибли деб қарашдир.

Одатда «тизим» деганда элементларлардан ташкил топган, улар ўртасида ўзаро алоқали тартибли қўшликни тушунилади. Тизимлилик самарадорлиги элементлар асосида ўзаро муносабатда бир бутун тизимни (системани)нг янги хоссалари билан пайдо бўлишидир. (Масалан, водород ва кислород атомлари ўзининг одатий хоссасини ўзгартиради).

Ҳодисаларнинг тизимли ташкил топишининг яна бир белгиладиган томони пастки поғонадаги тизим кичик тизим изчиллик билан юқорироқ тизимга бўйсунуши ва юқори кичик тизимни ўз ичига олиши, иерархия, субординация (кичикларнинг қатгага бўйсунуш) ҳолатидир.

Тизимлилик методи асосида элементларни бирлашуви уларнинг жиддий, муҳим алоқадорлиги кўрсатилади. Тизимнинг кичик-тизимларни ўз ичига олиши, уларнинг турли даражалардаги элементлар билан алоқасини таъминлайди. Демак, бутун тизимда ҳар қандай кўринишда, даражада тизим ўзининг элементлари билан алоқада бўлади. Масалан: инсон-биосфера-Ер планетаси-қуёш тизими-галактика ва б. Мана шундай бир бутун тизимли характеристика дунёни намоён қилади. Мана шу асосда дунёнинг илмий манзараси асослаб берилади. Тизимлилик методи ўрганаётган объектга бир бутун, муносабатда қарашдир. Тизим ўзининг турли типларига эга. Бунга дунёни илмий манзарасидан, энг катта тизимдан тортиб жамиятгача, инсон организми, руҳий ҳолати ва кибернетик тизимларни ўз ичига олади. Тизимли қараш XX аср 50-60 йилларда Т.Парсонс асарлари таъсирида айниқса сиёсий фанларда кенг тарқалган. Умий тизим тарафдорларининг фикрича «тизим» табиий ҳолда бир неча турда учрайди. Бунга социал, шунингдек биологик ва механик тизимларни мисол келтириш мумкин.

Биологик ва механик тизимларда салбий қайта (тескари) алоқани кўриш мумкин. Бунда информация тизими ўз ҳолича сақлаб қолинади, акс таъсирга мослашади, асосий мақсаддан офшрни тузатиб боради, тизимнинг барқарорлигини таъминлайди. Бу механик ва биологик тизимни ҳамда социал тизимда қайта алоқа асосида

ташки муҳит таъсирида ўзгариб турадиган ҳолатларини тартибга солиш ва бошқариш жараёнидир.

**Бироқ кенг маънода тизимга энтропия таъсир этиб (ёпиқ тизимда) узоқ вақтда ўзининг энергиясини тақсимлаши мумкин. Очiq, чизиқсиз тизимда ўз – ўзини ташкил қилиш юз беради. Энтропия (хаос) тартибга ўтади. Демак, социал тизим очiq бўлса, энергияни ташқаридан олади, модда ва энергия алмашуви юз беради, ташқи муҳит билан алоқада бўлади, энтропия (хаос)дан тартибга ўтади. Очiq тизим ўз-ўзини ташкил қилиш қудратига эга. Тизимлилиқнинг умумий назарияси системанинг ташқи муҳит билан алоқаси ва адаптациясидир.**

Тизимлилиқ тафаккури техниканинг тузилиши, самарали ва меёрида ишлашни айниқса аниқ тасаввур қилиш имконини беради. Натихада Л.Гендерснинг назарияси пайдо бўлди. Бу назария асосида «Социал тизим», «тизимли фаолият» тушунчалари ишлаб чиқилди. Тизимнинг кичик тизимларга муносабати модели пайдо бўлди. Тизимлилиқнинг бошқа мақсади шу метод асосида ижтимоий-гуманитар ва табиий-техник фанларни бирлаштиришдан иборат. Ниҳоят умумтизмилиқ модели экосистемани ўрганиш, социал тизимларнинг атроф муҳитга муносабатини ўрганишда марказий ўринга чиқиб қолди. Тизимнинг ривожланишида глобал эволюционизм методи муҳим аҳамиятга эга.

### **Глобал эволюционизм**

Глобал эволюционизм-бутун борлиқ, коинот ва унинг пайдо бўлган катта-кичик тизими ривожланишсиз, эволюциясиз юз бермайди, деб қарайдиган методдир. Яъни ривожланишда бўлган борлиқдаги ҳамма нарса бир бутун дунёни ташкил этади. Ҳар бир таркибий қисми глобал эволюция жараёнини ташкил этади.

Курсимизнинг методологик мағизи эволюцион синергетик парадигмадир. Бу фаннинг илгарилаб бориши ва унинг олдинги ўрнига чиқиб олишини таъминлайди. Бу универсал, глобал эволюционизмни ўз-ўзини ташкил этишни биринчи ўринга қўяди. Бундай метод намунасини В.И. Бернедский, П. Тейяр де Шарден, И.Р. Пригожин, Г. Хакен ва бошқалар ўз асарларида атрофлича баён этганлар. Мана шу методлар асосида бизнинг талабаларимиз бир бутун тизим сифатида ривожланаётган дунёни чуқурроқ ўрганишда деб умид қиламиз. Бу бутун нарсаларга мутлақо илмий қарашнинг янги методидир. Гарчи эволюция гоёси XIX асрда ўзининг ифодасини Ч. Дарвиннинг турларнинг келиб чиқиши таълимотида ақс топган бўлсада, назарий биологиянинг асоси бўлиб хизмат қилсада, неорганик дунёга тадбиқ этилмаган эди. Социологияда эволюция назарияси

ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишга (XIX асрда) уринувчилар бўлган. (М: Г. Спенсер).

Бироқ бу даврда ижтимоий ҳаётда эволюция революцияга ўтади, Дарвин таълимотини жамиятга тадбиқ этиб бўлмайди, деган қараш ҳукмрон эди. Ижтимоий қонуналарга тарихга эволюцияни тадбиқ этиб бўлмайди деб, тадбиқ этганларни эса «социал дарвинистлар» деб камситадиган гаплар айтилди. Жамият революцион йўл билан тараққий этишни охирига етказди, деган ғоя ҳукмрон эди. Революция жамиятнинг ҳаракатга келтирувчи куч деган Марксча мафкура бошланиб кетди. Инқилоб (революция) зўрликни истисно қилмайдиган, уни ўз ичига оладиган «зўрлик янги жамиятнинг дояси» деган тушунча ҳам тўғридан-тўғри шунга қаратилган. Холбуки эволюцияни жамиятимизни янгилашнинг дастури қилиб олиш ҳозирги замон янги илмий билимларга жуда мос келади. «Такрор-такрор айтмоқчи-ман жамиятни янгилашнинг инқилобий усулларига биз мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий-эволюцион ислохотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз»,-деган эди Президентимиз И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» деган асариди.

XX асрда ҳамма нарсага янгича қараш, янгича метод асосида иш олиб боришга тўғри келди. XIX асрда мумтоз фундаментал фанлар дунёни механик манзараси асосига қурилган эди. Эволюцион таълимотнинг бирор жиҳати, ғоясига «тил» теккизилмади. Коинот, дунё бир бутун тарзида шу вазиятда ва турғун ҳолда деб қаралди. Янги нарсалар, ернинг пайдо бўлиши тасодифий оғиш асосида вуждга келган деган тасаввур ҳукмрон эди.

XX асрда ҳамма нарсага янгича қараш радикал ўзгаришга эга бўлди, десак ҳато бўлмас. XX асрнинг 20 йилларида пайдо бўлган коинотнинг кенгайиб бориш назарияси биринчи бўлиб мумтоз физикадаги антиэволюцион кайфиятнинг камчилигини кўрсатиб берди. Бу коинотни стационар (кўзгалмас) коинотдан ностационар (кўзгалувчан, ўзгарувчан) коинот ҳолатининг кашф этилиши эди. Агар коинот кенгайиб борар экан, галактикалар бир-биридан узоклашар экан, уларни ҳаракатга биринчи ҳаракатга келтириш учун (тезлигининг бошланиши учун) энергия керак. Ҳозирги замон илми (XX аср охирида) бу саволларга жавоб беришга киришди. Бу саволларга «Коинотда катта портлаш назарияси» жавоб беради.

Бу назарияга кўра коинотда 20 миллиард йил олдин «буюк портлаш» юз берган. Уч минутдан сўнг коинотнинг моддий асоси (фотонлар, нейтрино ва антинейтрино, водород ядроси, гелий, электронларнинг аралашмаси) пайдо бўлганлиги ва коинотнинг бугунги кунгача бўлган эволюцияси баён этилади. Бу назария XX асрнинг 70-йилларида кенг тарқалди ва мустаҳкам ўрин олди. Натижада дунёнинг тузилиши, пайдо бўлиши тўғрисидаги тасаввурларга ўзгарти-

риш киритилди, ностационар коинот тузилиши тўғрисида қарашлар пайдо бўлди. Унинг вақт жиҳатидан бошланиши бор, демак у тарихий вақтда эволюциялашади. 20 миллиард йиллик эволюцияни принцип жиҳатидан қайта тиклаш мумкин, деб ҳисоблайди олимлар. Шундай қилиб, эволюция ғояси физика ва космологияга ёриб кирди. Бугина эмас, кейинги ўн йилликларда химияга, геологияга ҳам кириб борди. Шу вақтгача химияда моддаларда «турларнинг келиб чиқиши» қизиқтирмас эди. Моддаларнинг изчил келиб чиқиш эволюциясининг «буюк портлаш» назарияси исботлаб бергандан кейин вазият ўзгаради турли элементларнинг пайдо бўлиши тўғрисида қарашлар пайдо бўлди.

Аммо коинотнинг пайдо бўлишининг биринчи дақиқаларида жуда катта иссиқликда эди. Бунда ҳеч қандай моддалар компонентлари (атомлар, молекулалар)нинг яшаши мумкин эмас эди. Фақат уч минутдан сўнг ядро материалларининг озгина микдори пайдо бўлади (водород ядроси ва гелийлар), бир бутун атом ва энгил элементлар бир неча юзминг йилдан кейингина пайдо бўлган (коинотда элементлар эволюцияси схемада берилган). Демак, юлдузларнинг пайдо бўлиши натижада Менделеев жадвалидаги элементларнинг вужудга келишини кўрамыз. Шундай қилиб, химик элементларнинг структурали (тузилиши) тартибини, пайдо бўлишини ҳам ёзиб олиш мумкин бўлди.

Эволюция ғояси мураккаб молекуляр бирикмаларни ташкил этиш жараёнини тўлдириши, аниқлаши қизиқарли манзараларни намоён қилди.

Дарвинг эволюцион назариясига кўра, ўсимликлар ва хайвонлар оламида мураккаб организмнинг ташкил топиши (бир хужайраликдан инсонгача) табиий танлаш механизми асосида боради. Шунга кўра миллионлаб турлар янгиланиб боради, фақат самарадорлигини сақланиб қолади. Шунга ўхшаган ходисалар табиатда жонли мавжудотлар пайдо бўлиши олдидан бошқача ҳолат учратилган. Буларга шундай фактлар мисол бўла оладики, 100 маълум химик элементдан фақат олтитаси (углерод, водород, кислород, азот, фосфор ва сера) тирикликнинг асосини ташкил этади. Мана шу олтита элементнинг организмдаги улуши 94,4%ни ташкил этади. Яна 12 элемент тахминан 1,6%ни ташкил этади.

Аслида дунёда химик бирикмалар номуносивдир. Ҳозирги даврда маълум бўлган 8 млн. химик бирикмалар мавжуд. Шулардан 96% органик бирикмалардир. Улар 6-18 элементлардан ташкил топган. Бутун қолган табиатдаги элементлар нимагадир 300 мингга яқин ноорганик бирикмаларни ташкил этган. (10)

Қизиги шундаки, кўп миллионли органик бирикмалардан биотизимни ташкил этишда бирнеча юзтасигинаси банд. 100 та маълум аминокислоталардан табиатда жонли организм оқсил



аминокислоталардан табиатда жонли организм оксил молекулаларига 20 таси ишлатилади. Бунга ўхшаган фактлар ва биологик эволюциягача химик элементлар ва бирикмалар эволюциясини кўрсатади.

Химик эволюцияда ўз-ўзига ривожланишда катализаторлик тизимнинг аҳамияти назарияси ишлаб чиқилган. Бу масалада жумбоқлар кўп. Бироқ ҳозирги замон химияси эволюция масаласи билан шуғулланиши факти жуда муҳимдир. Ҳозирги замон биологиясида эволюциянинг кўп тармоқли, кўп режали сифатида қаралмоқда. Жонли материя молекуляр, тўқималар, организм, популяция хатто биогеоценотик даражада ўрганилмоқда. Энг катта муваффақият молекуляр-генетик механизмнинг кашф этилиши, информациянинг (ахборотнинг) генетик механизмини аниқлашдир, ДНК ва РНКларнинг аҳамияти ва тузулиши аниқланди, ундаги нуклеотлар изчиллиги методи аниқланди ва б. Эволюциянинг синтетик назарияси (техника ва дарвинизм синтези) микро эволюция (популяция даражасида) ва макроэволюция (турлардан юқори даражада) ривожланишга олиб келди; популяцияда элементар эволюция сифатида аниқланди. Буларнинг ҳаммасига Дарвиннинг эволюцион назарияси асос бўлиб хизмат қилди. Эволюция ғояси бошқа табиат илмларида ҳам хусусан (геологияда дрейф концепцияси) экологияда, биология, антропологияда ҳам кенг қўлланмоқда, ҳозирги замон табиатшунослигида «ҳамма мавжуд нарсалар эволюция натижасидир» деган шиор мавжуд. Дунёнинг илмий манзараси эволюциянинг умумий характерда эканини кўрсатиш унинг илгариги қарашлардан асосий фарқ қиладиган томонидир.

Биологияда эволюция назарияни анчадан буён катъий, турғин аънамага эга. Физика, химия ва геология бундай ғояга энди кўниқилмоқда. Социал ҳаётда ҳам эволюция ўз ўрнини топди. Демак, эволюция глобал назарияга айланди. Бу ғояни таъминлашда янги фанлараро метод ўз-ўзини ташкил этиш ҳақидаги илмий йўналиш синергетика катта аҳамиятга эга. У эволюциянинг ҳар қандай объектада ҳаракатлантирувчи куч эканлигини баён этишини кўзда тутди, унинг ўз-ўзини ташил қилиш механизмини беради.

### **Ўз-ўзини ташкил қилиш**

Ўз-ўзини ташкил қилиш деганда материянинг, борлиқнинг эволюция натижасида ўз - ўзича мураккаблашиб бориши натижасида мукамалроқ таркибан тузилишга эга бўлиши тушинилади. Моддий тизимнинг мураккаброк, тартибга тушган ҳолатига келиши, бутун системанинг ҳар қандай даражасига тегишлидек кўринади. Бу муҳим масала борлиқнинг табиий-илмий манзарасининг умумий ташқи кўринишини, шунингдек турли илмий билимларни бир бутун, изчил ташкил этиш усулини кўрсатади. Ўз-ўзини ташкил қилиш чи-

зиксизлик, глобал эволюция сифатида жаҳон илмий адабиётларида тез-тез учраб турибди. Тартибнинг хаос орқали шаклланиши, бифуркация асосида ўзгариши, вақтининг орқага қайтмаслиги, беқарорлик, эволюция жараёнларининг ўзгариши И. Пригожин ва унинг сафдошлари эълон қилган асарларда ўз ифодасини топган.

Ўз-ўзини ташкил қилиш ҳодисаси мураккаб жисмларнинг очик тизимда ташкил топиши сифатида Г. Хакен асарида «Синергетика» деб ном олди. Ўз-ўзини ташкил этиш асосида дунёнинг янги илмий манзараси, унинг умумий ва ўзига хос томонлари борган сари мустахкамланиб бормокда. Ўз-ўзини ташкил этиш синергетик таълимот сифатида жуда кўп эски тушунчаларга ўзгартиш киритди, уларни қайта қўриб чиқиш ва янги тушунчалар киритиш тасаббускори сифатида майдонга келди, янги илмий ғояларни майдонга ташлади.

Агар илгари тасаввуримизда хаос салбий маънода ишлатилса, шунинг учун одамлар унга қўрқиб муносабатда бўлса, синергетика хаос мураккаб тизимнинг ташкил топишида, очик тизимда ижобий аҳамиятга эга эканлигини асослади. Шундай қилиб эволюциянинг йўли хаосдан тартибга, тартибдан хаосга ўтиш асосида боради. Ривожланиш фақат хаосдан иборат бўлса, тартибсизлик, бузилиши юз беради. Ривожланиш фақат тартибдан иборат бўлса, у боши берк кўчага кириб қолади, деган қондани майдонга ташлади. Мураккаб тизимнинг тангликдан чиқиб кетишида тасодифлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мураккаб ташкил топувчи тизимнинг ривожланиш йўлини мажбурлаш мумкин эмас, унинг ривожланишига, ўзини-ўзи ташкил топишига имконият яратиб, рағбатлантириш керак. Табиатни, жамиятни бошқариш уни мажбурлаш асосида эмас, ўз-ўзини ташкиллаш ва бошқариш шаклида бўлишини тақазо қилади.

Ривожланиш муқобилсиз (альтернатив) босқичма-босқич олға қараб кетиш сифатида қаралар эди. Босиб ўтган йўл фақат тарихий аҳамиятга эга деб билинар эди. Агар орқага қайтиш юз берса, эскини диалектик олиб ташлаш сифатида тушунтирилган. Ривожланишда муқобил юз берса, бу умумий йўналишдан тасодифий оғиш деб тушунилган, бу умумий тенденция унверсумнинг объектив қонунларига бўйсунди. Ҳамма муқобиллар умумий ходисалар гирдобиди йўқ бўлиб кетади, уларни ютиб юборади, деб тушунтирилган.

Мураккаб тизим, одагта бир неча муқобил (альтернатив) ривожланиш йўлига эга. Эволюциянинг бирдан ортиқ йўлга эга бўлиши унинг қатъий эмас, турли томонга кетиши, бу йўллардан мақбулини топиш, танлаб олиш имкониятини беради. Бу дегани инсон бу йўлларни топиб олиб, ўз фаолиятини табиатни бузишга қаратмаслиги кераклигини англаб етиш имкониятини беради. Гарчи эволюция йўли кўп бўлса-да унинг бифуркация ажралиш чизиғи бу имкониятларни унинг шоҳчалари йўли унинг шоҳчалари минимумга ҳатто

тасодифга, уникамга айланиши туфайли чекланган бўлмайти, деб айтиш мумкин. Тизимнинг ҳозирги ҳолати унинг ўтмиши билан эмас, балки ҳозирги ҳолати келгусини ҳам туғдиради, ўзида ифода-лайди.

Синергетика бутун ва бўлак йиғиндиси масаласига янгича муносабатда бўлади. Улар ўртасидаги янги тамойилларни очади. Уларнинг муносабати асосида суперпозиция, уларнинг йиғиндиси бутун ва бўлакнинг мураккаб эволюциясини кўрсатади. Оддий бўлаклардан мураккаб ривожланган тизимнинг шаклланишини очиб беради. Бунда тизимни бирлаштириш ва бир - бутунга келтириш оддийдан мураккабга қараб бормайди, балки ана шу тизимнинг локаллашуви «энергия нуқсони» ҳисобига қопланиб боради, бироқ бутун бўлакларнинг йиғиндисидан иборат бўлмайди. Умуман олганда бутун бўлакларнинг йиғиндисидан катта ҳам кичик ҳам эмас, балки сифатий жиҳатидан бошқа бутун, бошқа тизим бўлади. Бутун билан бўлаклар ўртасида янги мувофиқлик келиб чиқади. Бутун билан бўлак ўртасида ўзаро муносабат мавжуд бўлади. Бу деган сўз ҳар бир шахс жамиятда эркин фаолиятда бўлсада, бир бутун тизим ишидан ҳабардор бўлиши, бутун «нафаси»га уйғун равишда иш тушуни тақазо қилади. Мана шундагина шахс билан жамият ўртасида уйғунлик вужудга келади. Шахс жамиятни ривожлантиради., жамият шахснинг фаолияти учун имконият яратади. Жамиятдаги шахсларни бир мақсадга бирлаштиришни ташкил қилиш, бутун халқларнинг ҳамкорлигини вужудга келтиришга муайян мақсад, гоё, айниқса уларни илмий – назарий асослаб берувчи илмий фалсафа хал қилувчи тутрки бўлиши мумкин.

Илгари тасаввуримизда қанча куч сарфласак шунча махсулот оламиз деган тасаввур бор эди. Мураккаб тизимнинг ўз-ўзини ташкил этишда энг муҳими куч эмас, балки тўғри модели, архитектура-сини ташкил этишдир. Кичик, бироқ тўғри ташкил этилган резонанслар, оддий математик модел ҳам компьютер дастури ҳам мураккаб тизимга таъсир этиши қанча самара беришини кўрсатади. Шунга кўра, синергетика мураккаб тизимни бошқаришда нималарга суяниш кераклигини, уни самарали бошқариш ўз-ўзини ташкил қилиш асосида бориши кераклигини уқтиради.

Таълим тизимида қанча кўп дарс маъруза берилса, талаба шунча билимдон бўлади, билим кўп бўлади деган тасаввур бугунга келиб эскириб қолди. Таълимнинг ўз-ўзини ташкил қилишининг асоси, унинг «мувофиқ моделини яратиш» демакдир. Бунинг учун ёшларни ўз-ўзини ташкил қилиш, ўз-ўзича билим олишини ташкил қилиш зарурлигини тушуниш ва бунини алоҳида рўёбга чиқара олишга ўргатиш, шундай кўникмалар ҳосил қилиш керак бўлди. Мана шунда «кичкина» аммо кўп билим имконияти пайдо бўлади. Мақбул

модел юсак «портлаш самарасини», эмергентлик-янги сифатни вуждга келтиради.

Шу вақтгача хукмрон бўлган чизикли тафаккур тарзига кўра жуда тез ўсиш (дунёда халқларнинг кўпайиб бориши, билимларнинг ортиб бориши, иктисодий «мўъжиза»лар) экспонат-кўрғазмали, даража кўринишда, кетма-кет ошиб боришда деб қаралган. Ваҳоланки кўпинча жараёнлар бирин-кетин ўсиб бориш асосида эмас, балки тез оқим (лавина) шаклида бўлар экан. Қандай қилиб очик тизим, чизиксиз муҳитда иктисодни ташкил қилишнинг ташаббускори бўлиши мумкин. Синергетикада бирданига қўллаш, бирданига ташкил топиш деган тамойил бор. Ўсиш, самарадорликни кескинлашув, кескинлашув билан тежашлар, тартиблар кескинлашув асосида боришни асослаб беради.

Чизиксизликда, маълум вақт, маълум босқичда жараёнларнинг ўта тез риволаниши имконияти тасаввур қилинади. Бундай ривожланиш механизми асосида чизиксиз ижобий-қайта тезкари алоқа ётади. Салбий қайта тезкари алоқа турғунликни сақлайди, тизимни мувозанат ҳолатига қайтаришга мажбур қилади. Тоффлер салбий қайта тезкари алоқага хонага қўйилган термостатни мисол келтиради. Хона маълум харорат кўтарилиб исиш меъёрига етганда термостат иситгичдан автоматик узоқлашади. Харорат пасайса, термостат уни «сезади» ва яна иситгичга яқинлашади, ва хароратни маълум меърага етказилади. Бунда хароратнинг бир меъёра сақланишини кўради. Бунда тизим барқарор ҳолда бўлади. Салбий қайта тезкари алоқа ҳамма жойда ишлайди, бизнинг атрофимиздаги нарса ва ходисаларнинг мувозанатда ва барқарор бўлишини талаб қилади.

Аммо япониялик олим билиш назариясидан мутахассис Мигора Маруяма XX аср 60-йилларида салбий қайта тезкари алоқага жуда катта эътибор берилаётганини пайқаб, ижобий тезкари қайта алоқага жиддий эътибор беради. Бунда жараёнлар ривожланиши тўхтамайди, бир меъёра сақланмайди, балки унинг ортиб боришини таъминлайди. Тизимнинг барқарор шаклда қолишига йўл қўймайди, барқарорликни бузиб ташлайди. Ижобий қайта тезкари алоқа Маруямада таълимотига кўра, энг кичкина оғишга, тизимдаги ҳар қандай «чиқиш»га жавоб беради, уни сезади, шунинг учун уни ривожлантиради. Бу ривожланиш натижасида тизимнинг бир бутунлигига футур ётади. Ижобий қайта алоқа тизимнинг бутунлай тез ўзгаришини таъминлайди. И. Пригожин ва унинг мактаби чизиксиз, ўзгарувчан, нобарқарор ҳолатдаги борлиқнинг ривожланишига эътибор берди. Бунда ижобий тезкари қайта алоқа тизимида бирданига ўта тез ўзгаришнинг аҳамиятини таъкидлайди. Улар ўзгараётган, ривожланаётган турғун эмас, чизиксиз дунёни ўрганмоқдалар. Бу барқарорликсиз дунёди. Бусиз ривожланишнинг ўзи йўқ.

Ана шу ижобий қайта алоқа турли жабҳадаги ўз-ўзини ташкил қилишдаги автокатализатор жараёнларнинг моделидир. Пригожин ва унинг мактабидаги илмий ходимлар химик реакциялардаги автокатализатор механизмини ишлаб чиққанлар. Химик тизимдаги миқдорий кўпайишга баъзи молекулалар ҳеч бир иштирок этмайди. Бироқ реакцияларга катализаторлик аҳамияти бор эканлигини айтади. Бу молекула тузилиши ва унинг реакция қилиш қобилиятига боғлиқ. Бу эса маълум тизимнинг ривожланиши, янги ҳолатга ўтишида, унинг мустахкамланишида муҳим аҳамиятга эга. Мана шунда ҳолларда салгина, кучсиз оғиш, четга чиқиш ҳам тизим ҳолатига кескин таъсир қилади. Масалан, маҳсулотнинг иштироки ўз ишлаб чиқаришининг тезлигини ошириши мумкин. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш катализаторлик вазифасини бажармоқда.

Бундай ҳодиса ҳар қандай жараёнда юз беради. Баъзи одамлар ишлаб чиқаришга бевосита иштирок этмаса ҳам, унинг ривожланишига катализаторлик аҳамиятига эга. Бу деган сўз моддий неъмат яратиш-яратмаслик, ишлаш, ишни ташкил қилиш, ишсизлик тушунчаларига янгича муносабатда бўлишга тўғри келади демакдир. Уларнинг ривожланишга салбий аҳамияти бор деган фикрлар қатъий эмаслигини кўрсатади. Ишлаб чиқаришни тезлатишдан кўра, ўз-ўзини тезлатиш масаласини рағбатлантириш керак бўлади.

Автокатализатор жараёни биологик, иқтисодий, социал тизимда кенг қўлланилмоқда. Бунда қадимдан маълум бўлган «пул-пулни туғдиради» деган гапга эътибор берайлик. Агар маълум суммани банкка қўйсақ, тегишли фоизини оламыз. Бу жуда секин бўладиган жараён. Пулни тез кўпайтиришнинг имконияти унинг оборотини (айланишини) таъминлаш, пулнинг айланиши, унинг бирор ишга жалб этилиши, унинг кўп марта кўпайишини таъминлайди, кўпроқ одамларни ёллаш имкониятини туғдиради.

Аммо чизиксиз очик муҳитда тизимнинг ҳар бир нуқтаси ўзига хос аҳамият касб этади. Бунда пулнинг миқдори, нарсалар концентрацияси ҳар хил. Бу деган сўз муҳитнинг ҳар бир нуқтасидаги жараёнлар турли томонга кетади демакдир. Бироқ муҳитнинг ҳар бир нуқтасида ўзига-ўзининг таъсири бор. Бундай тизимда иқтисоднинг ўсишида, унинг тезланишида, ўз-ўзича фаолият кўрсатишида ижобий қайта алоқанинг макондаги муҳитда аҳамияти бисёрдир. Бу тизимга ёмон таъсир ўтказиб қолмайди. (айрим ҳолларда шундай бўлади), балки фавқулотда жуда тез ривожланишнинг манбаи бўлиб хизмат қидади.

Мана шундай жараёнларнинг кескинлашувининг (тартиб асосида кескинлашувининг) модел ҳолати (маълум шароитда) нотурғун, ўзгарувчан, диосипатив ўтатурғун тизимга олиб келади. Бу ажойиб парадоксал ҳолатдир. Локал ҳолатда тизимнинг жуда тезлашуви

ажойиб хайрон қоларликдир. Бир тартибдан иккинчисига ўтишда чизиқсиз ижобий алоқа ўзида ички тез ривожланиш механизмини таъминлайди. Бу ўз-ўзини ташкил этишнинг, янги тизимнинг вужудга келишининг механизмидир.

### **Тарихийлик**

Тизимнинг ташкил топиши ва ривожланишида яна бир хусусият бор. Бу хусусият бошқа методлардан фарқ қилади. Бу тарихийлик методидир. Бу умумий фалсафий метод сифатида ҳар қандай ўрганаётган жараён давомиги, ҳозирги билан яқунланмаганлиги, бу ҳар қандай дунёнинг илмий манзарасига ҳам тааллуқли. Ҳозирги илмий билимлар илгари тарихий давр яратган қарашлар, билимлар давомидир. Бу билимлар ўз навбатида давримизнинг социал ўзига хослиги натижасидир. Жамиятнинг ривожланишини, ундаги кадриятлар муносабатининг ўзгаришини, табиат ва жамият ходисалари тизимининг бетакрор томонларини таҳлил қилиш, бунинг ажралмас қисми сифатида инсоннинг ўзининг кўшилиши, бу инсоннинг дунёга бўлган муносабати асосида илмий изланиши каби масалалар тарихийликни кўрсатади.

Бундан ташқари мувофиқлик принципи мавжуд. Бу Н. Бор томонидан ишлаб чиқилган. Тўлдирувчилик принципи Н. Бор ва Гейзенберг томонидан майдонга ташланган илмий билишда неопозитивизм майдонга ташланган верификация принципи ва К. Поппер майдонга ташлаган фальсификация принциплари (методлари) мавжуд. Бу ҳақида илгариги бобларда кенгрок ёритилган. Бир бутунлик принципи ҳам мавжуд, бу тўғрисида ҳам синергетика мавзусида баён этилган.

**Редукция принципи**-(лотинча *reducere* орқага қайтиш, қайта тиклаш деган маънони англатади)-ҳамиша фан соҳалар учун ягона (унифицирлашган) тил асосида илмий бирликни ташкил этувчи методологик дастур сифатида редукция ғояси янги фан фалсафаси томонидан майдонга ташланган ва мантикий-методологик принцип (тамойил) сифатида, математик мантиқ воситаси сифатида эмпирик табиатшуносликда ишлатилган. Бу ҳаракат мантикий эмпиризм (неопозитивизм) томонидан XX аснинг 20-30 йилларида майдонга ташланган ва Вена тўғараги, Берлин гуруҳи файласуфларига ғоявий яқин бўлган. Бунинг фаол иштирокчилари Шлик, Карнап, Франк, Рейхенбах, Фейгл, Нейрат ва б.лар бўлган. Буларнинг бирлашишига сабаб даст аввал анъанавий қуриқ мулоҳазага асосланган (спекулятив) фалсафага салбий муносабатда бўлишидир. Уларнинг умумий ягона тил асосида фанни таҳлил қилиш ва ўрганиш ғояси эса, қилинган тажрибаларни илмий асосда уларнинг маънавий асосини яра-

тишни кўзда тутганлар. Ходисаларнинг маъносини чуқурроқ акс эттиришни ўйлаганлар.

Шунинг учун баъзи редукационизм тарафдорлари физикализмни қўллаб-қувватлаганлар. (физика «тилни»ни ҳамма фан учун умумий деб қаровчилар) шунинг учун эмпирик верификация тили физик объектни ифодалайди, деб айтади. Бу эса редукационизм тарафдорларининг чекланганидир. Умумий тил воситасини тадбиқ этиш методи билиш назариясининг муҳим томонидир. Фармалашган тил асосида моделлаштириш, идеаллаштириш каби методлар илмий билиш жараёнларини амалга оширади. Редукция принципи ўз-ўзига илмий билимларни хал қилиб беришига амалга ошира олмаган бўлсада, фаннинг сунъий тил асосида ташкил топишига қизиқиш уйғотди. Натижада фанни ташкил қилишда янги белги тизими яратилди, бунинг оқибатида кибернетика ва компьютер мантиғи когнитология пайдо бўлди ва х.к.з. Редукция дастурининг ҳаётга тадбиқ этилиши, тизимлилик ёндашиш умумий йўналишга альтернатив (муқобил) дастур сифатида майдонга келди. Тизимлилик мураккаб тизимнинг тузилиши ҳақидаги таълимотдир. Тизимлилик ҳаракатининг кўпчилиқ томонлари синергетиканинг таркибий қисми бўлиб қолди. Унинг шаклланиши компьютер тизимининг, шу асосда инженер билимларининг шаклланиши жуда катта шароит яратиб берди, бу борада редукационизм мантикий эмпиризм майдонга ташлаган методлар манбаи ҳисобланади.

**Моделлаштириш принципи ва аналогия методи.** Моделлаштириш объектнинг аслини (оригиналини) ўрганишда нусхаси (модел)ни яратиб, бу модел билиш жараёнида оригинални ўрганишга қаратилган муҳим томонининг мос келишидир. Модел ҳамма вақт ўрганаётган объектга тегишли белгиларга мос келади. Бироқ ўзининг хусусиятлари билан объектдан фарқ қилади. Модел биз текшираётган объектни ўрганишни осонлаштиради, қулайлик тўғдиради. Моделлаштириш методини қўллаш ёки бевосита билиш, ўрганиш мумкин бўлган томонини ёки иктисодий маънода унинг фойдалигини кўзлаб ўрганиш мумкин бўлмаган томонларини билишда қўлланади. Масалан, олмоснинг табиий ташкил топиш жараёнини, ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, шунингдек бир қатор микро-мего дунёдаги ходисаларни бевосита кузатиш мумкин эмас. Бундай ҳолларда кузатилаётган объектга уни сунъий қайта тиклаш асосига ўтишга, ходисаларга ўхшаш шаклларни топиш билан ўрганишга қулай йўللарни топади. Баъзида бевосита эксперимент қилгандан кўра мақбул модел яратиш жуда катта самара беради.

Моделни илмий билиш методи сифатида икки катта туркумга бўлиш мумкин: моддий ва маънавий (идеал). Моддий модел табиий объектга тегишли ва фундаментал табиий қонунларга бўйсунди. Иде-

ал моделлар ҳодисаларни маънавий ташкил этиш, маълум белгилар шаклига мос келиши, белгилар мантиғи асосида амалга ошиши билан дунёнинг акс этишидан иборат.

Ҳозирги давр технологик ва илмий жараёнларда, амалиётнинг турли соҳаларида моделлаш компьютер техникаси кенг қўлланмоқда, турли махсус дастурлар асосида компьютерлар, турли реал соҳаларни моделлашга қодир. Бунда халқ хўжалигининг турли соҳаларини (бозор иқтисодини, баҳоларни, иш билан банд бўлиш, иқтисодий ўсиш, аҳолининг ўсиши, ишлаб чиқариш, Ернинг сунъий йўлдоши ва б.) компьютер моделлаш асосида амалга ошмоқда. Бундай жараёнлар компьютер модели асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Аналогия** шундай билиш методикаси, у орқали объектларни солиштирганда бир неча томонлари ўхшашлигидан бошқа томонлари ҳам ўхшаш деган хулосага келинади. Ҳодисаларнинг айрим белгилари ўхшашлигидан бошқа белгилари ҳам ўхшаш деган натижага келинади. Масалан, ёруғлик табиатини ўрганганда дифракция ва интерференция ҳодисаси аниқланди. Бу ҳодисалар товушларда мавжудлиги олдинроқ аниқланган эди. Товушда тўлқин табиати мавжуд. Бу ўхшашликдан Х. Гюйгенс ёруғлик тўлқин табиатга эса деган хулосага келди. Шундай аналогия асосида Бройль жисм зарралари ва майдонни ўртасидаги ўхшашликдан жисмларнинг заррачалари тўлқин табиатига эга деган хулосага келган. Аналогия асосида қилинган хулосани тушуниш ҳажми кенг информацияни (ахборотни) бир объектдан иккинчи объектга ўтказиш моделлашнинг гноссологик (билиш) асосини ташкил этади.

**Мавҳумлаш, идеаллаш ва формалаштириш методлари.** Ўрганадиган объектнинг белгилари кўп уларнинг айримлари ўрганадиган объект учун муҳим эканлигини, бошқалари эса номуҳим, иккинчи даражали эканлигини ажратамиз. Биз ўз текширишимизда маълум белгиларга эътиборимизни қаратиб бошқаларини фикрдан соқит қиламиз. Демак, мавҳумлаш маълум белгиларни ажратиб, бошқа биз учун керак бўлмаган, текшириш объекти учун муҳим бўлмаган томонини фикрдан соқит қилишдан, узоклашишдан иборат усулдир. Фикрий фаолият натижасида турли абстрактсиз илмий тушунчалар ва уларнинг тизимлари вужудга келмайди. Масалан, беш бармоқ, беш одам деган конкрет нарсаларни биламиз. Беш деган тушунча мавҳумлашган. Барча нарсаларнинг бешлигини ифодалайди.

Мавҳумлик инсон билимининг янги босқичидир. Нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини, қонуниятини очиш учун фақат ҳиссий билиш орқали, яъни сезги ва идрок билан иш кўриб бўлмайди. Бундай ҳолларда мавҳум фикрлаш қўл келади.



Илмий билишда **умумлаштириш** усулидан ҳам фойдаланамиз. Умумлаштириш деганда объектни ўрганаётганда уларнинг муҳим белгиларини ажратиб, умумий, жинсдош белгиларини топиб умумлаштирилади. Демак, умумлаштириш ўхшаш, жинсдош объектларнинг умумий хусусиятларини, белгиларини мантиқан бирлаштиришдан иборат бўлган усулдир.

Идеаллаш, деганда уларнинг муҳим белгилари ҳақида мантиқий фикр юритишдир. Идеал нарсалар соф ҳолда ҳаётда учрамайди. Масалан, «идеал катталик», «идеал газ», «соф қора ранг», «соф қаттиқ жисм» у ҳаётда йўқ. Улар ҳаётдаги мавжуд нарсаларнинг идеаллаштириш асосида пайдо бўлади. Улар ҳаётдаги нарса ходисаларнинг хусусиятларини, белгиларини ифодалайди. Шунга кўра идеаллаш (идеаллаштириш) фанда қўлланадиган усулдир.

**Формаллаштириш** деганда нарсалар тузилишининг белгиларда ифодаланиши тушинилади. Тузилишини, шаклини белгиларда ифодалаш орқали унинг моҳияти очиб берилади. Ходиса ва жараёнларнинг шакли, тузилиши турли қонунларга асосланади ва уларни келтириб ҳам чиқаради. Масалан, олимлар оксил моддалар аминакислоталар тартиби, уларнинг тузилишига боғлиқ эканлигини аниқладилар. Бундай тузилиш турли формаллашган белгиларда, белгилар тизимида ифодаланади. Бу формаллашган белгилар орқали ташки тузилиши орқали унинг ички томонини, унинг моҳиятини (микродунё хоссаларини, ген ва хромосомларни, мегадунёни) ўрганамиз. Бундай билмлар ходисаларнинг бевосита жараёнларини эмас, балки ўша жараён моҳиятини чуқурроқ акс эттирувчи формаллашган белгилар орқали ўрганамиз. Бунда ходиса, жараёнларни ўрганишда инсон томонидан белгиланган сунъий тил муҳим аҳамиятга эга. Инсон билиш жараёнидаги фикр кучининг аҳамиятини кўрсатувчи омилдир.

Илмий билишдаги мантиқий усуллар (методлар) илмий билиш, тушуниш даставвал таққослашдан бошланади, у бошқа буюмлардан фарқ қилади ва унга яқин нарсага бўлган ўхшашлиги аниқланади. Билиш, ўрганиш белгиларини ажратиш учун фикран бўлақларга ажратиш керак. Демак, **анализ** (тахлил) ўрганилаётган жараёнларни фикран қисмларга бўлиш, уларнинг айрим қисмларини, белгиларини, хусусиятларини ажратишдан иборат бўлган мантиқий усулдир. (11)

Билишда айрим бўлақлар, қисмларни ўрганиб, фикран уларнинг бутунлигини тиклаш керак. Демак **синтез** анализ (тахлил) қилинган қисмларни фикран бирлаштириб, бир бутун ҳолга келтиришдан иборат бўлган мантиқий усулдир.

XX аср мантикий позитивизм оқимидаги файласуфлар аналитик ва синтетик гапларни илмий билишда фарқ қилиш кераклигини айтдилар. Аналитик ва синтетик гапларни фарқ қилиш фанни тушунишда муҳим аҳамиятга эга, деб кўрсатадилар. Аналитик гаплар шундай гапларки, уларнинг ҳақиқатлиги гапнинг ўз мазмунидан келиб чиқади. Масалан «квадрат ҳамма бурчаклари тенг бўлган геометрик чизикдир», «жисмлар кўламликка эга» деган гапларнинг ҳақиқатлиги ўз-ўзидан маълум. Бундай хол синтетик гапларда йўқ. «Китоб столда», «студентлар шод-хуррам яшашни ёқтиради» деган гаплар синтетик гапдир. Синтетик гапларнинг ҳақиқатлиги эксперимент тажриба орқали текширилади. Неопозитивизм фандаги гаплар ёки аналитик ёки синтетик бўлади деб айтади. Аналитик гаплар априор мантикий зарурийликка эга синтетик гаплар эса эксперимент қилинади ва тажрибада синалади. Шундай қилиб фанлар экспериментал ва ноэкспирементал фанларга бўлинади. Биринчисига физика, химия, психология, тарих, социология каби фанлар кирса, иккинчисига мантик ва математика каби фанлар киради.

**Ингуктив метод** деганда, айрим фикр асосида умумга бориш усулини тушинилади. Бунда фикр хусусий, айримдан умумга боради. Фикр умумдан хусусийга, айримга бориши эса **дедуктив** метод деб аталади.

Индуктив методни ишлаб чиқишда XVII аср инглиз файласуфи Ф. Бэконнинг ва дедуктив методни ишлаб чиқишда француз файласуфи Р. Декартнинг хизматлари катта. Бундан ташқари абстрактлаш (мавҳумлаш) умумлаш каби мантикий усуллар бор. Булар ҳақида юқорида айтиб ўтдик.

**Аксиоматик метод** илмий назариянинг тузилиш усули бўлиб, унинг асосига аксиомалар олинади. Бу назариядаги бошида айтилган, тасдиқ қилинган фикрлар ўша аксиомалар асосида мантиқан келиб чиқади ва исботлаш ана шу асосга кўрилади. Аксиома асосида исботлаш умумий аксиомалар (тўғрилиги шубҳа қилинмайдиган, исботи ўша гапнинг ўзида эканлиги қабул қилинган), формаларидан ташкил топади, исбот қилинган фикрларга асосланади. Шунинг учун аксиоматик метод асосига қурилган фаннинг тузилиши одатда дедуктив метод деб аталади. Чунки дедуктив метод асосига кўрилган исбот умумий қоидалар, назариялар, постулат ва аксиомалардан келиб чиқади. Дедуктив метод у ёки бу даражада аксиоматик метод деб ҳам юритилади.

**Гипотетик-дедуктив метод.** Илмий билишда қўлланадиган дедуктив метод гипотезалар асосида маълум бўлган ҳақиқий билишни излашидир. Маълумки, дедуктив хулоса чиқаришда натижа асосда келтирилган бўлади. Гипотетик дедуктив хулоса чиқаришда асослар

бирнеча гипотезалардан иборат бўлади. Натижада ўша тахминлардан бири ҳақиқий эканлиги кўрсатилади.

К. Попперга кўра билимларнинг ўсиши тайёр системага тушган асосида бўлмайди, ривожлантирилади, ўзгариб турувчи тизим сифатида қаралади. Бу тамойил илмий билишнинг ўсиши концепциясидир. Позитивизм, лингвистик фалсафа майдонга ташлаган тилнинг сунъий моделлаш (сунъий тилларни яратиш) илмий билишнинг ўсиши муаммосини ҳал қилмайди. Бироқ илмий билиш доирасида бундай методлар керак ва зарур. Поппер фикрича қилинган экспериментлар ҳам ҳамма вақт илмий билимнинг ўсишини таъминламайди. Баъзида унинг рационал ўсишига тўсқинлик қилади. Бу дедуктив тизимга қарама-қарши бўлиб қолади. Демак, Поппер гипотетик-дедуктив метод асосида илмий билишнинг ўсишини таъминлаш мумкин деб кўрсатади. Бу европа эпистемологиясида (илмий билиш назариясида) устивор йўналишга айланди.

Ҳар қандай эволюция фаннинг ўсишини таъминламайди. Попперча билимларнинг ўсиши ҳамма вақт такрор, силлиқ олға қараб кетмайди, балки камчиликларни тугатиб, эскисини тўлдириб Дарвин айтгандек, «табиий танлаш» асосида боради. Илмий билишнинг ўсиши деганда кузатиш, эксперимент асосида тўпланган материаллар эмас балки қайтарилиб, такрорланиб турувчи билимлар тизимини фалсификация қилиш, уни қулатиб ташлаш, унинг ўрнига назарияларга тўлароқ мос келадиган, уларни қониқтирадиган яхши, янги назариялар билан алмашишни кўзда тутати. Шундай қилиб, илмий билишларнинг ўсиши учун кўркмасдан, дадиллик билан **гипотезаларни** майдонган ташлаш, уларни рад этиш асосида улардан энг яхши назарияларни яратиш асосида илмий муаммолар ҳал қилинади. Шундай қилиб, гипотетик дедуктив метод илмий билишнинг ўсиши учун энг муҳимдир. Ўзининг танқидий рационализмни Поппер ана шу тарика исботлайди. Мана шу асосда илмий билишнинг ўсиши концепциясини, унинг мантигини асослайди.

### **Илмий методларнинг умумий тузилиши.**

1. **Эмпирик илмий билиш методи.** Фактлар, кузатиш, тажрибани сунъий йўл билан ташкил этиш. Индуктив, анализ мантикий методларни қўллаш, амалий қонунлар чиқариш, синтетик гапларни таҳлил қилиш (эксперимент қилиш), тарихийлик тамойилни қўллаш.
2. **Рационал илмий методи (назарий билиш методи).** Амалий қонунлар асосида назарий қонунлар чиқариш, дедуктив-гипотетик мантикий усулни қўллаш, аналитик гаплар келтириш (аксиомалардан фойдаланиш). Формалашти-

риш дедуктив-аксиоматик усуллардан фойдаланиш. Фикрни абстрактдан конкретга йўналтириш аналогия, моделлашдан фойдаланиш, тизимли, тузилишли ёндошиш асосида иш олиб бориш.

3. **Илмий билишнинг мантикий методлари.** Такқослаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мавҳумлаш ва умумлаштириш, ва б.

#### **Адабиётлар:**

1. Зоҳидов А. Туркистонда ўрта аср араб мусулмон маданияти. Т. ГФТНИ. 1993 йил.
2. Шапавалов В.С. Основы филоофии. М. 1998.
3. Пригожин и Стенгерс. Порядок из хаоса. М., с.199. 1996 г.
4. Пригожин и Стенгерс. Порядок из хаоса. М., с.374. 1996 г.
5. Гуссерель Э. Философия как строгая наука. М., 1995. 25 б.
6. Ортега-и Гассет Х. Дегуманизация искусства и другие работў. М., 1991 22 б.
7. Концепция современного естествознания. М.1999. с.42-43
8. Скорбакк Г. Гилья Н. Фалсафа тарихи. Т. 2002. 46 б.
9. Большой толковый социологический словарь. Том 2 М., 1999.
10. Концепции современного естествознания. М. 1999. 80-б.
11. Рахимов И. Мантик. 1. 1994 58-б.

## II- БОБ. ТАБИАТШУНОСЛИК ФАЛСАФАСИ

### 2.1 ОЛАМНИНГ ТАБИЙИЙ-ИЛМИЙ МАНЗАРАСИ ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Оламнинг манзараси масаласи табиий-илмий назарияларнинг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Ҳазирги кунда яшаётган, фаолият кўрсатаётган дунё ҳақида, унда ҳар дақиқада сон-саноксиз рўй бериб турган воқеа, ҳодисалар тўғрисида, содир бўлиб турган жараёнлар ҳақида маълум бир маълумот, ахборот, экспериментал натижаларга эга бўлиш катта қизиқиш уйғотади. Инсоният тараққиётининг ҳамма босқичларида олам ҳақида аниқ, бир бутун, мукамал билимга эга бўлиш учун ҳаракат бўлган. Энг оддий билим, олам ҳақида энг оддий тасаввурлардан тортиб то мураккаб билимгача бўлган босқичларда жуда кўп тадқиқотчилар меҳнат қилганлар, оламнинг ягона илмий манзарасини чизишга интиланлар.

Олам ҳақидаги илк илмий манзарани яратишга дастлаб юнон файласуфлари Левкипп, Демокрит ва Эпикурлар ҳаракат қилганлар. Уларнинг дунё ҳақидаги атомистик таълимотига кўра жисмларнинг ўша вақтларда маълум бўлган ҳар қандай ўзгаришида (ёниши, буланиши ва ҳ.з) уларнинг маълум сифат тафовути сақланиб қолади; бир нарса иккинчи бир нарсага тўла айланавермайди. Материя турли атомларнинг муайян миқдоридан ташкил топган, атомлар бўлинмаслиги натижасида, улар орасидаги тафовут сақланиб қолади, деган натижага келганлар. Уларнинг назарида атомлар катталиги ва геометрик шаклларига кўра бир-бирига бироз ўхшаса-да, лекин моҳияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Атомларнинг маълум йиғиндиси муайян жисми ташкил қилади. Жисмлар ҳаракати атомдаги ўзгариш туфайли содир бўлади.

Атомизмга ҳамма ҳам ҳайрихоҳ бўлавермаган. Масалан, буюк донишманд Аристотел табиатдаги ажойиб тартиблар, хилма-хилликлар атомларнинг тасодифий ҳаракатлари ва улаишларидан келиб чиқишини тасаввур қилиш мумкин эмас, деб айтган эди. Аристотел фикрича, олам пассив, жонсиз материя; самовий жисмлар (юлдуз ва сайёралар) катъий тартибли ҳаракатининг, ҳаёт жараёнларининг, оламдаги ранг-баранг ҳодисаларнинг сабабчиси бўла олмайди, буларнинг сабаби нарсаларнинг «ички жони»дадир. Кўпгина олимлар, хусусан Шаркнинг буюк алломаси Абу Райхон Беруний Аристотелнинг моддалар узлуклилиги ғоясига қарши чиқади. Беруний фикрича, моддани чексиз бўлақларга бўлиш мумкин эмас.

Ўрта аср Шарқ фалсафасида шаклланган *мутакаллим ва муътазила* оқимлари атомизм масаласида бир-бирига зид иккита қарашни тарғиб қила бошладилар. Муътазилийлар Демокрит атомизмини ёқлаб чиққан эдилар. Мутакаллимлар эса Пифагор позициясида турдиларки, унга мувофиқ атомларни қандайдир гайри табиий кучлар ҳаракатга келтиради, деган ғоя майдонга ташланган эди.

Унутилаёзган атомизм ғоялари XVII асрдан бошлаб табиатшунослик фанларининг ривожини билан (1668 йилда Р.Бойл ишлари туфайли) қайтадан майдонга келди. Кейинроқ бир гуруҳ олимлар Болцман, Далтон, М.Ломоносов, Максвелл томонидан молекуляр-кинетик назариянинг асосий қоидалари ишлаб чиқилди:

1. Барча моддалар жуда майда зарралар-молекулалардан иборат. Аини моддани ташкил қилувчи молекулалар мутлақо бир хилдир, турли моддалар турли молекулалардан ташкил топган.

2. Жисм молекулалари орасида бир вақтда ўзаро тортишиш ва итарилиш кучлари таъсир қилади.

3. Жисмни ташкил қилган молекулалар узлуксиз, тартибсиз ҳаракатда бўлади. Бундай ҳаракатда молекулалар бир-бири билан тўқнашиб ўз тезликларини ўзгартириб туради.

Шундай қилиб, модда тузилишининг молекуляр-кинетик назарияси ҳаракатнинг фақат механик шакли бор (бу қараш фанда механицизм деб аталди) деган фикрга қарши чиқа бошлади ва бунда у ҳамма нарсалар майда зарралар: атомлар ва молекулалардан таркиб топган деган ғояга асосланди. Бунга кўра атом-дунёнинг энг кичик «ғиштча»си деб қараб келинди. Бу ҳолат фанда деярли XIX аср охирига қадар давом этиб келди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида тўпланган эксперимент маълумотлари, чунончи, электромагнит ҳодисаларни чуқур ўрганишга бағишланган тадқиқот ишлари: фотоэффект, катод нурлари ва электролиз ҳодисаларини текшириш натижасида топилган манфий зарядли биринчи элементар заррача-электроннинг кашф этилиши, радиоактивлик ҳодисасига доир тажриба натижалари, ёруғликнинг босими ва унинг квант табиатига эга эканлигини билдирувчи тажрибаларнинг қўйилиши бизнинг атом ҳақидаги фикримизни ўзгартириб юборди. Кейинроқ электрон массаси  $m_e 9,106 \times 10^{-27}$  килограмм эканлиги аниқланди. Водород атоми энг содда тузилишга эга бўлган атом деб топилди (протондан иборат ядро атрофида бир электрон айланма ҳаракатда бўлади).

Радиоактивликка доир ишларнинг босилиб чиқиши атом бўлинмайди, атом дунёнинг энг кичик «ғиштчалари» деган тасавурларга хотима берди. Эндиликда атомларнинг ўзи ҳам энг

кичик зарралардан ташкил топганлигини шубҳа остига қўйишга ўрин қолмади. Радий ва уран каби оғир элементлар ўз ядроларидан табиий равишда альфа, бэта, гамма нурлар чиқарар экан. Ушбу нурлар радиоактив парчаланиш пайтида катта тезлик билан учиб чиқади. Бу эса, мазкур жараёнда катта микдорда энергия ажралиб чиқади, демакдир.

Иккинчи томондан, бу нурлар моддаларнинг ички қисмига кира олиш қобилияти орқали атом ядроларининг тузилишини чуқурроқ ўрганиш имкониятини берди. Зотан, 1911 йилда йирик инглиз физиги Э.Резерфорд атом-ядро тузилишига оид ўз тажрибаларининг натижаларини тушунтирмоқ учун атомнинг планетар моделини тавсия қилди. Бу моделга мувофиқ атомнинг марказида жуда кичик ўлчамли ядро жойлашган бўлиб, электронлар эса ядро атрофида маълум бир орбита бўйлаб, худди бошқа сайёралар Куёш атрофида ҳаракат қилганидек айланадилар. Резерфорд тажрибалари фанда кўпгина жумбоқларни ечишга қўмаклашди. Чунончи, ядро ўлчами ( $10^{-13}$  см) ва ядро электр зарядининг катталигини ҳисоблашга ёрдам берди. Бироқ, атомнинг Резерфорд модели классик электродинамика қонунларига зид келди. Даниялик йирик физик Н.Борнинг яратган «частоталар қондаси» унинг физика фанида ушбу кризисли ҳолатдан қутилишда катта роль ўйнади. Бу қондага мувофиқ:

- электронлар атомда ҳар қандай орбита бўйлаб эмас, балки фақат стационар орбиталарда ҳаракатланади;
- электронлар стационар ҳолатда бўлганда ўзидан нур чиқармайди ёки ютмайди;
- электрон бир стационар сатҳдан бошқасига ўтганда квант-энергия чиқариш (ёки ютиш) ҳодисаси содир бўлади.

Атомнинг Резерфорд-Бор модели фақат атомларнинг барқарорлигини тушунтирибгина қолмай, моддаларнинг ёруғликни сочишида ва ютишида кузатиладиган спектрал қонуниятни ҳам яхши тушунтириб берди. Шунингдек, Н.Борнинг квант назарияси водород атоми тузилишини тушунтира олганлиги билан ҳам қимматлидир. Юқорида эслатганимиздек, водород атомида бир элементар зарядга эга бўлган ядро (протон) атрофида бир электрон ҳаракатланади. Ядро массаси электрон массасидан 1840 марта катта бўлгани учун ядрони кўзгалмас деб, электрон доиравий сатҳ бўйлаб ҳаракатланади, дейиш мумкин.

Н.Бор биринчи бор ишлаб чиққан квант назарияси водород атоми тузилишини ва водород спектрининг мураккаб структурасини микдор жиҳатдан тушунтирибгина қолмасдан, атом ичидаги жараёнларга тўғри ёндошиш йўлини ҳам кўрсатиб берди. Бироқ

Борнинг квант назарияси ҳам камчиликлардан ҳоли эмас эди. У ҳатто водородга ўхшаш бошқа бир валентли атомлар тузилишини тушунтириб беролмади. Шундай бўлса-да Н.Борнинг ишлари квант назариясининг кейинги тараққиётида катта роль ўйнади.

Микрозаррачалар оламида қилинган ажойиб кашфиётлардан яна бири оддий заррачага нисбатан қарама-қарши ишорали электр зарядга эга бўлган антизаррачаларнинг очилиши бўлди. Электронга нисбатан анти заррача борлиги П.Дирак томонидан 1928 йилда айтилган эди. 1932 йилда К.Андерсен бу заррача – позитронни топди. Электрон билан деярли бир хил хоссага эга бўлган позитрон электр зарядининг мусбатлиги билан электрондан фарқланади. Орадан қарийб 23 йил ўтгандан сўнг, яъни 1955 йилда антипротоннинг топилиши туфайли зарра ва антизарра хусусидаги симметриянинг тегишли қонунлари, масалан, заряднинг жуфтлилик қонунияти топилиди. Шундан сўнг олимлар бу таълимотга асосланиб, ушбу «олам»га нисбатан «кўзгудаги тасвирдагидек кўринадиган дунёга» назар ташлай бошладилар. Дунёнинг асосини ташкил қилувчи ва мутлақ соф ҳисобланилган «ғиштлар» электрон, нейтрон ва протонлар аслида умуман «соф» зарралар бўлмай, ўз антизарралари билан биргаликда, жуфтликда пайдо бўлиши ва йўқолиши исбот этилди.

*Зарраларнинг «анти»си мавжуд экан. у ҳолда шулардан тарқиб топган антиэлемент, антимодда бўлиши мумкинми?*

Ҳозирги замон фани бу саволга ижобий жавоб изламоқда. Бундай фикрга келиш, айниқса 70-йилларнинг бошларида олимларнинг изланишлари ўлароқ антиатом, яъни антиводороднинг оғир изотопи бўлмиш антидейтрон, кейинроқ антигелийнинг олиниши натижасида ривожлана бошлади.

Шундай қилиб, оламнинг “кўзгулик симметриялилиги” тобора ойдинлашиб бориши коинот ҳақида янада тўлиқроқ билимга эга бўлишимизга сабаб бўлди. Позитроннинг топилиши фалсафада жуда катта янгилик бўлиш билан бирга физикада ҳам муҳим бир муаммонинг ҳал қилинишига олиб келди: электрон билан позитроннинг кўшилиши туфайли жуфт фотон ёки фотонларнинг бирикишидан электрон-позитрон жуфтлиги ҳосил бўлар экан. Аннигиляция деб аталган бу ҳодиса XX аср физикасининг энг долзарб фалсафий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Гап шундаки, электрон ва позитрон массалари  $9,1 \cdot 10^{-27}$  кг. бўлган жуда кичик моддий заррачалардир. Улар бирлашганда моддий заррача “йўқолиб” электромагнит тўлқин – гамма-квантга айланади. Лекин гамма-квант электронга ўхшаб моддий массага эга эмас. Бу “бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди”, деган тамойилга зид келувчи



экспериментал фактни тушунтириш нафақат физика фанининг, балки фалсафа фанининг ҳам муаммосига айланди.

Бу ҳодисанинг очилиши материянинг модда ва майдон кўриниши орасидаги боғлиқлик топилишига олиб келди. Атомнинг мураккаб объект эканлиги кўпроқ равшан бўлиб борди. Микрозаррачаларнинг лептон заряди, изотопик спини, спираллиги, «ғалатилиги» (странность) каби бир қатор хоссалари топилди. Ҳозирги пайтда элементар заррачаларнинг сони кундан кунга ортиб бормоқда. Кейинги йилларда топилган “умри қисқа” резонанс ҳолидаги зарраларни ҳамда қизиқ хусусиятли «мафтункор» (очарованные) зарраларни қўшиб ҳисоблаганда, фундаментал заррачаларнинг сони 400 дан ошиқ. Бу ҳали чегара эмас. Материя тузилиши борасида янгидан-янги хоссалар, янги элементар заррачалар топилиши гумон қилинмоқда.

### Дунёнинг энг кичик «ғиштчалари» борми?

Бу саволга жавоб излаш асосида кварк гипотезаси яратилди.

Янги гипотеза бирин кетин муваффақиятга эриша бошлади. Шу нарса маълум бўлдики, кварк материянинг энг кичик «ғиштчаси» ролига даъвогарлик қила олар экан. Агар ҳақиқатан кваркнинг мавжудлиги аниқланса, мавжуд ҳамма элементар заррачаларни кварклардан ташкил этиш, кварк ва антикварк йигиндисидан мезонни ҳосил қилиш мумкин бўларди.

Биз бу ерда диққатни олам, материя тузилишидаги физика ютуқларига жалб этдик. Бундай ютуқларни химия, биология каби фанларда ҳам кўплаб келтириш мумкин. Айниқса, ҳозирги замон биологиясининг молекуляр генетика соҳаси ва унда эришилган ютуқлар хужайраларнинг нозик структураси ҳамда хужайрадан қуйи даражада ташкил топган заррачаларнинг моҳиятини билниш, асосий ҳаётий ҳодисаларнинг молекуляр механизмларини аниқлаш томон бормоқда. Шунинг учун оксил ва нуклеин кислоталар макромолекулаларининг таркиби, функцияси ҳамда биосинтези молекуляр биологиянинг ўрганиш объекти бўлиб қолганлиги бежиз эмас. Хужайралар таркибига кирган нуклеин кислоталар-ДНК, РНК, хромосомалар табиати чуқурроқ ўрганилмоқда.

Шундай қилиб, фалсафа фани ҳар қандай моддий объектнинг битмас-туганмаслиги ҳақидаги таълимот билан қуроллантиради, атом ҳам чексиз, бепоен эканлигини қаттиқ уқтиради. Материя тузилишида «энг сўнгги» «ғиштчалар» ролига даъвогарлик қилаётган элементар зарралар (атомга ўхшаб булар ҳам ўз номига номувофик келмоқда) ўзгариш ва бир-бирига айланиш қобилиятига эгадирлар. Бундан атом ҳақидаги илгариги тасавурларда ҳеч қандай ҳақиқат элементлари йўқ экан, деб яқун қилинмайди.

Демак, ҳар қандай тугал билимлар нотугал билимлардан, философия тили билан айтганда, абсолют ҳақиқатлар нисбий ҳақиқатлар йиғиндисидан иборат экан.

**Фалсафа релятивизмдан фарқли ўлароқ, бизнинг билимларимиз нисбий ҳақиқат шаклида қолиб кетади, нисбий ҳақиқатларда ҳеч қандай абсолют ҳақиқат элементлари бўлмайди, деб таълим бермайди. Шунингдек, догматизмдан фарқли ўлароқ, абсолют деб аталувчи ҳақиқатларда нисбий ҳақиқатларнинг бўлаклари мавжуд, деб ҳисоблайди.**

Ҳозирги вақтда табиёт илми соҳаларининг тез ривожланиши таъсири остида материя структурасининг тузилиши тўғрисидаги умумий тасаввурлар ҳам ғоят тез ривожланмоқда. Ҳозирги табиатшунослик янги ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Бу ўзгаришлар орасида аввало элементар заррачалар физикаси, астрофизика, биохимия, молекуляр биология, генетика, бошқаришнинг умумий назарияси эришган энг янги ютуқларни кўрсатиб ўтиш керак. Элементар заррачалар физикаси соҳасидаги тадқиқотлар, айниқса, ҳайратомузидир. Бу соҳадаги кашфиётлар ҳозирги вақтда яхши ўрганилган атом системалари доирасидан ташқаридаги физикавий қонуниятларни янада чуқурроқ билишга олиб келади.

Элементар заррачалар физикаси олдига бир қанча ғоят муҳим проблемалар қўйилмоқда. Оддий заррачалар қандайдир ўз-ўзича уйғунлашган янада кичик заррачалар системаси сифатида мавжуд эканлиги фактини тушунтириб бериш талаб қилинмоқда. Буни тушунтириш, хусусан, кундалик турмушда бизга одат бўлиб қолган шароитда моддани ташкил этувчи барқарор формалар нима сабабдан мавжуд эканлигини билиш имконини берган бўлур эди.

Физикавий ўзаро таъсирларнинг ҳар хил турлари ўртасида (гравитацион, электромагнит, кучли ва кучсиз) ички ўзаро алоқаларни очиб бериш зарур. Адронларнинг кварк тузилиши-моделли ҳамда калибрловчи майдонлар ҳақидаги тасаввурлар асосида оддий ўзаро таъсирларга бир хилда ёндошиш (бундай ёндошиш тажрибада жуда яхши тасдиқланди) кашф этилиши билан физика ривожланишида янги босқич бошланди. Бундай ёндошилганда, физикавий ўзаро кучсиз ва кучли таъсир кўрсатишида қатнашувчи зарядларнинг бир хил катталиқда бўлиши барча ўзаро таъсир кўрсатишлар бир хил табиатга эга деган фикрни туғдиради.

*Кейинги йилларда бу соҳада илмий билиш жуда илгарилаб кетди, принципиал ва фундаментал натижалар қўлга киритилди. Заиф ва электромагнит таъсир кучлар бир хил табиатга эга эканлиги аниқланди. Маълум бўлдики, заиф кучлар электр заряди*

*билан боғлиқ, уларнинг электромагнит кучларга қараганда озлиги эса кучсиз ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнлари ҳам жуда катта массадаги вектор заррачаларнинг алмашинуви воситасида амалга ошиши билан изоҳланади. (4,5)*

**А.Логунов**

Системали-структуравий тасаввурларнинг ривожланишида ифодаланаётган ўзгаришлар-структуравий (тузилиш) принциплари ҳақидаги ҳозирги тасаввурларда юз бераётган энг муҳим ва катта аҳамиятли ўзгаришлардир. Моддий системалар тўғрисидаги ўзига хос тасаввурлар, билимлар тадқиқот йўналишларининг кўпгина соҳаларини синтез қилишга, айниқса юксак даражада ташкил топган системалар ва умуман бошқариш системаларини синтез қилишга асос бўлмоқда.

**Бошқариладиган мураккаб системалар тўғрисидаги тасаввурларимизни такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган умумлашган ғоялар, биринчи навбатда, ҳозирги биологияда билимларни синтез қилиш учун ғоят муҳим роль ўйнамоқда.** Айниқса, биология мураккаб системалар тўғрисидаги умумий таълимотни ривожлантириш учун ҳаммадан кўпроқ фактик, табиий-илмий материал беради.

Бу ерда генлар муаммосини алоҳида жонли организмлар структуралари ва функцияларининг молекуляр даражадаги структуралар ва жараёнларга мувофиқ келиши проблемаси сифатида, жонли организм тузилишининг турли даражалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ва уларнинг детерминациясини текшириш проблемаси сифатида кўрсатиб ўтиш кифоя.

Жонли системаларнинг тузилишини ва эволюциясини ўрганиш учун умумлаштирувчи ғояларни ишлаб чиқишда биологиянинг ғоят муҳим кашфиётлари, чунончи, генетик код, матрица синтези, аллостерик тартибга солиш, химиявий мутагенез ва бошқа бир қанча кашфиётлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Улар жонли дунё тўғрисидаги фанни ривожлантирди ва бу билан уни ривожлантиришнинг янги йўлларини ва воситаларини очиб берди. Ана шундай фанлардан бири молекуляр генетика бўлиб, унинг вужудга келиши ва ривожланишига буюк олим Н.И.Вавилов катта ҳисса қўшди. Ўзбекистонда академик Ё.Тўракулов мактаби шаклланди.

Генетика тирик организмга хос хусусиятларни, яъни ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганади. Ирсият қонунларини ўрганиш биология фанининг энг мураккаб, шу билан бирга асосий масалаларидан биридир. Ирсият фақат тирик организмларга хос хусусиятдир. Шунинг учун ушбу масала фақат табиёт фанлари нуқтаи назаридан

аҳамиятли бўлмай, балки флсафа учун ҳам аҳамиятлидир. Аёнки, ирсият дейилганда ота-она организмга хос белги ва хусусиятларнинг келгуси авлодларга (наслига) берилиши тушунилади. Организмларнинг ўзгариши авлодлар ўртасидаги моддий ва функционал боғлиқлик асосида содир бўлади. Шу сабабли бир авлод иккинчи авлод билан алмашинганда жонли материя ривожини узлуксиз давом этаверади.

Ўзгарувчанлик ҳам тирик организмга хос хусусиятдир. Ўзгарувчанлик ирсиятга зид тушунча бўлиб, маълум белги ва хусусиятларнинг ташқи ёки ички омил таъсирида ўзгариши тушунилади. Жонли материянинг ушбу икки хусусияти орасида тадрижий бирлик мавжуддир. Бу, аввало, диалектиканинг қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонунида ўз ифодасини топади. Мана шундай бйрликсиз органик табиатдаги сон-саноксиз ўзгариш ва ривожланишни тасаввур қилиб бўлмайди. Агар организмда ўзгарувчанлик хусусияти таъсирида юз берадиган ўзгаришлар ирсий равишда мустаҳкамланмаганида, органик дунёдаги турларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси ҳам бўлмасди.

Генетика фанидаги кўпгина тадқиқотлар барча ҳайвон ва ўсимлик организмларида, улар эволюцион тараққиётининг қайси босқичида туришларидан катъи назар, ирсият бирликлари мавжудлигини кўрсатди. Ота-она белгиларининг наслга берилиши (ўтиши) қонунлари ҳамма тирик мавжудотларда умумий эканлиги маълум бўлди.[2].

Ушбу фикрларнинг тасдиқланишида ирсиятнинг хромосома назарияси ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Маълумки, хромосома оксил ва нуклеин кислотадан ташкил топган бўлиб, у организмнинг генетик -дастури вазифасини бажаради, насл жинсининг қандай бўлиши хромосомага боғлиқ. Хромосома, ўз навбатида, нуклеопротеидларга бўлинади.

Хромосома таркибига ҳаётнинг субстрати ҳисобланган ген ҳам киради. Генларнинг хромосомада жойлашиши маржонни эслатади. Олимларнинг аниқлашича, ген инсоннинг кўпгина хусусиятлари: қон группаси, кўриш қобилияти, кўз қорачиғининг рангини, хотира ва шунга ўхшашларни белгилайди. Демак, хромосомада организмнинг ирсий белгилари жойлашган бўлади.

Ҳозирги замон биологияси тадқиқотнинг энг янги методларидан фойдаланиши туфайли ҳаёт ҳодисаларининг моҳиятини тушунишда жуда ҳам илгарилаб кетди. Ана шу асосда тирик организмларнинг табиатини бошқариш имкониятлари туғилмоқда. Молекуляр биология жонсиздан жонлига, модданинг тузилишидан (атомлар ва молекулалардан) жонли системаларнинг тузилишига ўтиш йўллари ва усулларини («механизмларини») очиб

беришда муҳим роль ўйнамокда. Молекуляр биология ва вирусологиянинг ҳозирги тараққиёти мазкур объект жонли ёки жонсиз эканлигини қандай белгиларга қараб аниқлаш кераклиги тўғрисидаги масалани янгича талқин қилишга имкон бермокда. Ҳозирги замон молекуляр генетикаси тобора жонли мавжудот ичига кириб бормокда. Бу изланишлар туфайли хромосома назарияси яратилди. Бу назариянинг яратилиши ген моҳиятини ўрганишнинг бошланиши эди, чунки ген хромосоманинг бир бўлаги эканлиги аниқланди.

Ген ирсиятнинг элементар бирлиги, ҳаёт субстрати сифатида ДНК молекуласининг таркибига киради, организмларнинг шаклланиши ва айрим белгиларининг вужудга келишида иштирок этади, юксак ривожланган организмларда эса ирсийликнинг хоссалари таркибига киради. Геннинг организмдаги асосий функцияси энг аввало, фермент ва оқсиллар синтезида актив иштирок этишидир. Ген ўзгарганда: ҳужайралардаги муайян биокимёвий жараёнлар рўй беришида бузилиш бўлиб, бунинг натижасида организмларда янги белгилар ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, инсон кўзининг қора ёки кўклиги, ҳайвон ва ўсимлик маҳсулдорлигининг ўзгариши тегишли генларнинг таъсирига боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, хромосома нуклепротеидлар системаси бўлиб, оқсиллар ва нуклеин кислоталаридан тузилган ва ўз имкониятлари ҳамда ўз роли жиҳатидан ноёб бўлган генетик функциялар ташувчилари сифатида намоён бўлади [6].

Фан тараққиёти ҳозирги вақтда ҳаётнинг моддий субстрати оқсиллар билангина чекланмаслигини кўрсатди, чунки таркибда оқсил бўлмаган бошқа моддалар ҳам жонлининг ривожланишида, ирсият функцияларида ва моддалар алмашинувида муҳим роль ўйнайди. Нуклеин кислоталари ана шундайдир. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида амалий генетика ривожига замин тайёрлади.

Кейинги йилларда генлар инженерияси (биотехнология) деб ном олган тадқиқотлар жараёнида принципиал масалалар майдонга ташланди. Мутахассисларнинг эътироф этишича, бу тадқиқотлар ирсият ҳодисаларини ўрганишда мутлақо янги имкониятлар очиб беради ва, айни вақтда, илмий тадқиқотлар йўналишига ва уларни тартибга солиб туришга доир ғоят масъулиятли масалалар қўяди. Фаннинг бу соҳасидаги масалаларнинг актуаллиги кўпчилик томонидан эътироф этилган, чунки агросаноат комплексида муҳим вазифаларни кўп жиҳатдан ана шу ишларга эсосланиб амалга оширишга тўғри келади, улар ҳозирги замон медицинасига ҳам мустаҳкам пойдевор қўяди. **Биринчи навбатда гап генетик ва ҳужайра инженерияси, иммунология, микробиологик синтез**

**ҳақида, асаб системаси ва мияни ўрганиш, муҳим биорегуляторлар олиш ва шу кабилар тўғрисида бормоқда.**

Химия фани ва саноати олдиди катта, масъулиятли вазибалар турибди. Бу вазибалар жумласига минерал хом ашёни энг янги технология асосида комплекс қайта ишлаш проблемаси ҳам, қимматли хоссалар комплексига эга бўлган янги материаллар: металллар ва уларнинг қотишмаларини, силикатлар ва бошқа ноорганик моддаларни, хилма-хил пластик массалар ва полимерларни ҳосил қилиш масаласи ҳам киреди. Доривор моддалар, пестицидлар, фотоматериаллар, маиший кимё маҳсулотлари ва ҳоказолар олиш учун асос бўладиган нозик химиявий синтез соҳасидаги ишларни кескин кучайтириш зарурлигини алоҳида кўрсатиб ўтмоқ керак. Ҳозирги замон фанининг амалда ҳар бир тармоғи мураккаб системалар ва уларни ўрганиш методлари ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиришга ҳисса қўшмоқда. (7)

**Ижтимоий фанларнинг ривожланиши ҳам системали тадқиқотларда гавдаланадиган умумлаштирувчи ғояларга таянади, социал имтиёзларни келтириб чиқарувчи объектив негизларни бартараф этишга асосланган янги принципларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.** Масалан, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилганлиги фикримиз далилидир(1). Ниҳоят, системали ғоялар ҳар турли назарий системаларни, илмий назарияларни анализ қилиш ва таққослашда, янги кашфиётларни таҳлил қилишда қўл келмоқда.

Замонавий фаннинг ҳар бир соҳаси ўз ютуқлари билан материя, олам тузилишининг структуравий даражаси ҳақидаги умумий концепцияни изчил суратда чуқурлаштирмоқда ва бойитмоқда. Бирок, шунини таъкидлаш муҳимдирки, айна философия материя тўғрисидаги таълимотга ҳаминша принципиал аҳамият бериб келган. *Бизнинг давримизда эса, айна философия доирасида бу таълимот изчил суратда ривожлантирилмоқда.* Философияда фаннинг ўзини ривожлантиришдаги энг принципиал ютуқлар борлиқ тўғрисидаги таълимот негизида анализ қилинмоқда. Масалан, табиатшуносликда амалга оширилган буюк кашфиётларни таҳлил қилишда улар мазмунининг борлиқ тузилиши ва унинг ривожланиши ҳақидаги умумий таълимот билан ўзаро муносабатини ҳисобга олиш керак. Энергиянинг сақланиши ва бир турдан иккинчи турга ўтиши қонунини умумлаштириб, таҳлил қилиш жараёнида борлиқнинг ҳаракат шакллари тўғрисидаги таълимот негизларини таърифлаб бериш мумкин бўлган эди.

Фандаги янги кашфиётларнинг аҳамияти фақат моддий объектлар ва системаларнинг янги синфига мансуб хусусиятлар ва қонуниятларни очик кўрсатиб беришдангина иборат эмас. Янгини билиш одамга билимларни янада илгари силжитишда янги имкониятлар яратиб бериши билан принципаал аҳамиятга эгадир. Янги ютуқлар ва кашфиётларнинг ниҳоятда муҳим томони шундаки, улар дунёни янгича ва ўзгача тушунтиришга олиб боради, илгари қўлланилмаган тадқиқот ва амалий ҳаракат методларини келтириб чиқаради.

Ҳозирги табиатшуносликнинг жуда катта ютуқларини чуқур тушуниб етиш, унинг муҳим хусусиятларини очиш-мураккаб ишдир. Қарор топган образлар ва тасаввурларни, вужудга келган фикрлаш стереотипларини тубдан ўзгартиришдан ташқари, табиатшуносликдаги мутлақо янги бўлган нарсаларни тушуниб етишга у ёки бу илмий уюшмада қабул қилинган методологик ва дунёқарашга оид асосий йўл-йўриқлар ҳам таъсир этади. (4)

Табиатшуносликда билимлар синтезига асос бўладиган умумлаштирувчи ғоялар муҳимдир. **Ночизиклилик (нелинейность), синергетика ва ўз-ўзидан ташкил бўлиш (самоорганизация)** ана шундай ғоялар туркумига қиради.

**Ночизиклилик** қонуниятларини фалсафий англашни тушуниб етишни, масалан, шу нарса талаб этадики, одам фақат илмий билиш жараёнидагина эмас, балки ўзининг кундалик фаолиятида ҳам уларнинг ҳар турли кўринишларига дуч келиб туради. Аслида ҳамма физикавий системалар ночизиклидир, деб айтиш мумкин. Умуман дунё чизикли қонуниятлар доирасидан ташқарига чиқиб кетди. Бугунги вазифа шу дунёда яшашни ўрганиб олишдан, ночизиклилик қонуниятларини билиш асосида ана шу дунёда ҳаракат қилишнинг унга хос ва мос бўлган амалий усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Ҳозирги вақтда синергетика ҳам олимлар эътиборини ўзига тортмоқда.** У янги илмий йўналиш бўлиб, унда номувозанат системалардаги ўз-ўзидан ташкил бўлиш самаралари текширилади.

Тилга олиб ўтилган янгича ёндошишлардан мақсад дунёни янгича концептуал кўришнинг амалий воситалари ва формаларини яратишдан иборатдир.

Ҳозирги замон табиатшунослиги бошқа бир қанча ғоят муҳим хусусиятлари билан ҳам характерланади. Булар жумласига, ўз характерига кўра, глобал бўлган илмий муаммоларнинг янги комплекси қарор топаётганлиги, фан билан ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви, фанни ташкил этиш ва режалаштиришнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини ишлаб чиқиш, илмий-саноат

комплексларини яратиш, фан тараққиётининг социал йўналиши ва унинг жамият олдидаги масъулияти масалалари киради.

Шубҳасиз, мана шу ҳал қилувчи хусусиятларни таҳлил қилиш ҳозирги замон илмий билишига асос бўлади. Унинг биринчи даражали вазифаси одамнинг иқтисодий, социал ва маънавий тараққиёти учун янги имкониятлар ва воситаларни қидириб топишдан иборатдир. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги жамият фанга таянмасдан туриб тинчлик ва социал тараққиёт йўлидан ривожланиб бора олмаслигини яққол кўрсатмоқдадир. Булар, дунёнинг ҳақиқий бирлиги масаласига, олам бепоён, у ҳақидаги билимимиз чексиздир, деган қарашнинг яна бир қарра тасдиқланишига олиб келди.

Бизнинг олам тузилишининг эволюцион манзарасини ойдинлаштиришга имконият берувчи фан ривожи устида тўхталишимизнинг боиси бор. **Биринчидан**, олам, тузилиши ҳақидаги бизнинг билимимиз бирданига шаклланиб қолмаганлигини кўрсатиш бўлса, **иккинчидан**, борлиқ тузилиши ҳақидаги билимларда ҳам янги тарзда фикр юритишни, **учинчидан**, борлиқ тузилиши масаласида турли-туман методологик қарашлар мавжудлигини, табиётнинг келгуси тараққиёт йўллари, олам манзараси ҳақидаги таълимотни янада ривожлантириш лозимлигини ва механистик қарашнинг эса чекланганлигини кўрсатиш эди.

**Қисқа қилиб айтганда**, ҳозирги замон фани оламнинг ички сирларини тобора чуқурроқ билиб, борлиқ тузилишининг янгидан-янги ҳоссаларини кашф этмоқда. Эндиликда фан ривождаги тадрижий ўзгаришлар, табиат тўғрисидаги фанларнинг бутун комплексини қамраб олган фалсафий ғоялар табиий-илмий билимларнинг бутун тараққиёти билан ички боғланишдадир.

**Табиёт илмида фалсафанинг кучи ва таъсирчанлиги**, биринчи навбатда, янги ғояларнинг, тадқиқот назарияси ва методларининг ривожланиши жараёнида юзага чиқади. Табиий-илмий билимларнинг ўша қонуниятлари уларнинг фалсафий моҳиятини ифода қилади. Бунда моддий системалар структурасининг қаттиқ ва аморф-пластик асосларининг бир-бирига ўтиши, субординация ва координация, элементларнинг кенг автономлиги ва бутуннинг уйғунлиги, сақланиш ва тубдан янгиланиш, эволюция ва коэволюция сингари ва бошқа кўпгина муаммолар ғоят муҳим аҳамият касб этади.

**Кониотни ўрганиш борасида замондошларимиз ажойиб кашфиётларнинг шохиди бўлмоқдалар.** Энг аввало, биздан тахминан 26 миллиард ёруғлик йили узокликда жойлашган (1 ёруғлик йили – ёруғлик тезлигидаги моддий нуқтанинг 1 йилда босиб ўтган масофаси тахминан 9,5 триллион километрга тенг)



янги объект кwarzлар билан иш кўрмоқда. Унинг маркази – ядросида бир қанча миллиард куёш массасига тенг «Қора туйнук» жойлашган экан. Коинотнинг пайдо бўлиш вақтини бир неча миллиард йил деб ҳисобласак, биз яшаётган дунё тахминан 20 миллиард йиллар олдин пайдо бўлган бўлиб, уни «Буюк портлаш» деб аталувчи ҳодисанинг қонуний натижаси деб айтиш мумкин [5].

**Хулоса ўрнида:** ҳозирги замон фани оламнинг илмий манзараси масалаларини чуқурроқ тадқиқ қилиб, унинг янгидан-янги хоссаларини ифодалаб бермоқда. Табиётдаги кашфиётларнинг фалсафий характери борлиқнинг тузилиши ва хоссалар ҳақидаги ҳар бир илмий фикр тахминий, нисбий характерда эканлигини, табиатда мутлоқ суратда белгиланган чегаралар йўқлигини исботламоқда. Табиётнинг комплекс тараққиёти фанда қилинадиган фалсафий умумлаштиришларнинг аҳамиятини янада яққолроқ кўрсатмоқда.

Биз яшаб турган дунёнинг энг асосий воқеаларнинг хронологик тарихий манзараси (фалсафа ютуқлари асосида).

20 миллиард йил олдин-”Буюк портлаш” юз берган.

3 минутдан сўнг-Коинотнинг моддий асоси вужудга келган Фатонлар, Нейтрино ва водород ядроси, гелий ва электронлар аралашмаси билан антинейтриноларнинг пайдо бўлиши.

Бир неча юз минг йилдан сўнг-атомларнинг пайдо бўлиши (енгил элементлар).

19-17 миллиард йил илгари-Тирли кўламдаги тузилиш (галактикалар) пайдо бўлиши.

15 миллиард йил илгари-Юлдузларнинг биринчи авлодининг пайдо бўлиши, оғир элементли атомларнинг шаклланиши.

5 миллиард йил муқаддам-Куёшнинг туғилиши.

4,6 миллиард йил олдин-Ернинг шаклланиши.

3,8 миллиард йил олдин-Ҳаётнинг пайдо бўлиши.

450 миллион йил олдин-Ўсимликларнинг пайдо бўлиши.

150 миллион йил олдин-Сутэмизувчиларнинг пайдо бўлиши.

1 миллион йил олдин-антропогенезнинг пайдо бўлиши.

Ҳақидаги назарияни илгари сурмоқда.

## **2.2. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАБИАТШУНОСЛИГИДА МАКОН ВА ЗАМОН МУАММОЛАРИ.**

Фалсафанинг фундаментал тушунчаларидан бири макон ва замондир. Авваломбор, фалсафа тарихи материясиз ҳамда ҳаракатсиз макон ва вақт бўлмаслигини тўла-тўқис исбот

қилганлигини, унинг моҳиятини уч гуруҳга бўлиб ўрганганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

**Биринчиси:** макон ва замон тушунчаларининг гносеологик моҳияти қандай?

**Иккинчиси:** макон ва замоннинг материяга (субстанция) муносабати қандай?

**Учинчиси:** макон ва замон хусусиятларининг ўзига хослиги нимада?

Булардан учинчиси нарсалар макон ва вақт хусусиятлари ҳақидаги табиий-иҷтимоий тасаввурларнинг ривожини билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**Фан тарихида маконнинг хусусиятлари** тобора кўпроқ аниқлана борди: бўшлиқ (Демокрит, Эпикур, Лукреций), чексизлик (Эпикур), мутлақ сукунат, узлуксизлик, жисмни қамраб олиш, жисмдан таъсирланмаслик, жисмдан жисмга таъсир кучининг бўшлиқ орқали жуда тез ўтиши, материянинг моҳиятли хоссаси (Ибн Сино), ҳажмга эга жисм чегараси (Ибн Сино), жисм кўламини (Беруний), турли жисмларнинг жойланиши (Лейбниц).

**Вақтнинг ҳоссалари** деб қуйидагилар тушуниладиган: борлиқнинг субъектив сезгилари (қадимги мутафаккирлар); материя атрибутини уч ўлчовли (Ибн Сино); жисм ҳаракатининг миқдори, ҳодисалар алмашинуви, кетма-кетлик тартиби (Ибн Сино); элемент зарраларига ва бир-бирига айланиши (Беруний); ҳаракат билан боғланган нарса (Форобий); мутлақ ҳеч нарса боғлиқ эмас, воқеаларни жойлаштириш мумкин бўлган ва олға қаралган оқим «бўшлиғи», чексиз-узлуксиз (Ньютон); сабаб-оқибат тарзидаги тартиб (Лейбниц).

**Бир ўлчовли макон ва замон ўзларига хос характеристикаларга эга.**

Бир объектнинг бошқа объектга, яъни «боғланган» санок ўқларига нисбатан ҳолати координаталар орқали ифодаланади. Агар объект моддий нуқта бўлмай, жисм бўлса, бурчак координатлари ҳам эътиборга олинади. Маконнинг ушбу мураккаб характеристикалари маълум ҳолда битта оралиқ ёки бурчак билан ифодаланади. Вақт эса икки хил маънода — он ёки лаҳза ва интервал-оралиқ маъносида ишлатилади. *Макон ва вақтнинг бу характеристикалари миқдорий ўлчамга эга.*

Булардан ташқари макон ва вақтнинг топологик характеристикалари ҳам мавжуддир. Изланаётган объектларнинг бир-бирига тегиб туриши, йўналишлари сони макон ва вақтнинг топологик характеристикаларидир. *Топологик хусусиятлар моддий жисмлар алоқадорлигининг ички, туб сифатий жиҳатларини ифодалайди.*

**Маконнинг топологик хусусиятлари:** узлуксизлик ва узлуклилик; ўлчамлилик; чегарасизлик ва ҳоказо.

**Вақтнинг топологик хусусиятларига** узлуксизлик, олдинга ҳаракат қилиш, тартиблилик, боғланганлик киради.

Макон ва замоннинг юқорида баён этилган тўлиқ бўлмаган хусусиятларидан келиб чиқиб, бир гуруҳ файласуфлар макон ва замонни борликнинг объектив хусусияти сифатида изоҳласалар, бошқалар оламни ҳиссий қабул қилишимизга имкон берувчи соф субъектив тушунчалар тарзида тушунадилар. Учинчи тоифада фикр юритувчилар эса маконнинг объективлигини тан олсалар-да, вақт категориясига субъектив замон беришади.

Энди юқорида қуйилган *иккинчи саволга жавоб* беришга ҳаракат қилиб кўрайлик. Ҳозирги фалсафий қарашларда макон ва вақтнинг материяга (субстанция) муносабати хусусида икки хил нуқтаи назар мавжуд: субстанционал ва реляцион.[7].

**Субстанционал концепцияга мувофиқ макон ва замон материя каби, мустақил равишда, мавжуд бўлган моҳиятлардир.** Демак, макон, замон ва материя орасидаги муносабат икки хил субстанция орасидаги муносабат каби тасаввур этилади. Бу эса, макон ва замон хусусиятларининг маконда ва замонда содир бўладиган жараёнлар табиатига боғлиқ эмаслиги ҳақидаги хулосага олиб келади.

**Реляцион нуқтаи назар тарафдорлари макон ва замонни мустақил моҳиятлар деб эмас, балки ўзаро таъсирда бўлган моддий объектлар туфайли ҳосил бўладиган муносабатлар тизими деб тушунадилар.** Ўзаро таъсирларнинг бундай тизими бўлмаса, макон ва замон ҳам бўлмайди, деб ҳисоблашади. Демак, макон ва замон моддий тузилмаларнинг ўзаро таъсири хусусиятларига боғлиқ экани ҳам фараз этилади.

XVII-XIX асрларда табиатшунослик илмлари ривождаги шароитлар тақозоси билан субстанционал концепция устувор бўлган эди. Бу концепция ўша давр аниқ фанининг намунаси деб қабул қилинган Ньютон механикасининг асосида ётар эди. Электродинамикада абсолют маконни тўлдириб турган ва электромагнит тўлқинларидан иборат бўлган нури эфир ҳақидаги гоа абсолют маконнинг мавжудлиги ҳақидаги фикрнинг фойдасига хизмат қилган эди. Ва, ниҳоят, Эвклид геометриясининг яқкаю ягоналиги ҳақидаги факт ҳам маконнинг субстанционал концепцияси учун кучли гувоҳлик берарди. Ноэвклид геометрияси (Лобачевский, Риман Буайэлар томонидан кашф этилган) XIX асрнинг 30-йилларида очилган бўлсада, Эйнштейннинг нисбийлик назарияси яратилгунга қадар, унга фақат тасаввурда мавжуд бўлган

(абстракт) математик тузилмалар деб қараларди; улар реал физик жисмоний маънога эга эмас (аслида бундай геометрияга мос реаллик йўқ) деб ҳисоблаб келинарди.

Реал макон ва замонни фақат Эвклид геометрияси тавсифлайди деб ҳисобланарди. Бу эса макон ва замоннинг ўзгармаслиги ва уларнинг моддий тизимлар ҳаракати ва ўзаро таъсири табиатига боғлиқ эмаслиги ҳақидаги субстанционал концепция хулосаларини гўё тасдиқлар эди.

**Макон ва замон моддий объектлар ҳолатларини муайян координация (уйғунлашув, мувофиқлашув) усулини ифодалайдиган шакллардир.** Ушбу шаклнинг мазмуни ҳаракатдаги материя, моддий жараёнлардир ва айнан шуларнинг хусусиятлари ва табиати макон ва замоннинг асосий хусусиятларини белгилаши керак. Бундан ташқари макон ва замоннинг мазмуни ҳаракатдаги материя бўлгани учун макон ва замон орасида ҳам боғланиш бор, улар бир-бири билан мутлақо боғланмаган ҳолда мавжуд бўла олмайдди. Шу муносабат билан диалектика фанни макон ва замон хусусиятлари билан уларни белгилайдиган тегишли моддий жараёнлар орасидаги боғлиқликни ахтаришга қаратади.

XX аср бошларида яратилган нисбийлик назарияси, макон ва замонга нисбатан аъъанавий қарашларни қайтадан кўриб чиқишга ва субстанционал концепциядан воз кечишга мажбур этди.

*Нисбийлик назарияси* ўзаро боғланган икки назарияни: махсус нисбийлик назариясини (МНН) ва умумий нисбийлик назариясини (УНН) ўз ичига олади. Иккала назариянинг ҳам асосий ғоялари *А.Эйнштейн* томонидан (1905 ва 1916 й.) таърифлаб берилган.

МНН *Галилей* давридаёқ маълум бўлган *физикавий нисбийлик принципини* унга зид деб қаралган электродинамика қонунларига татбиқ этишга уринишининг натижаси ўлароқ вужудга келди. *А.Эйнштейн* бу масалани еча олди. Лекин бу ишнинг баҳоси кутилгандан бошқача бўлди. Яъни, Ньютоннинг макон ва замон ҳақидаги концепцияси қайта кўриб чиқилди. МНН шу вақтгача ўзгармас, абсолют деб ҳисобланиб келинган макон ва замон хоссалари нисбий эканлигини кўрсатиб берди. **Хусусан, МННда макон замоннинг узунлик, вақт интервали, бир вақтдалилик деган тушунчалари ўзининг мутлақлик (абсолют) харақтерини йўқотди.** Макон ва замоннинг ушбу характеристикалари моддий объектларнинг бир-бирига нисбатан ҳаракатига боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

*Макон ва замон хусусидаги реляцион концепциянинг тўғрилиги* ҳақидаги янги далилларни УНН берди. Зеро, МНН фақат инерциал тизимлар билан боғлиқ бўлса, УНН нисбийлик принципларининг

ноинерциал тизимлар соҳасига ҳам татбиқ этилишининг натижаси эди. Бу эса, ўз навбатида, макон ва замоннинг метрик хоссалари моддий объектлар орасидаги гравитацион ўзаро таъсирларга узвий боғлиқ эканини аниқлашга олиб келди. МНН макон ва замоннинг геометрик хоссалари уларда жо бўлган гравитацион массаларнинг тақсимланишига боғлиқ эканини кўрсатиб берди. Оғир объектлар яқинида маконий хусусиятлар геометрияси Эвклид геометриясидан четлашади, вақтнинг ўтиш тезлиги эса камаяди. (9)

Энди махсус нисбийлик ва умумий нисбийлик назарияларига оид баъзи бир гоё ва қоидаларни кўриб чиқайлик:

**1 Нисбийлик назарияси фандан абсолют макон ва абсолют замон тушунчаларини чиқариб ташлади. Шунинг билан у макон ва замонни борлиқнинг материяга боғлиқ бўлмаган мустақил шакллари дея субстанционал талқин этиш нотўғри экандигини очиб берди.**

**2 Нисбийлик назарияси маконий-замоний хусусиятларнинг моддий тузилмалар ҳаракати ва ўзаро таъсири табиатига боғлиқ эканини очиб берди.**

*Нисбийлик назариясининг моҳияти шундаки, илгарилари муъжиза рўй берса-ю, барча моддий тузилмалар бирдан йўқ бўлса, макон ва замон қолган бўларди, деб ҳисоблашарди. Нисбийлик назариясига кўра эса, ҳамма нарса билан бирга макон ва замон ҳам йўқолган бўларди*

#### **(10).А.Эйнштейн**

Натижада биз, даставвал Эйнштейн томонидан ифодаланган икки қоидага дуч келамиз. Эслатишга тўғри келади:

1) бир-бирига нисбатан тўғри чизикли ва текис ҳаракатда бўлган системаларда физик жараёнлар кечиши бир хил рўй беради ёки, бошқача қилиб айтганда, системанинг абсолют тезлиги мавжуд бўлмайди;

2) бир-бирига нисбатан тўғри чизикли ва текис ҳаракатда бўлган системаларда ёруғликнинг бўшлиқдаги тезлиги (ўлчов бирлиги умумий бўлган ҳолатларда) бир хил сон қийматига эга бўлади. Ёки, бошқача қилиб айтганда, ёруғликнинг бўшлиқда тарқалиш тезлиги барча инерциал системаларда бир хилдир. (Инерциал система-инерция қонуни амал қиладиган ҳисоб системаси бўлиб, бунда унга ташқаридан куч таъсир этмаса, ўзининг тўғри чизикли ва текис ҳаракатини сақлайди, деб қаралади).

Маълумки, юқорида эслатилган махсус нисбийлик назарияси ана шу мазкур икки қонун-қоидага асосланган. Физиканинг кейинги тараққиёти эса, умумий нисбийлик назариясини яратиш ва уни тақомиллаштириш билан бирга борди. Бу асосан 1916 йилга келиб А.Эйнштейн томонидан умуман тугалланган деб қаралса-да,

кейинрок кўпгина олимларнинг тадқиқот ишларида ҳали такомилга, маромга етмаган назария сифатида ўрганила бошланди. Айниқса, бу ҳодиса XX асрнинг ўрталарида ва охирида космологик объектлар ҳатти-ҳаракати, уларнинг пайдо бўлишини асословчи назарияларда яққол сезилди. Кенгайиб борувчи ёки шишиб борувчи коинот ҳақидаги янги қарашлар ҳамда “буюк портлаш” тўғрисидаги янги назариялар ҳали бу йўлда жуда кўп ишлар кутаётганлигини, бизнинг билимимиз янада чуқурлашишини билдиради.

*Умумий нисбийлик назарияси махсус нисбийлик назариясининг бевосита давоми бўлиб ҳисобланади.* Ушбу назария ҳар қандай тортилиш майдонини макон ва замон метрикасининг ўзгариши деб, яъни массалар ва улар ҳаракатининг тақсимланишига кўра реал макон ва замон катталиклари геометрик ҳоссаларининг ўзгариши деб тушунтирилади.

Умумий нисбийлик назарияси ҳам қуйидаги икки қонунга асосланади:

**1. Умумий нисбийлик қонуни:** санок тизимлари қандай ҳаракат ҳолатида бўлмасин, уларда физик жараёнларнинг рўй бериши, кечиши бир хил қоидаларга асосланади.

**2. Янги гравитацион қонун:** макон ва замон муносабатларининг геометрик ҳоссалари ва хусусиятлари жисмнинг ҳоссаи ва гравитацион майдон тақсимоли билан ўзаро конкрет қонуний боғланган.

Албатта, А.Эйнштейн томонидан асос солинган ва яратилган нисбийлик назарияси техника тараққиёти ва физиканинг мавжуд ютуқларини умумлаштириш орқасида вужудга келган экспериментнинг тараққиёт даражасига ҳам боғлиқ эди (Майкельсон-Морли тажрибаси ва унинг «салбий» натижалари). Шунингдек, математиканинг қай даражада ривожланганлиги нисбийлик назариясининг пайдо бўлишига замин тайёрлади.

*Бу ерда математиканинг аҳамияти иккита омилда ўз аксини топган:* **Биринчидан**, нисбийлик назарияси ҳаракатланувчи жисмларнинг микдорий нисбатларини чуқур ва аниқ таҳлил қилади ҳамда физик дунёнинг макон ва замон ҳоссаларини ифодалайди.

**Иккинчидан**, нисбийлик назариясининг яратилиши ва тараққиёти учун маълум математик аппарат бўлиши шарт эди. Ана шундай математик аппарат сифатида математиканинг вектор ва тензор назарияси катта роль ўйнади, шунингдек ноэвклид геометрияси (немис математиги Г.Ф.Риман томонидан асос солинган) ютуқлари ҳам маълум аҳамият касб этди.

Шундай қилиб, **нисбийлик назарияси макон ва вақт ҳақидаги табиий-илмий назария бўлиб, масса ва энергия тушунчалари**

**орасидаги алоқадорликни ифодалайди; материя билан макон ва замон бир-бирларига мустахкам алоқадорлигини кўрсатди. Лекин, нисбийлик назарияси бу муаммоларни ечар экан барча фалсафий бахсларга бархам бергани йўқ, албатта. Бир турдаги муаммолар ечилиб, ўрнига бошқа муаммолар келди. Макон ва замоннинг тортишиш ҳодисаси билан айнан эканлиги ҳақидаги масала шулар қаторига киради. Бундай айнашлаштириш барча физик майдонларни геометриялаштиришга олиб келди. Бундан макон ва замонга (реал оламдаги барча физик хоссаларни келтириб чиқарадиган ва белгилайдиган) дастлабки физик реаллик, дастлабки субстанция деб қараш келиб чиқади.**

*Энергетизмда ҳам шунга ўхшаш вазият содир бўлади, яъни бу концепция учун материядан ажралган ҳаракат дастлабки тушунча бўлиб қолган. Дунёнинг геометрик моделида дастлабки субстанция макон ва вақт бўлса, энергетизмда ҳаракат шундай субстанция бўлади. Бу материализм учун шундай бўлиб кўринади. Аслида масала бундан мураккаброк.*

**Ҳозиргача макон ва замоннинг умумий хоссалари куйидагилардан иборат деб келинади. Маконнинг хоссалари: кўламлилиқ, бир жинслилик ва изотроплиқ, уч ўлчамлилиқ. Замон эса бир ўлчамлилиқ (йўналишларнинг фарқсизлиги), қайтмаслик, бир жинслилик хоссаларига эга деб келинди. Макон кўламлилигини ва замонга хос узунликни ҳисобга олмаса ҳам бўлади, чунки улар макон ва замоннинг моҳиятини ташкил этади. Зеро, кўлам нарсаларнинг ёнма-ён туриши хусусиятини (кўламни) билдирса, замон уларнинг бир-биридан олдинма-кейин мавжуд бўлишини (узунликни) англатади.**

**Макон учун энг характерли хусусият унинг уч ўлчамлилигидир. Объектнинг қаердалигини 3 ўлчам ёрдамида аниқлаш мумкин. Вақт эса бир ўлчамли. Кўп ўлчамли фазо тушунчаси ҳам бор. Тўрт ва ундан ортиқ ўлчам ҳақида математикада, назарий физикада, фалсафада кўп бахслар мавжуд. Шу муносабат билан *реал фазо тушунчаси* киритилган. Бу ҳозирги давр фани учун очик масала.**

Маконнинг ўзига хос хоссаларига бир жинслилик ва изотроплиқ киради.

*Маконнинг бир жинслилиги* ундаги ҳамма нукталарнинг бир-биридан афзал ё ноафзал бўлмаслигини англатади. *Маконнинг изотроплиқ хоссаси* эса, йўналишларга нисбатан худди шу фикрни олдинга суради.

*Замон эса, фақат бир жинслилик хоссасига эга. Унда изотроплиқ йўқ.* Вақтнинг ўзига хос хоссаси, унинг орқага

қайтмаслигида (ўтмишга қайтиш мумкин эмаслигида) деб ҳисоблаш кенг қабул қилинган. (Бу фикрга қарши нуқтаи-назарлар ҳам мавжуд).

**Мақон ва замоннинг микрооламда, табиатда, ижтимоий воқеликда намоён бўлиши ўзининг хосликларига эга, шунингдек, биологик вақт, психологик вақт ҳақида ҳам баҳслар кетади.**

**Вақт ва абадият муаммоси ҳам мавжуд.**

### **2.3 ФАНДАГИ БАЪЗИ МУАММОЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ.**

Фаннинг вазифаси келажакимизнинг шакли-тамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат.

**Ислом Каримов**

Ҳар бир фан шаклланиши ва ривожидавомида ишлаб чиқилган қонун-қоидалар, яъни принцип тамойиллар билан иш кўради.

*Принцип лотинча сўз бўлиб, “бошлангич”, “асос” деган маъноларни англатади ва:*

а) бирор бир сиёсий ташкилот, назария, таълимот, фан, дунёқараш асосланадиган қонун-қоида;

б) инсоннинг воқеликка муносабатини ифодалайдиган ички ишончи;

в) асбоб, механизм тузилиши ва ишлашидаги ўзига хослик маъносида ишлатилади.

**Принциплар фанларнинг тараққиёт йўналишларини белгилайди, фан ривожидаги қонуниятларни аниқлашга ёрдам қилади. Фанларда кенг қайд этилган тамойиллар сифатида мувофиқлик, тўлдирувчанлик, умумлаштириш, соддалаштириш, симметрия, кузатувчанлик, абстрактликдан конкретликка томон бориш каби принципларни кўрсатиш мумкин. Буларнинг методологик функцияси, вазифаси ва аҳамиятини кўрсатиш муҳим ҳисобланади.**

**Фанларнинг фундаментал принципларини фалсафий таҳлил қилиш замонавий фан фалсафаси олдига кўпгина қонун, тамойилларни таҳлил қилиш масаласини қўймоқда. Чунки, буларнинг методологик функцияси, вазифаси, аҳамиятини кўрсатмасдан туриб, ўша фандаги асосий назарияларнинг вужудга келишини ва моҳиятини шарҳлаш қийин.**



Шу принциплардан баъзиларини кўриб чиқайлик.

**Мувофиқлик принципи.** Фанда мувофиқлик принципининг мавжудлиги ҳақидаги ғоялар энциклопедик олимлар Беруний, Форобий, мутафаккир Хоразмий, кимё фанининг асосчиларидан бири Жобир ибн Хайён ижодида қўлланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, вақт ўтиши билан баъзи назариялар эскириб, янгилари яратилишига қарамасдан, эски доимо «яроқли»лигини сақлаган ҳолда янгининг бир қисми бўлиб қолишиги ҳақидаги фикрларни тарихий манбаларда учратамиз. XX асрда даниялик олим Н.Бор физика фани учун эмпирик коида ишлаб чиқди. Кейинроқ кўпгина олимлар томонидан «сеҳргар таёқча» деб номланган бу «эмпирик коида» мувофиқлик принципи деб атала бошланди.

Фаннинг кейинги тараққиёти мувофиқлик принципи фақат кимё, физика ёки математикадагина роль ўйнайдиган тамойил бўлмасдан, умумгносеологик принцип эканлигини кўрсатди. Назария, эски назария янги назария учун генетик асос бўлиб хизмат қилиши ва эскиси янгининг хусусий ҳоли эканлиги исботланди.

Бу принципнинг ролини таъкидловчи бир-иккита мисолни физика фанидан келтирайлик. Масалан, атом моделининг яратилишини олайлик. Классик физикага мувофиқ зарралар катта тезлик билан доиравий орбиталар бўйлаб ҳаракат қилганида тезланиш олиши ва электромагнит нурланиш тарқатиши лозим. Натижада тез ва доимо айланма ҳаракатда бўлган электрон энергияси вақт ўтиши билан камайиб, у ядрога «қулаб» тушиши керак эди. Аммо атомнинг мустаҳкам система эканлиги фанга маълум.

Бу қийин ва зиддиятли ҳолатдан қутулиш учун Н.Бор ўзи яратган мувофиқлик тамойили асосида учта постулатни ўртага ташлади. Бу постулатлар атом тузилиши ҳақидаги эски ғояларнинг диалектик инкори сифатида майдонга чиқади. Бироқ бу постулатлар асосан классик физиканинг ютуқларини ўзида сақлаган ҳолда, фалсафий тил билан айтганда, диалектик инкор этиб, атом масштабидаги ҳодисаларни муваффақиятли тушунтира олади.

*Янги назарияга кўра, атомда стационар ҳолатлар бўлиб, зарралар бу ҳолатларда бўлганларида классик электродинамика қонунларига зид ҳолда ўздан нур чиқармайди. Электронлар бир стационар орбитадан иккинчисига ўтгандагина электромагнит нурланиш пайдо бўлиб, бундаги нур энергиясининг миқдори таъсир квантининг частота кўпайтмасига тенгдир.*

Албатта, бу кейинги назарияни ҳам абсолют аниқ назария деб тушунмаслик керак. Буни Н.Борнинг ўзи ҳам билган ҳолда, квант

назариясининг кейинги тараққиёти билан ўзгартирилиши лозимлигини қайд қилган эди. Бор назариясининг ҳаётбахш кучи шунда эдики, бунда асрлар давомида ишлатилиб келинаётган классик механика тушунчалари янги квант тушунчалари билан бир қаторда ишлатилади. Электроннинг «траектория бўйлаб» узлуксиз ҳаракати каби классик тасаввур билан «бир стационар ҳолатидан иккинчисига сакраб ўтиш» каби тасаввурларнинг биргаликда ишлатилиши фикримизнинг далили бўла олади. *Классик механика квант механикасининг хусусий ҳоли эканлиги кўрсатилди.*

Н.Борнинг мувофиқлик принципига асосан физик катталикларнинг маълум сон қийматларида бу назарияларнинг бири иккинчисига ўтар экан.

Шундай қилиб, Н.Борнинг асосий хизмати унинг частоталар қондасини яратиши бўлди. Бунда Бор Планкнинг абсолют қора жисм вибраторлари энергияни атрофга узлуксиз эмас, балки улушлаб тарқатади, деган гипотезасидан фойдаланди. Н.Борнинг постулатларига мувофиқ, ҳар бир атом маълум энергия қийматлари билан характерланадиган турғун (стационар) ҳолатларнинг муайян бир узлукли қаторидагина бўла олади.

*Янги назария билан эски назария ўртасидаги алоқадорликнинг махсус нисбийлик назарияси тенгламалари ёруғлик тезлигига нисбатан жуда кичик тезликларда классик механика тенгламаларига айланиши мисолида ҳам кўриш мумкин.*

Демак, параметрларнинг маълум қийматларида янги назария ҳам, эски назария ҳам бир хил натижага олиб келишلىгини, яъни эскиси билан янгиси ўртасидаги боғланишларни яққол кўрсатиш мумкин.

Квант механикасининг асосчиларидан бири Нобель мукофотини олиш маросимида қилган докладида мувофиқлик принципининг ҳозирги замон фанидаги аҳамиятига алоҳида тўхталган эди.

*«Квант механикаси, ўзининг шакли жиҳатидан, Н.Борнинг мувофиқлик принципини аниқлаш йўли билан тартибли математика схемасини тузишга уриниш натижасида бунёдга келди»*

### (11) В.Гейзенберг

Шундай қилиб, юқорида биз қисқа танишган мувофиқлик принципини ҳозирги замон назарий физикасининг, умуман табиатшуносликнинг муҳим ютуғи ҳисобланади, инсон билиш тараққиётининг ажойиб хусусиятларини, жамият ривожининг тадрижийлигини ифодалайди. Дарҳақиқат, бизнинг дунё ҳақидаги билимимиз бирданига шаклланиб қолмайди. Билимимиз воқеликни асосан тўғри лекин тўла акс эттирмайлиган нисбий ҳақиқатлардан, бойитиладиган, кон-

кретлаштирилладиган билим ҳақиқатнинг тўла ва тугал формаси бўлмиш мутлоқ ҳақиқат томон боради.

Шунингдек, **мутлоқ ҳақиқатни қотиб қолган, ўзгармайдиган билим деб, нисбий билимни фақат нисбий деб тушунмаслик лозим.** Ҳақиқатан ҳам мутлоқ ҳақиқатда нисбий ҳақиқат унсурлари бўлади. Масалан, фанда бир назария ўрнига иккинчиси келганда, эскиси бутунлай улоқтирилиб ташланмайди, ундаги ижобий тўғри томонлари ривожлантирилади.

*Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг, ҳар қандай ҳолда ҳам... нарсаларни вайрон қилишга берилиб кетишга ҳаққимиз йўқ,*

**(2) Ислоҳ Каримов**

Шунингдек, билимда мутлоқлик билан нисбийликнинг тадрижий боғлиқлигини тушуниш, эски билан янги билим муносабатини, умуман билимимиздаги сатҳларни билишда қўл келар экан, бу ерда бир табиий савол туғилади.

*\*Умуман, билимимизда сатҳлар мавжуд экан, улар ўзаро қандай муносабатда бўлади?*

Бу саволга жавоб излаш биздан беихтиёр назарий тафаккурнинг ривожланиш қонуниятини – мавҳумликдан муайянлик томон бориш методи билан танишишни тақозо этади.

Предмет ва ҳодисани мукамал, ҳар томонлама билиш конкрет билим бўлса, предметнинг бирор бир томонини билиш абстракт билимдир. Агар биз бирор бир объектни кузатсак, шу ҳақда ҳиссий-конкрет билимга эга бўламиз. Бу конкрет билим ҳали предмет ҳақида тўла билим эмас. Турли абстракциялар ёрдамида тўлароқ билим томон борамиз, яъни айрим абстракциялардан конкрет билим томон борилади.

**Бу илк ҳиссий-конкрет билимга қайтиш эмас, балки конкрет билимни тафаккурда қайта ҳосил қилишдир. Ана шундай усул билан билишнинг юқори формасига эришилади.**

Бу қонуният қандай амал қилишлигини фанлар тарихидан мисоллар билан тушунтирса бўлади. Масалан, ёруғлик икки хил нуктага назардан ўрганилади. Бир томондан, ёруғлик зарра (корпускула)лардан иборат деб қаралган бўлса, кейинчалик ёруғлик тўлқин табиатига эга эканлиги исботланди. Ёруғлик ҳақидаги назарияларнинг кейинги тараққиёти, у электромагнит табиатига эга эканлигини исботлади. Оптика ва квант механикасининг ривожланиши эса, ёруғлик ҳам тўлқин, ҳам корпускула хусусиятининг диалектик синтездан иборатлигини кўрсатди. Бу эса, олимларни ёруғлик ҳақида конкрет билим билан қуроллантирди.

*Демак, билиш назариясига кўра, абстракт ҳақиқат йўқ, ҳақиқат ҳаминша конкретдир. Бизнинг билимимиз ҳаракатдаги*

материянинг тўғри шېккоси сифатида ривожланиб боради, узлуксиз чуқурлашади ва кенгаяди. Биз билмасликдан билишга, оз билишдан кўп билишга қараб бораверамиз. Материя ва унинг кўринишлари ҳақидаги билимларимиз чуқурлашади. Ана шу нисбий билимларнинг тўплана бориши жараёнида материя ҳақида тўла, абсолют билимга томон борамиз.

Билиш назариясидаги нисбий ва мутлақ ҳақиқатлар ҳақидаги қонда табиатнинг кўп қиррали томонларини билишда ҳозирги замон фанларининг асосий методологик принципларидан бир вазифасини бажараётганлиги ҳам табиатшунос, ҳам файласуфлар диққат-эътиборини ўзига тортмоқда.

**Тўлдирувчанлик принципи.** Квант механикаси тараққиёти билан ундаги кўпгина қонун-қонда, тушунчаларни таҳлил қилиш, тавсифлаш, баён этиш принципларига ҳам Н.Бор томонидан асос солинган. Бу ҳам классик физика билан янги квант физикаси оралигида бир «кўприк» вазифасини ўтайди.

Бу принципнинг Борча талқинига асосан, баъзи бир ҳодисаларни тушунтириш классик физика доирасидан қанчалик ташқарига чиқмасин, тажриба натижалари классик тушунчалар ёрдамида талқин этилиши мумкин.

Маълумки, классик физикага кўра, бирор бир объект, масалан, зарранинг фазода тугтан ўрни, импульси, энергияси ва вақтини Ньютон механикаси ёрдамида бир вақтнинг ўзиде, исталган аниқликда ўлчаш мумкин бўларди. Квант механикасида эса, юқоридаги физик катталикларни элементар зарраларнинг корпускуляр-тўлқин табиатидаги қарама-қаршиликлар туфайли бир вақтнинг ўзиде, исталган аниқликда ўлчаш мумкин эмас. Бу В.Гейзенберг томонидан яратилган *ноаниқлик принциpidан* келиб чиқади.

**Ноаниқлик принципи математика тилида ноаниқлик муносабати кўринишида ўз аксини топган.**

Ўз навбатида, ноаниқлик муносабати кейинчалик (1927 йилда) Н.Бор томонидан **тўлдирувчанлик принципининг** яратилишига олиб келди. Янги физикада рўй берган методологик қийинчиликларни бартараф этиш, атом масштабидаги ҳодисаларни тасвирлаш ҳамда классик физиканинг қай даражада яроқлилигини кўрсатиш мақсадида Н.Бор майдонга ташлаган **тўлдирувчанлик принциpidа** мувофиқ атом масштабидаги объектиларнинг корпускулалар ва тўлқин хоссалари ўзаро тўлдирувчан муносабатда бўлади, бироқ уларни ўзаро қарама-қарши ва бир-бирини истисно қилувчи асбоблар ёрдамида ҳам қилиш мумкин.

Асбобларда олинган маълумотлар классик тушунчаларнинг ўзаро тўлдирувчан икки системаси ёрдамида ҳам баён этилади. Квант-механик жараёнларни баён этишда эса, бир вақтда ҳам корпускуляр, ҳам тўлқин назариялардан фойдаланилади, чунки улардан фақат биттасини ишлатиш шу жараён ҳақида тўлиқ маълумот бермайди. Демак, бу назариялар бири иккинчисини тўлдирадир экан.

Н.Бор томонидан физика фани учун ишлаб чиқилган бу принцип фаннинг кўп соҳаларида методологик принцип вазифасини ўтамокда, шунингдек, билишдаги объект ва субъект масаласини янгича шарҳлашга олиб келди. Агар классик физикада изланаётган объект кузатиш услубига боғлиқ бўлмаган ҳолда қаралса, квант физикасида эса атом ҳодисаларини ҳар қандай кузатиш уларнинг кузатиш воситалари билан ўзаро таъсирига боғлиқ бўлиб, бу ўзаро таъсирни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бу ерда табиёт илмида ўртага қўйилган фалсафий муаммо кўзга яққол ташланади. Бу кейинги муаммо билиш назариясида маълум «субъект активлиги» номли қондани ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади. Бизнинг мисолимизда субъект активлиги бўлиб ишлатилаётган асбоб, шунингдек, назарияларнинг текширилаётган ҳодисага актив «аралашуви» тушунилади. Шунинг учун квант механикаси классик физикадан фарқли ўлароқ ҳодисаларни ўрганувчи субъектнинг актив ролини диққат-эътиборга олади.

**Хулоса ўрнида:** ҳозирги замон тараққиётининг бутун жараёни *«табиат тафаккурнинг синов тоши»* эканлигини исботламокда. **Жонсиз ҳамда жонли табиат тўғрисидаги фанларнинг янгидан-янги ютуқлари тадрижий тафаккурни табиатшуносликнинг ўзи тугдиради.** Бу деган сўз тадрижий тафаккур аввал ўрганиб, уни амаида қўллайдиган метод эмас. Тадрижий тафаккур тафаккур-табир жоиз бўлса, предметга йўналтирган тафаккурдир. Предметнинг ўзидаги нуқсонлар бизни яна ҳам ҳақиқийроқ, ҳақиқатга яқин мавқеъда туришга эришишга ундайди. (Илм – ул – яқийн).

## **2.4. БИОСФЕРА ВА ЭКОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАР**

Кейинги ўн йилликларда саноатнинг жадал ўсиши, қишлоқ хўжалигининг кенгайиши, урбанизация ва бошқа ҳодисаларнинг юз бериши натижасида Ернинг устки қобиғида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Натижада биосфера эволюцияси инсоният олдида турган энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Биосферадаги орқага қайтарилмайдиган ва тузатиб бўлмайдиган бу жараёнларни ўрганиш, уларнинг сабабини аниқлаш давлат арбоблари, турли касб эгалари, барча соҳадаги олимлар, журналистлар, ёзувчилар, бадний ижод ва-

киллари кизиктирди; бу масалага жиддий эъгибор берилди бошланди. Бугунги кунда борликнинг эволюцион жараёнларини ўрганиш осон иш эмас. Чунки, жамиятнинг табиатга ўтказётган кучли босими экологик фожианинг олдини олиш муаммосини қийинлаштиради. Шунинг учун бу масалани илмий йўл билан, инкор этиб бўлмайдиган асослар билан ҳал этиш (исботлаш) мумкин. Ҳозирги даврда биосферанинг эволюцион жараёнини ўрганиш инсон билан табиатнинг, инсон билан инсоннинг муносабатини яхшилайтиди. Демак, келажакни режалаштириш ва табиат билан жамиятнинг Узаро муносабатини бошқариш йўллари ҳал қилувчи воситаларини топиш ҳозирги даврнинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Бугунги кунда инсоннинг органик дунё эволюциясига таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб бормокда. Ҳозирги замон антропология таълимотига кўра, органик дунё тарихини "антропозой" деб атамоқдалар. Чунки, янги маълумотларга кўра, антропогенез биз билгандан олдинроқ бошланган экан. (*Антропо – одам, зоо – жонли мавжудот демакдир; Антропогенез – инсон келиб чиқиши, эволюцияси*).

Маълумки, питекантроп синантроплар топилгандан уларнинг пайдо бўлиши вақти тахминан 4,5 млн. йил деб белгиланган эди. Антропогенез кам сонли турларда атропондларнинг популяцияси натижасида жонли мавжудотнинг космосга таъсири кучайди. Инсоннинг пайдо бўлиши ва шаклланиши билан унинг аҳамияти кучая борди. Инсоннинг космосга бўлган муносабати сифатий ўзгарди. Инсоннинг табиатга бўлган муносабати маданийлаштириш шароитида янада фаоллашди; ҳайвонларни урчитди, уй ҳайвонига айлантди. Неолит даврида эрамыздан илгари 80 000-10 000 йилларда инсоният тарихида туб ўзгариш юз берди. Бу давр маданийлаштириш даври деб аталади. В.И.Вернадскийнинг айтишича, ҳозирги кунда инсон ҳаракати биосферада ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб бормокда. Шунга кўра, бугунги кунда эволюцион жараёнларни ўрганиш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, баъзи палеонтолог олимлар ҳаётнинг тараққиётини ўтмиш геологик босқичлар билан, яъни палеонтологик метод билан изоҳлайдилар. Бу билан ҳозирги давр жараёнидан узоклашадилар. Чиндан ҳам ҳаётда юксак ўзгаришлар мезоэволюция даври ўн минглаб йилларни камраб олади. Тан олиш керак, бутун катта таксонлар геологик ўтмишда пайдо бўлди. Бирок, ҳозирги замонга яқинлашган сари биологик янги ташкил топиш доираси камайиб бормокда. Шундан хулоса чиқариб, баъзи тадқиқотчилар эволюциянинг ниҳоясига етиш концепциясини қўлламоқдалар. Улар эволюция якуний босқичига етиб келди, деб айтмоқдалар.

Бугунги кунда табиатга инсон таъсирининг кучайиши, пировард натижада, жуда кўп ўсимликлар ва ҳайвонот оламидаги экосистемани ишдан чиқармоқда. Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг бир қатор турлари йўқолиб кетди. Шунинг билан бирга, инсон аралашуви натижасида табиатни бузиш эмас, тиклаш ҳам мумкин эканлиги кўрсатилмоқда. Инсон нафақат табиат мувозанатини тиклайди, балки эволюциянинг табиат жиҳатидан давом этиши учун имконият яратади, унда иштирок этади.

Инсон томонидан ўсимлик ва ҳайвонларнинг янги турларини яратиш атроф-муҳитни яхшилабгина қолмай, балки эски мувозанатни бузадиган ҳолатларни тиклайди. Эски йўқолиб кетган ўсимлик ва ҳайвонот оилаларининг ўрнига биосферада янги, унинг эволюциясига мослашадиган турларини пайдо қилади. Баъзилар биосферанинг бугунги кундаги ҳолатига унинг фожиаси сифатида эмас, балки янгилашни даври сифатида қараш яхшироқдир, деб айтмоқдалар. Анаэроблик (ҳавосиз) организмнинг *азроблик* (ҳаволи) организмга ўтиши ҳам биосферанинг тубдан ўзгариши учун мисол бўла олади. Биосфера пайдо бўлишидан бошлаб, ундаги организмлар ўзгара бошлади. Улар ўзгариши билан биосферанинг ўзи ҳам ўзгара борди. Бугунги кунда органик дунё бир бутун тарзда инсон фаолияти натижасида пайдо бўлган биосфера вазиятига мослаша олади, деб айтиш мумкин. Бироқ, биосфера эволюциясининг кейинги даврини тўла тасаввур қилиш мушкул масала.

*Биз биосферанинг янги эволюцияси қайси томонга кетишини билмаймиз. Инсоният фақат унинг бошланишини билади.*

**(12) В.Вайскопф**

*Инсон учун биосферанинг натижаси қандай бўлади?*

*Ҳозирги кунда биосфера қандай шаклланмоқда?*

Инсон биосферанинг таркибий қисми сифатида, унинг нормал ҳолатининг асосий параметрларини ўзгартирмаган ҳолда қўллаб-қувватлаши даркордир. Инсон ана шунинг учун биосферанинг табиий ривожланиш жараёнини, ички моҳиятини билиши зарур бўлади.

Ҳозирги замон биосфера ресурсларидан (захираларидан) оқилна фойдаланиш ва авайлаб сақлаш инсоннинг бурчидир. Баъзи олимлар «инсоният табиатга кескин аралашуви натижасида уни яроқсиз ҳолатга келтириб қўйди. Инсон ўзи ҳам йўқ бўлиш арафасида турибди. Планетамиз бутунлай йўқ бўлгани яхши, чунки «аклироқ мавжудотнинг мукамалроқ биосферада янги планетаси пайдо бўлса, биосфера сақланиб қолади», - каби фикрларни ҳам айтишяпти. Бундай фикрга кўпчилик мутахассислар, мутафаккирлар бутунлай қўшилмайди.

Бугунги кунда инсон ўзини ҳам, биоферани ҳам сақлаш имкониятига эга. Биосфера қандай бўлса, инсон уни шундай сақлаб қолиши керак. Инсон биосферани ўзига, ўзининг яшашига мослаган ҳолда сақлаши керак. Инсонни ўзгартириб турувчи биосферага эмас, балки инсон фаолиятини биосферани яхшилашга қаратиш керак. Экотизмни сифатий ўзгартириш керак. Унинг махсулдорлигини ошириш, инсонларнинг яшаши учун эстетик ва ахлоқий маъна ҳисобланмиш, улар ўртасидаги муносабатни яхшилаш керак. Инсоннинг уй ҳайвонлари сифатини яхшилаши, ўсимликлар дунёсига янги қараш, ахлоқ, қадриятлар мезони билан қараш, микроорганизмни яхшилаши, уни кузатиш, тузатишнинг ёрқин мисолларидир. Микроорганизм илгари "ҳамиртурушлар" сифатида сақланган бўлса, эндиликда унинг сони юзлаб ва минглаб кўпайди. Улар соғлиқни сақлаш корхоналарида дори-дармон сифатида фойдаланилмоқда. Микроорганизмни ишлатувчи саноат корхоналари пайдо бўлиб бормоқда, сунъий оқсил ишлаб чиқарилмоқда, қишлоқ хўжалигида янги соҳалар вужудга келмоқда. Бундан 60 йил илгари И.В.Вернадский биосфера тарихида сифатий ўзгариш бўлаётганини кўрсатиб берган эди.

*Биз биосфера тарихининг муҳим ўзгаришлар даврида яшамоқдамиз. Бу психозойка эраси бўлиб, бунда унинг янги ҳолати ноосфера мавжуд бўлади. Биосферада инсоннинг геологик роли ҳукмронлик қилиб, унинг келажакда ривожланиши учун кенг уфқлар очиб берди.*

(12) Вернадский В.И.

Биосферанинг ноосферага гармоник ўтишини таъминлаш инсоннинг ўзига боғлиқ.

*Инсон биосферани ардоқлаб, космосда ягона ақлли мавжудот сифатида фаолиятда бўладими ёки ўзининг "ақсиз"лигини кўрсатиб, уни ҳавф-хатарда қолдирадими?*

Бутун жамиятнинг эволюцион ҳаёти ва ривожланиши биосферанинг ва ундаги органик дунёнинг стихияли мавжудлигидан инсон ирода кучи ва ақл салоҳияти билан бошқарилишига ўтишига қаратилган.

Ноосфера (юнонча *noos* – ақл *sfera-doira* бўлиб, ақл ҳукмрон доира маъносини беради) эраси бошланишининг асосий кўринишларидан бири ҳайвонот ва ўсимликлар турларининг инсон ҳимояси остида кўпайиб бориши жараёнидир. Бу нафақат маданий шаклда, балки мавжуд табиий экотизмни сақлаб қолиш асосида боради. Бугунги кунда ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг эволюциясини ўрганиш илмий-техник тараққиёт раванқининг оқибатларини ижобий томонга буришнинг илмий асосларини яратиш йўлидан боради. Органик дунёнинг эволюциясини ижтимоий ҳаётдаги эволюцион йўл



билан уйғун ҳолда ўрганиш ва биосферага таъбиқ этиш умумметодологик аҳамиятга эга бўлган фалсафий масаладир.

*Такрор-такрор айтмоқчиман: жамиятни янгилашнинг инқилобий усулларига биз мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий – эволюцион ислохотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз.*

(3) Ислом Каримов

Бугунги кунда борлиқнинг тараққиёт йўли - эволюция универсал характерга эга. Бу тамойил биосферада ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам инсон ақлий салоҳиятининг роли ортиб бориши тамойилини таъминлайди.

## 2.5. СИНЕРГЕТИКА – ДУНЁГА ЯНГИЧА ҚАРАШ

Синергетика – бу дунёга янгича қараш бўлиб, фанлардаги янгиликларни умумлаштириш, ўз-ўзини ташкил қилиш, чизиксиз тафаккур асосида глобал эволюцион жараёни таҳлил қилувчи фанлараро илмий тадқиқот усули сифатида асримизнинг 70-йилларида пайдо бўлди. *Синергетика янги таълимот сифатида ўз-ўзини бошқаришнинг умумий қонунлари ва тамойилларини ўрганишни мақсад қилиб қўйди. У ўз-ўзини бошқариш жараёнининг физик, химик, биологик, техникавий ва иқтисодий, социал ва бошқа соҳаларда намоён бўлиш принципларини глобал эволюцион йўналиш сифатида ўрганadi. Синергетикага кўра, макон ва замон структураси макроскопик тартибга келиш жараёнида мураккаб чизиксиз тизим сифатида тушунилади. Бу тизим мувозанатлик ҳолатидан узоклашиб, ўзига хос танглик нуқтасига (бифуркация нуқтасига) яқинлашади ва натижада тизимнинг қалқиб турадиган, турғун бўлмаган ҳолати вужудга келади. Мана шундай ҳолатда тизим нуқтаси унча аҳамиятли бўлмаган таъсир ёки флуктуация асосида ўз ҳолатини кескин ўзгартириши мумкин. Бу ҳолат кўпинча хаос (тартибсизлик)дан тартибга ўтиш асосида боради.*

Шунинг билан бир қаторда *синергетика хаос концепциясини қайта кўриб чиқди, унинг динамикасини ўрганди. У маълум шароитда янги турғун тартибга асосланган тизимнинг вужудга келишида конструктив роль ўйнашини кўрсатиб берди. Синергетика дунёнинг классик фанга асосланган манзарасинигина эмас, балки квантлерелятивистик манзарасини ҳам; янгича чизиксиз тафаккур асосида XX аср иккинчи ярмидаги янги илмий манзарасини тушунтириб берди. Синергетика жуда кўп эски тушунчаларга барҳам берди. Шу қулларгача «хаос (тартибсизлик) салбий тушунча, уни тартибга келтириш керак» деб қаралган эди.*

**Синергетика хаос дунёни бузувчигина бўлиб қолмай, мураккаб тизимни ташкил топишида очиқ тизимда тузувчилик вазифасини бажариши мумкинлигини ҳам кўрсатди ва унинг тузувчилик механизминини асослаб берди. Тизим эволюцияси ўзини ўзи ташкил этиш асосида ўзини ўзи янгиллаши мумкинлигини кўрсатиб берди.**

Турли даражадаги ташкил қилувчилар хаос орқали ўзаро алоқада бўладилар. Нотинчлик, турғунмас ҳолатида тизим кам кучга эга бўлган таъсир-флукуация макротизимни ўзгартириб юбориши мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, алоҳида олинган шахслар фаолияти ҳам самарали бўлар экан. У ҳамма вақт ҳам тўла намоён бўлавермайди, Умумий тенденциялар баъзида ютиб юборади. Бирок, айрим шароитда алоҳида шахс фаолияти ҳал қилувчи ролни ўйнаши мумкин.

**Бутунги кунда юртбошимизнинг саъй-ҳаракати ақл-заковати беқарор жамиятни барқарор ҳолатга келтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу синергетиканинг тамойилларидан келиб чиқади. Шунингдек, ҳар бир шахс дунёда бўлаётган жараёнларга онгли муносабатда бўлишга, социал тизимга масъуллиқ билан ёндошиб, унинг тақдирига бефарқ қарамасликка олиб келади.**

Илгариги илмий қарашларда тасодифни тизимдан қувишгача олиб келинган эди. Унда тасодиф иккинчи даражали, умумий йўналишга таъсир кўрсатадиган асосий куч эмас, деб қаралар эди. Синергетика микрофлукуация (тебраниб турадиган ҳолат) даврида алоҳида олинган тасодифлар тизимнинг ўзгаришига ҳал қилувчи таъсир ўтказиши мумкин эканлигини кўрсатди. Бундан, юқорида айтганимиздек, тарихий тараққиётда алоҳида шахс ролининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини, унинг тарихни яратишдаги бетақрор иштироки мавжудлигини синергетика кўрсатиб берди, деган хулосага келиш мумкин.

**Илгариги қарашларда ривожланиш пастдан юқорига борадиган босқич, олға қараб кетадиган, муқобилсиз (альтернативсиз) жараён деб изоҳланган. Ривожланиш орқага қайтмайдиган фақат илгарилаб борадиган жараён сифатида қаралган. Муқобил ривожланиш эса, иккинчи даражали, тасодифий ҳолат деб, магистрал йўлдан оғиш деб тушунтирилган.**

Ривожланиш объектив асосдаги универсумга бўйсунди, тасодифлар ана шу умум тенденцияларга таъсир этолмайди, деб қаралган. Мураккаб тизимнинг ривожланиши бир томонга йўналтирилган бўлмай, балки турли вертикал ва горизонтал йўналишда бўлиши мумкинлигини, бу йўналиши бир неча альтернатив йўллاردан ташкил топишини синергетика кўрсатиб берди. Ривожланиш йўллари турлича экан, бу жараён ўзига хос, ўзига мос йўлни танлаб олиш

имкониятини беради. Бу йўл инсон фаолиятини бузишга эмас бунёдкорликка, табиат ва жамиятни ардоқлашга, уларга муносабатда эҳтиёт бўлишга чорлайди.

Эволюциянинг йўли кўп бўлса-да, тараққиётнинг маълум даврадаги мақбул йўлини олдиндан қўриб, унинг қонуниятини, сабабий боғланишини аниқлаш мумкин. Маъна шу жараён детерминизмни янги босқичга кўтарди. Инсон ўзининг руҳиятида яшириниб ётган ҳолатларни англаб етади ва ўз имкониятларини ишга солади,

**Синергетика мураккаб система (тизим) ривожланишига олдиндан белгилаб қўйилган йўлни мажбур қилиб бўлмайди, деб кўрсатади.** Система ўз ривожланиши учун уни тараққиёт тенденциясига, ўзига хос йўлга йўналтириш керак бўларкан. Умумий йўналиш сифатида инсонларнинг инсонлар билан, табиатнинг инсон билан биргаликда яшаши (коэволюция) қонунларини билиш керак бўлади. Ривожланишни бошқариш масаласи ўз-ўзини бошқариш шаклига кириш муаммосига айланиши керак.

**Синергетика эволюция жараёнида супер йўналишнинг принципларини очиб беради.** Бунда бир бутун эволюция қисмлардан, бўлақлардан ташкил топган мураккаб ривожланувчи тизим сифатида оддийлардан ташкил топишини аниқлайди. Бунда тизимни бирлаштириш ва бир бутунга келтириш, балки ана шу тизимнинг локалланishi «энергия нуқсонидан» ҳисобига қопланиб боради, бироқ бутун қисмларнинг йиғиндисидан иборат бўлмайди. Умуман олганда бутун қисмларнинг йиғиндисидан катта ҳам, кичик ҳам эмас, балки сифатий жиҳатдан бошқа система бўлади. Бутун билан бўлақлар (қисмлар) ўртасида янги мувофиқлик келиб чиқади. Булар ўзаро ҳамкорликда бўладилар.

**Эволюция бир бутунни ташкил қилиш принципларини тушунишнинг, мураккаб социал геосиёсатни ташкил қилишнинг, жамиятнинг турли даражадаги вилоятларини бир мақсадга бирлаштиришни ташкил қилиш ва дунё ҳамкорлигини вужудга келтиришга тўғри ёндошишнинг илмий-фалсафий асосини беради.**

*Синергетика мураккаб тизимни бошқаришда нималарга суяниш кераклигини, уни самарали бошқариш йўллари кўрсатиб беради.* Мураккаб тизимни ташкил қилишда энг муҳими куч эмас (унинг кўи қисми «сўвга оқиб» кетади), балки тўғри модели архитектуравий таъсирни ташкил этишдир. Кичик, бироқ тўғри ташкил этилган резонанслар мураккаб тизимга таъсир этиши қанча самара беришини кўрсатди.

**Шарқ фалсафасида қадимдан шундай ҳолларни пайқашган.**

*Агар тўғри ташкил қилинса, кучсиз кучлини енгади, юмшоқ қаттиқ устидан, паст баланд устидан галаба қилади,*

Синергетика маълум шаронгда тез «оқим» (лавина) шаклидаги жараёнларнинг чизиксиз ҳолатини, ўз-ўзини рағбатлангирувчи ўсиш қонуниятларини очиб берди.

*Қандай қилиб очиқ тизим чизиксиз муҳитда иқтисодни ташкил қилишнинг ташаббускори бўлиши мумкин?*

*Қандай талаблар бундай шароитда (очиқ, чизиксиз тизимда) амал қилади, унинг қулаб кетишининг қандай эҳтимоллари бор ва мураккаб тизим қандай қилиб ривожланишни максимал таъминлаш мумкин?*

Бу масалани тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Синергетика мана шу масалаларга жавоб беради: ва унинг қонунларини кўрсатиб беради.

Синергетиканинг асосчиси белгиялик олим И.Пригожин ўзининг бу тўғридаги таълимотида ўз-ўзини ташкил қилиш қонуниятларини, хаосдан тартибга ўтиш қонуниятларини кўрсатиб берди.

*Борлиқ беқарорлик ва барқарорликнинг ўзаро муштараклигидан иборатдир. Шу сабабли улардан бирортасисиз дунёни атрофлича ўрганиб бўлмайди.*

### И.Пригожин

Синергетика тамойилларига кўра, муҳит келажак шаклини ташкил қилишнинг ташувчисидир.

*Маълум тизимнинг ташкил топишида муҳитнинг роли қандай?*

Ўз-ўзини ташкил қилиш очиқ ва чизиксиз муҳитда амалга ошади. Кўпчилик ҳолларда табиатдаги жараёнларда ўз-ўзини ташкил қилишнинг спиралсимон тўлқин, гирдоб ёки олти қиррали катак шаклида намоён бўлиши кўзатишган. Бироқ ҳеч ким Нима учун тарқаб кетиш йўқ?, Нима учун муҳитда тизим ташкил топади?, Нима учун пайдо бўладиган тизим ўз шаклини сақлаб қолади? каби саволлар бермайди. Гарчи, тарқалиш жараёни юз берса-да, тизим маълум муҳитда ташкил топади. Нега муҳит маълум шаклдаги тизимни вужудга келтиради (спиралсимон ёки олти қиррали катак шаклида в.к.). Тизимнинг эволюцияси ва ички механизмида икки қарама-қарши йўналиш ўртасида асосий кураш ёки "ўйин" кетади. Буни ташкил этишда ёки қулаб кетишида фаол муҳит ҳал қилувчи ролини ўйнайди.

**Синергетика мураккаб тизимнинг ташкил топишидан чўчиш ёки кўрқиш каби руҳий ҳолатни олиб ташлайди. Математик моделлаш натижаси шуни кўрсатадики, чизиксиз, очиқ системага асосланган оддий математик модель ҳам тизимнинг мураккаб ҳолатини ифодалайди. Мураккаб тизим ҳолатини чизиксиз математик модель асосида қисқа тенгламаларда ифодалаб, унинг ҳолатини тўла баён**

этиш мумкин. Ўз-ўзини ташкил этишда тизимни фазовий маконда, очик чизиксиз ҳолатда тушуниш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тизимнинг шаклланиши учун муҳитнинг ташувчи вазифасини олдиндан билиш мақсадида қуйидагиларга яъни:

а) жараённинг "мақсади"га (янги структура жараёнига);

б) бир бутун тизимнинг кенг ёйилиш умумий тенденциясига (муҳитга);

в) кузатадиган инсон идеалларига эътибор бериш керак.

Бу оддий математик модель асосидаги муҳим натижалар бўлиб, синергетик дунёни англаш асосини ташкил этади,

**Энди очик муҳит тасаввури нимага аниқлаб олиш керак**

Ўз-ўзини ташкил этишга қодир тизим ғуруҳи (синфи) очик ва чизиксиз тизим деб аталади. Атроф-муҳитда ўзининг энергия манбаига эга бўлган, модда ва энергия алмашувини таъминлайдиган тизим очик тизим дейилади. Одатда «манба»и деганда локаллашган манба тушунилади. Ирмоқлар сувни ўз манбаларидан олади, кейин дарёларга айланади. Ўз-ўзини ташкил қилиш тизимида ҳар бир нуқта манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўзаро алмашув ўз чегараси орқалигина эмас, балки ушбу муҳитнинг ҳар бир нуқтаси орқали амалга ошиши мумкин. Очик тизим ўз-ўзини ташкил қилишнинг зарурий шарти, бироқ ўз-ўзини ташкил этиш учун очик тизимнинг ўзи етарли эмас. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай ўз-ўзини бошқариш очик тизимдир. Бироқ ҳар қандай очик тизим ўз-ўзини бошқариш эмас. Ҳаммаси икки қарама-қарши имкониятларнинг «ўйини»га боғлиқ.

**Чизиксизлик тушунчаси дунёқараш аҳамиятига эга.**

"Чизиксизлик" янги парадигманинг концептуал туғунидир. Янги парадигмани чизиксизлик парадигмаси деб аташ ҳам мумкин. Шунинг учун чизиксизлик тушунчаси янги дунёқараш маъносини ифода қилади. Чизиксизлик математик маънода маълум математик тенгламалар тури бўлиб, унинг қиймати муҳитнинг ҳолатига қараб бирдан катта ёки кичик бўлиши мумкин. Чизиксиз тенглама бир нечта (бирдан ортик) сифатий фарқ қиладиган ечимга эга. Бундан чизиксизликнинг физик маъноси келиб чиқади. Чизиксиз тенгламани ҳал қилишнинг турли ечими эволюция ривожланишининг турли-туман йўлини кўрсатади. Бундай ҳолатни чизиксиз тизим билан изоҳлаш мумкин. Ҳар қандай янги тизим муҳит натижасида сифатий ўзгарар экан, ўзининг янги эволюцияси йўлига эга бўлади. Бу эса чизиксизлик эволюцияси кўп вариантли, муқобил эканини кўрсатади ва, ўз навбатида, имкониятларни танлаб олиш вазиятини яратди.

Эволюциянинг суръати, ривожланиш даражаси (муҳитда ривожланиш тезлиги) гоёси эволюциянинг орқага қайтмаслик тамойилини, унинг дунёқараш аҳамиятини кўрсатади. Чизиқсизлик маълум муҳитда "кичкина"нинг ҳал қилувчи аҳамиятини кўрсатади, муҳитга, ҳодисаларга тез жавоб бериш характерини очиб беради. Ҳар бир ҳодисанинг ўзига мос йўлини топиш имкониятини кўрсатиб беради. Чизиқсизлик ривожланиш майдони йўлида адашиш ҳам мумкинлигини айтади. Бироқ, синергетика маълум гуруҳнинг ривожланиш қўламини ҳам кўрсатиб, унинг детерминланганлигини исботлади.

**Синергетика «ҳамма нарса сабаб - оқибат асосида боради» деган эскича детерминизмнинг чизиқсиз система учун мос эмаслигини кўрсатиб, чизиқсиз, очиқ тизимдаги эволюциянинг янги детерминистик тизимини ишлаб чиқди, рационализм ва иррационализмнинг бирлигини, шунингдек, ривожланишнинг альтернатив, кўп йўлли эканлигини ва булар ўзининг атроф-муҳит билан қонунашув жараёнининг ўзига хос томонини кўрсатди. Шу билан бирга ривожланишнинг горизонтал ва вертикал йўналишининг ўзига хослиги, уларнинг ўзаро бирлиги ҳақидаги детерминистик таълимотни майдонга ташлади. Синергетика лавина шаклидаги ривожланиш ёки қулаш жараёнини ҳам кўрсатиб берди. Буларнинг ҳаммаси чизиқсиз, очиқ тизим, хаосни тартибга солиш, барқарорлик ва беқарорлик, тебраниб туришнинг қонуниятларини кўрсатдики, бу детерминизмнинг янги тасаввурини беради.**

#### **Синергетиканинг мазмунини ифода этадиган асосий тушунчалар**

- |     |  |
|-----|--|
| 1.  | Ўрганиладиган тизим бир неча бир хил ёки ҳар хил бўлақлардан ташкил топишидан қатъий назар ўзаро боғланишда, таъсирда, ҳамкорликда бўлади. |
| 2.  | Ўрганиладиган тизим чизиқсиз деб қаралади.   |
| 3.  | Ўрганиладиган тизим очиқ тизим деб қаралади яъни ташқи муҳит билан модда ёки энергия алмашади.   |
| 4.  | Тизим ички ва ташқи жиҳатдан тебраниб туришга дучор бўлади.  |
| 5.  | Тизим барқарорсиз бўлиши мумкин.   |
| 6.  | Тизимда сифатий ўзгариш юз беради.   |
| 7.  | Бу тизимда эмерджентлик (бирданига, қутилмаганда) янги сифатий ўзгариш юз беради.  |
| 8.  | Маконий – замоний функционал тизим ҳосил бўлади.   |
| 9.  | Тизим тартибли ёки хаос ҳолда бўлади.  |
| 10. | Кўп ҳолларда математиклашуви мумкин.   |

## ФИКРЛАШ ТАРЗИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Тушунчалар	Анъанавийда	Синергетикада
хаос	Бузишга олиб келади, ортиб боради, у дескрутив аҳамиятга эга, деб қаралган.	Мураккаб жараёнларни тузувчилик, ташкил қилишнинг турли йўллари, даражасини илгарисига қараганда мустаҳкамрок тартибни вужудга келтиради, деб қаралади.
тасодифла	Иккинчи даражали, ёрдамчи нарса, фан тасодиф билан иш кўрмайди, иш кўрса ҳам унинг заруриятини очиб беради, деб қаралган.	Микрофлукцион даврда алоҳида олинган тасодифлар тизимининг тубдан ўзгаришида ҳал қилувчи аҳамиятга эга
детерминизмда	Дунё қатъий сабабий боғланишда, шунинг учун у қатъий сабаб оқибат билан тенг бўлмаса ҳам, мутаносибдир.	Мураккаб, очиқ тизимда қатъий сабаб оқибат асосида эмас, балки хаосдан тартибга ўтиш асосида боради. Детерминизм ва анти детерминизмнинг бирлигини кўрсатади. Натижада олдинги, фалсафасига барҳам беради. Даврга оид фалсафий қарашларни вужудга келтиради.
бошқариш	Бошқарувчи ва бошқарилувчига ўзининг тамойилларини мажбур қилиш асосида борар эди.	Ривожланиш йўлига мажбурлаш мумкин эмас. Унинг ривожланишига, ўзини-ўзи ривожланишига имкон яратиш, рағанлантириш керак, деб қарайди.
ривожланиш	Ривожланиш муқобилсиз олға қараб кетадиган жараён. Орқага қайтиш, муқобиллик вақтинча, умумий йўналиш уни ютиб юборади. Муқобиллик умумий тараққиётга таъсир этмайди, деб қаралган.	Тизим бир неча муқобил ривожланиш йўлига эга. Эволюция бирдан ортиқ йўлига эга бўлади, қатъий эмас, турли томонга кетиши мумкин, бу йўллардан қайси бирини танлаш тасодифий характерга эга, деб кўрсатади.

<p style="text-align: center;"><b>Бутун ва бўлак</b></p>	<p>Бутун ва бўлак мутаносибдир, бутун бўлаклардан катта, улар ўртасида зиддият мавжуд.</p>	<p>Улар ўртасидаги янги муносабатларни очади. Уларнинг муносабати асосида суперпозиция, бўлакларнинг йиғиндиси тизимнинг эволюциясини кўрсатади. Бутун бўлакларнинг йиғиндисидан катта ҳам кичик ҳам эмас, балки сифатий бошқа тизим бўлади. Бутун бўлаклари бир хил ёки ҳар хил бўлишидан қатъий назар ўзаро алоқада, таъсирда, муносабатда бўлади-лар.</p>
<p style="text-align: center;"><b>энергия</b></p>	<p>Иш энергияга тўлиқ ўтади, энергия ишга тўлиқ ўтмайди. Энергия бир томонга, бир йўналишда қайта тақсим бўлади. Ёпиқ тизимда энтропия (хаос) ортиб боради. Натижада тизим энг оз тартиб ҳолатига боради. Бу тизимнинг энг оддий ҳолати, ёки термодинамик мувозанатда бўлади. Заррачалар ҳаракати хаос ҳолда бўлади.</p>	<p>Агар энтропиянинг ўсиши универсал бўлса, мураккаб тизимлар қандай қилиб пайдо бўлади? Демак, хаос бузишга эмас, балки тузиш, конструктивга олиб келади. Борликда нафақат бузиш балки тузилиш, мураккаблашув юз беради. Бу ёпиқ тизимда эмас, ўзининг муҳитда энергия ва модда алмашинувига эга бўлган очиқ тизимда юз беради.</p>
<p style="text-align: center;"><b>Куч, меҳнат, махсулот</b></p>	<p>Илгариги тасаввурларда қанча куч сарфланса шунча кўп махсулот олинади, деб қаралади. Бу оддий тизимни ташкил этишда тўғри. Шундай амал қилади.</p>	<p>Мураккаб тизимни ташкил этишда энг муҳими куч эмас. Балки тўғри модели, архитектураси, ташкил қилиш андозаси. Мана шундай ҳолатда кичик, бироқ тўғри ташкил этилган резонанслар, оддий математик моделлар ҳам, компьютер дастури ҳам мураккаб тизимга таъсир этиб, кучли самара бериши мумкин. Шунда «кучсиз кучини юмалоқ-қаттиқни паст-баландни» енгади. (Шарқ фалсафаси).</p>



<b>Жуда тез ўсиш характери</b>	<p>Жуда тез ўсиш ҳолатлари (аҳолининг ўсиши, билимларнинг ортиб бориши, иқтисодий «мўъжизалар») экспонат-кўрганмали даража кўринишида кетма-кет ўсиб бориш асосида боради деб қаралган.</p>	<p>Кўпгина жараёнлар тез оқим (лавина) шаклида бўлади. Очик тизим чизиксиз муҳитда бирданга кулаш, ёки бирданга ташкил топиш нега юз беради деган саволга, синергетика тартибнинг кескинлашуви (режимы с обострением) асосида боради, деб жавоб беради. Малум босқичда ривожланишнинг ўта тезлашуви механизми ижобий қайта тезкари алоқадир. У турғунликка барҳам беради. Салбий қайта алоқа ривожланишни бир меъёردа сақлайди. Ижобий қайта алоқада тизим кескин ўзгаради, бошқа тизимга ўтади. «Кичкина» таъсирга жавоб беради тизимнинг илгариги ҳолатида қолишга йўл қўймайди. Ўз-ўзини ташкил қилишнинг автокатализаторидир. Химик реакцияларда катализаторларнинг аҳамияти кўрсатиб берилади. (Пригожин).</p>
--------------------------------	---	---

### Фан эволюцияси

<b>Давр</b>	<b>Фан моҳияти</b>
Қадимги дунёда	<p>Европада илмий билимлар тизими бундан иккинчи беш юз йил илгари пайдо бўлган (Пифагор, Фалес, Анексимандр)</p> <p>Аристотел конкрет фанлар ҳақида фикр юритиб, фанларнинг мантигини яратди. Фанларнинг мустақил соҳа сифатида мавжуд бўлишига асос солди, ҳамма фанларнинг умумий усулини яратди.</p>
Ўрта асрларда	<p>Фан худо яратган борлиқни тартибга солиди, деб қаралди. (Августин).</p> <p>Фаробий ҳар бир фаннинг ўрни ва унинг фалсафага муносабатини кўрсатди. Фаннинг таснифини берди. Уни Хоразмий, Берунийлар янги босқичга кўтарди.</p>
Янги даврда	<p>Галилей фанни ҳақиқий ифодалайдиган тил – математика тили эканлигини таъкидлаб, фаннинг мате-</p>

	матик табиатини очиб берди; Бу назарияни Декарт, Ньютон Гюйгенслар давом эттирдилар
XX аср	<p>Фан фалсафаси фалсафанинг асосий тармоғи сифатида шаклланди. Вена тўғараги фан фалсафаси ва унинг мантиқини фалсафанинг бош мавзуси деб эълон қилди.</p> <p>Илмий билимни стандартлаш тамойили, илмийлик ва ноилмийлик чегараси ишлаб чиқилди. Фаннинг ривожланиш концепцияси, жамиятда фаннинг роли, илмий текширишнинг методологик дастури ишлаб чиқилди.</p>

### Илмий текшириш даражаси (фан фалсафаси)

Даражаси	Илмий текширишнинг мақсади
Эмпирик	Янги экспериментал фактлар топиш, фактларни назарияга солиштириш, унинг самарадорлигини текшириб кўриш.
Назарий	Экспериментал фактлардан назарий хулосалар чиқариш. эски назариядан самарали фойдаланиб янги назарияни яратиш.

### Ҳақиқат тўғрисида замонавий уч тамойил

Ҳақиқат концепциялари	Ҳақиқатнинг таърифи
Мос келиш концепцияси	Фикрларнинг фактларга мос келиши
Когерент – (муносабат) концепцияси	Айтилган гапга мос келиши, унга зид эмаслиги
Прагматик	Амалиёт маваффақийетига имконият тугдирадиган ишонч

### Ҳақиқат нима ? (фан фалсафасида)

Фалсафий фикр та-раққиётида	Ҳақиқатнинг табиати
Қадимги даврда	Ҳақиқат - ғоянинг намоён бўлиши (Платон) Ҳақиқат моҳиятдир, фикрларнинг воқеликка мос келиши (Аристотел)
Ўрта асрларда	Ҳудо ҳақиқатдир. Ҳақиқат Оллоҳга етиш демак (тасаввуф). Тўғри ва ҳақ бўлган нарса шу бор бўлган нарса тўғрисидаги билимдан иборатдир.

	Ҳақиқат ҳам унинг (яъни Оллоҳнинг И.Р.) ўзигагина оид бўлган борлиқдир (Форобий)
Янги замон	Ҳақиқат сезгиларнинг гоълар фактига мос келиши
XX аср	Ҳақиқат нарсаларнинг моҳиятини очиб беришдир (герменевтика) Ҳақиқат айтилган фикрнинг фактларга мос келиши (аналитик фалсафа)

### Назарий методлар (фан фалсафаси)

Назарий метод турлари	Тавсифи
Аналитик метод	Аксиомалар назариянинг асоси деб танланади. Аксиомадан теоремалар чиқарилади. Билимлар эксперимент, фактлар билан солиштирилади.
Конструктив метод	Конструктив методда энг мураккаб маънога эга бўлган, бироқ аниқ интуитив фикрга асосланган тушунча ва қондалар асосида назариялар ташкил қилинади. Конструктив методда тузилишни математик символ ва бошқа йўллар билан ташкил қилиш мумкин бўлса, шундагина назарий ҳисобланади.
Гипотетик дедуктив метод	Майдонга ташланган гипотеза асосида дедуктив хулоса чиқариш методидир. Гипотезанинг самарадорлиги назарияни экспериментлар билан солиштириш асосида вужудга келади.
Прагматик метод	Мақсадларни амалга ошириш ва шунга мувофиқ кадриятларни намоён қилишда самарали йўлларни кидириш усулидир. Мақсад-кадрият, восита одамлар томонидан ҳаётий муваффақиятга эришгандагина самарадор бўлади.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Т. Уз-н 1993 5-7 бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. Ўз-н. 1993. 136-бет.
3. Каримов И.А., Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т., Ўзбекистон 1999. 14-бет.
4. Дромин И.М. Кворконий из кварков. Природа 1995 № 10. Барашенков В.С. Кварки, природы познания 39-бет.
5. Фролов И.Т. Жизнь и познание М., Мысль. 1981 43-бет.

6. Туракулов Е. Биохимия Т. Уз-н., 1998 132-136 ва 431-432 бетлар.
7. Овчинников Ю.А. Эра физико-химической биологии и материалистическое мировоззрение. М. Наука. 1993 125, 145 бетлар.
8. “Труд-7” газета. 2000 йил 8 июнь сони.
9. Файзуллаев О. Табиат ва философия. Т. 1996 21-бет.
10. Эйнштейн А. Собрание научных трудов. Т.// М. Наука 1966 41-бет.
11. Гейзенберг В.Г., Шредингер Э., Дирак П. Современная квантовая механика. Три нобелевских доклада ГТТИ. 1934. 15-бет.
12. Философские науки. М. №1. 1989. 37-бет.
13. Вернадский В.И. Химическое строение биосферы Земли и ее окружение. М. 1965. 270-бет.

## Ш-БОБ. ТЕХНИКА ФАЛСАФАСИ

Техника инсон фаолиятининг соҳаси сифатида қадимги даврдан бошлаб файласуфларни қизиқтириб келган. Қадимги Юнон ва Рим, уйғониш даври ва янги давр файласуфлари техникани назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар, унинг фалсафий маъносини очиб бериш учун анчагина фаолият кўрсатганлар. Бироқ, «техника фалсафаси» атамаси Э.Каппнинг 1877 йилда Германияда чикқан «Техника фалсафаси асослари» китобида илк бор ишлатилган (қўлланган).

XX асрда техника фалсафаси билан Ф.Дессауэр, Л.Мэмфорд, Х.Ортега-и Гассет, М.Хайдеггер, О.Шпенглер, К.Ясперс каби файласуфлар шуғулланганлар. Шунга қарамай техника фалсафаси асризмизнинг 60-йилларидагина мустақил фалсафий соҳа сифатида тан олинди ва 70-йилларга келиб бу соҳанинг дастури ишлаб чиқилди.

*Нима учун бу соҳа шу даврга келиб мустақил предмет сифатида қарала бошланди?*

Чунки техника ҳозирги даврга келиб умумий характерга эга бўлиб қолди. Ҳаётнинг барча соҳаларига таъсири кучли бўлиб, иқтисод, сиёсат, экология, фан, социал ҳаёт, турли таълим тизими каби соҳаларда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Техник тараққиёт бутун жамият ҳаётида ҳал қилувчи ролни ўйнай бошлади.

XX аср техника асри, индустриал цивилизациянинг шаклланиши даври бўлди. Пировард натижада техниканинг роли, унинг социал аҳамияти тубдан ўзгарди. Инсоният келажаги учун ҳам ҳал қилувчи соҳа бўлиб қолди.

*Бугунги кунда техника терминини қурол сифатида талқин қилиш ярамайди. Муҳими, нарсани яратиш эмас, балки ундан нима ишлаб чиқаришдир.*

### (1) О.Шпенглер.

Техник тараққиёт индустриал жамиятда инсоният олдида жуда муҳим муаммоларни майдонга ташлади. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиб кетиши, ядро урушларининг хавфи каби масалалар XX аср фожиасига айланди. Агар шундай жараён давом этверса, дунё цивилизацияси ҳалокатга учраши муқаррар, деган масала кун тартибига қўйилди. Агар техниканинг моҳияти, унинг тараққиёт тенденцияси илмий-фалсафий жиҳатдан талқин қилинмаса, юқорида айтилган фожиаларнинг олдини олиш жуда қийин бўлади. Бунинг учун ҳаётни фалсафий-танқидий талқин қилиш, инсоннинг техник фаолиятига тўғри баҳо бериш, унинг келажаги ва социал оқибатлари ҳақида таълимот ишлаб чиқиш керак

булади. Мана шундай шароитда техника фалсафаси пайдо бўлди. Унинг инсоният олдидаги бурчи техниканинг моҳияти ва инсонлар ҳаётидаги ўрнини тўғри кўрсатиш ҳамда инсон моҳиятини очиб боришдан иборат, дейиш мумкин.

*Бунинг учун эса техника нима, инсониятга нима беради ёки қандай салбий оқибатларга олиб келади каби саволларни ҳал қилиш керак.*

Бу муаммо бугунги кун техника фалсафасининг асосий вазифасига айланди.

**Техникани таҳлил қилиш бугунги кунда икки фалсафий йўналиш нуқтаи назаридан бормоқда:**

1. Фаннинг методологияси нуқтаи назаридан, яъни техник билимларни таҳлил қилиш ва янгича техник тафаккурни шакллантириш;

2. Антропология фалсафаси нуқтаи назаридан, яъни бунда техниканинг маънавий-ахлоқий, маданий муаммоларини, шунингдек, техникани инсонийлик - қадрият нуқтаи назаридан талқин қилиш.

Мавжуд муаммолар доирасида техника фалсафасини ўрганиш масалалари кўлами жуда кенг. Техника тушунчасининг моҳиятини аниқлаш, унинг тарихий тараққиёт босқичлари, техника билимлар тизимининг ўзига хос томонлари, техниканинг асосий соҳалари, фан, санъат, иқтисод билан ўзаро алоқаси масаласи, инсон билан табиат ўртасидаги янги тамойилларнинг пайдо бўлиши, янги технологик жараёнлар, техниканинг янги вазифалари каби масалалар **техника фанининг методологияси** доирасига киради.

Техник таълим ва тарбия, техник қадриятлар тизимини шакллантириш, инсоннинг интеллектуал ва ахлоқий фаолиятини уйғунлаштириш, техникани ривожлантиришда инсоннинг аҳамияти ва масъулиятини ошириш, техникадан оқилона фойдаланиш каби масалалар **антропология фалсафаси** вазифаларига киради.

### **3.1 «ТЕХНИКА» ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ, ВА ҲОЗИРГИ ДАВРДАГИ ТАЛҚИНИ**

*Техника юнонча «техне» деган сўздан олинган бўлиб, санъат, устакорлик, бажара олиш каби маъноларни англатади.* Техника тушунчаси қадимги Юнон файласуфлари Платон ва Аристотелларда сунъий меҳнат қурилмалари сифатида ишлатилган. Ўзбек тилида «маҳорат билан», «усталик билан», «санъаткорона» бажариш маъносига тўғри келади. Ўзбек тилида ҳунар, ҳунармандлик, устачилик атамаларини Европадаги техника сўзининг маъносида ишлатиб ке-

линган. Техника табиатдаги табиий жараёнлардан фарқли ўлароқ инсон фаолияти натижасида сунъий амалга ошган нарсалардир.

**Демак, техника инсон амалий фаолияти натижасида сунъий ҳосил қилинган предметлардир.**

Бироқ, техникани бундай таърифлаш у тўғрисида дастлабки маълумот беради, холос. Техниканинг мазмунини очиб берадиган таърифни келтиришдан олдин, унинг ривожланиш эволюциясига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Инсоният тарихи техниканинг такомиллашиб бориш тарихи билан узвий боғланган. Техника ўзининг бугунги ҳолатига келгунга қадар кўп вақт ўтди. Индустрал жамиятгача техника ҳунармандчилик шаклида намоён бўлди. Техника ҳунармандчилиги устадан шогирдга, устахона кўринишида ёки яқка тартибда отадан болага, авлоддан авлодга ўтиб келди. Бу алоҳида кишилар томонидан, тор доирада, амалга оширилди. Натижада юксак ижтимоий баҳо бериш даражасига етиб бормади. Бундай ҳолат ишлаб чиқаришни ҳам, ижтимоий ҳаётни ҳам тубдан ўзгартиришга қодир эмас эди.

XVII – XVIII асрларга келиб вазият тубдан ўзгарди. Европада манифактура (кўл меҳнати) ўрнига машина даври бошланди. Жамиятнинг анча қисми кўл меҳнатини ўз фаолияти имкониятларини кўпроқ очишга қарата борди. Усталар ўрнини билимдон, техника сирларини англаб етган шахслар ИНЖЕНЕР (МУҲАНДИС)лар эгаллади.

Муҳандис техник тизимларнинг нормал ишлашини таъминлаганига қолмай, унинг лойиҳасини тузади, ихтиро қилади; илмий методлардан, фан ютуқларидан фойдаланади, техник янгиликлар киритади. А.И.Ракитов ўзининг «Компьютер инқилоби фалсафаси» (Ракитов А.И. Философия компьютерной революции. М.Прогресс, 1991 г.) асарида инженерлик белгиларини атрофлича таҳлил қилиб, муҳандислик тафаккури тараққиёти ўзидан олдинги анъанавий тафаккурдан тубдан фарқ қилишини кўрсатиб берди.

*Инженерлик тафаккури машина асосида шаклланади, у ақлий (рационал) бўлиб, ҳаммага тушунарли шаклда намоён бўлади ва формаллаштириши, яъни стандартлаштириши йўналишига эга. У нафақат тажрибага таянади ва эксперимент қилади, балки систематик назарияга асосланган инженерлик ихтисослиги доирасида иқтисодни рентабеллаштиради.*

**(2)А.И.Ракитов**

Муҳандислик тафаккури универсал характерга эга бўлиб, инсон ҳаётининг барча соҳаларига кириб боради. Техниканинг аҳамиятини ўрганиш кейинги юз йилликдан бошланди.

**Янги даврда техника терминининг мазмуни ўзгарди.** Энди техникага бутун ишлаб чиқариш воситалари, жараёни ҳамда ҳарака-

тининг мажмуи сифатида қаралди. Техника тушунчасига даставвал меҳнат қуроолларини ишлаб чиқариш ва машина киритилган эди. Демак, техниканинг ривожланиши билан унинг мазмуни ўзгарди. Немис файласуфи техника манзарасининг ўзгаришини қуйидагича ифодалайди:

*Техника меҳнат қуроолларини ишлатиш сифатида инсонларнинг яшаш ва мавжудлиги билан боғлиқ.*

### (3) К.Ясперс

Техниканинг ривожланиши учун XVII-XVIII асрларда илмий замин яратишди. Юқорида айтганимиздек, машина даври бошланди. XIX аср охири XX аср бошларида илмий-техник инқилоб индустриал жамиятнинг ривожланиши учун асос бўлди. Техника тараққиёти технологик жараёнларни изоҳлашни талаб қилади. Техника жараён сифатида амалга ошишини ҳам кўрсатиб бериш керак. Ана шундагина техника самарадорлиги ортиб боради. Биринчи босқичда техника қўл меҳнатига асосланди, кейинчалик техника инсон табиий аъзоларининг давоми сифатида жисмоний қудратини оширди. Бирок, машина даврида техника мустақил куч сифатида механизациялашди. Техника одамдан ажралди, лекин ҳамма вақт у билан ёнма-ён мавжуд бўлади. **Техниканинг ривожланиши табиий фанларнинг тараққиёти билан узвий боғлиқ.** Бугунги кун техникаси табиат фанининг даражаси билан белгиланади. Табиат фанлари ютуқлари техникани янги босқичга кўтаришга шароит яратди, илмий назарий асос вужудга келтирди.

Янги техникани яратишда электрни ва химияни қўллаш жуда ҳам катта янги техник реалликни вужудга келтирди. Бугунги электроника ва информатика даврида дунё улкан ўзгаришлар арафасида турибди. Бу ҳақ гап.

Техника маданият, маънавият ва маърифатнинг янгилини билан белгиланади.

Техника имкониятлари қўламининг кенглиги билан характерлидир. Бу имкониятларнинг рўёбга чиқиши социал ҳаётнинг ҳамма томонларига ўз таъсирини ўтказди. Меҳнатнинг характери, унинг мазмуни, унумдорлигини эса ўнлаб, юзлаб марта ўзгартади.

Техника ҳозирги цивилизациянинг бутун борлигида, ундаги маданият тизимида ўзгариш ҳосил қилади. Микроэлектрон революцияси инсон ақлий қобилиятини ишга солади, қудратини орттириб боради. Технологик янгилик жамиятнинг социал тузилишида ҳам ўзгариш ҳосил қилади.

*Бирок, жамиятда техника ўзгариши қайси йўлдан бориши керак?*



**Фан-техника ва технология равнақи «техника» тушунчасига анча ўзгаришлар киритди, унинг кўлами кенгайди. Бугунги кунда техниканинг таъсири органик ва ноорганик табиатда кенг қулоч очмоқда. Ноорганик табиатда қурилиш техникаси, электротехника, теплотехника, физика-химия техникаси, энергетика техникаси каби соҳалар пайдо бўлган бўлса, органик табиатда эса қишлоқ хўжалиги техникаси, биотехнология каби соҳалар бутун биология соҳасини қамраб олмоқда. Шунинг билан «тафаккур техникаси» номли хотирани ўрганадиган соҳа, тасвирий санъат, рассомчилик техникаси, мусика асбоблари техникаси, бошқариш техникаси ва технологияси, ишлаб чиқариш, давлатни бошқариш техникаси деган атамалар пайдо бўлмоқда.**

**Ҳозирги замон «техника»сини кенг маънода, яъни:**

**- билимлар соҳасида – эмпирик ва назарий билишларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш;**

**- инсон фаолияти соҳасида (ҳамма восита ва бажариладиган иш тартиби билан) - табиат ҳодисаларини инсон манфаатларига хизмат қилдириш;**

**- инсон фаолиятини касб-хунарга қаратиш, ҳозирги замон техника кўникмасига эга бўлиш ва инсон ўз маҳоратини кўрсатиш соҳасида – малака ва кўникмалар мажмуаси сифатида тасаввур қилиш мумкин.**

### **3.2 ТЕХНИКА БИЛИМИНИНГ ТАБИАТИ**

Техника фалсафасининг методологик муаммоларидан бири-техника билимининг ўзига хос томонини таҳлил қилишдир.

*Техника яратган одам ўзига қандай мақсад қўяди?*

Илмий изланишнинг асосий йўлини тушуниш-бу фан билан техниканинг ўзаро муносабат эволюциясини англаш, уларнинг асосий босқичларини кўрсатишдир. Илмий-техник тараққиётнинг **биринчи босқичи** (1660 – 1740 йиллар) илмий инқилоб билан боғлиқ. Бу даврда фан ва техника узвий боғлиқ эди. Техника тамойиллари (принциплари) дунёнинг механик манзараси доирасида универсал модель сифатида намоён бўлди. Фан техниканинг илмий йўллари, асбобларини яратишга қаратилди.

**Иккинчи босқич** ХУ111 аср ўрталаридан ХХ аср бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади, баъзида фан ва техниканинг соҳа сифатида ажралиш даври, деб ҳам гапирадилар. Бу мустақил тараққиёт даври ҳисобланади. Ана шу даврда илмий ҳолатлар назарий жиҳатдан асосланди. Техника соҳаси ўз-ўзича ўрганган шахсларнинг кашфиётлари ижодий тус олди. (Уайт, Эдисон сингарилар). Индустраллашнинг ўсиши техник кашфиётларни қайта ишлаб чиқариш-

нинг иқтисодий қисмини ҳал қилувчи амалга айлантира борди. Технологик жараён динамикаси фанга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб боришини кўрсатди. Техниканинг илмийлашиб бориши **натижасида фан-техниканинг ўзаро алоқаси ўзининг учинчи босқичига кўтарилди.**

XX асрда фан амалиёт мақсадларини рўёбга чиқариш босқичига кўтарилди ва янги технология пайдо бўлди. Энди бу техника ва технологияни алоҳида одамлар бажаришга қодир бўлмай қолди. Янги техника фан ютуқларини, унинг методларини татбиқ қилиш асосида вужудга келди.

**Пировард натижада XX асрда фан ва техниканинг бири-бирига таъсири, ўзаро бирлигининг янги босқичи пайдо бўлди. Оқибатда фан ва техника билимларининг янги интеграцияси, ўзаро киришиб кетиш жараёни юз берди.**

Бироқ, ҳозирги замон техника фалсафаси бу билимларнинг ўзига хос белгиларини аниқлайди. Немис файласуфи Ф.Раппнинг фикрича, техника билими тизимни ташкил қилишдаги мураккаблиги билан фарқ қилади. Бу билиш объекти, табиий фан объектдан фарқли ўлароқ сунъий характерга эга. Фандан олинган натижа билан техникадан олинган натижа муҳим жиҳати билан фарқ қилади. Илмий назария эмпирик тасдиқланган универсалликни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, уларни оддий ишлатиш учун қулайлик яратади.

*Фандан фарқли ўлароқ техника ютуғи жамият тараққиётига бевосита таъсир этади.*

#### (4) Ф.Рапп.

Юқоридаги фарқлар фан ва техника ўртасидаги узвий боғлиқликка ҳалақит бермайди. Фан ва техника ҳамма вақт ўзаро бирликда яшайди. Техника ва фаннинг асосий моҳияти инсон билимлари экан, у инсон фаолиятининг натижаси сифатида ҳақиқатга эришиш, бўлмаган сирларни аниқлаш, табиат муъжизаларини кашф этишдан иборатдир.

**Техника қадимда ҳунармандлик санъати сифатида ишлатилган. Ҳозирги замон техника тушунчасида ҳам санъатлик хусусияти сақланиб қолган. Шунга кўра, санъат билан техниканинг фарқи ва ўхшашлиги ҳақида фикр юргизмасдан бу масалани тўлиқ ҳал қилиб бўлмайди.**

*Техника билан санъатни солиштириш асосида техниканинг моҳияти аниқ ифода этилади.*

#### (5) Ж.Бек

Техника санъати санъатнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ инсон томонидан бошқарилади. (техникани севиш умуман севишдан, мусиқа санъатидан, қурилиш санъати ёки ҳарбий санъатдан фарқ

қилади). Улар учун умумий томон доимо ижтимоий талаб мақсадларга мувофиқ ўзгариб туриш бўлиб, санъат ана шу мақсадларнинг бадийий ғояси сифатида намоён бўлади.

Техникада эса, асосий масала табиатдан фойдаланишдир. Санъат воқеликнинг моҳиятини очиб бериш характериға эға бўлса техникада ана шу моҳият кўргазмали шаклда ифодаланеди. Санъаткор воқеликни ўзининг субъектив фаолияти орқали акс эттиради. Воқелик субъект кўзгусидан ўз-ўзини англаш орқали ўтади.

**Техник фаолият ҳаётнинг маъносини чуқур ўрганишға қаратилган бўлса-да, уни қайта ўзгартириш инсоният эҳтиёжига мос келади. Инсоннинг табиат устидан ҳукмронлик қилиши тўғрисидаги дунёқараш ўзгарди. Энди техника табиат устидан ҳукмронлик қилиш йўлидан бормай, табиат ҳолатини бузмасдан иш қилиш, у билан ҳамкорлик, коэволюция асосида бориши керак. Бу глобал муаммолар маъносини аниқлаш билан боғлиқ.**

### **3.3 ТЕХНИКА ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ДОИРАСИДА**

Замонавий техника тараққиёти ва унинг муваффақиятлари икки хил социал оқибатни туғдирмоқда. **Бир томондан, техникасиз инсоният тараққиётини тасаввур қилиш қийин бўлса, иккинчи томондан, техника қудратли куч сифатида салбий оқибатларға, дунёни бузишға, фожиали оқибатға олиб келмоқда.** Техникани ўйламасдан ривожлантириш мураккаб социал муаммоларни туғдирмоқда. Аслида инсон оғирини енгил қилишға қаратилган техника ишсизликни туғдирмоқда, иш билан таъминлашни қийинлаштирмоқда. Хусусий транспортларнинг кўпайиши, бир томондан яхши, иккинчи томондан, шаҳарнинг экологик ҳолатига салбий таъсир этмоқда. Шовқин-суронлар инсон асабига салбий таъсир кўрсатмоқда. ХХI асрда инсоният олдида техникаға оид жуда катта муаммоларни ҳал қилиш масаласи турибди.

Атроф-муҳитнинг саноат чиқиндилари билан ифлосланиши, табиат ресурсларининг тугаб бориши, демографик мувозанатнинг бузилиши, радиоактив фожианинг ўта хавфли эканлиги каби масалаларни ҳал қилмасдан туриб, инсоният келажагини тасаввур қилиш қийин. Буларнинг барчаси техникани қандай ва нима мақсадларда ишлатиш кераклиги тўғрисида чуқур ва атрофлича фикр юритишни тақозо этади.

ХХ асрнинг 60-йилларида техниканинг бошқаришсиз ўсиши жамиятни бухронға олиб келаётгани ҳақида янги фикрлар, мулоҳазалар пайдо бўла бошлади. Бу даврда техниканинг янгилашиш жараёни юз бераётган эди. Илмий – техник инқилоб олдида ҳайрон қолиш, керак бўлса сажда қилиш ҳоллари пайдо бўлди. **«Жамият –**

техника - табиат» муносабатларида янги муаммоларнинг вужудга келиши одамларни ташвишга сола бошлади. Оммавий чиқишлар, мунозаралар « яшиллар» ҳаракати кучайиб кетди.

1972 йилда Рим клубининг биринчи маърузаси эълон қилинди. Бу жуда катта шов-шувларга сабаб бўлди. Бугунги кунда Рим клуби дунёга машҳур халқаро ташкилотга айланган. Рим клубининг маърузаси дунёдаги йирик олимларнинг илмий изланишларига суянган ва айниқса, Мафсаҳусет (АҚШ) технологик институтида Д.Медоуз раҳбарлиги остида яратилган «Инсониятнинг мураккаб ҳолати» (Сложное положение человечества) лойихага асосланган эди. Бу маърузада инсоният келажаги ҳақидаги масала анъанавий фикрлардан воз кечган ҳамда масалани янгича қўйганлар.

Маъруза мазмуни дунё олимларини ҳайратга солади. Унда инсоният тақдирдан ҳавотирланиш баён қилинган эди. Маъруза пайдо бўлган фожианинг олдини олишга чақирибгина қолмай, уларни ҳал қилиниш лойихасини ҳам майдонга ташлаган эди.

Бугунги кунда одамларнинг сон жиҳатдан ўсиши, гамлаб қўйилган капитал жисмоний ҳал қилинганми?

Планетани таъминлаш, яшаб қолиши учун қанча миқдорда одам керак?

Бу қанонгача давом этади?

Бундай саволларга Д.Медоуз ва унинг сафдошлари бундан чорак асрдан олдинроқ «инсоният фожиа томон кетмоқда, уни ҳал қилиш чорасини топиш керак», - деб айтганлар. Уларнинг фикрича, ишлаб чиқаришнинг маълум миқдорда чегаралаш керак, акс ҳолда келгуси авлодга «обод ва озод Ватан» қолмайди. Энг асосийси, олимларнинг ривожланиш (прогресс) мезонига янгича қарашдир.

Жамият, техника чексиз олға кетаверадими?

Бу саволга жавобан жамиятнинг босқичлари ҳақидаги эски таълимотдан янгича қарашга ўтишни кўрсатиб бердилар улар. Шу вақтгача жамиятнинг олға қараб кетиши учун ишлаб чиқаришни, техникани тўхтовсиз ривожлантириш тамойили мавжуд эди. Бу инсонларнинг моддий аҳволини яхшилайти, деган тасаввур бор эди.

Ўсиш чексиз давом этиши мумкинми?

Бугунги кунда миқдорий ўсишдан сифатий ўсишга ўтиш керак, деб таъкидланди.

Маъруза кенг муҳокама қилинди, турли эътирозлар, танқидлар ҳам бўлди. Рим клуби бу масаланинг энг муҳимлари сифатида қуйдагиларга эътиборни қаратди:

- XXІ аср бўсағасида инсоният олдида турган муаммолар ўта мураккаб ва ўта муҳим эканлигини сайёра одамлари (англаб етиши учун ёрдамлашиш) онгига етказиш;

- одамларнинг тирик қолиши, глобал фожианинг олдини олиш учун янги муносабатларни шакллантириш имкониятини яратиш.

Рим клубининг энг асосий йўналишларидан бири инсоният олдида турган муаммолар, клуб ташаббуси билан қилинган ишлар, унинг келажаги, илмий – техник, саноат, иқтисодийётнинг социал оқибатлари ҳақида одамларни хабардор қилиб туриш ва шу орқали муаммоларни ҳал қилишда одамларнинг фаол иштирокини таъминлашдир.

1991 йилда Рим клуби бутун дунё одамларига ўзаро ҳамкорлик ҳақида мурожаат эълон қилди. «Биринчи глобал инқилоб» деб аталган маърузада глобал муаммолар ва инсониятни сақлаб қолишнинг янги дастурида бу масалани атрофлича ўрганиш зарурлиги таъкидланган. **Башарият, халқаро ҳамкорлик ташкилотлари бу масаланинг жиддий эканлигини англаб етиши ҳар бир одамнинг бу масалада иштирок этишини таъминлашга боғлиқ, деб ёзилган. Фақат инсоният ўзининг сиёсий иродасини намоён қилиб, барча инсонлар биргаликда ҳаракат қилгандагина ўз яқинларини, инсониятнинг яшаб қолишини таъминлайди. «Биз оламшумул ҳамкорликка чақирамиз»,- деб ёзилади мурожаатда.**

### **3.4 ТЕХНИКАНИ ИНСОНЙЛАШТИРИШ ВА ТЕХНИК ҚАДРИЯТЛАР**

Бугунги кунда техника фалсафаси билан шуғулланувчилар техниканинг социал оқибатлари ва унинг қадриятлари муаммосини ҳал қилишга ҳаракат қилмоқдалар. «Техника» цивилизациясида индустриал ва постиндустриал каби қадриятлар тизимининг шаклланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу масалалар бутун инсониятни тўлқинлантирмоқда. Гап фақат табиий ресурсларнинг тугаб бориши ҳақидагина бормаяпти. Бу жараён инсоннинг ўзини, унинг онгини ўзгартиришга, тарбия масаласига қадрият нуктаи назардан қарашга бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Француз социологи Ж.Эллюль ўзининг «Бошқа инқилоб» деган асариде техникани инсон ақлий фаолияти доирасига киритар экан, бунда у дунёни умумий рационаллаштириш (ақлийлаштириш) билан боғлайди. Демак, инсон ақлий фаолияти техникани яратибгина қолмай, унинг устидан назорат қилиш қудратига ҳам эга. Техника мақсадларни амалга ошириш воситаси сифатида инсон фаолиятини андозалашга (стандартлашга) қодирдир. Натижада инсонни мураккаб ҳаракат қилувчига, объектга айлантиради.

*Техника атроф муҳитга таъсир этибгина қолмай, ўзи атроф муҳитга айланиб бормоқда. Техника бизнинг атрофимизни ўраб олган муҳитга айланиб бормоқда. Техниканинг ўзи ҳамма жойни эгал-*

*лаб, табиатни яроқсиз, иккинчи даражали қилиб қўйди. Табиат фан ва техника ўртасида бўлинган. Техника бир бутун муҳитни ташкил этиб, инсон унинг ичида ҳис қилиб, фикрлаб, тажриба орттириб яшайди.*

**(6) Ж.Элпюль**

Техника моҳияти ҳақида фикр юритиб немис файласуфи М.Хайдеггер инсон тор техника доирасида чегараланиб қолмаслигини кўрсатади.

*Техника мақсадни амалга ошириш воситаси бўлибгина қолмай, имкониятларни намоён қилиш, очиш воситаси ҳамдир. Техника яширин имкониятларни, ҳақиқатни вужудга келтириш воситасидир.*

**(7) М.Хайдеггер**

Техника табиатнинг кифасини ўзгартиш билан бирга ҳақиқатни очиш, табиатни ўрганиш, идрок этишни ҳам ўз ичига олади. Де-мак, техник раванк, фалсафий нуқтаи назардан, атроф-муҳитни ҳалокатли оқибатга олиб келиш билан бирга, инсон бундай борлиқни қандай қабул қилиши, идрок эта билиши билан боғлиқлигини кўрсатади. Техника мустақил яшовчи бир бутун соҳа сифатида майдонга келиб, инсоннинг дунёни идрок этишда, ижод ва эстетик жиҳатдан дунёни англашда муваффақиятга эришишга олиб келмоқда.

*«Санъат муҳит техникасини ҳосил қилади. Техника қўйган талабларни амалга оширади. Янги тафаккур ана шу ҳозирги сунъий муҳитни, техника муҳитини таҳлил қилиш керак».*

**(8) Ж.Элпюль**

Ҳозирги замон санъати техник реалликни акс эттириши керак. Техникага инсон қалби кўшилганда, у қадриятга айланади, дунёни, табиатни бузишга эмас, тузишга қаратилган бўлади.

**Технократик тамойил.** Ҳозирги замон техника фалсафаси техник соҳа бўйича зиёлилар ва уларнинг маънавиятига алоҳида аҳамият беради. XX аср ўрталарида-фан ва техниканинг олға кетиши умумий тус ола бошлаган бир пайтда шу жараён ифодаси сифатида технократик (технократия юнонча кратия ҳукмронлик, ҳокимият сўзидан олинган бўлиб, техника ҳукмронлиги деган маънони англатади) концепция кенг кўламда тарқала бошлади.

«Технократия»ни биринчи марта Т.Веблен ўзининг «Инженерлар ва қадриятлар тизими» деган асарига қўлланди ва техника мутахассислари ишлаб чиқариш ва социал раванк учун ҳолисона меҳнат қилганини айтади. 60-70 йилларда Ж.К.Гэлбрейтнинг «Янги индустриал жамият», «Иқтисодий назария ва жамият мақсади» китобларида «технократия» тушунчаси ривожлантирилган. Унинг фикрича,

техноструктура (тузилиш) мураккаб қатламлардан иборат бўлиб, бир бутун техник тизимни ташкил этади.

*Жамиятни пастдан юқорига қараб бир-бирига бўйсунувчи техник тизим, коллектив ақл, коллектив ҳал қилишни вужудга келтиради.*

### (9) Ж.К.Гэлбрейт

*Индустриал жамият тараққий этиши ривожланиши билан «техноструктура» иқтисоднинг ривожланиши ва жамиятни бошқаришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб боради. Шунинг учун жамиятнинг сиёсий ҳоқимияти техника мутахассислари қўлида тўпланиши керак, жамиятни бошқариш эса илмий-техник билимга боғлиқ бўлади, деб ёзади Гэлбрейт. (10)*

XX асрнинг иккинчи ярмида мисли кўрилмаган илмий-техник муваффақиятлар бўлди. Меҳнат унумдорлиги ошиб, бир неча мамлакатларда одамларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланди. Техниканинг чексиз ўсиши инсоният олдида катта муаммолар туғдирди, дунёвий фожиаларни вужудга келтирди. Бадий адабиётда ҳам, фалсафий адабиётларда ҳам техник ҳукмронлик, техник тоталитаризм давлатини танқид қилина бошланди.

Бугунги кунда техника фалсафаси доирасида технократия масаласи муҳим муаммодир. Технократияни танқид қилувчилар фалсафанинг кучига катта умид боғламоқдалар. Улар фалсафа ўзининг инсонийлиги, ўзининг маънавий ахлоқий қондалари ва дунёга бўлган эзгулик муносабати билан техниканинг чексизлиги ҳамда ҳукмронлигига, унинг келажагига тўғри қараш орқали инсонларни ишонтириш мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Техника цивилизациясида инсон нафақат дунёни, жамиятни режалаштиради, балки инсоннинг ўзи режалаштириш объектига айланиб қолади (О.Шельски). Техника фалсафаси шу жиҳатдан техника зиёлиларининг техникани бошқариш ва ривожлантиришдаги ўрнини таҳлил қилишга киришди.

**Техника ва этика.** Илгариги фикрлаш тизимида техника билан шуғулланувчи шахс ҳолис иш қилади, шунинг учун у маънавий жиҳатидан ҳолис, унинг ижоди, техник кашфиёти ҳам ҳеч қандай ёмонликни назарда тутмайди, деб қаралган. Техник илмий ходим ёки инженернинг масъулияти, маънавий жавобгарлиги масаласи ҳам кескин қўйилмаган эди. Бугунги кунда, келажак тўғрисида фикр юритганимизда, илмий ходим ва инженер-конструкторларнинг фаолиятини уларнинг маънавий қиёфасимиз аниқ тасаввур қилиб бўлмайди.

XX асрнинг йирик физиги Альберт Эйнштейн 30-йиллардаёқ ўзининг дўсти Макс Фон Лауэга ёзган хатида фан ходимлари сиёсатга таъсир этиши, маълум ҳодисаларга масъул эканини билиши кераклигини, олим бўлаётган ҳодисаларни кўрабилмаслиги, масъу-

лиятсиз бўлиши, бошқарув тизимига бефарқ қараши мумкин эмаслигини айтади (11). Бу диёримизнинг буюк файласуфи Абу Наср Форобий бундан 1100 йил олдин ёзган, «Илмлар таснифи ҳақида» рисоласидаги олимнинг масъулияти тўғрисидаги фикрларига ҳамоҳангдир (12).

**Ҳозирги даврдаги инженер инсоният цивилизацияси олдидаги масъулиятини англаб етиши керак. Бугунги инженер инсониятга хизмат қилувчи, маънавий етук инсонпарвар шахс бўлиши керак. Инсоният тақдирини техника оқибатларига боғлиқ бўлиб қолаётган экан, техник раванакни бошқаришда, унга босиқлик билан муносабатда бўлиб, мақсадларни амалга оширишда, унинг натижасини баҳолаш, ва давлатни бошқаришда техниканинг ўрнини хал қилиш фақат инженернинг касби бўлиб қолмай, балки умуман долзарб (ёки устувор) маънавий-ахлоқий масаладир.**

*Утмиш тарих ҳеч қачон бугунгидек инсонга жуда катта масъулият юкламаган. Чунки инсон ҳеч қачон техника воситаси билан табиат устидан бугунгидек ҳукмронлик қилмаган. Инсон табиатдаги мавжудотлар устидан, атроф-муҳит устидан, ҳатто Ердаги бутун жонли мавжудотлар устидан ҳукмронлик қилмоқда.*

*Бугунги кунда инсон минтақасидаги, ҳатто оламулмул доирадаги ўзининг турини, бутун ҳаётнинг олий шаклини йўқ қилишга олиб келди, кампи деганда унга зарар етказмоқда.*

**(13) А.Хуниинг.**

Бугунги кунда техниканинг характери тубдан ўзгарди. У илгариги техника эмас. Бизнинг давримиздаги техника шундай даражага етдики, унинг ёрдамида инсон барча хоҳишларини рўёбга чиқариши мумкин. Техникага эга бўлган одам учун фаолият, иш имкониятлари ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси техник тараққиётнинг оқибатларини кескинлаштирмоқда.

Инсон ўзининг техник фаолияти билан табиат негизларига кириб бормоқда. Бу жараён борлиқ эволюциясининг таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда. Инсон эса ана шу эволюцион жараённинг қатнашувчисидир. Демак, биз шу жараённинг иштирокчиси сифатида унга масъулмиз. Бизнинг масъулиятимиз бекиёс ўсиб бормоқда, деб ёзади А.Хуниинг (13).

Инсон эволюцион жараённинг иштирокчиси сифатида, бу жараёнга ўз ақл идроки, салоҳияти билан ёрдам бериши керак. Шу нарсани яхшилаб ўйлаши керакки, инсон нимага қодир бўлса, шуни қилавериши керакми? Бугунги техника дунёни ўзгартириш учун катта имкониятларга эга, шунинг учун у дунёга жуда катта куч билан таъсир қилмоқда. Мустақил куч сифатида техника унинг имкониятлари ва жамият тараққиётига ижобий таъсири ҳақидаги масалани



ҳал қилиш инсон дунёқарашининг шаклланиши, дунёга бўлган янги-га муносабати билан боғлиқ. Бадий адабиётда, теле-ва кино экранларда кўрсатилган фантастик санъат турида техниканинг инсон устидан ҳукмронлиги, компьютерлар ҳокимияти ҳақида турли қарашлар пайдо бўлмоқда. Бундай фантастик қарашларда жон борга ўхшайди.

*Бугунги кунда техника инсонга хизмат қилмоқдами ёки инсон техникага хизмат қилмоқдами?*

Бу масалани тушуниш мураккаблашиб кетмоқда. Инсон техника таъсирига қай даражада тушиб қолганини ўзи ҳам билмай қолади. Техника ҳаётнинг барча соҳаларига кириб, аниқ иш бажариб, такомиллашиб бормоқда. Бу жараён одамларнинг ҳаётини техника билан боғлиқ қилиб қўймоқда. Ўз навбатида инсон эркинлигини ва кадр қийматини техникавийлашиш асосида чеклаш юз бермоқда. (Баъзи одамлар ҳаётининг мазмунига ҳам айланиб қолмоқда). Инсон ҳаётининг барча соҳаларига кириб бориш билан техника ўз ҳукмронлигини ўтказиш, инсоннинг барча фаолиятига «босқинчилик» қилишга ўхшаган ҳодисалар ҳам юз бермоқда.

Ҳозирги олимлар *«Инсон техник имкониятларини, техникага қаратилган бутун салоҳиятини ишга солиши керакми?»*, - деган саволни майдонга ташламоқдалар.

*Жамият келажакка қандай қадриятлар қолдиради?*

Келажакда инсонлар ҳаёти учун муносиб турмуш тарзи ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш муаммоси муҳим фалсафий масаладир. Шунинг учун инсонлар ўз ҳаёти, келажаги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишни хошлайди. Бу техниканинг келажаги ҳақидаги масала билан боғлиқ бўлиб, уни эса инсонларнинг социал масъулиятсиз ҳал қилиб бўлмайди. Бу ҳолда у ёки бу шахснинг масъулияти тўғрисида ёки айрим техника турларининг социал оқибатлари ҳақида гап кетаётгани йўқ. Аксинча, техника фалсафаси доирасида глобал ҳал қилиш ҳақида, инсониятнинг маънавияти тўғрисида, бутун инсониятга суянадиган ахлоқий принциплар, қадриятлар ҳақида сўз кетмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, техника фалсафаси фалсафий тадқиқот сифатида шаклланиб бормоқда. Яқин-яқингача техникага, инсон амалий фаолияти сифатида назарий-фалсафий жиҳатдан ўрганишга арзимаёди, деб қаралган эди. Шўролар даврида фалсафанинг умум назарий томонларига эътибор бериб, унинг амалий томонлари таҳлил қилинмас эди. Бугунги кунда ҳам бизнинг олий ўқув юртларимизда ўқитиладиган фалсафа дастурида техника, фан, маданият, тарих фалсафаларига алоҳида мавзу ажратилиб ўқитилмайди. Ваҳоланки, Аристотелдан бошлаб Форобийгача, Ге-

гелдан тортиб замонавий фалсафагача фалсафани назарий ва амалийга ажратганлар. Бирок, бугунги кунда техника фалсафасининг ҳамма томонлари назарий жиҳатидан таҳлил қилингани йўқ. Унинг асосланган назарий тизимининг модели яратилган эмас. Философиянинг моҳияти, мазмуни, амалий фалсафада чуқур ва атрофлича намоён бўлади.

### Техника фалсафаси

№	Техника фалсафасининг эволюцияси	Техниканинг табиати ҳақидаги фикрлар
1	Техника фалсафаси	Техника ҳодисасини методологик ва дунёқараш нуқтаи назардан ўрганадиган фалсафанинг соҳаси
2	Қадимги дунё фалсафасида	Техника юнунча «технэ» сўздан олиниб, маҳорат, хунармандлик маъносини англатган. Техника хунармандлик қобилиятининг мажмуи, унинг юқори билимдонлиги деб қаралган.
3	Ўрта асрларда	Техника хунармандчилик, устачилик маъносида ишлатилиб, Оллоҳ берган ақл, фаросат билан ижодий иш юритиш ҳисобланган ва бу хунар авлоддан авлодга ўтиб турган.
4	Янги даврда	Техника инсон илмий билимларининг кўргазмали бўлиши, предметга айланиши, инсоннинг табиатдан ажрлиш воситаси сифатида қаралган. Техника мустақил куч бўлиб, меҳнат воситаси сифатида жамият ривожланишининг асосини ташкил этади, деб қаралган.
5	XX асрда	Техника феноменология камчилиги сифатида фанни давом эттиради. Шунинг билан инсон ҳаётий дунёсини бўшаштиради (Гуссерел ва феноменология фалсафасининг бошқа тарафдорлари). Техника – инсон ўз олдида унинг маъносини ўйламасдан қўйган тўсиқ. Техника қайси даражада инсон борлиги моҳиятига мос келишига боғлиқ (Хайдеггер ва герменевтика тарафдорлари). Техника – инсон ақлий фаолиятининг мужассамлашиши (аналитик фалсафа). Техника даврнинг мувофиқ реаллигидир. Бизнинг давр техник ёндошув, бу аниқ, фалсафий ёндошувдир. (Г.П.Шедровицкий).

## АДАБИЁТЛАР

1. Философия техники. Москва 1997, 255-бет.
2. Ракитов А.И. Философия компьютерной революции. М. Прогресс 1994, 82-бет.
3. Ясперс К. Смысл и назначение истории. Москва 1991, 134-бет.
4. Философия техники в ФРГ. М. 1989, 282-бет.
5. Философия техники в ФРГ. 1989, 178-бет.
6. Философия техники М. 1997, 263-бет.
7. Новая технократическая волна на Западе. М. 1986, 50-бет.
8. Философия техники. М. 1997, 263-бет.
9. Философия техники. М. 1997, 265-бет.
10. Философия техники. М. 1997, 265-бет.
11. Философия техники в ФРГ. М. 1989, 377-бет.
12. Хайруллаев М. Шарқнинг машхур мутафаккирлари. Абу наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т. 1993, 7-бет.
13. Философия техники в ФРГ. М, 1989, 406-бет

## IV БОБ СОЦИАЛ - ГУМАНИТАР ФАНЛАР ФАЛСАФАСИ

### 4.1. СОЦИАЛ ФАЛСАФА

#### 4.1.1. ЖАМИЯТНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ.

Ҳамкорлик, моддий ва маънавий тотувлик жамиятнинг асосини ташкил этади

**Форобий**

Инсон ва инсоният борлиги ўзига хос бетакрордир. Бу борликнинг ҳамма одамларга хос томонлари бор. Инсон борлик сифатида табиат билан узвий боғлиқ. Чунки, инсон космоснинг (коинотнинг) фаол қисми сифатида, у билан боғлиқ ҳолда яшайди, мавжуд бўлади. Инсон табиат эволюциясининг ажралмас қисми сифатида ўзига хос ижтимоий эволюцияни ташкил этади. Инсонлар эса, ўзаро бирликда жамиятни ташкил этади.

Социал фалсафа жамиятнинг моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади. Биз фалсафа тарихига назар солсак, жамият сирларини очиш учун ҳаракат қилмаган фалсафий йўналишни кўрмаймиз. Платон ўзининг «Давлат» номли асарида жамият тўғрисидаги таълимотни гоёлар дунёсининг сир-асрори билан боғлиқ ҳолда ўрганган. Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида инсонлар ўртасидаги муносабат, биргаликда яшаш, тинч-тотув бўлиш тўғрисида «ҳамкорлик, моддий ва маънавий тотувлик жамиятнинг асосини ташкил этади»,- деб таъкидлайди.

Ўрта аср Фарб фалсафасида жамият тўғрисидаги қарашларда теоцентриқ назария устувор бўлган. Янги замон фалсафанинг вакиллари, Гоббс ва Локклар давлатнинг шартнома концепциясини ва шу асосда ижтимоий шартнома концепциясини ишлаб чиқдилар. Фалсафа курсида ижтимоий шартнома бўлиши ва унинг ҳуқуқий, дунёқараш аҳамияти баён этила борди. Гегел жамият, маданият соҳаларнинг илмий-фалсафий асосларини майдонга ташлади. Ижтимоий ҳаёт ҳам табиат сингари объектив қонуларга эга. Бу қонулар инсон иродасига, хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд деб кўрсатди.

Маркс жамиятни ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборат деб айтди. Бироқ Гегел ҳам, Маркс ҳам жамиятдаги қонуларни мавҳум, конкрет шахс фаолиятидан ажралган ҳолда ўрганди. Позитивизм (Конт, Спенсер) табиат фанларидан махсус ижтимоий фанларни ажратди ва жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи – социологияга асос солди. Ҳаёт фалсафаси ва феноменология (Гуссерль, Шюц) кундалиқ ҳаёт социологиясини ўрганди.

*Ҳозирги замон социал фалсафасининг ўзига хос томони нимада?* Бунда гап социал жараёнларга фалсафий ёндошиш ҳақида кетади.

Афсуски, узоқ вақт давомида-шўролар ҳукмрон бўлган даврда жамият тўғрисидаги таълимотда марксча–ленинча қарашлар ҳукмрон эди. Бугунги кунда ҳам бу қараш ижтимоий ҳаётни янгича таҳлил қилишга ҳалақит бермоқда. Замонавий социал фалсафада жамият маънавий бирлик, инсон фаолияти, инсон бунёдкорлиги ҳамда мантқиқийлик нуқтаи назардан таҳлил қилинмоқда.

**Инсоннинг «Табиатдан-жамиятга» концепцияси фалсафада жамиятни натуралистик тушуниш деб аталади.** Бу концепцияда жамиятнинг ривожланишида географик ва демографик омилларнинг ўрни асосий деб қаралади. Одамнинг пайдо бўлиши Дарвин таълимоти асосида тушунтирилади. Социал борлиққа биолог–табиатшунос кўзи билан қаралади.

**Психологизм концепцияси.** Бунда социал ҳодисани инсоннинг мураккаб руҳияти билан боғлайдилар. Уларнинг фикрича, ижтимоий ҳаёт руҳий – физиологик ҳолат билан белгиланади. Бироқ маданият, инсон амалий фаолиятини руҳий – физиологик нуқтаи назардан тўла изоҳлаб бўлмайди.

Ҳозирги кунда социал ҳаётни текширишда руҳий таҳлил назарияси устиворлик қилмоқда. Руҳий таҳлил асосчиси Фрейд жамиятни инсон руҳий дунёсидаги инстинкт билан изоҳлайди. Унинг фикрича, икки инстинкт инсон ҳаётида энг муҳим аҳамиятга эга. Гап *ҳаёт инстинкти эрос ва ўлиш инстинкти танатос* ҳақида боради.

*Инсоннинг жинсий мойиллиги негизидаги икки инстинкт кураши социал борлиқнинг асосида туради.*

#### (6) Фрейд.

Дин, ахлоқ, социал ҳиссиётлар тажовузкорлик инстинктини бўшаштиради. Социал ва ахлоқий қоидалар инсоннинг онгсиз фаолиятига зид келганлиги учун муайян цивилизация тақиклаган, онгдан устун турган нормаларни инсон баъзан бузади.

Руҳий таҳлил фалсафасининг вакили Фромм инсоннинг маънавий ҳаётини социал муносабатлар ва инсон характери нуқтаи назардан изоҳлайди.

*Инсон характери иждо қилувчи, яратувчиликка қаратилган бўлиб, инсон ўз борлигини, инсонийлигини намён қилиб яшайди. Инсон ана шундай фаолиятини намён қилиши учун социал шароит бўлиши керак.*

#### (7) Фромм.

XX аср фалсафасидаги социал психологик оқим ўз қарашларини социал амалий таъсир концепциясида (М. Вебер, Г. Парсонс) да-

вом эттирди. Улар ҳаракатдаги шахснинг бошқа одамларга, бошқа объектга таъсири ҳақида фикр юритадилар. Ҳар бир индивид (якка шахс) социал нормаларни ўзича «дастурантиради» ва социал ҳаётни ўзининг ана шу мустақил нуқтаи назаридан баҳолайди, масалаларни ҳал қилиш бўйича қарор қабул қилади ва шу асосда фаолиятда бўлиб, у ёки бу вазифаларни бажаради. Бутун жамият социал амалий таъсир тизими сифатида намоён бўлади. Бу концепция кўпинча социал алоқа тизимида шахсни мутлақлаштиришни қоралайди. Бунга жавобан *символик интеракционизм* ўзаро талаб жавобини беради (Ж. Мид).

Миднинг фикрича, ўзаро таъсир (интеракция) символик таъсир бўлиши мумкин. Таъсир этувчи шахс, албатта, бошқа одам таъсирига жавоб беради. Фаолиятда бўлган ҳар бир объект ўзи бажараётган жараён учун символик бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир одам ўз ролини ўйнайди; шифокор, олим, талаба ва ҳоказо ким бўлмасин, барибир ҳаммаларининг ўз роли бор.

*дунё – театр, Бунда аёллар, эркакларнинг ҳар бири артистдир, Уларнинг саҳнага чиқиши, кетиши бор, Ҳар бири ўз ролини бошқача ўйнайди.*

## У.Шекспир

«Мен» – социал тажриба белгиланган ролни ўйнайман. Индивид социал муносабатлар асосида шаклланиб боради. Унинг социаллашиши ана шу тарзда намоён бўлади.

Инсон предмет таъсирида эмас, балки социал омиллар таъсирида шаклланиб боради, деб таъкидлайди Маркс. XX асрдаги социал концепциялардан бири «Лингвистик туб ўзгариш» деб аталади. Уларнинг фикрича, тил инсоннинг энг муҳим белгиси, шу боис у жамиятнинг қиёфасини белгилайди. Ю. Хабермас одамлар орасидаги мунозара маълум қондаларга асосланадики, шу асосда муносабатлар шаклланади, биргаликда фаолиятда бўлиш тамойиллари ишлаб чиқилади, деб ёзади. Жамият *коммуникатив – дискуртив* (биргаликда дунёни тушуниш) бир бутунлик асосида ташкил топади. Бунда ошкоралик, демократия, танқидийлик ҳукмрон бўлади.

Биз юкорида ижтимоий фалсафанинг турли концепцияларини кўриб чиқдик.

*Айрим шахс фаолияти асосида бутун бир халқ, миллат ҳақида ҳулоса чиқариш мумкинми?*

Бу саволга социал фалсафа ҳозирча «йўқ» деб жавоб бермоқда. Жамият шундай ташкил қилинган тизимки, унда алоҳида шахсдан ташқари маънавий ҳаёт, инсон символик (рамзий) дунёси ва шу фаолиятнинг натижаси ҳам мавжуддир.

**Демак, жамият инсонларнинг тизимли ташкил қилинган бир-галликдаги ҳаётий фаолиятдан иборат. Социаллик – жамиятга тизимли тавсиф бериш демакдир.**

#### **4.1.2. ЖАМИЯТНИНГ СОЦИАЛ ТУЗИЛИШИ**

Социаллик (ижтимоийлик) деганда инсонларнинг биргалликда мавжуд бўлишини характерлайдиган ҳамма ҳодисалар тушунилади, бунда табиий – физиологик – биологик жиҳатдан фарқ қиладиган томони ҳам ҳисобга олинади. Социал ёки ижтимоийлик одамлар ўртасидаги бевосита ёки билвосита муносабатларнинг ўзаро таъсири натижасида жамиятнинг турли қатламларга бўлинишидир. Инсонлар муносабатсиз социаллик мавжуд бўлмайди. Унинг ташувчиси инсон ва маҳсулотлар яратишдаги инсоннинг фаолиятидир.

Ижтимоийлик (социаллик) ҳар қандай шахсга хос хусусият. Инсоннинг ижтимоийлашув жараёнини ўрганиш алоҳида шахс онгининг социал томонини ўрганишдан бошланади. Алоҳида одам ижтимоийликдан ташқарида қараладиган бўлса, фақат унинг онги руҳий, нейрофизиологик жиҳатдан қатнашганлиги ўрганилади, холос.

Ижтимоийлик бошқа одамнинг таъсири, унга бўлган муносабатда пайдо бўлади. Натижада инсоннинг руҳий дунёси янги социал даражага кўтарилади. Жамият ўзига хос энг кўзга кўринмас муносабатлар асосида яққа шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг натижаси сифатида намоён бўлади. Демак, улар ўртасида маълум алоқалар мавжуд бўлади.

Жамият макроструктураси жиҳатдан одамлар, мутахассислик, демографик, иқтисодий сиёсий дунёқараш мазмунига кўра, ўзаро турли хил алоқада бўладилар. Бу алоқалар кичик гуруҳлардан тортиб халқ, миллатгача бўлган муносабатларни ўз ичига олади.

Социал тузилишни ўрганганда жамиятнинг макроструктурасини аниқлаш жуда мураккаб масала. Уларда умумий ўзак, умумий жисмоний бирлик йўқ. Лекин маънавий бирлик, фикрлаш бирлиги, умумий онг – ижтимоий онг мавжуд.

**Жамиятнинг макротузилиши тизимли (системали) характерга эга. Унинг системалилиги бир бутун жамиятни ташкил этади. Жамиятнинг бир бутун тизимлилиги бир маконда бўлакларнинг биргалликда фаолиятда бўлишини, жамиятнинг биргалликда ишлашини таъминлайди.**

Алоҳида шахслар руҳияти – онги асосида ижтимоий онг вужудга келади. Жамиятнинг макротузилишга эга бўлган ижтимоий ҳаёти бир бутун онг ва руҳиятни ташкил қилишининг сабаби, унинг бир бутун тизимли тузилишга эга бўлишидадир.

Тил, маданият, амалиёт, санъат, фан, ахлоқларнинг маълум тизимга тушганлигини ҳамма билади. Биз тизим нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, шахснинг ички ўзгариш жараёнининг ҳам бир бутун системадан иборат эканилигини кўраемиз. Унинг онги, ҳиссиёти, тили ва маданияти, дунёқараши кабилар бир бутун тизимга эга эканилигини кўрсатади.

Тизим оз сонли одамлардан, миллат ва халқлардан уларнинг ҳис туйғулари, фикрлари, дунёқарашининг ўзаро бирлиги асосида ташкил топиши мумкин. Тизимда тартибсизлик (хаос) тартибга айланиб боради. Ана шу тартиб асосида маданият, санъат, ахлоқ, тил нормалари вужудга келади. Халқ, миллатнинг кўпчилиги унга амал қилади.

Маълум тизимдаги одамларнинг жуда кўп умумий томонлари бор (урф – одат, анъана, фикрлаш стили ва бошқалар). Бироқ уларнинг ўзига хос томони ҳам бор.

**Демак, ижтимоийлик тизимлилик таъсири асосида умумийлик ва ўзига хосликни ўз ичига олади.**

#### **4.1.3 ЖАМИЯТ ФАН ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА.**

##### **Жамият тараққиётида рационализмнинг аҳамияти**

Фалсафа фанни таҳлил қилар экан, унинг асосий хусусиятлари, бир бутун умумий йўналишларига аҳамият беради.

*Ижтимоий тараққиётнинг умумий йўналишини ҳаракатга келтирувчи куч нима?*

Фалсафа бу саволга жавоб беради.

*Ижтимоий ҳаётни илмий таҳлил қиладиган фалсафа борми?*

Баъзи файласуфлар бу саволга салбий жавоб берадилар. Чунки, табиатда зарурият, қонуният ҳукмрон бўлса, жамиятда эркинлик мавжуд, шунинг учун инсон иродаси, эркин тафаккурни қонунлаштириб бўлмайди, дейдилар улар.

Гегель ва Маркслар ижтимоий ҳаётнинг ўз қонунлари бор ва бу қонунлар инсон онгидан ташқарида, унинг онгига, иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд, деб айтдилар. Маркс ижтимоий иқтисодий формация ҳақида ўз таълимотини яратди. Бу концепцияга кўра, жамият бошланғич жамоа тузумидан қулчиликка, қулчиликдан феодализмга, феодализмдан капитализмга ва ундан коммунизмга муқаррар ўтади. Бу Маркс таълимоти чизикли, бир ёқлама тафаккурга асосланганлигидан далолат беради. Иккинчидан, Гегель ҳам, Маркс ҳам ижтимоий қонунларни шахс фаолиятдан ажратиб қўйганлар. Улар индивиднинг жамиятдаги бетакрор ўрни ва ролини инobatга олмаганлар.



Структуралистлар эса, жамиятнинг инсондан ташқарида инсон иродасига боғлиқ бўлмаган тузилиши ҳақида фикр юритадилар. Улар жамият маълум қонуниятлар асосида ривожланади, деб кўрсатадилар ва инсон фаолиятига эътибор бериш масаласида камчиликка йўл қўядилар.

XX асрнинг иккинчи ярмида фалсафада "лингвистик" туб ўзгариш юз берди. Мантикий позитивизм, аналитик фалсафа тарафдорлари, кейинчалик Витгенштейн каби олимлар фалсафада бурилиш ясадилар. Улар жамият тўғрисидаги фанни маълум фикрларни ифода этиш билан боғладилар. 1942 йилда Гемпель ижтимоий фан соҳа вакилларига мулоҳаза орқали дедуктив хулоса чиқариш моделига ўтишни тақлиф қилади. Бироқ, бу мактабнинг айрим вакиллари, жумладан, Витгенштейн Гемпель мантиғи тор доирада эканлигини, тилнинг имконияти кенг эканлигини, битта схема доирасида иш кўриш мумкин эмаслигини таъкидладилар. Бир неча бор мунозарадан сўнг ижтимоий қонунлар табиат қонунларидан фарқ қилишини тан олишди: Бироқ, мунозара ҳамон давом этмоқда.

Тажирибалар, экспериментлар ижтимоий ҳодисаларга ҳам татбиқ этилди. Натижада, жамиятни ўрганиш бўйича эмпирик социология каби фанлар пайдо бўлди. Непозитивизм ва постпозитивизмнинг фан дастури социал ҳаётга ҳам татбиқ этилди. Социал соҳалар математик модель билан ўрганилиб, маълум муваффақиятларга эришилди.

*Нима учун математик формулалар ўзининг аниқлиги билан ажралиб турса-да, социал соҳада физик формулалардан устун тура олмади?*

Математик моделнинг иқтисодиёт соҳасида қўлланилиши жуда катта натижа берган бўлса-да, табиатдаги (оний) лаҳза-тезлик, иқтисоддаги қиймат кўриниши физикавий модель билан ҳал қилинди. Заррачаларнинг ҳолати худди инсонлар фаолиятидагидек эркин, олдиндан билиб бўлмас даражада экан. Физик-тадқиқотчи катта миқдордаги заррачаларнинг ҳолатини аниқлаш учун статистик қонунларни ишлатади. Алоҳида, яқка заррачанинг ҳолати учун эса эҳтимоллик назариясини қўллайди. Шунга ўхшаш социал ҳодисаларда ҳам алоҳида олинган одам фаолиятини эҳтимоллик назарияси асосида қайд қилинса, кўпчиликнинг фаолияти эса, статистик қонун асосида ёзилади.

Демак, жамият қонунлари ўзига хос характерга эга бўлиш билан бирга табиат қонунлари билан ўхшашлиги ҳам бор.

*Герменевтик метод* эса, социал ҳодисаларнинг ўзига хос томонини талқин қилади. (М.Вебер, Г.Парсонс).

*Табиат бизга бегона... жамият эса-бизнинг дунё*

(8) В.Дильтей

Бирок, табиат ҳақидаги таълимот ҳам инсон фаолиятининг шаклидир. Уларни тушуниш, англаш энг муҳим масалалардан биридир.

### Жамият тўғрисидаги фан борми?

Албатта бор. Маълум фактлар, тажрибалар асосида жамиятни илмий ўрганишга киришилади. Инсон ўзининг билимлари асосида жамиятнинг ривожланиш йўллари, умумий тенденцияларини топади. Бу эса фан йўлидир.

Жамиятнинг инсон ўрганмаган бирор соҳаси йўқ. Инсоннинг қалби каби ҳодисалар борки, улар ҳам илмий таҳлил қилинади. Фан ҳамма вақт ҳақиқатни очишга интилади.

Фан учун ақллилик энг асосий ўринни эгаллайди. Демак, ижтимоий ҳаёт ақлий метод орқали, жамиятнинг ривожланиши эса, унинг нормалари, усуллари орқали ўрганилади. Фан инсон ҳаётининг ички, мураккаб томонларини ўрганади. Буни кундалик онг билан ҳал қилиб бўлмайди. Илмий таҳлил, олдиндан билиш ижтимоий ҳаётга ҳам тегишли. Бу илмий-рационал метод орқали амалга ошади. Бу юксак типдаги (рационалликдир) ақллиликдир.

**Рационаллик инсоннинг онгли, мақсадга қаратилган фаолияти сифатида қаралади.**

Вебер инсонда тўртга социал таъсир мавжудлигини айтади-кўрсатади. Улар қаттиқ ҳаяжон, анъанавийлик, рационал қадриятлар ва рационалликдир. *Унинг фикрича, энг асосийси қаттиқ ҳаяжондир.* Бунда инсон ўз хоҳишини қондиришга интилади. Индивид ана шу устунлик асосида иш тутади. Қаттиқ ҳаяжон ҳамма вақт ҳам натижа беравермайди. Чунки, у ҳамма вақт ҳам ўйланган, атрофлича фикрланган бўлмайди. Бунда *анъанавий* таъсир, қоида ва қонунлар иш беради. Ўтмишга таҳлил қилиш *анъана ва одатларга асосланган* бўлади. Булар қатъий хулосалар бўлиб, одатда танқид қилинмайди. *Рационал қадриятлар* маълум мустақил ҳаракатга маълум дастур асосида фаолиятда бўлади.

*Ниҳоят мақсадли-рационал фаолият.* Бунда субъект аниқ дастур асосида мақсадга қаратилган бўлади. Бу ижтимоий ҳаётни ўрганишдаги рационал (ақлий) моментнинг ўсиб боришидир. Фаолиятни ўрганишнинг рационал модели мақсадли ақллиликни ташкил этади.

Жамият ҳақидаги фан, аввало, мақсадли рационал-ақлий фаолият бўлиб, бунда прагматик метод устун туради. Табиат фанлари эса, прагматик методга эмас, балки гипотетик-дедуктив методга асосланади (устун туради)

**Гипотетик-дедуктив метод фанда иш қандай ҳолатда бўлади,** деган саволга жавоб берса, **прагматик метод ўйланган мақсадга эришиш учун нима қилиш керак,** деган саволга жавоб беради.

## СОЦИАЛ ФАЛСАФА

<b>Фалсафа та-рихида</b>	<b>Жамият нима? Жамиятнинг моҳияти, хусусияти</b>
Қадимги фал-сафада	У ёки бу даражада муваффақиятли, бирлигидан иборат. Жамиятда адолатнинг адолатсизлик усти-дан галабаси (Авесто)
Ўрта асрларда	Дунёвий ҳақиқатдан илоҳий ҳақиқатга инти-лиш. Фоний дунёдан боқий дунёга тайёргарлик. Яшашдан мурад эзгулик (Ибн Сино). Жамият – инсоний рўёбга чиқишидир. Инсонлик моҳияти ҳақиқий бахт саодатга эришув экан, инсон бу мақ-садни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт–саодатга эришади (Фаробий)
Янги замонда	Инсонлик тузилган ижтимоий шартнома асо-сида биргаликда яшашидир. (Локк, Руссо) Инсонларнинг биргаликда меҳнат қилиши жа-раёнидаги ўзаро муносабат.
XX асрда	Инсонларнинг социал таъсири тизими бўлиб, у қадриятларни яратиш билан белгиланади (Вебер, Парсонс, Сорокин ва бошқалар) Инсонларнинг яхши ташкил қилинган мунозара нормалари асоси янги коммуникация алоқаларидир (Хабермас ва бошқалар) Жамият тараққиётининг асоси уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маърифатдир (И. Каримов)

### 4.2 ТАРИХ ФАЛСАФАСИ

**Тарихий хотирасиз келажак йўк  
И.Каримов**

*Тарих юнунча historia сўзидан олинган бўлиб, ўтмиш воқеалар ҳақида ҳикоя, бўлган ҳодисалар деган маънони англатади.*

Қадимги дунёдаёқ тарихга универсал билим сифатида қараб келинган. Ўтмишнинг бугун ва келажак билан алоқадалигини тарих кўрсатади.

Ўтмишни қандай билиш мумкин? Ўтмиш бугунги кун билан, келажак билан қандай алоқада бўлади? У ёки бу халқ тарихининг бир бутун универсал маъноси борми?

Бу ва шу каби саволларга тарих фалсафаси жавоб беради. Демак, тарих фалсафасини яратиш учун бир бутун инсон эволюциясини, унинг маъно ва мазмунини таҳлил қилиш керак. Тарих фалсафаси-тарихни англаш, унинг орқага қайтмас жараёнини тушуниб олишдир.

Тарихнинг драматик жараёнларида инсоннинг иштироки қандай?

Бу савол ҳам бугунги кунда энг муҳим масала бўлиб қолди. Чунки, ҳар бир шахс ўз ўтмишини ва ундаги иштирок этган авлодларни билишга қизиқади, тарихий жараёнда ўзининг ўрнини белгилаб олишга ҳаракат қилади. Демак, инсон ўзининг шу жараёндаги ўрнини, ўз иштирокини, ўзининг қадр - қийматини билишни истайди.

Инсон тарихий мавжудот сифатида вақтнинг давомийлигини ҳис қилиб, унда ўз зиммасига нималар юкланишини тушуниб яшашга интилади. Инсон ҳаётнинг маъносини англаб экан, у нафақат бугунги кун ташвиши билан яшайди, балки ўтмиш ва келажак ҳақида фикр юритиб, ўйлаб, изтирооб чекиб, қўйиниб, мамнун бўлиб яшайди. Бу эса, тарихни кенг маънода тушуниш демакдир.

Юнонлар тарихга дунёни эстетик англаш, космоснинг гармонияси ва ундаги даврийликнинг яқуни сифатида қараганлар. Космосда ҳам, инсон ҳаётида ҳам узлуксиз алмашиш, айланиш юз беришини қайд этдилар. Табиатда иссиқнинг совуқ, ёзнинг – куз, қишнинг - баҳор билан алмашинуви, ижтимоий ҳаётда эса яхшининг ёмон, ёвузликнинг эзгулик билан алмашинуви айланма шаклда бораётганини кўрдилар. Бу доира шакли абадийлик ва ўткинчиликнинг геометрик рамзини англатади, (доира бошланиши ҳам, охири ҳам йўқ) деган фикрга келдилар.

Бобоқалон алломаларимиз дунёни чархпалак шаклида ифодалашган.

**Инсон ўз тарихини ўзи яратади, ундаги муаммоларни келтириб чиқарувчи ҳам, ҳал қилувчиси ҳам инсоннинг ўзидир.**

Қадимги фалсафа тарихни, А.Ф.Лосевнинг фикрича, абадий ташкил толувчи, абадий қайтиш, даврий бўладиган дунё онгини (Гераклит) руҳнинг давомийлиги ва руҳиятнинг намоён бўлиши (Платон) шаклида ифодалаган. Юнонлар тарихнинг давомийлигини билиб, фожиали ҳолларни ҳам кўрсатишган.

Тарихнинг фожиаси универсал характерга эга эмас. Тарихнинг охири йўқ. Бирок, қадимги яҳудийлар таълимотига кўра, тарих тугайди, унинг охири бор дейилган. **Тарихнинг охири борлиги тўғрисидаги таълимот эсхатология деб аталади.**

Барча динларда инсон оллоҳ томондан яратилгани ва инсоният тарихи илоҳий ифоданинг систематик реаллашувий эканлиги айтилади (Августин). *Эсхатология концепцияси провиденциал (тақдир, илоҳий режа демақдир) таълимот билан уйғунлаштирилади.*

Бу концепцияга Гегелнинг тарих фалсафаси ҳам мос келади. Гегель, юқорида айтилганидек, тарихни тасодифий, тартибсиз ҳодиса эмас, балки ички қонуният асосида ривожланувчи жараён, деб қаради. Бирок, у тарихни бир чизикда, бир йўналишда олға қараб кетувчи жараён, деб тушунди. Унингча, тарихий тараққиёт ўзининг олға қараб тараққий этишини таъминлайди. Натижада, ўзининг охири мақсадига эришади. Фожиалар, тарихий изтироблар, ўлиш ва адоийликдаги азоблар, урушлар ва шу каби драматик, трагедик ҳодисалар, Гегель фикрига кўра, *тарихий тақдирнинг реаллашув тараққиёти бўлиб, унинг умумий йўналишини, келажагини ўзгартирмайди.*

**Тақдир концепциясига кўра, дунё тарихи турли эгри бугри йўллар билан олға қараб кетади.**

Марксизм ҳам ана шу ғоядан келиб чиқиб, тарихни олға қараб боради ва охири синфсиз, ҳар қандай муаммолар ҳал қилинган коммунизмга ўтилади, деб кўрсатади. Жамият XX аср фалсафасида бундай қарашларга қарши таълимотлар вужудга келди.

XX аср фалсафаси келажак равнақига қарши эмас, келажакка умидсизлик билан қарашни ҳам тарғиб этмайди. Аксинча, XIX асрда яратилган прөгресс тушунчасининг камчиликларини тушунтириб, келажак тўғрисида кафолатли, тарихнинг мазмунӣ ва моҳиятини ифодаловчи концепцияни яратишга интилди. Гегель ва Маркс концепцияларининг асосий хатоси шундаки, улар келажакни илоҳийлаштириб, унинг аҳамиятини ўтмиш ва бугунги кунга паст назар билан қараш ҳисобига кўтармоқчи бўлдилар, ноаниқ келажакни ўтмиш ва бугунги ҳаётдан, устун қўядилар. *Бутун ўтмиш, бугунги ҳаёт келажак учун қурбон қилинади.* Маркс эса, бутун инсоният тарихи адашувлардан иборат, ҳақиқий тарих коммунизмдан бошланади, деб айтган эди. *Келажак албатта яхши бўлади, ундан гам қил-маса ҳам бўлади,* деб инсонларни масъулиятсиз бўлишга чорлайди. Келажак тўғрисида конкрет тизимни эмас, мавҳумликни майдонга ташлайди. **Бу назариянинг хатоси келажак муқаррар, у инсон про-даси, хоҳишидан қатъий назар, объектив вужудга келади деб, инсон субъекти ва инсон фаолиятининг ҳал қилувчилик аҳамиятини тушуниб етмади, тан олганда ҳам, иккинчи даражали аҳамиятга эга, деб кўрсатди.**

XX аср фалсафаси инсонлар келажак тўғрисида йўлар эканлар, мавҳум, одамларга ваъда берадиган жамият тўғрисида эмас, балки

келажакнинг абадийлиги тўғрисида, тарихий тараққиётнинг доимийлиги кафолатланган тараққиёт тўғрисида фикр юритишлари керак, деб ўргатади. Бу фалсафага, инсон фаолияти ана шу абадийликнинг лаҳзаси сифатида, тарихнинг тақдирига таъсир этишини тушуниш асосида бориши керак.

*Бизнинг хатти-ҳаракатимиз маҳсули келажак учун, келажак қадриятлари учун қандай бўлади, деган масала тўғрисида ҳукм чиқариш бизнинг ишимиз эмас, зеро биз ҳар диққада тарихий тақдирга, абадий оламга ўз муносабатимизни билдириб яшашимиз керак.*

### (9) Н.Бердыев

Бошқача қилиб айтганда, келажак учун махсус яшаш шарт эмас. Аммо, инсон ўзининг фаолият йўналишида қадриятлар, бурч, инсоннинг кадр-қиммати каби универсал характердаги масалаларга ўткинчи деб эмас, балки абадий инсоний муносабатлар деб, тарихнинг маъноси сифатида қараши керак.

#### *Тарихнинг маъноси нима?*

Тарихнинг маъноси шундан иборатки, у муаммосиз, ёмонликсиз яшамайди. Бир муаммо ҳал қилинса, иккинчи муаммо келиб чиқаради. Инсон ўз муаммоларини келтириб чиқариш билан бирга уни ҳал қилишга ҳам қодир. Мана шу асосий, ҳал қилиш керак бўлган масалаларни ечиш ва янги муаммоларга тайёр туриш, уни майдонга ташлаш тарихнинг маъносини ташкил этади. Буларнинг барчаси инсон фаолияти орқали амалга ошади. Демак, инсон бутун тарихнинг йўналишига ўта масъулдир. Инсоннинг амалий фаолиятига баҳо бермаслик, «ҳамма нарса ўтиб кетади», деб бепарво бўлиш ўз уйини бузишга олиб келиши мумкин. Ўз Ватанини ҳимоя қилмаслик, ўз уйида тартиб ўрнатмаслик, инсон фаолиятини тузишга эмас, аксинча, бузишга қаратиш бутун инсониятни ҳалокат ёқасига олиб келади.

**Тарихнинг моҳияти.** Тарих моҳиятини тушуниш дунёқараш аҳамиятига эга. Бу, ўз навбатида, инсон фаолияти қачон ва қандай шароитларда бузиш, йўқ қилиш ва ўлдиришга қаратилган бўлади; қайси вазиятда ўз-ўзини ривожлантирувчи, яратувчанлик ва бунёдкорлик фаолиятида бўлади; тарихнинг соғлом ривожланишига кафолат беради, каби масалаларни ойдинлаштиришни тақозо этади.

#### **Бу фалсафа тилида тарихнинг моҳияти деб аталади.**

Биз тарих моҳиятини аниқлаш билан тарихнинг мавжуд бўлиши чегарасини аниқлаймиз. Тарих мавжуд бўлиши учун ўзининг йўқотган қадриятларини тиклаши, бузмасдан, тўсиқ бўлмасдан ҳаракат қилиши, ривожланиши керак.

Замонавий мутаффаққирлар таълимотига кўра тарихнинг олға кетиши прогрессга кафолат бермаса-да, унинг мавжуд бўлишига, абадийлигига кафолат беради.

XX аср фалсафаси, XIX аср фалсафасидан фарқли ўларок, ўтмишнинг бугун ва келажак билан алоқаси асосида кафолатли таракқиётни кўрсатиб берди. Бунинг энг асосийлари қуйидагича:

**Биринчидан**, ҳозирги замон тарих фалсафаси социал амнезия (хотиранинг йўқолиши) га алоҳида эътибор бермоқда. XIX аср фалсафаси шу нарсани аниқладики, халқ, миллат ўз тарихини эсдан чиқариши ҳоллари юз бериши мумкин экан. Бундай жараён алоҳида шахсларда ҳам учраши мумкин. Бунда *шахс ўз ўтмишин эсдан чиқарса, амнезия касаллиги деб аталади*. Социал маънода у ёки бу халқнинг тарихини бутунлай ёки унинг бир қисмини унутишини англатади. Бунда халқнинг ўтмиши билан бугунги кун ўртасида изчил алоқа йўқолади ёки камаяди. Бу нафақат тарихий жараёнларда, балки бирор бир даврнинг тарихий шахслари билан ҳам юз беради. Масалан, шўролар даврида ўзбек халқининг бир қатор зиёли фарзандлари «халқ душманлари» тамғаси остида қатағон қилиндилар. Бу уларнинг халқимиз хотирасидан ўчирилишларига, кейинги авлодда улар туғрисида ёмон таассурот қолишига олиб келди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов нинг 9 майни «Хотира ва кадрлар кунини» сифатида нишонлаш туғрисидаги Фармони муносабати билан шахидларни эслаш уларнинг сиймоларини халқнинг ёрқин хотирасига айлантирди, миллатнинг ғурури даражасига кўтарди. Уларнинг қилган ишлари, мардона фаолияти бугунги кунимиз билан уйғун ҳолда боғланди. Халқ, миллат хотираси ўз кадр-қимматини топди. Бироқ, бундай сиймоларнинг хотирасини тиклаш осон бўлмади. Ундан ташқари тарихимизни бузмасдан, объектив, ҳақиқий ҳолда акс эттириш ва уни бугунги ҳамда келажак авлодга етказиш ҳам ўтмиш билан келажакни боғлайдиган дунёқарашни шакллантириш гаровидир. Айни бир пайтда, ўтмишда ватан равнақи, кадр-қиммати, миллатнинг ўзлигини англаши учун бошини кундага қўйган сиймолар-шахслар жасоратини кўрсатиш билан бирга жамиятимизни бузишга, ўлкамизни мустамлакага айлантиришга вайрон қилишга қаратилган социал кучлар ҳақида ҳам гапириш керак.

**Иккинчидан**, тарихни бузишга, йўқ қилишга қаратилган кучлар ҳақида гапирар эканмиз, XX асрда бўлган иккита жаҳон урушларини тилга олишга тўғри келади. Бу урушлар шундай оқибатларга олиб келдики, цивилизацияни вайрон қилиб, уни ҳалокат ёқасига келтириб қўйди.

Илгариги замонларда ҳарбий тўқнашишлар жаҳоншумул аҳамиятга эга эмас эди. Гегелнинг «урушлар тарихий жараёнларни

ўзгартиши мумкин эмас», деган фикри ҳозирги шароитда тўғри келмай қолди. Шу маънода, шахснинг тарих олдида ўта маъсуляти тарихнинг қафолатли давом этишида асосий кучга айланиб қолди.

Учинчидан, инсонлар фаолиятида юз бераётган ғайри инсоний хатти-ҳаракатлар жамиятнинг ўзини ўзи йўқ қилишига олиб келди. Жаҳонда ядро, экологик, демографик фожиалар ва шу каби глобал муаммолар пайдо бўлди. Олимлар, файласуфлар, тарихчилар жамиятнинг қафолатли тараққиёти бўйича инсон фаолиятининг дастурини ишлаб чиқдилар. Дастурда тарихий ворисликни ишга тушириш, инсоният тарихини сақлаб қолиш мумкин деб кўрсатилди. Бунинг учун одамлар реал ҳаётни тўғри тушунишлари, тарихни сақлаб қолиш ва қафолатли тараққиёт моҳиятини чуқур англаши керак. Ҳар бир шахс ўзининг қобилияти ва истеъдодини реаллаштириб, намоён қилиб, ишонч, эътиқод, севиш билан одамгарчиликни биринчи ўринга қўйиб яшashi керак. Бугунги кунда ҳар бир шахс, миллат, халқ бугун тарихий жараёнларни ўзида намоён қилиб, ўзига хос, ўзига мос йўлни топиб яшашни таъминламаса, дунё тарихи куруқ бир схемага айланиб қолади. Ҳар бир шахс, миллат, халқ ҳаёт бетақрор эканлигини ҳисобга олиниши зарур, акс ҳолда тарих оддий андозадан иборат бўлиб қолади. *Тарихнинг мазмуни ана шулар билан тўлдирилади.*

XX аср фалсафаси *«ўтмиш билан бугунги кун ва келажак бир бутун жараёни ташкил этар экан, бу жараён алоҳида шахсда қандай юз беради?»* деган саволга жавоб беради. Демак, тарихийлик шахс ва ҳар бир авлод тақдирини тарих тақдирини билан узвий боғлиқликда олиб қарайди. Булар авлодлар билан жонли муносабат, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, маънавий мулоқотда бўлиши тарихнинг қафолатли абадий яшашини таъминлайди. Бу дунёдаги барча одамларнинг бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорликда бўлиши, ўзаро бир-бирини тушуниши, ўзаро ишонч асосида боради. Қаерда шахс тақдирини ҳар бир авлод тақдирини билан боғлиқ ҳолда ўзаро муносабатда бўлса, ўша ерда тарихнинг тараққиёт қафолати таъминланади. Тарихнинг моҳияти ҳар бир инсоннинг тарих жараёнлари билан турлича муносабатда бўлиши орқали белгиланади.

XX аср фалсафасида тарихнинг моҳияти ҳар бир шахс учун тарихий даврнинг уч ўлчови билан белгиладиган тушунчалар орқали очиб берилди. *Бу уч ўлчов шахснинг ўтмиш, бугунги кун ва келажакка бўлган муносабатини таъминлайди.* Мана шу ўтмиш, бугунги кун ва келажак тарих жараёнида шахснинг вақтга бўлган муносабатини ифода этади. *Бу ўлчов маълум тарихий даврда авлодларнинг ўзаро маънавий муносабатини таъминлайди.*



**Биринчидан, тарихда маънавий фарзандлик тушунчаси** амал қилади. Инсон дунёда яшар экан, ўтмиш авлоднинг фарзанди сифатида юзага келади, яшайди. Бирок, у бутун юмушни бошидан бошламайди, аждодлар яратган моддий ва маънавий маданиятнинг давомчиси, ўзи яшаётган жамиятни, вақт нуктаи назаридан баҳоловчи, бажарувчи сифатида мавжуд бўлади. Чунки, ота-онадан қолган моддий ва маънавий бойликнинг эгасидек, шу жараёни давом эштирувчи фарзанд сифатида яшайди. Маънавий фарзандлик шахснинг маънавий дунёсининг таркибий қисмидир. Айни бир вақтда, у тарихнинг вориси сифатида намоён бўлади. **Тарих, бу жиҳатига кўра, авлодларнинг элмашув жараёнидаги муносабатни англаб етишдир.**

Маънавий фарзандлик маъносини тушунмаслик-авлодлар қадрига етмасликдир. Бунда шахс аждодларини танимайдиган мавжудотга айланиб қолади.

*Маънавиятнинг тикланиши, тугилиб ўсган юртда ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак. Ҳар қайси инсон «мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатнинг ибтидоси қайда, унинг аёққа туриши, тикланиш жараёни қандай кечган?» деган саволларни ўзига бериши табиий... Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон.*

*Инсон учун тарихдан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир,*

**(1) И. Каримов**

*Тарихни билмаслик ўз аждодини билмасликдир, демак, маънавий фарзандликдан маҳрум бўлиш демакдир.* Бундан шундай ҳулоса келиб чиқадики, ҳар бир инсон ўтмиш ота-боболари яратган билимлардан, маданият ва қадриятлардан фойдаланар экан, у ўз даврининг фарзанди сифатида яшайди.

**Инсон ўз даврининггина эмас, ўз тарихи, ўз авлодининг фарзандидир.** Биздаги гурур, ифтихор, инсонийлик ўтмиш авлоддан мерос бўлиб қолган. Шунинг учун ўзини аждодларининг маънавий вориси сифатида тасаввур қилмаган одам, тўла маънода шахс бўлиб етиша олмайди.

*Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган ва менталитетига айланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасидаги ўзига хос кўприк бўлишга қодир голяни мен жамият мафқураси деб биламан,*

**(2)И.Каримов**

**Иккинчидан,** бугунги кун тарих фалсафаси маънавий биродарлик тушунчасини майдонга ташлади. Биз шундай тарихий даврда яшамоқдамизки, ҳар бир шахснинг дунё олдидаги масъуллигини ан-

лаб етиши масаласи асосий ўринга чиқиб қолди. Дунёдаги зиддиятлар, муаммоларни ҳал қилиш учун одамлар бир – бирлари билан дўст – биродар бўлиб яшаши энг муҳим масалага айланиб қолди. Дунёдаги урушлар, ўлдиришлар одамлар ўртасидаги душманлик туйғуси асосида пайдо бўлади. Инсонларнинг бир-бири билан дўст бўлишини таъминлаш инсоний хислатларни намоён қилиш демакдир.

*Шу вақтгача бу тушунчага унчалик эътибор берилмаган эди.* Дўстлик, биродарлик жуда деганда яхшилик деб қаралган эди. Эндликда реал ҳаёт, бир сайёрада, бир ер шарида яшайдиган одамларнинг ҳамкорлиги муқаддас қатъий қондаларга айланишини такозо қилмоқда. Чунки сайёрамиз, айримлар ўйлагандек, жуда мустаҳкам эмас экан. Мана шу умумий уйимизни авайлаб сақлаб қолиш учун фақат ҳамкорликда яшаш керак. Ядро фожиаларини, экологик бужронларни биродарлик билангина ҳал қилиш мумкин.

Барча инсонларнинг социал аҳволи, бой – камбағаллигидан қатъий назар Ерда ҳаётни сақлаб қолишга, бутун инсоният тақдирига масъул экан, биргаликда ҳамкор бўлиб яшашнинг ҳаёт тарзига айланиб бориши-бугунги кун талабидир. Маънавий биродарлик зиддиятли масалаларни тинч ва осойишта ҳал қилишни кўзда тутати. Инсон ўзлигини, ўз қадр қимматини англаб етиши ва шу қадр қимматни рўёбга чиқаришга ўта масъул эканлигини ҳис қилиши ўта долзарб масалага айланди.

Ўзбекистон ХХІ асрга қадам қўяр экан, тинчлик, биродарлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни, барқарорликни таъминлаш ғояси билан жаҳон ҳамжамиятига кириб бормоқда. *Бу ғоя тарихий тараққиётнинг моҳиятини белгилайди.* Чунки одамлар ўртасидаги урушлар, бир-бирига тажовуз қилиш, инсонга қарши ғайриинсоний фаолиятда бўлиш ғояси ХХ асрда қолиб кетгани яхши. ХХІ аср инсонийлик асри бўлиши, инсонларнинг ўз ҳаётларини рўёбга чиқаришлари учун тўлиқ имконият яратилиши керак. Жамиятимиздаги тинчлик, осойишталик, биродарлик, ўзаро ҳамкорликнинг самараси ҳам шунда. Юртбошимиз бу тамойил нафақат алоҳида олинган миллат ва, халқнинг, балки дунё халқларининг маънавий биродарлик тамойилигига айланиши кераклигини назарда тутати. **Бизнинг жамиятимиз бошқа халқлар, мамлакатлар билан биродарлик мураса қилиш концепцияси асосида иш кўради.**

Учинчидан, тарих фалсафаси келажак ҳақида фикр юритар экан, маънавий оталик ғоясини майдонга ташлади. Оталик масъулияти келажак олдида масъулият юкини кўтариш демакдир. Келажак авлод бугунги авлодни, яъни бизни ўз тақдирини ҳал қилишга қаратилган намуна сифатида баҳолайди. Бошқача қилиб айтганда,

биз ота-боболаримиз ишини давом эттириб, келгусига замин яратдик. Демак, биз бошлаган ишни келгуси авлод давом эттиради ва қандай баҳолайди. Биз келгуси авлодга нисбатан бошловчи сифатида иш қилмоқдамиз. Биз ўз ҳаёт тарзимизни танлаш билан келгуси авлод тақдирини ҳал қилишнинг турли воситаларини ҳам танлаб оламиз.

Биз бугунги фаолиятимиз билан келажакка замин тайёрлаймиз, келгуси авлодни давом эттиришнинг асосини яратамиз Хушшундай экан, биз келгуси авлодга юксак маънавият, озод, обод Ватанни қолдирамизми ёки уни бузиб, оталик бурчимизни бажаролмаймизми? Бундай саволларга ҳар бир инсон, яшаётган авлод жавоб бериши керак. Ўтмишда ҳам, бугун ҳам, келажакда ҳам биз каби инсонлар яшашини унутмаслик керак.

Тарихнинг маъноси. «Тарихнинг олға қараб бориши (прогресс) концепциясига кўра, жамият борган сари яхшиланиб, ривожланиб боради. Шунинг учун кўп қайгуришнинг ҳождати йўқ. Тарих муқаррар равишда, эртами – кечми, муқаммаллашган, ҳар томонлама ривожланган жамиятга келади. Одамлар ҳеч қандай муаммосиз фаровон ҳаётга етиб келади»,-деб фикрланган яқин ўтмишимизда. Бунда тарихнинг асл маъноси иккинчи ўринга суриб қўйилган эди. Бирок, тарихий тараққиёт 'жараёни шунини кўрсатдики, тарихнинг олға қараб бориши таъминланмади ва қафолатланмади.

XX асрдаги жаҳон урушлари кўп вайронагарчиликка олиб келди. Миллионлаб қурбонлар, раҳмсиз диктаторлик, тоталитаризм, оммавий геноцид (у ёки бу халқни йўқ қилиб ташлаш) одамларнинг оммавий қашшоқлашуви каби ҳодисалар аср фожиаси бўлди. Жаҳон урушлари, вайронагарчиликлар, инсониятнинг ер юзидан йўқолиб кетиши мумкинлиги каби масалалар жамиятнинг олға қараб кетишига қафолат бермас эди. Жамиятнинг бир бугун тараққиёти масаласига ҳам шубҳа билан қарайдиган бўлдилар. Ҳақиқатдан ҳам одамлар меҳнат қилдилар, ўз асрининг фидойиси сифатида, жисмоний ва ақлий фаолиятда бўлдилар. Янги техника, янги моддий нёъматлар яратдилар. Бирок, одамлар аҳволи, авлодлари ҳаёти яхшиланмоқдами? деган савол майдонга энди ташланди.

*Кейинги уч юз йил ичиде одамларнинг моддий аҳволи ўттиз марта ошиши учун имконият тугилди, ҳамма нарса ўзгарди, фақат инсоннинг ўзиде ўзгарии бўлмади,*

**К. Ясперс**

Ҳаётда ёмонлик борган сари ортиб борди. Адолатсизлик, маънавий қашшоқлик ҳам авжига чикди. Ана шундай шароитда немис файласуфи К Ясперс одамларнинг бахтли ҳаёт кечирииши мумкинми деган саволни майдонга ташлади. Шунинг учун файласуфлар ўз нигоҳларини тарихнинг мавжудлигини, унинг абадийлигини ка-

фолантирадиган замонга қаратдилар. Бу тарихнинг маъносини англаш зарурати эди.

Бироқ тарихнинг маъносини аниқлаш жуда мушкул масала. Файласуфлар ҳеч қачон осон йўлдан бормаган. Ҳозирги замон фалсафаси XIX аср фалсафасидан фарқли ўлароқ ижтимоий ҳаёт, тарих мураккаб, кўп қиррали жараён бўлиб, унинг йўналишини олдиндан билиш қийин эканлигини англаб етди. Файласуфларнинг кўпчилиги тарихнинг тақдирини шахс тақдири билан боғлиқ ҳолда ўргандилар. Уни турли томондан текширишда Н. Бердяев, К. Ясперс, Ж. Маритиен ва бошқаларнинг хизматлари катта. Даставвал, ижтимоий тарих инсонлар тарихидан иборат эканлигини тан олиш керак. XIX аср фалсафасида тарих объектив, инсондан ташқаридаги жараён сифатида ўрганилиб, шахс бу жараёндан чиқариб ташланган эди.

Тарих эса, конкрет одамларсиз юз бермайди. Чунки тарихда инсон ўз меҳнати, фаолияти, кураши, севиши, азобланиши, ўй-фикрлари билан иштирок этади. Ҳар бир одам тарихий жараёнда иштирок этар экан, у ёки бу даражада из қолдиради. Аммо, тарихий бурилишлар, ижтимоий-иктисодий, илмий, маданий-маърифий ўзгаришлар тўғрисида фикр юритирганда, асосан шу жараён ва ўзгаришларга хазмати синган айрим тарихий шахслар ва мутафакирларга эътибор берамиз.

*Ҳар бир инсон бетакрор, унинг қилган фаолияти ҳам жозибадор.*

Ҳамма одамлар фан билан шуғулланиб, тарихий субъект сифатида намоён бўлавермайди, бироқ тарихда ҳамма вақт конкрет шахс сифатида иштирок этади, муаммоларни ҳал қилишда у ёки бу даражада иштирок этиб, ўзи қандай бўлса, шундай намоён қилади. Ҳар бир шахс, юқорида айтганимиздек, тарихий тажрибалардан фойдаланиб, тарихда иштирок этади ва келажакка замин тайёрлайди. Бироқ уларни ўз дунёқарашидан келиб чиқиб қабул қилади, амалга оширади.

*Тарихий жараёнларни пайқаш ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Кўплар бу жараёнларни пайқамайдилар ҳам. Буюк шахслар, салоҳиятли инсонлар бу жараённи илмий амалий таҳлил қилиш қудратига эгадирлар.*

Президент Исом Каримов ўзининг саъи-ҳаракати, ақлаковати билан тарихимизда буюк ўзгаришлар бўлишини ҳаммадан олдин пайқади, халқни юксакликка чорлади. Ўзимизга хос, ўзимизга мос тараққиёт йўлимизнинг умумий тарихий жараёнлар билан узвий боғлиқлигини кўрсатиб берди. Тарихимиз маъноси ва

мазмунини индивидуаллашган шаклда Ислом Каримов асарларида ўз ифодасини топмоқда.

Инсон ўтмиш билан муносабатда бўлар экан, бу инсон яшаши-нинг умумий шартидир. Агар инсонни ўтмишдан маҳрум қилинса, бу уни ўзига хос йўлдан, ўз қадриятдан маҳрум қилишдир. Ўтмишга фақат объект сифатида қарай олмаймиз. Ўтмиш борлиғимизнинг, қадриятларимизнинг таркибий қисмидир. У ўзлигимизни англашнинг, мустақил фикрлашимизнинг заминидир. Ўтмиш аждодларимиз ўзи хоҳлаганича, мустақил қадрият сифатида яшаган. Биз улардан тамомила бошқача эмасмиз. Уларнинг ворисларимиз. Демак, тарих ҳар бир шахснинг ўтмишга муносабатда бўлиши, тарихий жараёнда иштирок этишининг бетақрорлигини ифодалайди.

Тарихга ҳар бир шахс ўз фикри, этикоди, дунёқараши билан мустақил муносабатда бўлади. Бу эса, шахснинг умумий тарихий жараёнларда иштироки мазмунини ташкил этади. Шундан кўринадики, умумий жараёнлар сифатида тарих шахснинг қадр-қимматининг ўзига хослигини намоён қилиш асосида боради.

Бугунги дунёда шахснинг қадр-қимматини намоён қилишига тўсқинлик қилувчи омиллар жуда кўп. Бойлик орқасидан қувиш, амалга интилиш, шон-шухратга берилиш, ноқоқлик ва бошқалар қадр-қимматни ошириш эмас, аксинча, шахснинг ўзи ўзини пастга эритиш эканлигини ҳамма вақт ҳам пайқамайдилар. «Оддий» одамга эътибор бермаслик, «юқорига» қараб «пастни» кўра билмаслик шахснинг қадр-қимматини пастга уради. Ҳозирги замон гуманизми ҳар бир шахснинг қадр-қимматини оширишга, унинг борлигини, яшашини, тарихий жараёнда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган.

*Миллий маънавиятимиз, миллий голямиз ана шуларни ифода этади. Ўзбекистон Конституцияси халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилган ҳолда инсон эркинлиги ва ҳуқуқларига кафолат беради. Халқимизнинг бугунги қунда миллатга, жамиятга, ўз-ўзига, бошқа халқлар қадриятларига бўлган муносабати тарихга бўлган муносабат мезони билан ўлчанади.*

**Тарихнинг маъноси умуминсоний аҳамиятга эга бўлган маъно бўлиб, ҳамма вақт конкрет шахс билан боғланган ҳолда намоён бўлади.** Тарихнинг маъноси деганда соф объектив ёки соф субъектив маънони қидирмаслик керак.

«Маъно» тушунчаси (кимгадир, нимагадир) инсонга бўлган муносабатни кўзда тутати. «Маъно» инсон борлиги жараёнида ижод қилиши, дунёни билиб бориши, пайқаши кабилар билан биргаликда намоён бўлади.

**Инсон ўз ижодий фаолиятида инсонийликни намоён қилади.** Шу асосда тарихнинг маъносини кашф қилади. Тарихнинг маъноси-га ташқи жараён сифатида эмас, балки инсоннинг ички маънавий дунёси сифатида, ҳамма жараёнларнинг инсон кўзгусидан ўтиши нуқтаи назаридан қараш керак. Тарихнинг маъноси - меники, мен учун, деб қарашни, бутун тарихий борлик мен учун дахлдор деб, қарашни кўзла тутали.

**Тарихга ижодий муносабатда бўлиш, уни яратиш ва уни англаб етиш-муҳим масала.** Бирор нарсага маъно берар эканман, мен ўз яшашимнинг бир қисмидан ажраламан (вақтим, умрим кетади), бироқ қашшоқлашиб, кучсизлашиб қолмайман, аксинча, маънавий бойиб бораман. Янги билимларга эга бўламан, дунёни чуқурроқ англайман. Ана шунинг учун, юқорида айтилганидек, «тарих – меники, мен учун»

Кимки ўтмишни ардоқлар экан, тарихий хотира билан яшар экан, тарихнинг бетакрорлиги, унинг кадр-қимматини ва шу билан бирга ўз кадр-қимматини англаб етади, шакллантиради. Шахснинг ўзига хос фаолияти тарихнинг ички ривожланиш жараёнига айланади. Демак, тарихнинг универсал маъноси шахснинг ўз қадриятларини намоён қилиши, билими, ўтмишга бўлган муносабати орқали уйғунлашиб боради.

Шахс кадр-қиммати инсон фаолиятининг бунёдкорлиги, инсонга, тарихга бўлган муносабати, инсоний (одамий) хислатларининг рўёбга чиқиши асосида намоён бўлади. Бироқ инсон ҳеч қачон мақсадларнинг амалга ошиш воситаси бўлмаслиги керак, деб ёзади И.Кант. Инсон учун қоидалар, тартиб қоидалар, ахлокий принциплар умумий, бироқ инсон мақсадларини амалга ошириш қурбонига айланмаслиги керак. Бутунги кунда халқимизнинг абадийлигини, мустақиллигимизнинг орқага қайтмаслигини англаб яшаш тарихни ҳар бир шахс ҳаётининг мазмунига айлантириб бормоқда. **Абадийлик-бу инсонларнинг яхлитлигидир. Абадийлик учун яшаш-бу ўтмиш, бутунги кун ва келажак авлодлар билан яшаш демакдир.**

Абадийлик оламида яшаш ўз кадр-қимматини авайлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб (даврга, ўзгариб турадиган дунёга мослашиб яшашни ўз фикрлаш тарзи деб қабул қилмай), мустақил ҳаёт кечириб, дунёда ўз ўрнини топа билиш, одамларга ўхшаб ҳаёт кечиришдир.

### **4.3 СИЁСАТ ФАЛСАФАСИ.**

Сиёсий муносабатлар мураккаб ва кўп ўлчовлидир. Унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, тарихий тизимлилик, функционал-концептуал ва бошқа жиҳатлари бор. Сиёсатни бир бутун бирликда

қараш, дунёқараш сифатида баҳолаш, таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Уни фалсафий таҳлил қилиш амалий фалсафанинг таркибий қисмига киради. Сиёсат фалсафаси кўп тармоқли фан бўлганлигидан, унинг асосий элементлари, шаклланиш босқичлари бошқа ижтимоий– гуманитар фанлар билан мунособати, ҳозирча тўла аниқланмаган. Сиёсат фалсафасининг тадқиқот объекти ва предмети ҳақида ҳам мунозаралар давом этмоқда. Унинг асосчилари ҳақида ҳам турлича фикрлар мавжуд.

1987 йилда Лондонда чоп этилган «Сиёсий фалсафа тарихи» китобида сиёсий фалсафанинг асосчилари сифатида қадимда Фукидид ва Платон, Ксенофонт ва Аристотел, ўрта асрларда Августин ва Аль Форобий, Фома Аквинский ва Макиавелли, янги замонда Мартин Лютер ва Гуго Гроций, Р. Декарт ва Ж. Локк, А. Смит ва XIX асрда Гегель ва Ф. Ницше, XX асрда Гуссерель, Хайдеггер ва бошқалар кўрсатилади. *Бироқ, кўпчилик адабиётларда сиёсат фалсафасини сиёсат назарияси билан аралаштириб юборадилар.* Ваҳоланки, сиёсий фалсафа сиёсат дунёсининг тузилиш элементлари бўлиб, уни фалсафий категориялар орқали таҳлил қилишда, уларнинг тушунча – категориялари, тамойиллари тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

### 4.3.1. СИЁСАТ ФАЛСАФАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ҳозирги замон файласуфларининг таъкидлашича, сиёсат фалсафаси қадимги даврлардаёқ мустақил фан соҳаси сифатида шакллана борган, ва сиёсий фан сифатида майдонга келган. Америка ва инглиз сиёсатшунослик фанининг машҳур вакиллари Дж. Келтин ва Н. Берри Платон «Давлат» асарида сиёсий фалсафа тизимига биринчи бор асос солган» деб таъкидлайдилар. Замонавий сиёсат фалсафасининг йирик намёндаларидан бири Л. Страус Сократни сиёсий фалсафанинг асосчиси, Платон ҳамда Аристотел қарашлари сиёсий фалсафанинг бизгача етиб келган энг қадимги намуналари, деб ёзади.

Баъзи файласуфлар, хусусан А. И. Алёшин сиёсий фалсафа шаклланишини, қадимги давр фалсафасига тегишли эмас деб, унинг қарашларига эътироз билдиради.

*Биринчидан, сиёсат фалсафанинг ҳақиқий маънода тўлиқ шаклланиши учун, даставвал, сиёсий муносабатлар аниқ шаклланган бўлиши; Иккинчидан, сиёсатшунослик тушунчаларининг маъно ва мазмуни кенг ва чуқур шаклланган бўлиши; Учинчидан, давлат, ҳокимият, ҳуқуқ, эркинлик каби тушунчалар қарор топиши керак. Ана шундагина сиёсат фалсафасини ўрганиш*

*объекти такомиллашади, майдонга келади. Сиёсат бир бутун борлиқ сифатида намоён бўлади.*

Сиёсий дунё қадимги дунё файласуфларини қизиқтирган. Платон, Аристотел, Цицерон ва бошқалар «Сиёсат» «Давлат» «Қонун» «Республика» ва бошқа тушунчаларни таҳлил қилиб асарлар ёздилар.

*Платон ўзининг «Давлат» асарида сиёсий ҳаётнинг ўзгармас идеалини берган. Бу Платон томонидан грек сиёсий идеалини қабул қилиш, қайта ишлаш, холос,*

### **Р.Коллингвуд**

Шунингдек, Аристотел грекларнинг ахлоқини ёзиб қолдирган эмас, балки грек ахлоқини ифода этган, бу ахлоқ жамиятнинг олий табақасига хос эди. Т. Гоббс ўзининг «Левиафан» асарида абсолютизмнинг сиёсий ғоясини баён этган.

Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» асарида «халқнинг орзуларини давлат бошқариши керак»лиги ғоясида ифода этган.

Бирок, «Сиёсий тарих таълимоти» билан «Сиёсатшунослик», «Сиёсат фалсафаси», «Сиёсат социологияси» каби нисбатан мустақил фан йўналишларининг тушунчаларни аралаштириб юбориш чалкашликларга, ғализликларга олиб келади. Сиёсатшунослик фани энг ёш фанлардан, десак, хато қилмаймиз.

Мохият эътибори билан қадимги даврдан то XVIII асргача сиёсатшунослик фани ривожланишига мос тарзда сиёсат фалсафаси ҳам шаклланиб борди. Сиёсат, сиёсий фалсафа тўғрисидаги фикрларда авлоддан – авлодга ўтиш даврида туб ўзгаришлар юз берди. Шахс камолоти билан боғлиқ бўлган: ҳуқуқ, эркинлик, шахс ва жамият манфаатлари тушунчалари ва ғоялари пайдо бўлади. Шахс билан жамият манфаатининг мос келмаслиги, жамиятдаги зиддиятларни англаш, таҳлил қилиш, уни ҳал қилиш масалалари ҳар бир жамиятда ўзига хос тарзда кун тартибига кўйилди. Жамиятда зиддиятли кучларнинг биргаликда яшаши, меҳнат қилиши, жамият билан давлат ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш учун ижтимоий-сиёсий институтлар (давлат маҳкамалари), кадриятлар, фуқаролик жамияти тўғрисида ғоялар ривожланди. Янги замон мутафаккирлари шахс билан жамият ўртасидаги доимий антинония (бир – бирига зидлик)ни англаб етиб, унинг муаммоларини текшириш объекти қилиб олдилар. Жамиятдаги муаммолар давлат учун биринчи даражали эканлиги кўрсатиб берилди.

Жамиятнинг сиёсий дунёси, мустақил кичик социал соҳа сифатида, фуқаролик жамиятнинг шаклланишига замин ҳозирлади. Бу ғоя XVIII аср охири XIX асрнинг бошларида капиталистик тузимнинг шаклланиши, ундаги муҳим сифатлар: хусусий мулк, эркин бозор иқтисоди, вакиллик – парламент демократияси, иқтисодий, ҳу-



куқий давлат, социал ва сиёсий соҳаларнинг нисабатан мустақиллашуви, юз бера бошлади. Жамиятнинг сиёсий дунёси XVIII-XIX асрларда капитализм тузумининг вужудга келиши ва қарор топиши мобайнида мустақил кичик социал соҳа, дунёнинг кичик бир тизими сифатида фуқаролик жамиятнинг шаклланишига замин ҳозирлади ҳамда унга нисбатан ҳам мустақил фаолият кўрсата бошлади.

#### 4.3.2. МУСТАҚИЛ СИЁСАТ ФАЛСАФАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

XIX асрга келиб «гуманитар фанлар» тушунчаси пайдо бўлди ва кенг тарқала бошлади. Ижтимоий–гуманитар фанлар доирасида «Сиёсатшунослик» ва «Сиёсат фалсафаси» шаклланди. Бу давлатнинг келиб чиқиши, унинг вазифалари, ижтимоий шартнома назарияси, динга бўлган муносабати, халқ, миллат суверенитети, инсон ҳуқуқи ва эркинлиги, бошқариш шакллари каби муҳим тушунчаларга қизиқишнинг ортиб бориши билан белгиланади. Шунинг билан Фарбда XIX асрда теократик сиёсий таълимотнинг вужудга келиши, давлатнинг илоҳийлиги ҳақидаги таълимотнинг қайта тикланиши, қироллик ҳокимиятини тиклашга уринишлар давлат тўғрисидаги илмий назарияни ишлаб чиқишга эҳтиёж пайдо бўлди. Бу даврда давлатнинг ҳамма нарсадан устувлиги тўғрисида, жамият билан тенглаштирувчи таълимотлар ҳам пайдо бўлган эди.

XVIII аср охири XX аср бошларида муҳим сиёсий назария вужудга келди. Сиёсат дунёсига янгича қарашлар сиёсий назарияни қайта ишлаб чиқишда муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Бу сиёсатшуносликнинг мустақил илмий соҳа, алоҳида фан бўлиб шаклланишига олиб келди. Натижада, сиёсат соҳасини назарий ўрганадиган мутахассислар гуруҳи, институтлар пайдо бўлди. Сиёсий муносабатларининг қонуниятларини ўргандилар. Айниқса, сўнги даврда Гегель жуда катта аҳамиятга эга бўлган назарий-ғоявий масалаларни майдонга ташлади.

*Шуни таъкидлаш жоизки, сиёсат фалсафасининг илмий асосчиси сифатида тан олинган Гегель ҳеч жойда бу атамани ишлатмайди. У онасига бағишлаган асосий асарини «Хуқуқ фалсафаси»да сиёсий дунёнинг муҳим тушунчаларини таҳлил қилади. Биз нима учун Гегель «сиёсат фалсафаси» ўрнига «хуқуқ фалсафаси» атамасини ишлатган, деган саволга ёзилган китоблар, мақолаларга суяниб таъкидлашимиз мумкин. Гегелгача инглиз файласуфи Гоббс фанга «ахлоқ фалсафаси», «давлат фалсафаси» тушунчаларини киритган эди. У сиёсат-фалсафасини «қонунни бошқариш» тушунчаси билан айнан маънода ишлатган. Ҳозир бу тушунчанинг эквиваленти (тенглиги) сифатида «хуқуқий давлат» тушунчаси қабул қилинди.*

XVIII аср охирига келиб, «Хуқуқ фалсафаси» тушунчаси ишлатила бошланди. У тушунчадан Г. Гуго ўз асарларида кенг кўламда фойдаланди.

**Демак, ҳуқуқ, ҳуқуқий асос сиёсат фалсафасининг шаклланиши учун энг муҳим тушунчалар ҳисобланган.** Шунга кўра, Гегель сиёсий борлиқни, сиёсатни фалсафий таҳлил қилишда «ҳуқуқий» тушунчасини танлаган бўлса, ажаб эмас. Ҳуқуқ ва қонун бугунги кунда ҳуқуқий давлатнинг суверенитет, универсаллик, умумий, мавҳум, шахсиз характерга эга бўлишининг асоси бўлиб, бунга сиёсий фуқаролик дунёсининг ўзига хос, индивидуал, аниқ, норасмий томонларини қарши қўйиш мумкин. Гегель «Хуқуқ фалсафаси»да сиёсат дунёсининг шаклланиши ва қарор топиши, унинг вазибалари тўғрисида ўзининг тамойиллари ва қарашларини баён қилади. Асарда яхшилик ва ёмонлик, қонун ва ҳуқуқ, эркинлик ва адолат, ахлоқ, шахс ва оила, мулк, фуқаролик жамияти каби энг асосий муаммоларнинг давлатга бўлган нисбатини, ўзаро боғлиқлигини очиб берилади. *Демак, бу асар эркинлик ёки ҳуқуқ фалсафасигина бўлмай, «сиёсат фалсафаси» ёки сиёсатнинг фалсафий таҳлилдир.*

Айниқса, асарнинг «Ахлоқ» қисмида фалсафий масалаларига батафсил изох берган. Бунда Гегель оила, фуқаролик жамияти ва давлатнинг моҳиятини очиб беради. Уларни жамиятнинг энг асосий тушунчалари деб кўрсатилади. Гегель давлат тўғрисидаги ғояга, давлатнинг динга, ижтимоий фикрга муносабати, давлат институтлари ва ҳокимият моҳияти, давлатнинг тарихий типлари ва уни бошқариш масалаларига кенг ўрин ажратилган.

Гоббс, Локк, Гегеллар майдонга ташлаган муҳим муаммоларни XIX аср давомида ва XX аср биринчи ярмида Г. Спенсер, В. Парето, М. Вебер, А. Мишель, Л. Дюги, Б. Кроче, К. Шмидт ва бошқалар давом эттирдилар, сиёсат фалсафасининг муҳим ва асосий томонларини ҳал қилишга киришдилар. Улар сиёсий борлиқ ва унинг концепцияларини ишлаб чиқдилар. Билиш назарияси ва онг муаммолари сиёсий соҳани методологик жиҳатидан ўрганиш, ахлоқ ва ҳуқуқ нисбати, реал ва идеал эркинлик, тенглик, адолат каби сиёсий онтологиянинг назарий масалаларини ёритишга катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг хизмати шундаки, сиёсат олами алоҳида реаллик сифатида ўзига хос ривожланишига қонунларига эга эканлигини кўрсатдилар.

Асримизнинг 30-50 йилларида бу масалаларда янада самарали натижаларга эришилди. Сиёсий оламини ривожлантириш режалари майдонга ташланди. Булар сиёсий соҳани таҳлил қилишда дунёқараш ва методологик жиҳатлардан жуда катта аҳамиятига эга бўлди. Олимлар (файласуфлар)нинг кўплари тоталитар тизимга, фашизм

диктатурасига қарши кескин кураш олиб бордилар. Демократиянинг қарор топишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. 60 –70 - йилларда сиёсат фалсафаси янги босқичга кўтарилди. Бу муаммоларнинг майдонга ташланиши Страус, Э. Фогелин, Р. Назик, Г. Рормозер ва бошқаларнинг номи билан боғлиқ.

Юқоридаги фикрларни хулоса қилиб айтиш мумкинки, **сиёсат фалсафаси жамият тараққиётининг маълум даврида вужудга келган. ижтимоий–сиёсий фикрлар асосида шаклланган.** Фуқаролар жамиятининг ва сиёсий дунёнинг тизими сифатида қарор топиши сиёсат фалсафаси шаклланишининг шарт-шароити ҳисобланиб, ижтимоий–гуманитар фанлар, айниқса фалсафанинг узоқ давр ривожланиши жараёни натижасидир.

### **4.3.3. СИЁСАТ ФАЛСАФАСИНИНГ МОҲИЯТИ**

Сиёсат фалсафаси фалсафа ва сиёсатнинг кесишган жойини ўрганувчи фан соҳаси бўлиб, сиёсий муносабатларни дунёқараш нуқтаи назардан таҳлил қилади. У сиёсий онтология (борлик), аксиология (қадриятлар), эпистемология (билиш тўғрисидаги таълимот), методология, праксиология (амалиёт тўғрисидаги таълимот)ларни ўз ичига олади. Шунингдек, бу билиш соҳаси, сиёсий дунёнинг белгиланган номлари, қадриятлари, давлат ва ҳокимият тўғрисидаги сиёсий ғоялар тизимини инсон маънавий фаолияти, дунёқарашнинг шаклланиши жараёни сифатида ўрганади.

Сиёсат фалсафаси учун сиёсат дунёсининг, эркинлик, тенглик, адолат каби қатор тамойилари фалсафий фикр юритиш манбаидир. У сиёсий муносабатларнинг «қаерда?», «қачон?», «қандай?», «кимлар томонидан амалга оширилди?» каби саволларини фаолиятга ва сиёсий ҳаётнинг умумий йўналишига қаратади. Масалан, конкрет давлат ёки ҳокимият тузилиши эмас, давлатнинг табиати, умуман, ҳокимият; конкрет уруш эмас, умуман урушларнинг умумий табиати, уларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида фикр юритади.

Ҳар қандай сиёсат инсон ҳаётий фаолиятининг муҳим соҳаси сифатида, ўз фалсафий мазмунига эга. Бу маънода сиёсат фалсафаси–сиёсий фаолиятнинг таркибий қисмидир. Сиёсат дунёси объектив борлик сифатида мавжуд бўлиш билан бирга, ғоялар тарзида ҳам намоен бўлади, яъни сиёсат ғояси маънавий борлик сифатида тушунчалар, категорияларда ифодаланади. Бу маънода сиёсий борлик аниқ ва ноаниқ шаклларда ҳар қандай жамиятда бирга яшайди.

Сиёсат фалсафасининг вазифаси сиёсий дунёдаги фикрлар, ғояларни англаб етиш ва тушунчалар моҳиятини очиб беришдир. Сиёсат фалсафаси назарияларнинг тушунча – категория соҳасини (аппаратини), унинг тилини ишлаб чиқади. Сиёсат фалсафаси факт-

ларни оддий ва қуруқ тартибга солиш билан шуғулланмайди, балки унинг моҳиятини очиб беради. Сиёсат **фалсафаси сиёсий дунёдаги бутун билан бўлак, умум билан якка, назария билан амалиётнинг ўзаро нисбати, эркинлик, адолат, тенглик, озодлик масалаларини бир бутун ҳолда ўрганadi. Сиёсат фалсафаси доирасига ҳокимият моҳияти, ҳокимият муносабатлари, давлатга оид бўлган ғоялар ки-ради.**

Фалсафа сиёсий соҳадаги тушунчалар моҳиятни очиб бериш билан шуғулланар экан: *«Нега бошқариш керак?»*, *«Халқни бошқариш қимга, ва нима учун керак?»*, *«Бошқаришнинг моҳияти нима?»*, *«Одамлар ўз-ўзини қандай қилиб бошқарадилар?»* каби саволларга жавоб бериши керак. Шу вазифаларига қараб, сиёсат фалсафасини жамиятнинг сиёсий ташкилотлари фаолиятларини ташкил қилиш тамойиллари ҳақидаги фан дейиш мумкин.

Сиёсат фалсафаси умумий тенденция, тамойиллар, қонуниятлар билан шуғулланар экан: жамият, демократия, фуқаролик, ҳокимият, сиёсат тушунчаларининг умуминсоний томонларини изоҳлаш билан бирга ҳар бир умумий қондалар муайян шароитда, конкрет халқ, миллат ҳаётида ўзига хос шаклда намоён бўлишини ҳисобга олади

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий, фуқаролик жамияти барпо этилмоқда, ўзимизга хос, ўзимизга мос йўлни танлаб олдик. Бу йўл халқнинг, миллатнинг дунёқараши, тарихий давлатчи-лигимизнинг миллий тараққиёт йўли билан характерланади. Бу сиё-сий йўлнинг мазмуни миллат менталитетига хос фикрлаш усули, дунёга бўлган муносабати конкрет тарихий давр билан белгиланади. **Шунинг учун сиёсий ғояларни, уларнинг андозаларини ташқари-дан киритиш, уни у ёки бу миллат ҳаётига зўралаб сингдиришга уринишдир.**

Сиёсий ғояларнинг қадрияти ижтимоий–гуманитар фанларда ўз ифдасини топади. Унинг мазмуни шу фан вакиллари яшаган жамият хусусияти билан узвий боғлиқ. Чунки, ижтимоий фанлар тарихий характерга эга.

Ислом Каримов жамиятнинг сиёсий қарашларни: давлат тизи-ми, халқ анъаналари, бой давлатчилик тарихи, халқнинг орзу – умишлари, хуллас миллат менталитетини белгилайдиган, дунёқараши, дину–диёнати, миллий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда дунё ама-лий тажрибалари, илмий назарияларидан фойдаланган ҳолда, ўзбек халқини озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт сари бошла-моқда. Президентимизнинг сиёсат фалсафасига доир илмий концеп-циясини умумлаштириб айтсак:

*«Биз барпо этаётган давлат, энг аввало, умум жаҳон цивилизациясига, давлат қурилиш соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларига, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим.*

*Ватанимиз азалдан башарият тафаккур ҳазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавияти, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби фазилатлари шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий ривожланади ва, ўз навбатида, бу фалсафий-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди. Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда, буюк мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим».*

**И.Каримов**

### СИЁСАТ ФАЛСАФАСИ

Сиёсий назария ва фалсафа	Сиёсатнинг таҳлил йўналишлари
Сиёсий назария	Сиёсий муносабатларнинг конкрет намоён бўлишини муштарак-муҳассам ўрганади. (Бунинститутлар, субъектларнинг тузилиши ва вазифалари, уларнинг характери, сиёсий тизимдаги аҳамияти, ўзаро алоқалари, шакл ва типлари ҳақидаги билимлар тизимида)
Сиёсат фалсафаси	Сиёсий муносабатлар дунёсининг бир бутун тарзда умумий йўналишга ҳос универсал тамойилларини, моҳиятини, давлат, ҳокимиятнинг умумий ва миллий ғояларини ишлаб чиқади. Бу ғоялар сиёсий онтология (борлик), гносеология (билиш), аксиология (қадриятлар), методология категориялари орқали ифодаланади.
Сиёсий онтология (борлик)	Сиёсат дунёси инсон борлиғи, фаолияти соҳасининг ўзига ҳос томони бўлиб: ҳокимият, давлат тизимидаги ташкилотларга, принцип ва нормаларга бўлган муносабатни ифодалайди. Ҳокимият, давлат тизими у ёки бу гуруҳнинг, бутун жамиятдаги кишиларнинг манфаат ва эҳтиёжларини таъминлашга, ҳаётий фаолиятини амалга оширишга кафолат беради. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий борлик жамият, давлат ва ҳокимиятга тегишли барча ташкилот ва муносабатлар, мажмуасидир.

<p>Сиёсий би-лиш</p>	<p>Субъектнинг сиёсий муносабатлар намоён бўлиши ва моҳиятни ўрганиш жараёни бўлиб, бунда сиёсий борлик билишнинг объекти ҳисобланади. Сиёсий ҳис-туйғулар, фикр-мулоҳазалар сиёсий онг шаклланиб боради. Субъект сиёсий ҳаётни англаб етади. Тушуниш, муҳокама, мулоҳаза орқали демократия, ҳокимият, давлат тизими, ҳуқуқий, фуқаролик жамияти тўғрисида билимга эга бўлади. Сиёсий маданият. Сиёсий маданиятнинг иннавация имкониятлари ва бу сиёсат фалсафасининг асосий мақсадини, вазифасини ташкил қилади.</p>
<p>Сиёсий методология</p>	<p>Сиёсатни ўрганишнинг: аналитик ва синтетик; тизимли ўрганиш; чизикли ва чизиксиз тафаккур; ўз-ўзини бошқариш, статистик ва эҳтимоллик. Прагматик ва лингвистик методлари мавжуд. Методология технология ва бошқаришнинг хусусий ва умумий методларини ўз ичига олади.</p>
<p>Сиёсий аксиология (кадриятлар) сиёсий маданият иннавация маданияти</p>	<p>Сиёсат дунёсида жамият мақсад ва гоёларни амалга оширишда эзгулик, адолат, гўзаллик, ҳақиқатнинг намоён бўлишидир. Инсон энг олий кадрият эканлигини сиёсат даражасига кўтариш, аксиологиянинг мазмун-моҳиятини ифодалайди</p>

#### 4.4. ИҚТИСОДИЁТ ФАЛСАФАСИ

Иқтисодиёт фалсафаси ҳозирги замон донолик илмининг муҳим бир соҳаси бўлиб, амалий фалсафанинг таркибий қисми ҳисобланади.

Фалсафани назарий ва амалий соҳага ажратиш юнон файласуфи Аристотелдан бошланади. Форобий ва Ибн Синолар амалий ва назарий фалсафага жуда катта эътибор берганлар. Фалсафанинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги ўрнини кўрсатиб беради. Жаҳон фанида Форобий ҳақли равишда иқтисодиёт ва сиёсат фалсафасининг асосчиси деб тан олинади. Гегел ҳам фанни фалсафа, тарих, ҳуқуқ, санъат, ахлоқ, фалсафа тарихи, мантиққа бўлиб, ҳар бир соҳанинг фалсафий муаммоларини кўрсатган эди.

Ҳозирги даврда билимлар тизимининг турли соҳалари билан шуғулланувчи фалсафий йўналишлар мавжуд. Булар фан фалсафаси, тарих, социал, иқтисодиёт, сиёсат, техника, санъат, ҳуқуқ фалсафаси ва шу кабилардир. Бундай соҳалар фалсафанинг умумий гоёларининг реал ҳаёт билан алоқасини таъминлаб, унинг инсон амалий

фаолиятидаги аҳамиятини кўрсатиб беради. Фалсафа умумий тушунчалардан конкрет ҳаётий муаммоларни ҳал қилишга ўтади. Одамлар фаолиятини маълум мақсадларни амалга оширишга йўналтиради. Европа фан-техникасининг ривожланиши, шу асосида индустриал жамиятнинг вужудга келишида фалсафадаги рационал метод асосий роль ўйнаганини биламиз. Бугунги кунда информацион жамиятнинг вужудга келишида Аристотел майдонга ташлаган, мантиқан ал Хоразмий ишлаб чиққан, кейинроқ унинг ватандошлари Форобий ва Ибн Синолар томонидан ривожлантирилган алгоритмни техникага татбиқ қилиш (албатта ғарб мантиқшуносларининг муносиб ҳиссасини эътироф этган ҳолда) муҳим роль ўйнаганини ўйлаб кўрайлик. Бугунги кунда информацион жамият мавжуд экан, унинг иқтисодий, сиёсий, маънавий моделини кўрсатиб беришда фалсафий тафаккурнинг иштироки юксақдир. Биз бунда иқтисодиёт фалсафаси нима, у жамиятни таҳлил қилишда, ижтимоий ҳаётнинг ривожланишида қандай ўрин тутаети, каби саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Тўғри, бугунги кунда фан соҳаси шунчалик мураккаблашиб, дифференциялашиб кетдики, у билан шуғулланиб, чуқурроқ ўрганиш учун алоҳида одамнинг умри етмайди. Аксинча, инсон жуда катта имкониятларга эга бўлишига қарамай, умр бўйи ҳаракат қилса ҳам ҳаммасини реаллаштириб улгурмайди. Уни реаллаштирадиган муҳит ҳам бор, тўсиқ бўладиган, таҳдид соладиган омиллар ҳам бор. Бундай жараёнларни юртбоштимиз ўз асарларида атрофлича ёритган.

Бугунги кунда бутун борлиқнинг, дунёнинг манзараси асосида ҳамма фанларнинг умумий бир негизини топиб, уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш ва мувофиқлаштиришда, бир мақсадга йўналтиришда фалсафа асосий ўрин тутаети. Фалсафа инсоннинг дунёда тутган ўрни, унинг атрофдаги реалликка бўлган муносабати билан шуғулланар экан, иқтисодий реаллик инсоннинг дунёга бўлган муносабатининг муҳим бир томони, бевосита инсоният наслининг табиатга бўлган муносабатини мақсадга мувофиқ, онгли муносабати асосида табиат билан инсон ўртасида модда алмашув ва инсон билан инсон ўртасидаги моддий муносабатлар асосини ташкил этади. Демак, иқтисодиётни файласуф нигоҳидан ўтказиш инсоннинг табиат билан муносабатда бўлишининг қандай мақбул методологияси бор, инсон унга муносабатда бўлишда, ахлоқий, эстетик, диний, фалсафий қарашларини намоён қилиш асосида борадими ёки фақат табиатни ўзига бўйсиндириш асосида борадими? Инсон иқтисодий муносабатлари жараёнида табиатни сунъийлаштириб боради. Уни ўз эҳтиёжига мослаштиради. Бирок, биз яратган сунъий табиат табиат-

га қарама-қарши, унинг табиёлигини ўзгартирадимиз ёки у билан мувоzanатда бўладими, деган саволга жавоб беради.

Демак, иқтисодиётни инсонийлаштириш фалсафий муаммодир. Биз иқтисодиётда ишлаб чиқариш, истеъмол ва алмашув жараёнида инсоний ҳислатларни намоен қилиб яшаймизми ёки фақат биологик эҳтиёжларни қондириш учун яшаймизми? Инсон ва унинг дунёда тутган ўрни туғрисида гоҳ инсонни, гоҳ космос, табиатни биринчи ўринга қўяди, натижада гоҳ гуманитар билимлар, гоҳ табиий-илмий изланишлар устунилик қилади. Бугунги кунда илм-фанни ҳам, иқтисодий муаммоларни ҳам ҳаммасини инсон моҳияти нуқтаи назаридан изоҳлашни ўрганиш керак бўлади. Акс ҳолда иқтисодиёт инсоннинг маънавий ҳаётини, ишонч-эътиқодини, миллий ғурурини, ватан туйғусини тарбияламайди. Аксинча, юксалиб кетишнинг сабаби руҳиятдаги эзгулик, миллий ғурур, ифтихор, маънавий кўтаринкилик эканлигини кўрсатади.

Олмониянинг юксакликка кўтарилиш сабаби немис руҳиятига мос иқтисодиётни ташкил қилиш эмасми? Немис руҳияти, ахлоқи ва минталететини ифодаловчи "немис идеологияси" пайдо бўлди. Кант, Гегель, Фейербах, Фихталар немис тафаккурини юксак чўққига кўтарди. Немис халқининг кучли бўлиши учун, унинг эътиқодида янгиланиш юз беришини кўрсатди.

Нишче, Гуссарль дунёдаги бухрондан қутилиш учун янгича тафаккур тарзини яратиш керак деди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг одамларни жаҳолат ботқоғидан чиқариб келажакка ишонч-эътиқод руҳида тарбиялашда бизнинг ватанимизда мавжуд бўлган ажлопларимиз яратган фалсафа жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Германияда Франкфурт мактаби, Вена тўғараги, Англия аналитик фалсафаси, Америка Қўшма Штатларида бизнес ва прагматик фалсафа Овропа фани ва иқтисодни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмадимиз? Инсон фаолияти нимага қаратилиши керак, дунёнинг яхлит манзараси ҳақидаги фалсафий фикрларни майдонга ташлади.

Бугунги кунда "яқин келажакдаги фаолиятимизнинг бош мақсад ва мазмунини белгилаб олишимиз зарур" деб кўрсатади юртбошимиз. Биз иқтисодиётнинг барча соҳаларини ва тармоқларини эркинлаштирар эканмиз, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақил фаолиятида бўлиши учун тўла ва ҳар томонлама имконият яратамиз, ўтмиш ва келажак авлод билан ишлаб чиқаришда иштирок этадиган ва этмайдиган одамлар билан маълум муносабатда бўлишни тақозо қилади. Бундай фаолиятни амалга ошириш, яъни эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш одамларнинг маълум дунёқараш тизимига эга бўлиши, шахснинг онгли муносабатида бўлиши, маълум иқтисодий билимга эга бўлишгина эмас, балки инсон маънавий жиҳатдан пок, иймони бутун, иродаси бақувват, инсон



қалби тоза бўлиши керак. Буларнинг ҳаммаси дунёга тўғри ва виждонан муносабатда бўлиш демакдир.

Одамларга бундай муносабат миллий онгимиз, менталетитимиздан келиб чиқади. Ҳозирги замон фалсафасида жамият ривожланишининг янгича қарашлар тизими мавжуд. Демак, ҳар бир юмушчи, тижоратчи ёки корхона эгаси ана шундай қарашлар тизимидан келиб чиққан ҳолда иш юритиши жамиятни ривожлантиришга олиб келади.

Маркс ўзининг "Капитали"да иқтисодий назарияни майдонга ташлар экан ижтимоий қонунларнинг объектив эканлигини бош масала деб қаради. Шу асосида жамиятнинг ривожланишида иқтисодий муносабатлар асосий ролни ўйнайди, деб жамият ривожланишининг негизида иқтисод ётишини кўрсатди. Кишиларнинг маънавий ҳаётининг ўзгариши ана шу иқтисодий муносабатларга боғлиқ қилиб қўйди. Инсонни "иқтисодий одам" билан тенглаштирди.

Гегель эса, бугун борлиқни объектив, муғлок гоё билан тенглаштирди. Ҳар иккаласи ҳам ижтимоий қонунлар инсон онгидан ташқарида, унга боғлиқ бўлмагани ҳолда мавжуд, деб айтдилар. Бу қонунларни алоҳида одам йўқ қила олмайди, бекор қила олмайди, деб кўрсатдилар. Ҳар бир шахс умумий маданият, қонунга бўйсунди, деб айтдилар.

Одамларнинг ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қилиши, ўз фойдасини кўзлаб фаолиятда бўлиши одамларни бирлаштирмайди, балки бир биридан ажратади. Ҳеч ким зарарга ишлашни ҳохламайди. Бу одамларнинг кундалик турмуши учун қулай фалсафадир. Бироқ, иқтисодий борлиқ инсон борлигининг бир қисми экан, реал ҳаёт мураккаб экан, реал ҳаётда инсон турли сабабларга кўра фаолиятда бўлади. Инсон эркин, мустақил, баркамол бўлиши учун дунёни, ўзини ҳис қила билиши, идрок қилиши, тушуниши, унинг қонунларини ўрганиши, ўзини шу дунёнинг бир қисми эканлигини ва унда тутган ўрнини англаб етиши керак. Мана шунда ҳалол меҳнат қилади, маънавий жиҳатдан пок бўлади. Шунда инсон озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга ўз ҳиссасини қўшади, бунга ўзини масъул деб билади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шахс эркинлиги билан боғлиқ. Эркинлаштириш жараёни иқтисодиётни бозор иқтисодий қонунлари асосида ривожланишни таъминлаш билан бирга, шахсни камол топтириш жараёнига айланади, унинг миллий характерини шакллантиради. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш жараёни миллий гоё тамойилларининг уйғунлашуви ва ҳар бир соҳа ва ҳар бир одамнинг ҳаёт дастурига айланиб бориши билан характерланади. Иқтисодиётнинг эркинлашув жараёни инсон характерининг намоён бўлиши, инсонийликнинг рўёбга чиқиши асосида

борганида ҳар қандай ислоҳотларга тўсиқ бўладиган иллатлар, таракқиётимизга таҳдид соладиган таъсирлар олиб ташланади демакдир.

Олмонияликлар характерида аниқлик, ишни охирига етказиш, ҳар бир ишни ўз вақтида тугатиш, немис ғоясини ўз фаолиятига сингдириб юбориш; Америка халқини муваффақият, бойлигини кўпайтириш ғояси онг-онгига сингиб кетган, муваффақиятсизлик уят ҳисси билан боғлиқ эканлиги жамият ривожланишига таъсир этмайдими?

Ҳозирги замон фалсафасида инсон фаолиятининг турли йўналиши ҳақида фикр юритилади. Уларнинг фаолияти асосан иккига бўлинади. Биринчиси, маҳсулдорсиз фаолият, иккинчиси маҳсулдорлик (бунёдкорлик) фаолият. Демак, инсон фаолияти ҳаммаси ҳам моддий, маънавий неъматлар яратавермас экан.

Маҳсулдорсиз одамлар олувчи одам ҳеч қандай моддий ва маънавий маҳсулот яратмайди, аммо турли йўллар билан бировлардан олади. Бирок, бундай одам ўз кадр қийматини сарфлаб, бировларга тақдим қилиб, қарам бўлиб яшайди. Ўзини қийнаб, азоблаб, бошқаларга қарам бўлиб яшаш улар учун шарафли. Уларни пассив характердаги одам деб аташ ҳам мумкин. Бундай одамлар мазаҳист - турида бўлади. Ўзини қурбон қилишдан ҳам, азобланишдан ҳам завқланади, бўйсунини содиқлик, гурусизликни камтарлик, ўзининг мустақил фикри йўқлигини масъулиятлилик деб билади.

Тортиб оловчи одам ҳам ҳеч қандай маҳсулот яратмайди. Бошқаларни бўйсундиради. Социал жиҳатдан бировларни азоблашдан мамнуният ҳис қиладиган одам. Бундан ташқари, йиғиб-териб яшовчи одам, эҳтиёткор, амалиётли, тежамкор, ўзини тута биладиган одам ҳам бор. Зикна, баҳил одамлар ҳам шу типга киради. Бундай одам конструктив эмас, балки деструктив одам турига киради.

Бозор характерли одам, «бозор одами». Бу алмашиб, олди-сотди билан кун кўради. Бутун қобилияти, иқтидори олди-соттига қаратилган. Инсоний муносабатларни олди-сотти муносабати билан ўлчайдиган одам. Бундай одам бефарқ бўлади. Ҳаётнинг мазмуни пул, мол-мулкда, иқтисодий муваффақиятда деб билади, ҳамма нарсани пул билан ўлчайди. Биз бозор одамининг маҳсулдор (бунёдкор) одам бўлишини хоҳлаймиз.

Сермаҳсул одам. Бу моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқарувчи, ақлли, ҳаётни севувчи, мақсадни амалга оширувчи одам. Бундай одам маҳсулот яратади, экин экиб, боғ-роғлар яратади, ижод қилади, билимини, ақл-идроқини, ҳис-туйғусини намоён қилади. Ўз кучи, ақлига ишонади, муваффақиятни ташқаридан эмас, балки ўзидан кидиради. Бировдан олиб яшамайди, тортиб олмайди, бошқалар ҳисобига боймайди. Балки, ўз одамгарчилигини, инсоний фазилат-

ларини руёбга чиқариб яшайди. Мана шунинг учун бундай одамлар интилиб, изланиб, ташаббускор бўлиб яшайди. Натижада, ўзлигини билиб, бошқаларни севиб, яхшилик қилиб яшайди. Қийинчиликлардан қутгилиб кетишнинг конструктив йўлларини топа билади. Демак, бунёдкор шахс ижодкор, ташаббускор шахсдир. Шахснинг бундай ҳислатлари руҳий таҳлил фалсафасида батафсил ишланган. Бунёдкор шахс ўз кучи, меҳнати, одамийлигини намоён қилиб яшар экан, унинг фаолияти яхшилик, севиш эзгулик, саодатга қараб боради. Дунёни, табиатни бўзмасдан ардоқлаб яшайди. Инсонларга ўз меҳрини, қалбини ҳадя қилиб яшайди. Бундай одамлар инсоний куч-қудратларини ҳосил қилишга қодирдир. Савол туғилади: инсонда шундай куч қаердан келади? Аввало, азалдан берилган, унинг табиатидан шундай яратилган бўлади. Қолаверса тарбия, муҳитдан олади, илм олади, билимга эга бўлади. Тафаккури ривожланади. Унинг билимдон бўлиши комилликка етаклайди. Эркин, мустақил фикрловчи комил инсон эса, куч-қудратли бўлади. Инсонга яхшилик қилиш, уни сева билиш учун у камолотга эришиши керак. Камолотга эришиши учун чин севгига эга бўлиши керак. Ана шунда ўз кучини намоён қилиш имкониятига эга бўлади. Кучни намоён қилиш орқали одам лаззатланади, сева билади, эзгуликни амалга оширади. Хуллас инсонийлик намоён бўлади. Демак, биз иқтисодиётни эркинлаштирар эканмиз бу жараён уни инсонийлаштириш демакдир.

Мана шунинг учун инсонийлаштириш ғайриинсоний ҳислатларга қарши кураш асосида боради. Таъмағирлик, омонатга ҳиднат, ноҳақлик, ҳасадгўйлик, умидсизлик, тажавузкорлик, бепарқлик, пасивлик, адолатсизлик, ёлғон, иғво, нотўғри ахборот каби иллатлар жамиятимиз демократиясининг ривожланиши, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлига тўсқинлик қилади. Бундай фикрлаш тарзи мустабид (тоталитар) даврнинг қашшоқ фалсафаси оқибатида вужудга келган фикрлаш тарзи, хусусий мулкчилик, мулкка эгалик қилиш туйғусини менсимаслик, миллий тафаккурни паства уриш натижаси эмасми?

**Порахўрлик** тажавузкор, бузуқлик, вайронагарчиликка, адолатсизликка олиб борадиган йўл эканлигини, иймонга, миллий гурурга раҳна соладиган, миллат номига доғ туширадиган фаолият эканлигини англаб етиш вақти келди. Демократия, ҳуқуқий давлат қонунлари одамларни ана шулардан ҳимоя қилиши кераклигини Юртбошимиз такрор-такрор айтмоқда.

Биз юқорида Маркс "Капитал" асарида хусусий мулкка қарши пролетариат мафқурасини яратар экан, ижтимоий мулкнинг вужудга келишининг асосларини кўрсатиб берди, деб айтдик. "Сиёсий иқтисод танқидига доир" асарида капитализмдан социализмга ўтиш рево-

люция (инкилоб) асосида бўлишини кўрсатиб берди. Бунинг фалсафий асоси диалектик материализм эди. Чунки, диалектик материализм пролетариат синфи мафкурасининг фалсафий асосидир. Мана шу асосда иқтисодиётда маъмурий буйруқбозлик усули пайдо бўлди. Социализм иқтисодиётининг ҳалокати сабаби ҳам ана шунда. Чунки, иқтисодиёт эркинлашмади, ҳаммани "тенглаштириш" сиёсати, "эҳтиёжга яраша" принципига қараб кетди. Иқтисодиётда боқимандалик психологияси вужудга келди.

Бугунги кунда диалектик материализм бозор иқтисодиётига ўтишнинг фалсафий асоси бўла олмайди. Биз мустақил демократик, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат барпо этар эканмиз бизнинг мустақил диёримиз, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз экан қайси фалсафага асосланиши керак?

Бу саволга Президентимиз куйидагича жавоб беради: "Биз барпо этадиган давлат, энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат курилиш соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим. Ватанимиз азалдан башарият тафаккури хазинасига унутилмас ҳисса кўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавияти, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби фазилатлари шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан ўзвий равишда ривожланди ва ўз навбатида бу фалсафий ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди. Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда, буюк мутафаккир аجدодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим" (И.Каримов "Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари" Т 1995, 9-бет).

Мухтарам Президентимиз бозор иқтисодига ўтишнинг беш тамойилини майдонга ташлади. Бу тамойиллар бозор иқтисодиётига ўтишнинг, иқтисодиётнинг фалсафий асоси десак ҳато қилмаган бўламиз. Чунки, "Иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги"принципи иқтисоднинг ҳамма нарсадан ҳам устун ёки моддийлик бирламчи, маънавийлик иккиламчи, деб қаралган диалектик материализм фалсафасидан тамоман фарқ қилади. Бунда гап иқтисодиётнинг мустақиллиги, эркинлиги, ўз қонуниятлари билан иш кўриши ҳақида боради. Ҳар бир соҳанинг мустақил вазифаси, тамойили, ўз ўрнида бўлиши ҳақида боради. Иқтисодиётнинг маъмурий буйруқбозлик асосида бошқарилмаслиги тўғрисидаги фикрدير. Бу тамойил Юртбошимиз асарларида босқичма-босқич такомиллашиб бормоқда.

Иқтисодиёт фалсафаси тўғрисида гап борар экан, унинг методологияси тўғрисида ҳам баҳс юритиш даркор. Бунда бозор муносабатларига босқичма-босқич эволюцион йўл билан ўтиш иқтисодиёт-

нинг умум фалсафий методи ҳисобланади. Иқтисодий эркинлаштириш ҳам эволюцион йўл билан боради.

**Биринчидан**, иқтисодий эркинлаштиришнинг босқичма-босқич шаклланиши тажавузкорликни истисно қилади. Бу инсон моҳиятини, кадрятларини намоён қилиш асосида боради. Демак, маънавиятимизнинг рўёбга чиқиши асосида иқтисодий инсонлашган жараёнга айлантирилади.

**Иккинчидан**, иқтисодий эркинлаштириш иқтисоднинг ўз қонунилари асосида тараққий қилишни таъминлайди. Демак, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини ташкил қилиш (синергетик метод) асосида боради.

**Учинчидан**, иқтисодий эркинлаштиришни бошқаришнинг янги усулини тақозо қилади, ишлаб чиқариш, алмашув ва истеъмол жараёнларининг уйғунлигини таъминлайди, ташаббускорларга кенг йўл очиб беради, мулкка эғалик ҳиссини шакллантиради.

**Тўртинчидан**, иқтисодий эркинлаштиришни ривожлантиришдаги тўсиқларни олиб ташлашни тақозо қилади, ривожланишнинг узлуksизлигига йўл очади.

**Бешинчидан**, иқтисодий эркинлаштириш ижтимоий ҳаётдаги вазиятни ҳисобга олишни табиат ва ижтимоий фанлар ютуғидан эркин фойдаланиб, уни татбиқ эта билиш, янги технологияни жорий қилишга кенг йўл очиб беради.

**Олтинчидан**, эркинлаштириш иқтисодийнинг очиқ тизим сифатида фаолиятда бўлишини тақозо қилади. Натижда турли соҳалар ўртасида, чет эл инвестициясини жалб қилиш, улар ўртасидаги номувофикликни бартараф қилишга имкон яратади.

**Еттинчидан**, иқтисодий эркинлаштириш хўжалик субъектларини қонун доирасида мустақил, ҳеч кимга тобе бўлмай демократик асосда иш юритишни тақозо қилади. Турли манфаатлар ўртасидаги зиддиятни бартараф қилиш, улар ўртасидаги ўзвий боғлиқлик, ўзаро ҳамкорлик асосида иш тутишни таъминлайди.

**Саккизинчидан**, шахс нафақат қонунни ҳурмат қилиши, унга амал қилиши асосида иш кўради, балки виждони, эътиқоди олдида ҳам масъулиятли бўлади. Одамгарчиликни намоён қилиб яшаш ҳаётнинг мазмунига айланади. Демак, иқтисодий эркинлаштириш-шахснинг эркин, мустақил бўлиб яшаш, қомилликка интилиш жараёнига айланади. Эркинлаштириш иқтисодий ахлоқийлаштирилади, ҳаётни, ватанни, одамларни севувчи, махсулдор одамни шакллантирувчи жараёнга айлантиради. Иқтисодий муносабатлар инсоний муносабатларга айланади. Биз фан фалсафаси доирасида фикр юритар эканмиз, иқтисодийнинг ривожланиши фан-техника билан боғлиқлиги масаласига алоҳида эътибор беришимиз керак.

Дунёнинг табиий-илмий манзараси бор. У дунё тўғрисидаги тасаввуримизни ўзгартириб туради. Масалан, XVIII асрда механика қонунлари асосида дунёнинг механик манзараси ҳақида тасаввурлар ҳосил бўлди. Механика қонунлари мутлақ қонунлар деб ҳисобланди. Уларнинг техникага татбиқ этилиши саноат инқилобини юзага келтиради. XIX аср охири - XX аср бошларида дунёнинг янги манзараси (нисбийлик назарияси, радиоактивлик ва бошқалар асосида). XX асрнинг 60-йилларида квант механикаси, янги космос назарияси, синергетика асосида дунёнинг янги манзараси, уларнинг натижаси ўлароқ янги тафаккур тарзи вужудга келди. Дунёнинг бир бугун назарияси доирасида иқтисодий реаллик манзараси тушунчаси пайдо бўлди. Бу иқтисодиёт назариясининг - реалликнинг илмий манзарасидир.

Мумтоз сиёсий иқтисод борлиқнинг иқтисодий манзарасини беради ва одамлар фаолиятининг муҳим томонини очиб беради. Бунда асосий эътиборни моддий бойликка, инсон кўли билан яратилган ёки маълум миллатнинг табиий бойлигига қаратилади. Бунинг асосчилари А.Смит, Д.Рикардо ва б. эди (XVIII аср). Мумтоз сиёсий иқтисод асосчилари моддий фаровонлик тўғрисидаги ғояни олға сурдилар. Номумтоз сиёсий иқтисод чегараланган иқтисодий ресурсларни тақсимлаш масалаларини майдонга ташлади. XIX асрда инсонлар бирлиги халқ оmmasига бир бугун хўжалик сифатда халқ оmmasига эса, тарихни ҳаракатга келтирувчи сифатини қаралди.

XIX аср охирида "Маргинализм инқилоби" яъни хўжалик масалаларни рационал ҳал қилиш усули вужудга келди. Шундай қилиб "бойлик дунёси", "хўжалик маданияти дунёси тушунчалари, улар асосида эса дунёнинг иқтисодий реал манзараси пайдо бўлди. Бугунги кунда "хўжалик юритувчи субъекти" тушунчаси иқтисодий реалликнинг манзарасини ташкил этади. Бугун долзарб масала иқтисодиётни эркинлаштириш шахс ўта масъулиятли бўлишни тақозо қилади.

Ҳозирги замон фалсафасида иқтисодиётнинг янги манзараси дунёқарашга таъсир этиб, меҳнатнинг мазмунини ўзгартирмоқда бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги ўнлаб, юзлаб марта ортиб бормоқда, техника социал ҳаётнинг барча соҳаларига кириб бормоқда, цивилизациянинг ҳамма томонларига, маданиятнинг турли соҳаларига таъсир этмоқда. Технологик янгилик жамиятнинг социал тузилишига кескин таъсир кўрсатмоқда. Натижада, янги цивилизацияга мос хўжалик тизими пайдо бўлмоқда. Бунда меҳнат кўлами, бошқариш, дам олишлар тамомилан бошқача тусга киради. Буларнинг ҳаммаси дунёқараш тизимини янгилашга олиб келади. Инсон билан техника ўртасидаги янгидан-янги муаммоларни дунёқараш доирасида ҳал қилмасдан илож йўқ.

Технологик жараёнларнинг тубдан ўзгариши, маълум муаммоларнинг ҳал қилиниши жамиятдаги социал масалалар ривожини кўзда тутди. Америка файласуфи, социолог Элвин Тоффлернинг фикрича, техник тараққиёт нуктаи назардан қараганда жамият уч босқичга бўлинади ва шу асосда цивилизацияларнинг маълум тури келиб чиқади. Биринчи тўлқин аграр цивилизация, иккинчиси индустриал цивилизация, учинчиси индустриал цивилизациядан устун ёки информатсион жамият деб аталади.

Ҳозирги замондаги иқтисодий назарияга кўра, жамиятнинг ўзгариши моддий неъматларнинг, иқтисодиётнинг ўзгаришидан бошланди, иқтисодий зиддиятлар революцияга олиб келади, иқтисодиёт бутун борлиқнинг калити деган қоида ҳам ўзгарди. Маркс ўзининг "Сиёсий иқтисод танқидига доир", "Иқтисодиёт - фалсафий" қўлёзмаларида ана шундай хулосага келади. Жамиятдаги иқтисодий, муносабатларнинг ривожланиши ва ўзгаришини ҳалок бўлишини диалектик метод асосида исботлайди. Революция, синфий кураш, моддий манфаат масалаларининг фалсафий асоси ҳам диалектик материализмдир, деб кўрсатилган.

Ҳозирги замонда иқтисодий категорияларни ҳал қилиш учун янги методологик асос вужудга келди. Тарихни, ижтимоий жараёнларни, ҳаракатга келтирувчи омил инқилоб эмас, балки эволюция ҳисобланади. Бу Президентимиз майдонга ташлаган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтадиган, узлуксиз, маърифатли тараққиёт йўлидир. Президентимиз халқимизни янги жамият-озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга чорлаш билан бирга яшириниб ётган иқтисодий талафотларнинг инсониятга хавф солаётган, терроризм, фундаментализм, экология каби муаммоларнинг олдини олиш учун курашга, шунингдек маънавиятсиз бозор муносабатларига қарши курашга ҳам чорлайди. Булар эски тоталитаризм, "мўрт, заиф, бирёклама ривожланган, пахта ҳокимлиги ва бой минерал-хом ашё ресурсларидан назоратсиз, аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган оғир мерос бўлиб қолганлигини айтиш лозим" (И.Каримов. Ўзбекистон XX1 асрга интиломқода, Т. "Ўзбекистон"1999. 4-бет).

Президентимиз «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» деганда унинг фикр-зикри ва ҳаёли утопиядан фарқ қилади. Унинг орзу-истаги чексиз идеаллаштириш эмас, балки келажак биз яшаган дунёдан яхшироқ, ҳаётийроқ, инсон яшаши учун қулайроқ бўлишини истайди ва шу орзуларини илмий исботлаб беради. Бироқ, юртбошимиз келажак жамиятда ҳам муаммолар бўлишини, айтади. Бунда адолатсизликларни у жамиятнинг касалликларга чалинишини кўзда тутди. Демак, гап касалликнинг олдини олишда, унга тўғри диагноз қўя билишдадир. Юртбошимиз адолатсизликни бир ҳамла билан йўқотиш қийинлигини Олий Маж-

лиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида жуда тўғри баён қилди.

**Жамиятимиз улкан социал ўзгаришлар арафасида турибди. Бу ҳақ гап. У маданият, маънавият, маърифат, техникани, иқтисодиётнинг янгиланиши арафасида туриби.**

#### 4.5 ТИЛ ФАЛСАФАСИ

Тил қадимдан файласуфлар диққатини ўзига тортиб келади. Қадимги давр фалсафасида, хусусан Платон, Сократ, Аристотел асарларида тил тўғрисида махсус қарашлар мавжуд. Аристотел ўзининг мантиқ тўғрисидаги таълимотини яратганда жонли тилга асосланган. Унинг қонунларини очиб берган.

XVIII асрларга келиб тилнинг фалсафий таҳлили масаласига қизиқиш кескин ошиб кетди. Немис табиатшунос олими В. Гумбольдт (1767-1835) *тил ўзига хос реаллик бўлиб, ўзини ўзи ривожлантиради, ўзини ўзи ишлаб чиқаради*, дейди.

В. Гумбольдт муайян халқ тили фалсафага ўз тасирини ўтказибгина қолмай, балки халқнинг характерини белгилайди, деб хулоса чиқарди Гегель ҳам тилнинг инсон онги ва тафаккурини шакллантиришдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаган. XIX асрда тил тўғрисида илгари сурилган фалсафий фикрлар XX асрдаги фалсафий қарашларга назарий манба бўлиб хизмат қилди.

Классик (мумтоз) фалсафада тил жамиятда жуда катта аҳамиятга эгалиги ҳақида фикр юритилади, чунки тил инсонга берилган нодир туҳфадир. Тил тафаккур билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг мавжудлигини намоён қилади. Маълум даражада предметдан узоқлашади, ўзига хос сифат хоссаларини кўрсатади. Инсон тил орқалигина мавҳум тушунчаларни ҳосил қилади. Тил шахснинг социал индивид сифатида яшаш шarti бўлиб, бошқа одамлар билан биргаликда ҳаёт кечиришини таъминлайди. Социал қоидалар, тартиб-интизом, ахлоқ қоидалари, инсонлар меҳнати билан яратилган моддий ва маънавий маданият, кадриятлар тил орқали авлоддан авлодга ўтади.

Шунинг билан бирга тил қатор социал вазифаларни ҳам бажаради. Энг муҳими, коммуникатив (алоқа) вазифани бажаради. «Инсон», «тил», «жамият» бир тартибда, бир қаторда турадиган тушунчалардир. Буларнинг бирисиз иккинчиси мавжуд бўлмайди. Хулоса қилиб айтганда, мумтоз фалсафада тилнинг аҳамиятига катта эътибор берилган.

Баъзида сўзнинг ноўрин ишлатилишининг салбий оқибати ҳақида ҳам мулоҳаза юритганлар. Масалан, XVII аср инглиз файласуфи Ф. Бэкон фикрича, билиш йўлида тўсиқ-ғов бўладиган омиллар-



дан бири «бозор тўсиғи»дир. Бу кишилар ўртасидаги сўзлар восита-сида олиб борилган фикр алмашув натижасида вужудга келади. Одамлар сўзни эҳтиётсизлик билан қўллаши оқибатида хато фикрлар келиб чиқади. Бу бозордаги одамларнинг ҳовлиқиши, ошириб юбориш натижасидир.

*Фанда ҳам сўзни ўз ўрнида ишлатмаслик хато фикрларга олиб келади. Бироқ бундай тўсиқлар бари бир ҳал қилинади.*

**Ф.Бэкон.**

Ҳозирги замон фалсафасида тилни мукаммал ўрганишга киришилди. Унинг реал ҳаётдаги ўрни чуқурроқ ўрганила бошланди. Файласуфлар тилнинг салбий ва ижобий томонларини ҳам таҳлил қилмоқдалар. Инсонлар сўзни нотўғри ишлатишдан жабрланиб қолишларинигина таҳлил қилиб қолмадилар. Энг асосийси ўша нохушлик тилнинг ўзида, ўзининг тузилишда эканлигини кўрсатдилар. Шу жиҳатдан қараганда, замонавий фалсафа тил тўғрисида янги муаммоларни майдонга ташлаб, уни ҳал қилиш йўлини топишга ҳаракат қилмоқда.

XX аср фалсафаси тил реалликни ифода этибгина қолмай, маълум маънода реалликни яратади, деган хулосага келди. Ҳозирги замон тил фалсафасига кўра сўзни ишлатиш билан предметларни яратиш ёки ҳаётдан чиқариб юбориш мумкин. **Замонавий фалсафанинг тезисларидан бири:** «Айтмоқ - маълум маънода яратиш, тузиш» демақдир. Бироқ бу тезис тўғри талқин қилишни талаб қилади. Ўзбекларда «Холва деган билан оғиз чўчимайди», деган нақл бор. Бу сўзнинг ўзи нарса эмас. Оғиз ширин бўлиши учун ҳолвани оғизга солиш керак, дегани. Бироқ тилда «ҳолва» деган сўз бўлмаса, унинг тўғрисида тасаввур ҳам бўлмайди.

Жамият бозор иқтисодиётига ўтар экан, унинг маъноси ва мазмуни ҳақида фикр юритади. «Бозор» сўзи тўғрисида индамасдан, унинг ижобий ва салбий томонини кўзда тутаяди. Биргина бозор сўзи инсонлар ўртасидаги муносабатлар олди-сотди муносабатига айлангани каби салбий ҳолатларнинг бозор одамлари эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги талаб ва таклифни бошқариб турувчи қонунларнинг амал қилинишини, шунингдек, хусусий мулкка эгалик, ўз касбига содиқлик масъулиятлилиқ ҳиссининг шаклланишини назарда тутаяди. Шундай қилиб, тилга нисбатан реаллик ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Бундай мураккаб жараёнларни ҳозирги замон фалсафаси таҳлил қилади.

**Биринчидан,** биз грамматик жиҳатдан таҳлил қилаётган сўзлар реалликка қай даражада мос келади. Мавжуд сўзларнинг тўғрилигига қандай кафолат берилади?

Мавжуд объектни ифодаловчи сўзлар уни қай даражада акс эттиради?

Бу масалада фалсафада мавжушлик муаммоси тўғрисидаги тушунча қабул қилинган.

Тилда ифодаланган объект мавжудми?

Тилда ифодаланган сўз ҳукм, тушунча грамматик ва мантикий жиҳатдан маълум қоидаларга мос келади. Бу мос келиш объектни қай даражада тўғри ифодалашини аниқлаш керак. Масалан, «айланма квадрат» мантиққа тўғри келмайди, мантиққа зид. Бирок, «айланма», «квадрат» тушунчалари алоҳида-алоҳида мавжуд. «Айланма квадрат» эса ҳаётда йўқ, ҳаётга мос келмайди. Унинг нусхасини тополмаймиз. Лекин шундай тузилишга эга бўлган гаплар ҳам мавжудки, у грамматик ва мантикий жиҳатдан тўғри тузилган, бирок унинг мавжудлигини тасдиқлаб ёки инкор қилиб бўлмайди. *Шунинг учун мавжудлик муаммоси XX асрдаги баъзи фалсафий оқимларнинг асосий масаласига айланиб қолди.*

**Иккинчидан**, тил луғат тизимининг кўп ва озлиги унинг бой ва камбағаллигини билдиради. Булар тилнинг тузилишига, турли маъносига ва мазмунига таъсир этади. Луғат тил мазмунининг нозик томонларини ҳар томонлама ифодалайди, уни чуқурроқ акс эттиради, тафаккурнинг ривожланишини таъминлайди. Камбағал тилда тафаккур ҳам кам ривожланган бўлади. Бирок унинг акси ҳам бўлиши мумкин экан. Тилнинг луғат бойлиги кўп бўлсада, унинг мазмуни фикрни ҳақиқий ва чуқур ифодаламаслиги ҳам мумкин. Қарама-қарши фактлар ҳозирги замон маънавий вазиятида тил луғат фондининг бойлиги тафаккурнинг ривожланиши даражасига мос келмаслиги ҳам мумкин.

Тил ўзлаштирилади, бирок у тафаккурнинг ривожланишига деярли таъсир этмаслиги мумкин. Бугунги кунда зиёлилар ишлатадиган сўзларни тўла ўзлаштириб олган, шу тилда гаплашадиган одамларнинг ҳаммасини ҳам ақлли деб бўлмайди. Унинг остида ўта маънавий қашшоқлик, чуқур маънога эга бўлмаслик яшириниб ётади. Инсон тақлидчи ёки куруқ ёдловчи тўтиқуш эмас. Тушунмаган сўзларни беихтиёр айтавермайди. Шунингдек, инсон ҳаёт учун керакли сўзларнинг ҳаммасини ҳам ишлатавермайди. Инсон ўзининг «ҳаётий дунёси» доирасидаги сўзларни кўпроқ ишлатади. *Инсон «ҳаётий дунёси» тушунчаси немис файласуфи Э. Гуссерль (1859 - 1938) томонидан киритилган. (Ўзбек тилида «кундалик ҳаёти» деб аташ мумкин).* Бу шундай сўзлар кўламики, субъект уни «ўзиники» деб билади. Бунда одам ўзини эркин ҳис қилади, тортинмай уларни ишлатади, ҳамма нарса унга тушунарли ва яқин бўлади.

Инсон «ҳаётий дунёсидан» ташқари жуда кўп нарсалар бор. Уни инсон билиши, ўрганиши, аммо кундалик турмушида ишлат-

маслиги ҳам мумкин. Тилнинг умумий ҳажми ҳар бир субъект учун (алоҳида шахс, бир гуруҳ одамлар, халқ, миллат учун) икки қисмга бўлинади. Бир қисми жонли ҳаётга тегишли. Бошқа қисми ундан ташқарида қолади. Инсон биринчисини ўзиники сифатида ҳис қилади. Иккинчисига эса, гарчи уни моҳирона даражада билса ҳам, ўзиники деб қарашни қийин. Масалан, биз кундалик ҳаётда математикадан ёки чизмачиликдан олган барча билимларимизни татбиқ этмаймиз. Уларни илмий ишда, лойиҳалаш институтларида ишлатамиз.

Ҳозирги даврда тилнинг ана шу кундалик ҳаётдан ташқаридаги қисми борган сари ортиб бормоқда. Инсон келаётган турли ахборот оқимини ўзлаштиришга, уни ўзиники қилиб олишга улгурмаяпти, қийналмоқда. Шунинг билан информация қулай қилган тилни ҳам ўзлаштириб улгурмаяпти. Бундан шундай ҳулоса келиб чиқади: тил кўлами тафаккур кўлаמידан бир неча бор кенг; таффакур жараён сифатида субъектнинг ўзиники, унинг бевосита жонли бойлиғидир.<sup>f</sup>

Учинчидан, ҳозирги замон фалсафаси тилни таҳлил қилишда тузилиш жиҳатини ҳам қараб чиқади. Бугунги кунда тилшуносликда «структурали лингвистика» соҳаси пайдо бўлди. Бу соҳанинг асосчиси Ф. Де Соссюр (1857 - 1913) ҳисобланади. У «Лингвистиканинг умумий курси» китобида бу соҳанинг асосий назарий масалаларини баён этган. Структурали (тузилишли) лингвистиканинг пайдо бўлиши тилшунослик фанида туб ўзгариш деб қаралади. Бу бутун билимнинг турли соҳаларига, маданиятга кучли таъсир ўтказди. Уларнинг ривожланишига йўл очиб берди. Ф. Де Соссюрнинг таълимоти тилнинг борлиқдаги аҳамиятини қайта кўриб чиқишга ундади.

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида, ўз тузилиши нуқтаи назардан, инсон онги доирасида кўриниши мумкин эмас экан. У ҳамма вақт ҳам англаб етилмас экан. Демак, унинг маълум тузилиши онгсиз (онглаб етмаган) сифатда мавжуд бўлади. Бундай ҳолатни бевосита онгда ифодалаб бўлмайди. Англаб етмаслик қатлами тилнинг белгилар тизимига хос бўлиб, бевосита маъносини, аҳамиятини ифодаловчи тузилишга тегишли бўлади.

Тилсиз ҳеч қадай маданият мавжуд бўлмас экан, уни структура (тузилиши) жиҳатдан таҳлил қилиш халқнинг турли даврдаги маданиятини таҳлил қилишга имкон беради. Структура (тузилиш) жиҳатдан қараш жамиятдаги турли соҳаларни ўрганиш учун қўлланиб келинди. Ижтимоий - гуманитар фанлар, шу жумладан, фалсафа соҳасининг ҳам тузилиш жиҳати ўрганилди. Шунинг билан кўп ижтимоий соҳаларда, жумладан фалсафа соҳасида ҳам кўпдан кўп муаммолар майдонга ташланди.

Очик онгсиз, англаб етилмаган тузилишни ўрганиш шуни кўрсатдики, инсон ўзининг ихтиёридан ташқарида бошланадиган, онга айланиши учун замин бўладиган ва тил билан боғлиқ бўлган ҳодисани тан олиш керак. Тил ана шу онг ва англаб етилмаган ҳолатни ифодалайди. Демак, онг маданиятнинг тил орқали ифода этилган дастурий ифодаси, унинг тасарруфидаги соҳадир. Бу шундай масалаларни майдонга ташлайдик, инсон маълум тилни турли қатламлар ифодалаган маданият орқали ўзаро мулоқотда, эркинлик фаолиятда ўзлаштира олади.

XX аср фалсафасида структура методининг аҳамияти ва камчилиги ҳақида кескин мунозара кетди. Баъзилар бу метод тилнинг объектив тузилишини ўрганиб инсон эркинлигига путур етказди, бутун бир авлод бирлигига салбий таъсир кўрсатади, деб танқид қилдилар.

Секин-аста қарашлар бир-бирига яқинлашиб борди, феноменология, герменевтика, экзистенциализм қарашлари билан уйғунлаштирилди. Ижтимоий жараёнларда шахснинг социаллашуви тилнинг стандартлари, қоидалари, схемалари орқали ифодаланган кундалик ҳаёт тарзига мослашиш асосида борди. Бунда ўзаро алоқа натижасида тилда ифодаланган тайёр қоидалар, тасаввурлар эскидан қолган ижтимоий андозалар асосда иш қилишга ўрганиб қолади. Энг асосийси, умумий тил ҳаётнинг барча соҳаларига кириб боради ва ўз таъсирини ўтказди. Тил ҳаётини масалага айланади. Натижада, эркин фикрловчи кишилар ҳам ўзининг фикрини маълум қоидаларга мослаштиришига тўғри келади. Ижтимоий фикрга мосланишга мажбур, демак, оммавий тилга мослашади. *Тилнинг ҳукмронлигини енгиб бўлмайди*, деб ёзадилар файласуфлар. (қаранг А.Ф. Шаповалов Основы философии М. 1998 411-бет)

Алоҳида таъкидлаш жоизки, тилнинг ҳукмронлигига қарши чиқиш тилнинг ижтимоий аҳамиятига қарши чиқиш эмас. Тил ҳамма вақт ҳар қандай шароитда инсоннинг жамият билан учрашув майдони бўлиб қолади.

Инсон тил воситаси билангина ҳақиқий ижтимоийлашади. Тил воситаси билан ахлоқ, анъаналар, урф –одатлар, ҳуқуқ нормалари шаклланади, улар орқали эса инсоний хислатлар шаклланади. Инсон насли табиат ҳукмронлигидан ажралади, ўзини эркин ижтимоий борлик деб ҳис қилади.

Тилни ишлатишда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Акс ҳолда, у биз кутмаган томонга буриб юбориши ва қутилмаган натижалар чиқариши мумкин. Бизнинг иродамизга боғлиқ бўлмаган ҳолда табиат кучи асосида, биз танлаган тил вариантдан ёмон оқибатлар келтириб чиқариши мумкин.

**Демак, инсон тил ҳукмронлигига қарши ўз иродаси, имкони-ятларини ишга солиб, ўзлигини, индивидуаллигини сақлаб қолиш-га ҳаракат қилиши керак.** Аналитик фалсафа (XX асрда) ана шу тил ҳукмронлигини чеклаш масаласи билан шуғулланди.

*Бу оқим тарафдорлари аналитик фалсафа доирасида тилни таҳлил қилдилар.* Уларнинг бир гуруҳи тилни мантикий таҳлил қилишга киришди. Бу гуруҳ аъзолари Б. Рассел (1872-1970) Д. Мур (1873-1958) Х. Рейхенбах (1891-1953) М. Шлик (1882-1936) ва бошқалар тилни ислоҳ қила бошладилар. Улар тилдан мантикка тўғри келмайдиган, икки маъноли сўзларни чиқариб ташлаш керак, деган фикрни майдонга ташладилар. Немис математиги ва мантик-шуноси Г. Фреге *формаллашган тил гоҳисини* ишлаб чикди. Бу нафақат математикларга, балки табиий тил вакиллари ва файласуфларга ҳам тушунарли бўлиши керак, деди у.

Г. Фреге формаллашган тил учун икки тамойил характерли деб кўрсатди: *биринчидан*, бир маъноли, *иккинчидан*, предметлик принциплари. Куёш сўзи қайси тилда ифодаланмасин, Куёш предметини ифодаласин, деб кўрсатди. Бунда гап жонли сўзлашув тилини ислоҳ қилиш тўғрисида кетаётгани йўқ. Бир маъноли, предметлик принципи илмий тил учун қўл келади. Бу принцип зиддиятсиз, мантикий изчил илмий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Масалан, «донра квадрат» мантикка зид, демак, мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Бир гуруҳ файласуфлар бошқа йўлдан кетдилар. Бу йўналиш *лингвистик фалсафа* деб аталади. Улар тилни ифода этиш, ишлатишгача хатолар ҳақида гапирдилар. Унинг йирик вакили Л. Витгенштейн (1889-1951) ҳисобланади. Унингча, тилни ишлатишда аниқ тасаввурга эга бўлиш керак.

*XX асрнинг кўпчилиги файласуфларида социал борлиқни тўғри ва ҳаққоний кўрсатиб бериш ўрнига, унинг моҳиятини атрофлича тушунтириш ўрнига унга қарама - қарши ёлгонни айтиш, икки юзла-ламачиликдир.*

### **(10) Л.Витгенштейн**

Тилни таҳлил қилиш асосида тилдаги самимиятсизликка қарши курашиш мумкин дейди у. Бироқ, бу масалани олимни инсофга чақиритиш йўли билан ҳал қилиш жуда мушкулдир.

*Тил инсонга ўз фикрини яшириш учун берилган.*

### **(11) Ш.Талейран**

Аниқликка эришиш учун хоҳишнинг ўзи етарли эмас. Инсон виждонан тўғрилиқка интилса ҳам, самимий бўлмаслик қобилиятига эга. Чунки, инсон тилга ишониб тўғри сўзлайман деб ўйлаши мумкин. Унда инсон ўзи билмаган ҳолда ўзини ўзгартиб, бошқа одамни ўзи деб билади, уни ўзида кўради. Жамиятга татбиқ этганда ана шу

микдорий устунлик ёлгон, иккиюзламачилик бўлиб чиқади. Бу эса, ижобий натижа бермайди.

**Аниқлик, тўғрилиқка эришиш фақат мантикий – лингвистик талабгина бўлмай, балки социал, ахлоқий характерга ҳам эга.**

Инсон ўзаро муносабатда ҳамма фикрини баён эта олмайди, айрим томонларини яширади. Шунинг учун унинг айтганини эмас, айтмоқчи бўлган томонини ҳам ҳисобга олиш керак. М. Хайдеггер: *«Тил инсоннинг ички индамаслигига асосланган», дейди. Тил айтилганни эмас, айтилмаганни, яширилганини ҳам очиб беришга қодир.*

**Хулоса ўрнида:** XX аср фалсафаси тилни таҳлил қилганда учлик асосида қаради: **Онг – тил – жамият.** Буларнинг ичида тил ўтган даврга қараганда атрофлича ўрганилди. Унга биринчи даражали аҳамият берилди. Тил борлиқнинг муҳим қисми сифатида намоён бўлиши, ундаги сирларни очиб берувчи ёки яшира олувчи ҳодиса сифатида кўрилди. Тил масаласи билан фақат аналитик фалсафагина шуғуланмасдан, балки XX асрдаги бир қаторда фалсафий оқимлар ҳам шуғулланди.

XX асрдан фалсафий эволюция, фан техниканинг қудратли кучига ишонишдан тилнинг юксаклигига ишонишга ўтила бошланганини фан ва техниканинг муваффақияти тилнинг жамиятдаги ўрни, унинг сеҳрли кучига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Илмий техниканинг салбий оқибатилан унинг вайронагарчилик фаолиятилан қутулиш учун янгича, жиддий ёндашиш керак. Бунинг учун фан ва техникадан ташқаридаги, унинг ҳукмронлигида бўлмаган фикрлаш усулини топиш, шакллантириш керак. Бу давр талабига мос тафаккур тарзини топиш, файласуфларнинг фикрича, тилни таҳлил қилиш билан боғлиқ. Шунинг учун тилни фалсафий таҳлил қилиш нисбий мустақил соҳа сифатидагина эмас, балки кенг кўламда, глобал муаммолардан бири сифатида файласуфлар эътиборини ўзига жалб этди.

**Тилнинг фалсафий таҳлили шундай хулосага келишга асос беради. Инсон борлиғи билан боғлиқ масалаларни тилга эътиборсизлик билан, тил муаммоларини ҳал қилмасдан ечиб бўлмайди. Унинг аҳамияти, жамиятдаги ролини ҳисобга олмасдан ҳал қилиб бўлмайди. Чунки инсон ўз муаммоларини бевосита тил орқали кўя биладиган, ҳал қила биладиган ягона мавжудотдир.**

#### **4.6. ИЖОД ФАЛСАФАСИ**

Ижод инсон руҳий ҳаётидаги энг сирли, жумбоқли, тўлқинлантирадиган, ҳозирги кун учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳодисадир. Ижод масаласи файласуфлар, руҳшунослар, социологлар, пе-

дагоглар диққатини бугунгидек ўзига тортмаган. Ҳозирги илмий адабиётларда ижоднинг турини ўрганишда маълум методология татбиқ этилмоқда жумладан, Руҳий ва эстетик таҳлил методларидан кенг фойдаланилмоқда. Психологлар ижодни ўрганишда классик методлардан фойдаланиш билан бирга замонавий методларга ҳам катта эътибор бермоқдалар. Булар ҳаммаси ижоднинг техникаси, унинг бориши ва имкониятларини тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бироқ ижоднинг ички дунёси билан боғлиқ масалалар жуда мушкул бўлиб қолаверади. Чунки ижодни конкрет ўрганиш «Ижод қандай ҳодиса?» деган фалсафий масалани ҳал қилмайди. Шахснинг ижодий фаолиятини, унинг қобилияти ва туғма истеъдодини, ундаги бетакрор, ҳайрон қоладиган даражадаги эшитиш ва кўриш қобилиятларини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, инсоннинг жозибадор истеъдоди, таланти ҳеч қандай қондага бўйсунмас экан. Назарий хулосалар чиқариш ундан ҳам мушкул экан. Шунинг билан шахснинг руҳий ҳолати, унинг мижози, руҳий жиҳатдан тез реакция қилиши, унинг характери, кўпинча, ижодни таҳлил қилишга қўл келса-да булар барчаси конкрет шахсда ўзига хослиги билан намоён бўлади.

Инсонларнинг ижодий фаолиятини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, ижод ҳамма вақт қутилмаганда, ўйланмаган вақтда, текшириб бўлмайдиган мўжиза сифатида пайдо бўлар экан. Инсоннинг қобилияти, истеъдоди, тарбияси, билими, маданияти унинг ижодига имконият яратади. Лекин уларнинг ўзи инсонга ижод бермайди. Тарихдан маълумки, жуда кўп ижодкорлар ўта оддий яшаганлар, баъзилари изчил тарбия ҳам кўрмаган.

Ғарб ҳаётида юксак ўзгаришлар, мисли кўрилмаган тараққиёт вужудга келди. Фан ва маданият ривожланди. Инсон юксак билимга эга бўлди, катта янгиликлар очди. Фан олға қараб юксалди. Шунинг билан бирга одамлар жамоатчиликдан яққаланиб, худбин ва разиллашиб, бораётганини ҳам кўрамыз.

#### Бу парадоксни ҳал қилишнинг иложи борми?

XX асрга келиб ижод масаласи алоҳида ўрганиш объектига айланди. Чунки, ижодий меҳнат билан шуғулланувчилар ўз ижодини ишлаб чиқариш, саноат, савдо ва бошқа соҳаларга татбиқ этиб ҳамда кўплаб халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариб, миллион-миллион одамларнинг эҳтиёжини қондиришда аҳволини яхшилашди. Аммо бундай жараён, баъзи олимларнинг фикрича, кўпчилик халқ ва миллатларнинг ижодий имкониятларини намоён қилишга тўсик бўлди. (қarang. **Философия. Дарслик, Москва.1997.308-бет**). Жамиятнинг кўп соҳалари ўз ривожланишида боши берк кўчага кириб қолди ёки шунга яқинлашиб қолди. Булар экологик фожиа, аҳолининг кескин кўпайиши, жиноятчиликнинг ортиб бориши, шовинизм, миллатчилик, диний экстремизм, фундаментализм, терро-

ризм каби иллатлардир. Мана шунинг учун янги гоълар, янги тавсиялар керак. Булар фақат ижодий фикрловчи, дунёни янгича тушунишга қодир, унинг келажагини кўра биладиган шахсларга боғлиқ.

**Бу ерда яна қизиқ муаммо (парадокс) бор ижод ҳақида кўп нарса билувчиларнинг ўзлари ижод қилмайдилар. (Аслида ижодни янгича таҳлил қилишнинг ўзи ҳам ижоддир).**

***Фанда, айниқса, санъат ва адабиётда янги қадриятларни ким яратади?***

***Буларни ким вужудга келтиради?***

Ижодни ўрганиш маълум маънода янгилекни билиш, ким қандай янгилек яратганини таҳлил қилишдир, янгини англаб етишдир.

***Онгимиз, руҳимиз ишлашини қандай биламиз?***

***Биз ижодий онг, руҳ қандай келишини тўла англаб етамизми ёки етмаймизми?***

У (ижод) момоқалдиروقдек, яшин тезлигидек бирданига келади. Бу ижодкорнинг бетакрорлиги, дунёни ўзига хос кўриши, бошқалар илмагаган томонини билиши билан характерланади. Бу ҳамма вақт ҳам келавермайди, кутганда, ўйлаганда келавермайди. У кутилмаганда келади. Ҳаётда бир неча бор келади, холос.

Инсон ўзини ижод қилишга мажбур қила олганда эди, ҳамма буюк бўлиб кетарди. Ижод буюк сир, шунинг билан юксак бахтдир. Ҳар бир одам ижодий ҳолатни вақтнинг тўхтаб қолганлигидан, қалби тўлиб тошганидан, нимадандир руҳият қониқиши, мамнун бўлганидан ҳис қилса керак.

Бу вақтда инсон руҳиятида шундай ҳолат юз бералики (инсон ўзини ўзи англаб етмаслиги мумкин), унинг ўзи, тасаввуф фалсафасининг ибораси билан айтганда, худога етишган бўлади, васл (худо) шахсда намоён бўлади. Инсонда илоҳий куч пайдо бўлади. одам яратганнинг давомчиси сифатида намоён бўлади.

***Инсон ижоднинг мафкурачиси (идеолог) бўлиб майдонга чиқади. Инсоннинг Ердаги вазифаси ҳам ана шунда. Ижод дунёни нурафшон қилиш ва уни қайта ташкил этишдир. Инсон олдида – дунёни ижод қилиш ётади, яъни дунёни қайта ташкил қилиш ва илоҳийлаштириш ётади.***

**(8) Н.А.Бердяев**

**Ижодий ҳолат яратганнинг ишини давом эттириш, ижоднинг ўзи эса ўз табиатининг буюклигини англашдир.**

Шундай қилиб, буюк файласуфларнинг ижод тўғрисида айтган фикрларидан (Тасаввуф ва рус диний фалсафаси) хулоса чиқариб, куйидаги фикрга келиш мумкин:

1. Ижод янги моддий неъматларнигина эмас, балки қадриятларни, гоъларни ҳам яратишдир. Ижодий буюклик ўз фаолиятида ўз руҳини, қалбини намоён қилиб яшаган ҳар бир инсонга хосдир. Ин-



сон муқаддас, буюк қилиб яратилган. Шунга хос фаолиятда бўлиши керак. Бироқ буюклик ҳаммага ҳам насиб бўлавермас экан. У қалби пок, одамларни сева биладиган, халқ йўлида тинмай меҳнат қиладиган одамларда намоён бўлар экан.

2. Ижод сирли, тушунтириб бўлмайдиган ҳодиса. Унинг конкрет инсонда намоён бўлиши илоҳийликнинг намоён бўлиши, яратганнинг ишини давом эттириш, унинг амрини бажо келтириш демакдир.

*Ҳамма нарсанинг сабабчиси биринчи сабаб – илоҳийдир,*

**(13) ФОРБИЙ**

Биринчи борликдан юзага келадиган нарса кўпинча унга қандайдир мукамаллик келтиради. *Худо инсон ижодининг сабабчиси, мукамалликнинг асосидир.* Ижодкор қандай тушунча ва образда ўз ижодини намоён қилмасин, у ўзига берилган илоҳий кучни намоён қилади. Дунёни янгича ҳис этар экан, янгиликлар яратар экан, яратганнинг ишини ўз ички овози билан давом эттиради, инсоний муҳаббат билан илоҳий муҳаббатни намоён қилади, уларнинг уйғунлигини таъминлайди.

3. Ижод билим олиш, тафаккурни шакллантириш асосида боради. Лекин, ижод уларнинг мажмуасидан ташкил топмайди. Тафаккур қондалари, ва усулларидангина вужудга келмайди.

**Шунинг учун фалсафа «Ижод қандай вужудга келади?» деган саволга жавоб қидиради.**

Эҳтимол ижод ўзини ўзи яратувчи деб ҳис қилиш асосида вужудга келар. Балки, шундагина ўзлик ижодда намоён бўлар...

Инсон ҳамма вақт ҳам кимдир бўлишга ҳаракат қилади (олим, шоир, ёзувчи, деҳқон, муҳандис, шифокор ва ҳоказо). У ўз фаолиятини шу соҳа сирларини билишга қаратади, ўз ҳаётини шунга мослаб ташкил этади. Инсон соҳа олами бўлиб, санъат, адабиёт ёки фан, техника соҳасида бирор ҳунар эгаси бўлиб яшайди. Бунда касбга муҳаббат ўз-ўзича қолади. Инсон ижтимоий борликда ўзининг касбидан ташқари севги, гўзаллик, ғам-ғуссалар борлигини англаб етади. Ўзгалар дардини ўз дарди, ўзгалар қувончини-ўз қувончидек ҳис этади; умумлаштириб таҳлил қилади, одамийликка интилади, ўзгалар тополмаган ечимга келади. Инсон ижоди, унинг универсал фаолияти заминида пайдо бўлади.

Ижод қилиш учун қобилиятли олим, талантли ёзувчи бўлибгина қолмасдан, даставвал, қобилиятли инсон бўлиши керак. Мана шундай қобилиятни ривожлантириш эса охир-оқибат эътиборан жамиятни ривожлантиришга қаратилган бўлади.

**Инсон ўз моҳияти билан ижодкордир.** Бироқ, ижод сўзи унга шу вақтда тааллуқлики, у ўз моҳиятини билса, ўзининг инсонлигини

ҳис қилиб яшайди. Мен астрофизик, мен математик ёки файласуфман, деб яшашнинг ўзи камлик қилади. Бошқа одамлар билан биргаман, «улардан ортиқ ҳам эмас, кам ҳам эмасман»,- деб яшаш ижодни тугдиради. У нималигидан қатъий назар қайси мавқеда яшамасин (бўлмасин), ўзини намоён қилиб яшайди. У қанча ҳаракат қилмасин қобилиятидан ортиқ фаолият кўрсата олмайди. Бирок, оддий одам бўлиб яшаш энг мушкул иш. Чунки ҳамма ўзини кўрсатишга ҳаракат қилади, ўзига ҳосликни кўрсатади. Оддий одам бўлиб яшаш кам одамга насиб бўлади. **Оддийлик инсонга хос хислатларни ўзида мужассамлаштириш демакдир.** Оддийлик инсоннинг ҳаётий сифати бўлиб, унинг ички дунёсидан келиб чиқади. Бу қобилият ҳаммада ҳам бор, аммо ҳамма ҳам уни туғри ишга сола олмайди.

*Барибир оддий одам буюқдир. Чунки, у оддий табиийликни ўзида мужассамлаштирган.*

#### (14) Пастернак

Оддийликдан узоқ бўлган ёки оддий бўлмаган одам табиийликни бевосита ифода этмайди, ҳатто ўзига ҳам самимий муносабатда бўла олмайди. Ўз-ўзича қолиш, ўз-ўзича яшаш, ўзига хос, мустақил яшаш, инсонийликни намоён қилиб яшаш ижоднинг асосидир.

Дунёда янгиликлар жуда ҳам кўп. Булар ҳаммаси инсонларнинг иштироки натижасидир. Инсон ўз фаолиятини жуда кўп нарсага қаратган бўлади. Улар турли тамойилга "бўлинган" бўлади. Бир қисmini ишга, яна бир қисmini оилага, маҳаллага ва дам олишга бағишлайди. Бўлмаганда оиланинг ғамини ейди. **Бирок, ижод учун инсон борлиғи бирданига ишга тушиши, инсон қалбида севги яхлит бўлиши керак.** Инсон ўзлигининг ярмини, табиатининг бир қисmini яхши кўриб яшайди. Севгида бутун борлик, бутун вужуд иштирок этади. Ахир Ватан ягона бўлса, унинг бир қисmini севиб, бошқа қисmini севмаслик мумкин эмас. Ватан ҳам ягона, унга бўлган севги ҳам ягона, яхлит. Ижодкор бутун қалбининг кўрини, кучини, энергиясини яхлит тарзда ишга солади. *«Бу энергиянинг манбааси қаерда?»* - деган саволга ҳозирги замон фалсафаси "севгида" деб жавоб беради.

Тасаввуф таълимоти илоҳий севги сеҳрининг инсонга сингиб кетишида, деб кўрсатади. Ана шу ҳолатда дунёнинг сирларини англаб етади, бошқалар илғаб ололмаган томонини ижод қилади. Бутун куч-ғайрати, руҳияти, борлиғи шунга қаратилган бўлади. Мана шу ҳолатда инсон худонинг оддий бандасига айланади. Оддийлик намоён бўлади. **Оддийлик улкан изтиробли кечинмалар оқибатидир.**

Бирок, инсон ўз кучи, энергияси, руҳиятини бир жойга тўшлаб яшаши узоққа бормади. Инсон бошқа тартибга ўтади. Шунга кўра,

ижод ҳамма вақт келавермайди. Шунинг билан инсон ўзини йиғиб олиши ижод учун муҳимдир.

*Кимки ўзини йиғиб олмаса, у тўғри фикрлай олмайди. Натижада, унда ижодий куч йўқ бўлади. Ижодий куч йўқ бўлса дунё ҳам йўқ, агар дунё йўқ бўлса, қаердан бахтли бўлади.*

#### **(15) Бхагавадгита**

Бутун дунё динлари, жумладан ислом ҳам инсоннинг одатдаги ҳаётидан янги дунёга, абадият дунёсига, ижодий дунёга етаклайди. Инсоннинг илоҳий қобилиятини намоён қилишга етаклайди.

*Омма ҳали инсонийликка етгани йўқ. У ўзининг ҳайвоний ҳолатида яшамоқда. Омма у ҳали "супершимпанзё". У ақллироқ, мугомбирроқ; кашф қила олади, зўравонлик асосида ўзининг ободончилигини ҳам қура олади.*

#### **(16) Ф.Ницше**

Дунёни яратиш учун инсоний хислатларга эга бўлиш керак. Инсон ҳайвондан ҳоликликка, юсак камолотга кўтарилиб яшashi керак. Фалсафий нуқтаи назардан ўзини яратиш учун ғафлат уйқусидан уйғониш керак, ўзича инсонийликка келиши керак. Инсоннинг кўп вақти дунёнинг бошқа ташвишларига кетади. Айни вақтда қонун-қоидаларга, ахлоқ нормаларига амал қилиб яшайди. Ишга боради, ўз турмушини яхшилайти, оиласига қарайди. Булар ҳаммаси одатдаги онг, кундалик ҳаёт онгидан иборат. Бунда онг маълум меъёрда катъий тартибда ишлайди.

Бироқ, бориб-бориб булар одамни зериктирб қўяди, анъанавий онгдан чиқиб кетишга эҳтиёж туғилади. Аммо бундай ҳолат жуда тез ва ҳаётнинг оз лаҳзаси бўлиб қолади. Шунда ижод бошланади. Анъанавий фикрлаш стилини, тарзини ўзгартиб, бузиб ташлайди. Бунда инсоннинг ақли билан бирга, зеҳни ҳам ишга тушади, у ташқи оламга эмас, балки ўзининг ички дунёсига, қалбига қулоқ солади. Ўзини англайти ва шундагина ўзининг буюк инсонлигини намоён қилади.

Демак, ижоднинг энг асосий белгиларидан бири- бу инсоннинг ўзининг ички дунёсини англаши, ичига кириб бориши, ўз қалбига қулоқ солиши, ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини билишидир. Ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини чуқурлаштириш ижоднинг асосидир. Чунки, ижод инсон имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз-ўзидан кониқиш асосида боради.

Энди биз ижоднинг руҳий таҳлилини кўриб чиқамиз.

#### **4.6.1. ИЖОД ВА РУҲИЙ ТАҲЛИЛ.**

Руҳий таҳлил деганда биз, албатта, унинг асосчиси австриялик психолог (врач-психиатор) Зигмунд Фрейдни (1856–1939 й.й.) эс-

лаймиз. У фаннинг турли соҳаларида фикр юритган, инсон руҳияти тўғрисида таълимот яратган. Фрейднинг таълимоти ХХ асрнинг бошларида дунёга кенг тарқалган, унинг кўплаб асарлари рус тилига таржима қилинган. Бирок, 30-йиллардан бошлаб унинг таълимоти сиёсий ва ғоявий жиҳатдан зарарли, деб эълон қилинган. Уни ўқиш, ўрганиш шўролар даврида таъқиқлаб қўйилди. 60–70 йилларда Фрейдни қайта ўрганиш бошланди. Кейинги йилларда Фрейд ва фрейдизм тўғрисида рус тилида бир неча мақолалар, тақризлар, китоблар ёзилди. Олимнинг илмий ишлари рус тилига таржима қилинди.

Ўзбек тилида унинг асарлари ҳозиргача чоп этилгани йўқ. Президентимиз 2000 йил 8 июнда «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида **«Фрейд каби олимларнинг асарларини ўзбек тилида чоп этиш» керак эканлигини таъкидлади.**

*Фрейд ижодни қандай таҳлил қилади?*

3.Фрейд инсон руҳиятида мавжуд бўлган ва яшириниб ётган, бошқалар деярли илмий таҳлил қилмаган томонга эътибор беради. Жинсий мойилликни психологик жиҳатидан қараб чиқар экан, унинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини «Эдип тамғаси» тушунчаси билан изоҳлайди. Қадимги юнон драматурги Софоклнинг «Шоҳ Эдип» трагедиясидаги воқеани бунга асос қилиб олади. Эдипнинг билмаган ҳолда отасини ўлдириши ва қиролича онасига уйланиши, боланинг онасининг отасидан қизганишини патижаси бўлиб, бу яшириниб ётган руҳиятнинг онгсиз равишда юзага чиқиши, деб тушунтиради Фрейд. Инсон маданиятлашган сари бундай қадимги одатлар тақиқланган. Натижада бу ҳолат инсон руҳиятининг энг чуқур ва қоронғу жойидагина сақланиб қолган.

Фрейд инсон руҳиятини уч қисмдан иборат деб таъкидлайди ва уларнинг аҳамиятини кўрсатиб беради.

1. «У» (ид) онгсизлик (англаб етмаслик).
2. «Мен» (его) онг.
3. «Мендан (онгдан) юқори (супер его)».

Фрейд томонидан яратилган бу модел бўлиб, инсон руҳиятини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

*Булар ижодда қандай аҳамиятга эга?*

Фрейднинг фикрича, ижод инсоннинг онгсиз фаолияти хилма-хил руҳий ҳолат ва қатламлардан иборат онг ости, онг олди ва онг маҳсулидир. Онгсиз фаолият турли хил белгиларда ўз ифодасини топади. Уйқу, туш, турли инстинктлар, жинсий мойиллик, ижод, интуиция (энг ўткир ички туйғу) – булар ҳаммаси англаб етилмаган руҳий ҳолатдир.

*Фрейд ижод онгсизликдан пайдо бўлади, деб кўрсатади. Демак, ҳар қандай ижоднинг генезиси, келиб чиқиши онгсизликдан бошланади.*

Шунга яқин фикрни немис файласуфи И.Кант ҳам айтиб ўтган эди. Унинг фикрича, инсон ўз ақли, илм ўрганиши билан, жуда нари борса, талантили бўлиши мумкин.

*Ҳақиқий ижод пайгамбарларга хос. Бироқ, у файласуфлар ёки санъаткорларга ҳам насиб этади,*

### (17) И.Кант

Фрейд ва унинг издошлари эса, ижод тамомила инсоннинг онгсиз фаолиятига тегишли эканлигини исботлашди.

Бугунги кунда ижодни ўрганиш учун маълум тадқиқотлар олиб борилаётти. Россия фанлар академиясида ижоднинг механизмини ўрганувчи бўлимлар бор. Рухшуносларнинг ижодни вужудга келтирувчи омиллар тўғрисидаги саволга 283 олимдан 182 нафари ижод изчил фикрлаш маҳсули эмас, балки тўсатдан кутилмаганда амалга оширилган фаолият натижаси, дея жавоб берган. Таниқли француз математиги Пуанкаре кўл атрофида сайр қилиб юрганида математикага доир янги назария тўсатдан миясига келиб қолган. Пушкиннинг янги шеърини сатрлари кўпинча тушида туғилган.

Чиндан ҳам истеъдод эгалари ёзаётган асрларининг асосий қаҳрамонлари ботинларида, онг остида пайдо бўлиши, ҳақиқий ижодда руҳият уни бошқариб туриши уларга ёрдам беришини таъкидлайдилар.

*Кимдир айтаётганга ўхшайди, мен эса ёзаялман, (50)*  
**А.Шнитке.**

Одатда онг инсоннинг дунё тўғрисидаги, ўзи тўғрисидаги билими бўлиб, у сўз, математик белгилар, бадий образлар орқали бошқа одамга, кейинги авлодга маданий ёдгорлик сифатида ўтади. Шу боис тил фикр алмашувгина эмас, унинг ифодаси, реаллашиши ҳамдир.

*Тил борлиқнинг уйи,*

### Хайдеггер.

Фрейд таълимотининг давомчиси Карл Т.Юнг фикрича, қачондир ўқиган, эшитган нарсалари инсонга бутунлай эсдан чиқиб кетгандай туюлса-да, улар онг остида яшириниб ётади. Баъзи ижодкорлар ўша илгари эсдан чиққан, онг остида яшириниб ётган нарсани ўзи англамасдан янги образ, шеър ёки янги бадий асар, деб тақдим этади. Натижада, унинг топилдиғи кимгадир ўхшаб кетади. Биз уни билмаган ҳолда кўчирмачиликда айблашимиз ҳам мумкин.

*Инсон ички руҳий ҳолатида яшириниб ётган ички туйғуни қандай қилиб рўёбга чиқариши мумкин?*

*Эркин мулоқот учун, инсоннинг ҳис-туйғуларини рўёбга чиқариш учун имкон яратиш керак. Инсон руҳияти эркинликдагина намоён бўлади*

**Фрейд.**

Фрейднинг руҳий таҳлил бўйича таълимотида *«руҳий энергия»* тушунчаси алоҳида аҳамиятга эга. Бу тушунча асосида олим руҳий жараёнларнинг вазифаси ва фаолиятини тушунтириб беради. Мана шу энергия асосида ўз ҳаётини давом эттиради, руҳияти турли туман фаолиятда бўлади. Унинг бу интилишида жинсий мойиллик алоҳида аҳамият касб этади.

*Ана шу руҳий энергиянинг асосий қисми яшашига йўналтирилган. Инсондаги ёвузлик, тажовузкорлик руҳий энергиянинг айниган, кучсизланган кўринишидир.*

**(18) Фрейд**

Ҳақиқий руҳий энергия кўтаринкиликка, инсон ҳис-туйғуларини қониқтиришга қаратилган бўлади. Ана шунда у ижодга манба бўлади.

*Инсонда яшириниб ётган руҳият қай вақтларда ҳаётийликка айланади?*

Бу инсондаги икки хил инстинктдан бирининг рўёбга чиқиши асосида боради. Фрейднинг фикрича, **инсонда икки хил инстинкт мавжуд: бири ўлдирувчи, бузувчи; иккинчиси эса яратувчи, ундовчи, яхши қилувчи инстинкт.** Булар ҳамма вақт ўзининг кучини кўрсатади. Бирок, бузувчи, ўлдирувчи, сўндирувчи инстинкт ҳамма жонзодга хос.

*Инсон учун яратувчилик, бунёдкорлик, ҳаётий инстинкт характерли, деб ёзади Фрейд.*

**Демак, ўлдириш, бузиш, тажовуз қилишни ўзига қурол қилиб олган инсонлар ҳайвоний инстинктни ишга солувчилардир. Ижод инсонга берилган олий неъмат, инсоний ҳислатдир.**

Инсон руҳиятини такомиллаштириш, уни тузатишнинг асосий методи «эркин мулоқотда бўлиш»дир, деб ёзади Фрейд. Эркинлик ижод намоён бўлишининг асосий омили бўлибгина қолмай, инсоний ҳислатларни сақлаб қолиш, унинг яшаши, мавжуд бўлишининг муҳим шарти ҳамдир. Чунки, инсон ўзлигини, мустақиллигини йўқотса, унинг бетакрорлиги ҳам йўқолади, оддий бажарувчига, мақсадларни амалга ошириш воситасига айланиб қолади. Шифокор-психолог руҳий «ярани» топиши учун бемор билан самимий мулоқотда бўлиши, беморнинг ҳар бир сўзига эътибор бериши ва унинг сўзлари гарчи маъносиз, «пойма-пой» бўлса-да, уни таҳлил қила билиши керак. Бу ўша «ярани» аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ёдингиздами, Пушкиннинг «Пиковая дама» асарига Гер-

манн қаттиқ асабийлашиб фақат учта картани ўйлайди (учлик, етти ва туз). Ундан: “Соат неча бўлди?”, деб сўрашса, у: «бешта кам етилик» деб жавоб беради. Бу метод (ҳар қандай гапни, нимани ҳоҳласа, ўйласа ҳаммасини эркин гапириш) даволашнинг янги усулигина бўлиб қолмай, балки инсонда яшириниб ётган онгсиз равишда мавжуд бўлган руҳиятни намоён қилишнинг ҳам янги усулидир.

Инсоннинг ўз фикрини эркин, ихтиёрий баён этиши масаласи маънавий эркинликнинг, шахс комиллашувининг, ижоднинг, ўзига хос бўлиб яшашнинг муҳим шартидир. Ижод инсонликни йўқотмаслик асосида вужудга келади. Эркин «ўзбошимчалик», ўз фикрини баён этиш ижод учун муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, немис ёзувчиси Л.Берне 1823 йили ёзган «Уч кун ичида қандай қилиб ўзига хос ёзувчи бўлиш мумкин?» деган асарида жуда қизик бир ҳодисани келтиради. Эндигина ижодини бошлаган ёш ёзувчига уч кун мобайнида миясига келган ҳар қандай фикрни қоғозга туширишни маслаҳат беришган. Натижада бошқаларда учрамаган, бетакрор фикрлар баён этилган асар яратилган. Бу асар билан шуғулланган Фрейд у ўзининг руҳий таҳлилига жуда мос келишини таъкидлайди.

Инсон ўз фаолиятини гўзаллик қондаларига кўра амалга ошириб боради. Лойдан кўза, чиройли чинни идишлар, тош ёки темирдан ажойиб нақшли буюмлар ясайди. Бу жараён гўзаллик қондасига мос келади. Инсон табиатни қайта ишлаб ўз эҳтиёжига мослаштиради. Бироқ гўзалликни ижод қилиш одатдаги анъанавий онг қондаларидан бошқача тарзда, инсон ҳис-туйғулари орқали эски норма, анъаналарни бузиш асосида қутилмаганда намоён бўлади. Бу янгилик инсонда хурсандчилик, қониқиш ҳиссини уйғотар экан, у онгдан юқори фаолиятдир.

Гўзалликни ҳис қилиш олдиндан белгиланган, қутилган, анланган белгилардан юқори туради. Гўзаллик билиш жараёнида фалсафий жиҳатдан уч вазифани бажаради:

- билиш жараёнида кучни тежайди;
  - энг яқин ва тўғри йўл билан мақсадга эришишни таъминлайди;
  - ижобий эмоция орқали эҳтиёжни қондиради.
- Гўзаллик билиш қобилиятининг ўйинидир*

### **(19) И.Кант**

Ҳар қандай ўйинда ғалабага эришишнинг ўзи кифоя эмас, балки унга чиройли комбинациялар орқали, осон ва яқин йўл билан мақсадга эришиш ҳам муҳим, зеро, бу инсонда ижобий ҳис-туйғуни ҳосил қилади, уни завқлантиради, ҳаяжонга солади. Натижада, фикр тежаллади. Ҳозирги замон математикасида ўйин назарияси мавжуд. Бу ҳам энг яқин, энг мақбул усул билан кам куч сарф қилиб мақсадга эришишдан иборат. Гўзалликни ҳис қилиш ҳоҳ фанда бўлсин,

ҳоҳ бадий ижодда бўлсин, ижоднинг зарурий воситаси ҳисобланади.

*Агар эмоция организм учун фойдали бўлса, эстетик ҳиссиёт инсон ижодий фаолияти учун зарур ва муҳимдир.*

(19) П.К.Анохин

Адабиётда юмор ҳақида фикр юритадиган бўлсак, у Фрейднинг «асабий кўрқиш» атамасига мос келади. Чунки, юморда кўпинча эски, нормал ахборотлар асосида қутилмаган хулосага келинади. Бу ҳақда Фрейднинг «Зарофат ва унинг онгсизликка муносабати» номли асари бор. Зарофат асосида ҳамма вақт жинсий эҳтиёжни қондириш, ҳеч бўлмаганда унга ишора ётади, дейди Фрейд. Юмор воситасида берилган ахборот асосида ижобий ҳиссиёт қониқтирилади. Бу ахборотнинг биринчи қисми эшитувчида ёлгон тахмин ҳосил қилади.

Австриялик зоолог К.Лоренс «Юмор ҳужумкорлик инстинктивнинг социал ифодаси»,-деган эди. Чунки, кулгида ҳиссиёт кучли ифодаланadi. Натижада, душманга ҳужум қилиш ўрнига ундан қулинилади ва унинг устидан маънавий устунлик таъминланади. Юморда билишга қараганда қониқиш эҳтиёжи кучли бўлади, нодонлик устидан доноликнинг ғалабаси таъминланади. Демак, ижоднинг бу тури ҳам кенг маънода онгсизлик, онг остида ётган жараёндр.

Ахлокий принциплар, қоидалар одат ва анъаналарга айланиб, инсон онгининг чуқур жойидан урин олади. Онгли нормалар секин-аста онг остига айланади. Ижодкор ана шу яшириниб ётган вижлон овози, уят ҳиссига албатта кулоқ солади, амал қилади. Бу дегани, ҳар бир инсон ўз даврининг вакили сифатида жамият қоидалари ва тартибларига риоя қилмасдан, яхшилик нимаю ёмонлик нима деган тушунчаларни инобатга олмасдан иложи йўқ. Руҳиятнинг мана шу «мендан юқори» қатлами, Фрейд таълимотига кўра, ахлокий цензура вазифсини бажаради. Унинг фикрича, «мен» нинг фаолияти билан виждон талаби ўртасидаги номувофиқлик уят ҳиссини, виждон азобини вужудга келтиради. Одамда қилган иши билан қоидалар, нормалар ўртасида фарқ пайдо бўлганда виждон азобланади.

Инсон дунёни билиб бориш учун маънавий эҳтиёж сезади. Бу жараённинг муҳим бир томони-кадриятлар масаласидир. Бошқа кишига ғамхўрлик қилиш, бошқаларнинг ғамини ейиш инсоний ҳиснинг ифодасидир. Виждон азоби бу маънавий азоб. Виждон ҳам, бурч ҳам ахлокий тушунчалардир. Бироқ инсонда бурч кўп, виждон эса битта. Виждон овози ҳақиқат овози, умуминсоний кадрият овозидир. Виждон индамай тура олмайди, жим турганда ҳам ҳаракатда бўлади. Виждон бурч сингари ижтимоий мазмунга қараб ўзгаравермайди.



Социал мақсадлар йўлида тўсиқ бўлаётган айрим шахсларга нисбатан каттиқ қўл бўлиш, уларни чегаралаш, ҳатто уларнинг айрим тўғри фикрларини рад қилиш ҳам мумкин. Чунки, буни ижтимоий бурч оклайди. Виждон эса окламайди. Бундай ҳолда инсон ўзини ўзи қоралайди. **Виждон ҳисси ҳақиқат ва яхшилиқ ҳиссини қондирувчи, азалдан берилган юксак маънавий нурдир. Виждон, атрофдаги муҳитнинг таъсиридан қатъий назар, инсоннинг ўз фаолиятига ўзи чиқарган ҳукмдир.** Ана шунинг учун виждон, самимият, тўғрилиқ инсоннинг юксак ички масъулиятигина бўлиб қолмай, айна вақтда маънавий маданиятининг ўлчови ҳамдир.

Санъатда ҳақиқат, тўғрилиқ, поклик, мулоимлик, самимийликка асосланиш керак. Қўполлик, ёвузлик, ғаламислик ижоднинг душмани. Яхшилиқ ижобий хислатларнинг шаклланиши асосида ҳақиқий севги ва муҳаббатга айланиши керак. Мана шундагина инсонда ижод қилиш кучи пайдо бўлади.

Фрейд оммавий руҳиятнинг ташкил топishiда инсонларнинг муҳаббати жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. У кишининг ўзаро муносабатини яхшилашда дин ва санъатнинг аҳамиятига ҳам эътибор беради.

Ҳар қандай таълимот сингари Фрейд таълимотининг ҳам бўш томонлари, камчиликлари мавжуд. Э.Фромм, Рей, Г.Маркузе ва бошқалар Фрейд ишини давом эттириб, унда жинсий мойиллик ва унинг оқибатларига, инсон табиий инстинктларига кўп эътибор бериб, ижтимоий томонларига етарли баҳо бермаганини танқид қилдилар. Фрейд инсон руҳиятининг билимдони сифатида аллақачон тан олинган. Умид қиламизки, Фрейд асарлари яқин келажакда ўзбек тилига таржима қилинади, олий ўқув юртларида кенг ва чуқур ўрганилади.

#### 4.7. МАДАНИЯТ ФАЛСАФАСИ

Бизнинг асримизда маданият масалаларига ва уни назарий жиҳатдан ўрганишга катта эътибор берилмоқда. XX асрнинг 50-60 йилларида маданиятшунослиқ фанига асос солинди. Унинг асосчиларидан Америка олими Л.О Уайт (1900-1975) ўзининг "Маданият тўғрисидаги фан" (1949) "Маданият эволюцияси" (1959), "Маданият тушунчаси" (1973) асарларида маданиятшунослиқ фанига асос солганини, унинг мустақил фан сифатида бир тизимга келтирилганини кўрсатиш мумкин.

Уайт маданиятни бир бутун фан сифатида таъкидлар экан, унинг символик ва технологик томонларига эътибор берди. (Қаранг, Шаповалов В.Ф. Основы философии М. 1998 520 -бет). Бугунги кунда маданият умуминсоний кадрият, инсонлар амалий фаолияти-

нинг нагжаси сифатида антропологик маданиятнинг шаклланаётганини кўрамиз. Шунинг билан бу фан алоҳида халқларнинг, миллатларнинг маданиятини ҳам ўрганмоқда. Ҳозирги даврда маданиятнинг мазмуни ва моҳиятини ўрганиш айрим халқларнинг миллийлиги, ўзига хос бетақрорлиги билан узвий боғлиқдир. Маданиятшунослик фани маданият тизими ҳақидаги фан экан, бу тизим барча халқлар маданиятининг дурдоналаридан ташкил топади. Маданиятшунослик фанининг вужудга келиши маданиятнинг инсон ҳаёти ва жамиятдаги аҳамиятини англаб етиши билан изоҳланади.

Фанда тўпаланган кенг ва кўплаб фактлар шуни кўрсатдики, маданият жамият ҳаётининг барча соҳаларида амал қилади, ижтимоий тараққиётнинг йўналиш динамикасини, белгилайди. Маданиятни англаб етиши ижтимоий ҳаётда иқтисод ва сиёсатни мутлақлаштириш тамойилига кескин зарба беради. У ёки бу даражадаги иқтисод ва сиёсат шакллари, тизимлари турли маданият типига қараб ҳар хил намоён бўлиши мумкин. Шунингдек, маданият турлари у ёки бу иқтисод, сиёсат шакллари вужудга келтиради. Бугунги кунда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбекча модели бизнинг ўз маданиятимиз, анъаналаримиз, миллий маънавиятимизни ҳисобга олган ҳолда ўзига хос ўзига мос йўлни вужудга келтирди. У ёки бу халқнинг илмий маданияти ижтимоий ҳаётнинг конкрет шакли, ҳаётнинг турли соҳаларини ташкил этишнинг янги механизми билан узвий боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатмоқда. **Демак, маданиятни таҳлил қилиш ҳаётнинг барча соҳалари мазмунини очиб бериш билан узвий боғлиқ.**

Биз янги жамият қураётган эканмиз, унинг йўналиши ва келажаги ҳақида фикр юритар эканмиз, маданиятимизнинг реал борлигидан, унинг конкрет намоён бўлишидан узоқлаша олмаймиз. Балки унинг ички мантиғига кириб борамиз. Маданиятни бир бутун таҳлил қилмай туриб ҳаётни яхлит тушуниб, иқтисод, миллий характер, миллий қадриятлар бирлигини ҳал қилиб бўлмайди. **Маданият ижтимоий ҳаётнинг бир бутун тарзда ташкил топишини кўрсатиб беради.**

Одамларнинг турлича қарашлари, фикр ва ҳаёллари, фаолиятлари маданият тизимида бирлашади, тартибга тушади. Бу эса, жамиятнинг тартибга тушган тизимини ташкил этади. Маданият тизимининг бир бутунлиги ва унинг турлича ифодаланишини, умуминсоний маданият билан миллий маданиятнинг уйғунлигини таҳлил қилиш маданият фалсафасининг вазифасидир. *Маданият фалсафаси маданиятнинг бир бутун бирлиги, унинг тузилиши, ўзига хос томонлари тарихан шаклланишини ўрганадиган амалий фалсафанинг бир туридир.* Маданият фалсафаси инсон фаолиятини ўрганар экан, ундаги қутилмаган ҳодисаларнинг айрим фанлар (жумладан, маданиятшу-

нослик фани) ҳал қила олмайдиган томонларини, инсон ҳаётидаги ҳал қилиб бўлмайдиган парадокслар, абадий муаммолар ҳақида фикр юритади. Ана шундай ҳолларнинг моҳиятига кириб боради, уни тушунишга ҳаракат қилади. **И Кант ўртага ташлаган**

1. Мен нимани биламан?
2. Мен нима қилишим керак?
3. Мен нимага умид қиламан?
4. Инсон ким?

каби фалсафий масалалар бевосита маданиятга ҳам тегишли. Фалсафа маданиятни бир бутун жараён, борлиқ сифатида ўрганар экан, юқоридаги саволлар инсоннинг ўзига бориб тақалади. Маданият фалсафаси ижтимоий ҳодисаларнинг умумий йўналиши, динамикасини фалсафий англашга қаратилган бўлиб, маданиятнинг илмга, ахлоқий фазилатларга, динга умид қилишини, уларнинг мувофиқлиги ва ўзаро бирлигини ўрғанади. Шунингдек, маданият фалсафаси инсон маънавий дунёсининг ўзаро алоқасини ўрғанади. Маданият моддийлашади, бу жараён инсон маънавий борлигига кириб боргандагина инсон моҳиятига айланади. У ҳаёт қалби билан бирга яшайди. **Маданият инсон ижоди билан бирга яшайди, унинг фаолияти инсонлашган руҳ сифатида борлиққа кириб боради.** Шунинг учун инсон яратган, архитектура ёдгорликлари, адабиёт, ашула ва рақс, мусиқа маданияти, тасвирий санъат ва маданиятнинг бошқа турлари орқали инсон руҳий дунёсига кириб боришга имкон беради. Бу эса инсоннинг бетакрорлигини кўрсатади.

Маданият инсон мавжудлигининг (экзистенцияси) асоси, ядро-си сифатида намоён бўлади, кўпинча, инсон маънавий ахлоқий позициясини белгилайди; бу уни инсонийликка қараб етаклайди. Демак, Кант таъкидлаганидек, инсонни фалсафий тушуниш-маданиятни англаб етиш демакдир. Маданиятни англаш инсоннинг дунёда тутган ўрни, дунёга ва бошқаларга бўлган муносабатларини фалсафий тушунишнинг шартидир. Мана шунинг учун ХХ асрда маданият, герменевтика, феноменология, тил фалсафаси, антропология фалсафаси, руҳий таҳлил каби фалсафий оқимларнинг текшириш объектига айланди.

Маданият фалсафаси донолик илми сифатида маданиятнинг руҳий ҳолати (рефлексияси)ни намоён қилади, бу ҳолатни рационал (ақлий) - назарий тафаккур доирасида таҳлил қилади, маданиятнинг бир бутунлигини, умумий йўналишларини ўрғанади, маданиятнинг маъно ва аҳамияти, турли кўринишлари ҳақида фикр юритади.

### 4.7.1. МАДАНИЯТ ТУШУНЧАСИ

Маданият тушунчасини бир хил таърифлаш кийин, шунга кўра, уни турлича таърифлайдилар. Кўпчилик файласуфлар уни уч жиҳатдан баҳолайдилар. Чиндан ҳам, маданиятнинг шахс фаолияти, аксиологик қадриятлар ва инсоннинг рамзий дунёси сифатида кўриниши, унинг энг муҳим томонидир.

**Биринчидан**, маданият-ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос соҳаси сифатида инсон ижодий фаолиятининг рўёбга чиқиши билан намоён бўлади. Маданият шахс ижодиётининг ўз-ўзини намоён қилиши асосида боради. Бу даставвал санъат, фан, таълимни ўз ичига олади. Бирок, инсоннинг бошқа фаолиятида ҳам ижодийлик намоён бўлади. Инсон ҳамма вақт мустақил фикрлайди, қилаётган ишининг янги янги йўллари топиб боради. Бу деган сўз **инсон ҳамма вақт ўзини-ўзи намоён қилиб боради, демакдир.**

**Иккинчидан**, маданият реал ҳаётга қадрият жиҳатидан муносабатда бўлади. Бу жиҳатдан маданиятда ҳамма вақт қадриятларга муқаддаслик иштирок этади, инсон муқаррар унга амал қилади. Чунки, булар сўзсиз қадриятлардир. Маданиятга қадрият жиҳатидан қараш идеаллик (юксак гоё) билан, айниқса маънавий ва ахлоқий юксак гоёлар билан боғлиқ. Бирок, маданият қадрият сифатида бутун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, шахснинг дунёқарашини, орзу - идеалларини, мақсад ва вазифаларини ўз ичига олади.

**Учинчидан**, маданият инсон ўз маънавияти, руҳияти, ақли идрок ва қўли билан яратган сунъий рамзийликдир. Бу табиатга нисбатан "Иккинчи табиат"ни ташкил этади. Бунда табиий яралган нарсаларга маданият қарама-қарши қўйилади. Инсон маданий борлиги табиий борлигидан фарқ қилади. Инсон табиатнинг космоснинг бир қисми бўлиши билан, ижтимоий борлигининг ўзига хослиги билан фарқ қилади. Унинг асосий томони маънавий борлигидир.

Маданият бутун жамиятнинг барча соҳасини, инсон фаолиятининг турларини ўз ичига оладими ёки маданият соҳасига кирмайдиган ижтимоий ҳодисалар ҳам борми, деган савол туғилади.

Маълум бўлишича, ижтимоий ҳаётда маданиятдан ташқарида соҳалар ҳам мавжуд экан. Инсон ҳамма вақт ҳам ижодий фаолиятда бўлавермайди. Оддий бажарувчи сифатида ҳам иш кўради. Эркинлик жамиятни белгилловчи маданият дунёсига хос хусусиятдир. *Қант табиатда зарурият ҳукмрон бўлса, жамиятда эркинлик, деган эди.* Бирок инсонда эркинлик билан бирга, зарурият ҳам мавжуд. Зарурият сифатида ижтимоий қонунлар билан бирга табиат қонунларига ҳам амал қилади. Инсон социал табиий қонунларга амал қилишга мажбур. Инсон ўзига топширилган масъулиятни бажариши

керак. Бунда инсон ўзини ўзи мажбур қилишга ҳам боради. Ана шундай заруриятларни ҳаётдан чиқариб ташлаб бўлмайди. Жамият бирлиги фақат эркинликдан иборат бўлса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. "Эркин озод" жамият қуришимиз зарурияти табиат қонунларини рад этиш, масъулиятни назар-писанд қилмаслик асосида эмас, балки шу жамиятни қуришда иштирок этишда ўзимизнинг маъсул эканлигимизни ҳис қилишимизни тақозо қилади.

Эркинлик фалсафий тушунча сифатида кўп босқичли. Эркинлик жамиятни бузишга қаратилган бўлса, унинг маданият билан алоқаси йўқ. Маданият инсон фаолиятини бунёдкорликка йўналтиради. Бузишга қаратилган эркинлик варварлик, ваҳшийликдир, унинг маданиятга алоқаси йўқ. Жамиятда анархия, тартибсизликни келтиради, бундай ҳаракатлар қаттиқ режимни жорий қилишга олиб келади. Афсуски, эркинликни ана шундай тушунадиган шахслар мавжуд. Эркинликнинг иккинчи босқичи - салбий эркинликни англаб етган, ўз фаолиятига ўзи баҳо берадиган, масъулият билан фаолиятда бўладиган, ёмонлик билан яхшиликни, адолат билан адолатсизликни, гўзаллик билан ҳунукликни ажрата биладиган инсон маданияти билан боғлиқ бўлган эркинликдир. Инсон фаолияти, унинг сўзи нимага қаратилганлигини англаб етишдир. Инсон иродасининг илоҳий дунё олдида доим маъсул эканлигини тушуниш, инсон қалбини пок тутиш учун интилишдир. **Демак, эркинлик инсон маънавий дунёсини тартибга қазиради. Бу инсонийликни, миллий ғурур ва ифтихорни ҳимоя қилиш эркинлигини, инсонийликни намоён қилиш эркинлигини ўз ичига олади.**

Эркинликнинг учинчи босқичини ҳаётий, мавжудлик (экзистал) деб аташ ҳам мумкин. Бу у ёки бу масалани мустақил танлаш, яхшиликни англаб етиш эркинлигигина эмас, балки ижодий эркинликдир, яхшилик, эзгуликни яратиш эркинлигидир. Муайян яхшиликка амал қилишгина эмас, балки унинг янги тамойилларини яратиш, ижод қилиш эркинлигидир. Бунда инсон фаолияти ҳаётий масалалар, ҳаётнинг маъноси, яшашнинг мақсадига қаратилган бўлади. *Яхшилик ва ёмонлик масаласи инсоннинг ички туйғуси, виждони, орномуси, қадрияти билан боғлиқ. Бунда инсон ички дунёсида яшириб ётган туйғулар намоён бўлади*

Шунинг билан бирга эркинликнинг сиёсий, иктисодий, ҳуқуқий ва бошқа томонлари борки, булар ҳақида юртбошимиз ўзининг "Ўзбекистон ХХI асрга интиломда" асарида батафсил баён этган. Ҳар қандай эркинлик, агар у инсон ички дунёсини, маънавий борлигини, ўз-ўзини белгилаш асосида бормаса, рӯёбга чиқиши қийин. Масалан, жамиятда ҳуқуқий эркинлик мавжуд бўлса-да, ундан одамлар фойдаланмаса, фойдаланишга интилмаса, ундай эркин-

лик ҳаётга, шахс ҳаётига тадбиқ этилмаса, ҳаётӣй муаммолар ҳал қилинмаса, у амалга ошмайди. Ҳаммадан кўра шахснинг маънавий дунёсида, унинг маданиятида ўзгариш бўлиши керак. Сиёсий эркинлик-сиёсий маданиятни талаб қилади. Эркинлик ташқаридан киритилмайди. Ташқаридан туриб эркинлик дегани билан эркинлик бўлиб қолмайди.

Эркинлик ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўзини ўзи, ўзлигини билиши, ички руҳий ўз-ўзини англаб етиши, ташкил қилиши асосида вужудга келади.

Шўролар даврида Гегелнинг «эркинлик заруриятни англаб етишдир» деган қараши бузиб, соддалаштириб талқин қилинар эди. Одамлар зарурият қулига айлантриб қўйилган эди. Мустабид тузум мафқурасига сўзсиз итоат этишга мажбур қилинди. Шўролар тузуми, унинг мафқураси "ҳаётӣй зарурият" деган қоида билан одамлар онгини захарлар эди.

XX аср фалсафасида эркинлик бундай тушунилмайди. У инсон маънавий дунёсининг асоси, ҳаётининг мазмуни, яшашининг моҳияти сифатида тушунилади ва инсоннинг эркин мулоқотда бўлиши асосида такомиллашиб боради. **Эркинлик инсон бурчининг ўз-ўзига, жамиятга, миллатга бўлган юксак масъулияти билан биргаликда яшайди.** Эркин, мустақил фикрловчи комил шахсни тарбиялаш мамлакатимиз сиёати даражасига кўтарилди. Чунки ижодий эркинлик маданияти инсоннинг ўзлигини, ўз-ўзини намоён қилишни, яхшилик хислатларини ҳимоя қилиш ва реаллаштиришнинг қалити ва паҳс тарбиясининг асосидир.

Маданиятни қадриятлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш қадриятлар ва юксак ғоялар ҳақида маълум билимга эга бўлишни ўз ичига олади. Миллий қадриятларни қайта тиклаш, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларни англаб етиш мақсад ва вазифаларни билиш билан боғлиқ.

Идеаллик - бу юксак ғоя. Инсон келажакка қаратилган, шунга кўра, унга интилиб, изланиб ва ташаббус кўрсатиб яшаш унинг мақсадидир. Инсон фаолияти нимага қаратилган, нима мақсадда яшайди? деган саволга жавобдир. Идеаллик инсонни комилликка ундайди, уни келажакка интилиб яшашга, абадият дунёсига етаклайди. Келажакка умид билан қарабини таъминлайди.

#### **4.7.2. МАДАНИЯТ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ.**

Маданият билан цивилизациянинг фарқини немис файласуфи О.Шпенглер (1880-1936) кўрсатиб берган. У ўзининг "Европа ҳалокати" (1918) номли асарида Европа маданиятининг бўҳронга учраётганини ёзади. Унинг фикрича, бу кризис натижасида маданият ци-

вилазация босқичига кўтарилди. Маданиятнинг цивилизацияга айланиши натижасида ижодийликдан маъносиз ҳаётга, ҳаётий тараққиётдан-қуруқ скелетга, кўтаринкилик асосида интилишдан-эскирган ишга ўтиш юз беради, дейди. "Цивилизация учун қалб, ҳис-туйғусиз интеллект (ақл) характерлидир. Цивилизация шундай маданиятқи, ақлнинг ҳукмронлигига асосланади. Маданият қалб ва юракдан узоқлашади. Маданиятдан қуруқ шакл қолади", - деб ёзади О. Шпенглер. Европа маданиятининг цивилизацияга ўтишида ана шундай ҳолат юз беради, деб кўрсади, у.

Унинг фикрича, ҳар қандай маданиятнинг тугилиш, гуллаш ва танназулга учраш даври бўлади. Европа маданияти ҳам ўзининг яқунланиш даврига етиб келди, деб ёзади олим. Бирок, кўпчилик файласуфлар унинг яқуний ҳулосасига қўшилмайдилар. Уларнинг фикрича (Н. Бердяев, И. Ильин, Ж. Маритен ва бошқалар), кризиснинг сабаби маданиятда маънавий вазиятнинг бузилишидир.

Н.А.Бердяев маданиятнинг ҳаётдаги муваффақиятлилигини цивилизация яқунлайди. Цивилизация ҳаётийликни амалга оширади, деб ёзади (қаранг: Бердяев Н.А. "Тарихнинг мазмуни" М. 1990 521бет).

Худосиз давлат тизими: санъат ва адабиёт, фалсафа ва бадий адабиёт, маънавий маданиятни бухронга олиб келди. Расмий "тўғрилиқ", тартиб қоидалар, инсоний муносабатлар қалбан илиқлик, самимийлик борган сари улардан узоқлашди. Инсонлар муносабати расмиятчиликка айланиб қолади. Бундай ҳолдан қутулиш учун маданиятнинг ўзини маънавийлаштириш керак. Инсон ҳаётининг мазмуни моддийлик билан белгиланишига асосланиши, манфаат учун кураш ва миллатлар ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиши, атеизмнинг мустақил соҳа сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, ҳамма нарсанинг моддийлик билан ўлчаниши, инсон муносабатларининг иқтисодий муносабатлар билан тенглашиши, инсоний кадрятларнинг иқтисодиётга бўйсундирилиши инсонийликнинг кадрятларини пастга уради.

Одамларнинг ўз ақлига бўйсуниб ва борлиқни ўзига бўйсундириб яшаши каби жараёнлар инсон қалби, ҳис-туйғуларидан узоқлаша борди. Натижада, маданият ҳам ақлга бўйсундирилди. Буларнинг барчаси маданий кадрятларни қайта кўриб чиқишни, янги дунёқараш, янги тафаккур асосида маданият дунёсини таҳлил қилишни тақозо этди. Одамлар ўртасидаги янги инсоний муносабатлар асосидаги маданият тизимини барпо этиш вазияти вужудга келди. Янги давр файласуфлари XIX ва XX аср фожеалари сабоқларини ҳисобга олган ҳолда, янги маданиятни ва унинг рамзи, ҳаётийлигини ишлаб чиқдилар.

Рамзийлик ва маъно – маданият, маълум даражада, символлар дунёсидир. Биз маданият дунёсида яшар эканмиз, демак, символлар дунёсида яшаймиз. Символлар асосидаги маданият дунё қандай бўлса шундайлигича ифода этмайди, балки унинг белгилари, муносабатларини ифодалайди. Бошқа предмет, ходиса тўғрисида ахборот беради. Инсон фаолияти доим символ билан иш қилади. Маданиятнинг символик концепцияси дунёнинг янги маъноси ва мазмунини очиб беради.

Дунёнинг моҳияти символларда чуқурроқ ва умумийроқ қилиб тушунтирилади. Символлар билишнинг асосини ташкил қилади. Булар орқали ахборот олинади, таҳлил қилинади ва бошқалар билан муносабатда бўлади. Бугунги цивилизация дунёси символлар асосида бормокда. Шўролар даврида *инъикос* назариясини асосий ўринга қўйилиб, символлар назарияси инкор этилган эди.

Хулоса қилиб айтганда маданият тушунчасини таҳлил қилганда унга қуйидагича ёндошиш керак:

- 1) қадриятлар сифатида қараш;
- 2) инсон амалий фаолияти сифатида қараш;
- 3) семантик ва символик нуқтаи назардан қараш;
- 4) тузилиши нуқтаи назардан қараш;
- 5) гуманитар (инсонийлик) принцип асосида қараш.

Булар, юқорида айтганимиздек, маданиятнинг турли қирраларини очиб беради.

Инсон маданият дунёсида яшар экан, ўзининг ахлоқи, бадий қарашлари, сиёсий фаолияти, ҳуқуқий қарашлари, дунёқарашини, билими билан унинг ҳаётийлигини таъминлайди. Маданият қондалари нормалари кундалик ҳаётда шаклланиб, инсон яшашининг асосига айланади.

Цивилизация сўзи даставвал XVIII асрда француз тилида пайдо бўлди (*лотинча civilis - фуқаролик, давлатчилик деган сўздан келиб чиққан*). Баъзида ривожланган жамият маъносида, баъзида ақлга, адолатга асосланган идеал жамият маъносида ишлатиб келинди. Баъзида цивилизация маданиятнинг синоними сифатида ҳам қўлланади.

Ҳозирги замон фалсафасида цивилизацияга уч хил қараш мавжуд:

- Муайян давр цивилизацияси назарияси.
- Тарихий босқичма-босқич назарияси.
- Бугун дунё тарихий жараёнлари назарияси.

Биринчи нуқтаи назарга кўра тарихан турли цивилизациялар мавжуд (Шарк, Ғарб, Ислом, Осиё, Хитой, Ҳинд ва бошқалар). Иккинчи қарашга кўра, цивилизация босқичма-босқич ривожланади.



Бугунги кунда турли цивилизациялар боскичлари ҳақида фикрлар пайдо бўлган. Ҳатто цивилизациянинг "оғзаки", "ёзма", "китобий" ва "экранли", "Космогеония, технология и антропология" боскичлари ҳақида ёзилмоқда.

Цивилизацияга технократик, иктисодий, социал ёндошувлар ҳам мавжуд. Бугунги кунда цивилизацияни техник жиҳатдан: анъанавий (аграр), индустриал ва постиндустриал (информацион) боскичларга бўлмоқдалар (У. Ростои, Д. Белл, Э. Тоффлер).

Биринчиси қишлоқ хўжалигига, табақали, пастанд тепага бўйсунтиришга асосланган социал тизимга ва ҳокимиятга эга бўлган жамият. Бунда мулкнинг, бойликнинг ва яшашнинг манбаи ер ҳисобланади. Инсонлар бевосита табиат билан муносабатда бўлиб яшайдилар. Бу *"анъанавий цивилизация"* деб аталади.

Индустриал цивилизация оғир саноатнинг ривожланиши билан белгиланади. Илмий – техник равнақ асосида кўл меҳнати машина билан алмашади. Фан ютуқлари техникага тадбиқ этилади. Меҳнат унумдорлиги ошади. Саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо мустақил соҳа сифатида майдонга келади. Урбанизация кучаяди. Инсонлар табиат билан бевосита эмас, меҳнат воситалари орқали муносабатда бўладилар. Ер ишлаб чиқариш воситалари асосида бойликка айланади. Йирик саноат марказлари, индустриаллашган марказлар вужудга келади. Молия ва иктисодий устунлик жамиятнинг мавқеини, тузилишини белгилайди.

Индустриал цивилизацияда капитал, меҳнат жамият асосини ташкил этади. Гигант куч (саноат) бутун дунёга тарқала бошлади. Бу цивилизация XX аср ўрталарида яқунланди. Ҳамма жойда, индустриал цивилизация ҳукмрон бўлди. (Шу боскичда бўлмаган халқларга ҳам ўз таъсирини ўтказди). Миллионлаб одамларнинг ҳаёт тарзи ўзгарди. Бироқ унинг ҳукмронлиги узокқа бормади. *"Постиндустриал цивилизация"* пайдо бўла бошлади. Тоффлер ибораси билан айтганда, "учинчи тўлқин" майдонга келди. Бу "тўлқин" ўзи билан янги институтлар, муносабат, кадриятларни олиб келди. Унинг фикрича, асрмизнинг 50-йилларида саноат ишлаб чиқариш янги белгиларга эга бўлиб, техниканинг янги типлари пайдо бўла бошлади. Буларнинг барчаси меҳнатни ихтисослаштиришни тақозо этди ва бошқаришнинг ташкилий шакли кенгая бошлади. Нашр этиш, мақола эълон қилиш ҳажми кенгайди. Тоффлер фикрича, буларнинг барчаси фавқулодда бўлиниб, майдалашиб кетиш жараёнини кўрсатар эди. Бу эса, ўз навбатида, информацияни вужудга келтиради. Тоффлер айтганидек, индустриал асрнинг анъанавий структураси сусая бошлади. Оммавий ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш, тақсимотга асосланган тизимга путур ета бошлади. Индустриал жамият шахснинг ўзига ҳослигини ҳисобга олмаслиги аён бўлиб қолди. Бу жами-

ят дунёнинг бир модели, бир ўлчовли детерминизм, рационал метод асосида тушунтирилди. Бутун маданият, илм - фан ана шу принцип асосида иш юритди. Тафаккур тарзи ҳам ана шу фалсафага асосланди. Миллион-миллион одамлар бир вақтда ишга келиб, бир хил ишни бажарадиган бўлдилар. Бир хил қурилган уйларда турдилар. Техника, ишлаб чиқариш, илм-фан қанчалик стандартлашган бўлса, инсонлар ҳаёти ҳам шунга мослашиб борди. *Тоффлер "Информацион портлаш" социал структуранинг емирилишига олиб келди, деган эди.*

*Нега илгариги социал тизим емирила бошлади?*

*Нега технология янгиланмоқда? деган саволларга яқдил жавоб йўқ. Тоффлер фикрича, техника, технологик жараёнлар ўзгариши жамиятнинг барча соҳаси - иқтисод, сиёсат, маданият, турмуш ҳаёт тарзини тубдан ўзгартиб «Портлаш эффекти»ни тугдиради.*

И.Каримов миллий кадриятларни тиклаш, ривожлантириш, мустақиллик мезони асосида баҳолаш, бугунги кун жаҳон цивилизацияси ютуқларидан фойдаланган ҳолда келажакни тасаввур қилиш ғоясини майдонга ташлади. Тоффлер технологик ўзгаришлар эволюция асосида боришини айтди. Ислоҳ Каримов таълимоти бу фикрни рад этмайди. Бироқ, жамият тарақиётини таъминлаш, техника ва технологик жараёнларни амалга ошириш учун инсонни тайёрлаш, унинг маънавий дунёси, маданияти, ақлий салоҳиятини ривожлантириш кераклигини таъкидлади.

*«Таълим-тарбия-он» маъсули , лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим - тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартиб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад - озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.» дейди Каримов И.А.(Баркамол авлод орзуси Т. 1999 3-бет).*

Демак, И.А.Каримов олдимизга қўйган мақсадга маънавият-маърифат орқали, онгнинг етуклиги асосида эришилади.

*«Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт - жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият - маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи ва жонидир»,- дейди И. Каримов (Ислоҳ Каримов Миллий мафкура ҳақида. Т. 2000 17-бет).*

Хулоса ўрнида: постиндустриал цивилизацияда инсон билими фан жамиятнинг асосий манбаи бўлиб қолади. Ишлаб чиқаришнинг юксак ривожланиши, юксалиши замонавий макроэлектроника ва компьютер техникасига асосланади. Булар оммавий ахборотларни вужудга келтиради, ахборотни мужассамлаштиради ва қайта таҳлил қилади. Коммуникация тизимидаги ўзгариш-хўжалик тизимини ўзгартиради. Юксак оммавий эҳтиёжнинг ўсиши, умуман аҳолига

хизмат соҳасининг ўсишига олиб келади. Шахсий эҳтиёжни қондириш, шахсий буюртмаларни бажариш хусусиятини, унинг кадриятларини намоён қилишга қаратилган маданиятни вужудга келтиради.

#### 4.8. ЖАМИЯТНИ БОСҚИЧЛАРГА БЎЛИШ НАЗАРИЯСИ

Марксча таълимотга кўра, жамият беш ижтимоий-иқтисодий формация бўлиб ўрганилар эди. Шўролар даврида бутун ижтимоий-ҳаётий-тарихий жараён ана шу нуқтаи назардан қараб таҳлил қилинарди. Коммунистик ижтимоий-иқтисодий формация энг охириги ва яқунланган жамият деб қараларди. Бу назария иқтисодий соҳани биринчи ўринга қўярди. XX асрга келиб бу масалаларни қайта кўриб чиқишга тўғри келиб қолди, чунки ривожланган мамлакатларнинг ўзига хос томонлари бўлиши билан бирга, уларнинг умумий, бутун дунёвий йўналишларга хос белгилари намоён бўлиб бораётгани кўриниб қолди. Илмий-техника тараққиёти ана шундай умумий дунёга хос йўналишларнинг шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолди. Илмий-техника ютуқлари бутун дунёга тарқалиб, деярли бир хил социал оқибатларга олиб келди. Ҳамма минтақа ва жойларда, мамлакатларда бир хил тақсимотни кўрсатди.

Шунга кўра, жамиятнинг қайси босқичда, қайси даражада ривожланишининг универсал типологиясини аниқлашда илғор технологияни, фан-техника ютуқларини жамиятга тадбиқ этишни ҳисобга олмасдан иложи йўқ.

Бундай ёндошиш ҳозирги замон Америка социологи Д.Белл майдонга ташлаган *постиндустриал жамият назариясида* ва унинг замондоши О.Тоффлернинг *учинчи технологик тўлқин назариясида* аниқ ва тўлиқ баён этилган. Д.Беллнинг назариясига кўра, жамият учта типга бўлинади, бу жамият изчиллик билан ривожланиб бораётган уч босқични ўз ичига олади.

**Жамият ўз бошидан учта: индустриал жамиятгача бўлган, индустриал ва постиндустриал босқични босиб ўтади.** Бугунги кунда ҳам ана шу босқичда яшаётган мамлакатлар бор. Жумладан, Африка мамлакатларининг кўпчилиги, Латин Америкасидаги ва Жанубий Осиёдаги қатор мамлакатларда тарихнинг индустриал жамиятгача бўлган босқичи ҳукмрон. Бу мамлакатларда асосан деҳқончилик, балиқчилик, чорвачилик, тоғ ва руда саноатлари ва шу каби соҳалар ривожланган. Буларнинг ҳаммаси бевосита табиий ресурслардан фойдаланишга қаратилган соҳалардир.

Мана шу соҳаларда 70% ишга яроқли аҳоли банд. Индустриал жамиятгача бўлган босқичда инсон томонидан ўзлаштирилмаган табиий ресурслардан фойдаланиш одамларнинг ҳаётий фаолиятида асосий тамойилни ташкил этади.

Европнинг кўплаб ёки бир қатор мамлакатлари, шўролар дав- ридан кейинги мустақил давлатлар индустриал жамият турига кири- тилмоқда. Бу жамият турида саноатнинг ривожланишига, жумладан оғир индустрияни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилган бўлади.

Индустриал жамиятда шу мамлакатдаги энергия ва ресурслар- дан фойдаланилади. Бундан мақсад халқ истеъмол товарларини кўпроқ ишлаб чиқариш, жамият ҳаётини яхшилаш, қулайлик яра- тиш. Ишлаб чиқаришда автоматлаштиришдан кўра механизациялаш устун туради, оммавий стандартлашган товарлар ишлаб чиқариш ус- тун равишда ривожланади. Беллнинг фикрича, индустриал жамият- нинг асосий тамойили-ўзлаштирилган табиат учун инсонлар ўртаси- да “ким ўзди”қабилида рақобат қилишдир. Тоффлер фикрича, маълум меъёрда ишлайдиган жамият одамлар стандарт асосида иш- лаш, яшаш, турмуш кечиришга кўникиши одамнинг ўзи ҳам стан- дартлашиб бориши асосида вужудга келади.

XX асрнинг кейинги ўн йилликларида АҚШ, Япония ва Евро- падаги қатор мамлакатлар постиндустриал жамият босқичига ўтмоқ- да. Бу жамиятнинг энг асосий томони ижтимоий ишлаб чиқаришда информация олишга, уни қайта ишлаш ва сақлашга қаратилган. Ав- томатлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнида одамлар индустриал жамиятга қараганда кам банд бўлмоқда. Меҳнатга яроқли кишилар- нинг хизмат соҳаларидаги улуши кўпайиб бормоқда.

Постиндустриал жамиятда тараққиёт фан ютуқларини ишлаб чиқаришга мақсадли ва тез жорий қилиш асосида боради. Фунда- ментал фанлар ишлаб чиқаришга изчиллик билан ва айни вақтда жамиятни фожеали оқибатлардан ҳоли қилган ҳолда тадбиқ этилади. Жамиятнинг ҳаётий принципларида тубдан ўзгаришлар юз беради. Инсон билан табиат ўртасидаги масаладан инсон билан инсон ўрта- сидаги асосий масалага ўтиш рўй беради. Инсонлар ўртасидаги му- носабат табиатга бўлган муносабатга эмас, балки, аксинча, табиатга бўлган муносабат инсонлар ўртасидаги муносабатга боғлиқ бўлиб қолади. Чунки, инсоний муносабатларни намоён қилиши асосида табиат ва жамиятни ўз уйига айлантириш мумкин.

Постиндустриал жамият назариясига яқин таълимотни О.Тоффлер ўзининг учинчи тўлқин назариясида баён этган. Унинг фикрича, **инсоният уч технологик тўлқинни** бошидан кечирган. **Биринчи тўлқинда** асосий бойлик Ер ҳисобланса, **иккинчисида** ишлаб чиқариш - восита асридир. Бу тўлқин XIX асрдан бошланиб, XX асрнинг биринчи ярмига келиб яқунланди. **Учинчи-технологик тўлқин** автоматика, электроника, ва компьютер техникасини жорий

қилиш билан белгиланади. Булар кенг кўламда конвейерлар бўлиб, оммавий ишлаб чиқаришни стандартлашни чеклашга олиб келди.

Учинчи тўлқин жараёнида турмуш тарзи бевосита шахсий эҳтиёжни қондиришга қаратилади, шахсий буюртма, шахсий талаб – конкрет буюртмани ҳисобга олишга томон ўтилади. Учинчи тўлқин иқтисодиёти шахсдан маълум стандартдаги қоида ва вазифаларни бажаришни эмас, механик ҳаракатнинг таркибий қисми бўлиб фаолият кўрсатишини эмас, балки зудлик билан шахсий эҳтиёжга мувофиқ ўзгара билиш, ижодий ёндоша билишни талаб қилади. Натижада учинчи тўлқин иқтисодиётида ҳар бир юмушчидан тадбиркор бўлиш, ташаббускор бўлиш талаб қилинади. Бунинг учун шахс эҳтиёжини, унинг эстетик диди ва ахлоқий қиёфасини билиш тақозо этилади. Буларнинг барчаси одамлар билан самимий муносабатда намоён бўлади. Инсонлар ҳар томонлама ривожланган бўлиши талаб қилинади.

Жамият учинчи тўлқин босқичига кирар экан, таълимнинг аҳамияти янада ортади: ундан кенг билимли, юксак маънавий қиёфали шахсни тайёрлаш талаб қилинади. Бундай жамиятда тарбия, ёшлар муаммоси, ўтмиш билан ворислик, соғлом авлод масаласи биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади.

Асримизнинг 70 йилларида ижтимоий ҳаётда “*модернизация*” деб аталган концепция ҳақида турлича фикрлар вужудга келди. XX асрда пайдо бўлган постиндустриаллаштириш ва учинчи тўлқин ҳамда модернизация назариялари жамиятнинг изчиллик билан ривожланиш эволюциясини кўрсатиш билан бирга ижтимоий ҳаётнинг ҳозирги босқичида эволюциянинг турли даврида турган мамлакатларни таҳлил қилишда фундаментал назарий асос бўлиб хизмат қилади. Улар бир-биридан ижтимоий-иқтисодий, техник ва технология жиҳатдангина эмас, балки инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг хиллари нуқтаи назаридан ҳам, янги дунёқараш, янги муносабатларнинг вужудга келиши билан ҳам фарқ қилади.

Модернизация назарияси ўтмиш назариясидан фарқли ўларок, жамиятнинг дунё миқёсидаги турли-туманлигини чуқурроқ ўрганди. Бу назария ижтимоий ҳаётни ғарб мамлакатлари нуқтаи назаридангина эмас, ундан ташқаридаги дунё нуқтаи назаридан ва ҳодисалар асосида кенгроқ таҳлил қилади. Жамиятнинг ўзига хос бетакрор хусусиятлари ва белгиларини ҳам кенг ўрганади. Мана шунинг учун бу назария жамиятнинг ўзига хос томонларини таҳлил қилганда кенг кўламдаги фактларга асосланади. Бу фактлар турли мамлакатларнинг халқлари ва миллатларининг ўзига хос томонини ифодалайди. Бу эса, **ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил, мураккаб эканлигини, уни алоҳида назариялар билан тўла ифодалаб бўлмаслигини кўрсатади, натижада турлича фикр ва қарашларни вужудга келтиради.**

Модернизация назариясига кўра, жамият икки хилга бўлинади: Анъанавий ва ҳозирги жамият. *Анъанавий жамиятдан ҳозирги жамиятга ўтиш жараёни модернизация деб аталади.*

Ғарбда модернизация XIX асрнинг биринчи ўн йиллигидан XX асрнинг 50-йиллигача бўлган даврни ташкил қилган. Модернизация даври, маълум даражада, Д.Белнинг индустриал жамият ҳақидаги концепциясига мос келади.

Модернизация назариясига кўра, анъанавий жамият социал ҳаётда диний ва мифологик тасаввурлар билан белгиланади, ривожланиш цикли (босқичли) характерга эга бўлади. Жамият коллектив характерга эга бўлиб, шахсга ажралмайди. Ақлга, асосланган тафаккурга, нарсалар ва буюмлар қадрига унчалик эътибор берилмайди; ҳокимиятнинг авторитар характерга эга бўлиши (келажак учун эмас) инсон руҳиятида анъаналарга асосий эътибор бериш, янгиликлар устидан анъаналарнинг ҳукмронлик қилиши каби хусусиятлар характерли ҳисобланади.

Ҳозирги жамият тушунчаси (модернизация маъносида) анъанавий жамиятдан тубдан фарқ қилади. Бунда анъанага (традицияга) қараганда янгилик устун туради. Социал ҳаётнинг илмий талқин қилиниши, босқичли ривожланиши, шахснинг ўзига ҳослигининг ажратилиши, амалий ҳаёт кадриятига устун даражада эътибор бериш; ҳокимият тизимида либерал-демократия ўрнатилиши, ишлаб чиқаришнинг мақсади кундалик эҳтиёжни қондиришга эмас, балки келажакка қаратилиши, купчилик одамларнинг фаоллашиши, фаолиятда бўлиш психологиясининг шаклланиши рўй беради. *Модернизация назариясига кўра, “ҳозирги” тушунчаси хронологик маънони билдирмайди. Бугунги кунда мавжуд бўлганлар “ҳозирги” бўлавермайди.* Уларнинг кўпи анъанавий бўлиб қолган. Баъзилари эса, постмодернизация жамиятига тегишли.

Ҳозирги замон ижтимоий ҳаёт типига жамиятнинг ўзига хослиги, кифоаси қалби, руҳи, ҳаёт тарзи, фикрлаш стили киради. Бу “модернизм” атамаси билан аталади. *Ҳозиргидан кейинги жамият эса, “постмодернизм” деб аталади.* Биз уларни умумий тарздагина баҳоладик. Уларнинг конкрет томонлари ҳам бор. Масалан, анъанавий жамиятда “шахснинг ажратилмаган”лиги, яққол кўзга ташланадиган шахслар йўқ дегани эмас. У жамиятда ҳам яққа шахслар мавжуд, бироқ шахс ўзига хосликни кўрсатиш, шахсий ҳислатларини тўла намён қилиш даражасида бўлмайди. Шахс ўзининг ҳислатларини жамоа орқали ифодалайди. Акс ҳолда, унинг фаолияти жамоатчилик томонидан маъқуullanмайди. Шунга кўра, алоҳида нарсалар қадридан кўра дунёқараш қадриятлари устун туради. Улар бири-бирдан ажралмаган десак ҳам тўғри бўлади. Бу жамиятда у ёки бу шахснинг мувффақияти, фаолияти ва дунё тўғрисидаги тасаввур

бир-биридан ажралмаган. Ички ва ташқи цензура (жамоатчилик орқали ва ўз-ўзини бошқариш) инсон фаолияти ва тафаккури авторитаризмга олиб келади.

Модернизация жараёнида либераллаштириш (эркинлаштириш) ва ҳозирги замон илмий-техник жараёни ўзлаштириш қадриятга айланиб боради. Бу икки қадрият жамиятда ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

Мумтоз либераллаштириш ғояси ғарбда XVII-XVIII асрларда шаклланди. Унинг асосчилари Ж.Локк, Т. Гоббс, И. Кант, Б.Франклин, Ж.Ж.Руссо ва бошқалар бўлиб ҳисобланади.

*Бизнинг давримизда сиёсий ва иқтисодий либераллаштиришни фарқ қиладилар, шунинг учун бугунги кунда либераллаштириш янги босқичга кўтарилган. Жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий соҳаларининг гина эмас, балки “ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш муҳим ҳисобланади.*

*Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, янги маъно-мазмун билан бойитиш, унинг изчиллиги ва самарасини таъминлаш - мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг мазкур босқичда олдимизда турган энг долзарб вазифадир.*

**(12) И.Каримов**

Ислом Каримов мамлакатнинг сиёсий, давлат қурилиши ва бошқарувида иқтисодиёт, маънавият, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсий ҳафсизликни таъминлаш соҳаларидаги бош стратегик мақсадларини белгилар экан, уларни демократлаштиришни янада чуқурлаштириш кераклилигини таъкидлади.

*Бу, лўнда қилиб айтганда, ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришишдир.*

**(12) И.Каримов**

*Либерализм кенг маънода шахснинг ҳуқуқ ва эркинлигини устун даражада ҳисобга олиш тўғрисидаги таълимот бўлиб бу, энг аввало, ҳар бир фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода қилиш, ахборот олиш, давлат ва жамият қурилишининг ўта муҳим масалаларини муҳокама этишда фаол қатнашиш ҳуқуқини таъминлаш демакдир.*

*Бу, даставвал, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамларимиз онгида демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат.*

**(18) И.Каримов**

Бу принцип жамиятда шахс эркинлиги қай даражада таъминланганлигини кўрсатади. Либерализм тамойилига кўра, жамиятда эркин фикрловчиларнинг рақобати, муҳолифлиги мавжуд бўлади. Альтернатив фикрлар бемалол кураша олади. Мана шу жараён жамиятни ҳеч қачон бузмайди, балки мустаҳкамлайди. Жамиятни ривожлантиришнинг турли моделларини майдонга ташлайди. Шу асосда жамиятнинг динамик ривожланиши таъминланади. Ҳар бир одам ўз манфаатларини мақсадга мувофиқ йўллар билан амалга ошириб боради. Шахсларнинг мана шундай интилишлари жамиятни ривожлантиришнинг йўналиши бўлиб қолади.

Мумтоз либерализм кўпчилик ўз меҳнати, кучи ва энергиясини жамиятни бузишга эмас, балки уни тузишга, ривожлантиришга қаратади, озчилик эса, ўз кучини бузишга қаратади, деган фикрга асосланган. Бирок, бу фикр ўта мавҳум ҳал қилинган. Инсон ҳуқуқи ва эркинлиги у ёки бу даражада бузиб келинган. Либерализмнинг энг асосий қондаси шундан иборатки, жамият, давлат, давлат томонидан шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш мумкин эмас, дейилган ҳолда инсон эркинликларини бузиш ҳисобига ўз мақсадига эришишга йўл қўйилганди.

Шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини бузишни мақсадга эришиш воситаси деб ҳисоблаган давлат ёки жамият ташкилоти жамиятни ривожлантиришга ҳисса қўшмайди, аксинча жамиятни бузишга олиб боради. Эркинлаштириш (либерализация), Президентимиз айтганидек, давлатнинг шахсий ҳаётга аралашини камайтириш, чегаралаш асосида боради. Мумтоз либерализмда давлат шахсни унга таҳдид қилаётган нарсалардан ҳимоя қиладиган ташкилотдир. У шахснинг ишига керак бўлганда аралашади.

Либераллаштириш давлат структурасидан ўз шахсий манфаати, учун фойдаланиш, шахсий бойиш мақсадида фойдаланишга йўл қўймайди.

**Модернизация жараёнида либераллаштириш борган сари жамият аъзолари онгига сингиб боради, ижтимоий ташкилотларнинг аҳамияти ортиб боради.**

Либераллаштириш реал ҳаётда у ёки бу жамиятда оғиш бўлиши мумкинлигини кўзда тутади. Умумий стратегик мақсадлар режада кўрсатилгандек давом этмайди. Унинг асосчилари кўрсатган лойиҳадан четга чиқишлар ҳам бўлади. Шунга кўра, модернизация жамиятида либераллаштириш принциплари амалий реаллик сифатида эмас, балки кўпчилик маъқул топган қадриятлар сифатида амал қилади.

Модернизациялашган жамият йўлидан, биринчи бўлиб ғарб мамлакатлари борди. Либераллаштириш принциплари бўлган икти-



содни қайта ташкил қилиш, фан ва техникани ривожлантириш учун узоқ йиллар кетди. Шунинг билан Ғарб илмий-техникани кашф этди. Бу эса, Ғарбнинг маҳсулидир. Ғарбдан ташқаридаги модернизация жараёни ғарбнинг чакириғига жавоб тарзида борди. Шунинг учун ғарбдан ташқаридаги модернизация унинг тажрибасини олиб, иккинчи бўлиб майдонга келди. Бундай модернизация Ғарбнинг йўлидан бориш, унинг ютуқларидан фойдаланиш демакдир. Бирок И.Каримов таъкидлаганидек, тажриба ва тараққиёт моделларидан “*кўр-кўрона нухса кўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш*” керак.

Модернизация тўлиқ ёки хусусий бўлиши мумкин. Тўлиқ модернизация жамиятнинг бутун соҳаларини ўз ичига олса, хусусийси жамиятнинг айрим томонларини ўзгартиради, холос. Тўлиқ модернизацияга Япония мисол бўла олади. Япония иккинчи жаҳон урушидан сўнг анъанавий жамиятдан ҳозирги замон жамиятига ўтди. Анъанавий жамиятдан ҳозирги замон жамиятига ўтиш сакраш бўлди. Илмий-техника ютуқлари Япония жамиятига ташқаридан зудлик билан киритилди. Даставвал, Ғарб ва АҚШ таъсирида ривожланди. Хусусий модернизациалашига ҳозирги Хитойни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Хитой ўз ишлаб чиқаришини, бозор иқтисодиёти соҳасида фаол модернизациялаштирмоқда. Шунинг билан сиёсий соҳада анъанавий, авторитар шаклда қолмоқда.

Модернизация жараёни собиқ шўролар даврида ҳам бўлган. Бу модернизация ҳам Ғарбга етиб олиш асосида борган. Шўролар даврида асосий масала қайта ташкил қилишга (реконструкцияга) асосланган либераллаштиришга мутлақо қарама-қарши эди:

Модернизация жараёнининг бугунги кун Ўзбекистонда қандай бораётгани Каримов асарларида мукамал баён этилган. Ўзбекистон “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” сари ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлидан борар экан, бунда ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш тамойилларини қўллар экан, Ғарб мамлакатлари эришган ютуқдан фойдаланмоқда, уларнинг техник тараққиётидан, технологик ютуқларидан ўрганмоқда.

*Шу билан бирга, биз халқимизнинг асрий олийжаноб анъаналарига, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга доимо содиқ қолишимиз керак.*

### **(13) И.Каримов**

Мамлакатимиз янги жамиятга ўтар экан, бу жараён иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳаларни эркинлаштириш, фан ва техника янгиликларини ҳаётга тадбиқ қилиш асосида боради. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётини тубдан ўзгартириш, маърифий жамият қуриш асосида боради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги туб ўзгаришлар, эркин ва комил инсон тарбияси

жамиятимизнинг тараққиёти заминидир. Бу эса, бутун ижтимоий борликда (ишлаб чиқариш, оила, турмуш, дам олиш, истеъмол соҳаларида) “портлаш самарасини” беради.

Жамиятимиз эволюцион йўл билан янги жамиятга ўтмоқда. Бугунги кун либерал демократия меъёрларига тўла мос келадиган, янги моделлашган жамиятдир. Бунда анъанадан кўра янгиликлар, фан маънавият равнақи устун даражада ривожланади. Жамиятимиз таҳдид солаётган ички ва ташқи кучларни мардона енгиб, янгилик томон интилаверади.

#### **4.9. ЛОКАЛ ЦИВИЛИЗАЦИЯ НАЗАРИЯСИ, МОДЕРНИЗМ ВА ПОСТМОДЕРНИЗМ**

**«Постмодернизм – радикал кўп фикрлиликдир»  
В.Вельш.**

Биз постиндустриализм жамияти, учинчи тўлқин, модернизация назарияларини кўриб чиқдик. Буларнинг ҳаммаси босқичли назариялар бўлиб, дунё ижтимоий ҳаётининг ривожланиш босқичларини кўрсатиб беради. XX асрда ижтимоий ҳаёт тўғрисида бошқа назариялар ҳам вужудга келди. Бундай назариялардан бири локал (алоҳида) цивилизация деб аталади. Локал цивилизация назариясини майдонга келтиришда инглиз тарихчиси ва файласуфи А.Тойнбининг хизмати катта. Бу назария босқичли назариядан фарқ қилади. Чунки, босқичли назария дунё цивилизациясининг умумий тараққиётига тегишли бўлса, локал цивилизация назарияси айрим олинган минтақа ва мамлакатларга тегишлидир. Биз мана шу илмий назарияларни солиштирсак, уларнинг фарқи, ҳатто қарама-қарши томонларини кўраемиз. Босқичли назарияга кўра, бутун дунё тарихи бир бутунликка эга. Ҳамма халқлар, ҳамма мамлакатлар у ёки бу шаклда ана шу босқичларни босиб ўтади.

Локал цивилизация назарияси эса, тамомила бошқача фикрни майдонга ташлайди. Унга кўра, инсоният тарихида ягона жараён мавжуд эмас, балки алоҳида цивилизациялар пайдо бўлади, ривожланади ва қулайди, инсоният тарихи ўзига хос алоҳида цивилизациялардан ташкил топади. Локал цивилизация тарафдорлари бутун дунё учун умумий жараёнлар, йўналиш ва босқичларнинг борлигини тан олиш Европа цивилизациясининг Европача фикрлаш натижаси деб айтадилар.

Бутун дунё халқларининг умумий ривожланиш назариясига кўра, бутун дунё халқлари бир бутун тарзида ривожланади.

Локал цивилизация назарияси тарафдорлари ривожланиш, даставвал алоҳида олинган жамиятда юз беради, деб айтади. Биринчи назария миллий давлатларнинг асосий вазифаси умуминсоний тараққиётга мослашишдан иборат, деб кўрсатса, иккинчи назарияга кўра, миллий давлат ўз цивилизациясини ривожлантириш, такомиллаштириши учун ҳаракат қилади. Шундан кўринадики, бу концепциялар бир-бирини рад этиб келган. Шунга кўра шўролар даврида ижтимоий ҳаёт умумий босқични босиб ўтади, деб ҳисобланади. Беш йиллик план ижтимоий-иқтисодий концепцияни майдонга ташлаб, локал цивилизация назариясини ҳисобга олмас эди. Миллий республикаларнинг мустақил ривожланишини тан олмас эди. «Ҳамма йўл коммунизмга олиб боради»,- деган қоидага асосланган эди.

Ҳозирги замон локал цивилизация назарияси кўп киррали, кўп ўлчовли, кўп режали, кенг кўламлидир.

Дунёнинг умумий тенденцияси, умумий босқичлар назарияси, фикримизча, сабаб ва оқибат асосида, чизиқли тафаккур асосида қурилгандир. Диалектика қонунига кўра, умумий тенденциялар бир бутун жараён сифатида ривожланади.

Конкрет, алоҳида цивилизациялар тўғрисида гапирганда синергетика тамойиллари амал қилади. Чунки синергетика конкрет тизимнинг пайдо бўлиши, ва шаклланиши жараёнининг табиий-илмий асосини беради. Алоҳида олинган тизимнинг эволюциясини очиб беради. Тизимни кўп имкониятли, кўп ўлчовли, кенг кўламли тарзида тасаввур қилади.

Юқоридагиларни хулоса қилиб айтганда, бутунги кунда бутун жамиятнинг умумий йўналиши, умумий тенденцияси мавжуд. Шунинг билан алоҳида халқ, миллат, давлат ўзига хос махсус цивилизацияда яшаётганини ҳам кўрамыз. Шунга кўра, ғарб, шарқ цивилизацияси, Америка, Россия цивилизацияси каби тушунчалар мавжуд. Шунинг билан индустриал, постиндустриал цивилизация босқичидаги халқлар деган тушунча ҳам ишлатилади.

*М.Лернер таъкидлаганидек, О.Шпенглер ва А.Тойнбилар дунё тарихининг буюк цивилизациялари ғарбий Европа, Россия, ислом мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой ёки Америка кабиларнинг ҳар бири шахсий тақдирига, ҳаёт йўли ва ўлимига, ўз юраги, иродаси ва ўзининг характерига эга эканлигини кўрсатиб берди.*

**(20) В.Ф.Шаповалов**

Кейинги йилларда ғарб цивилизацияси чегараси кенгайди. Шарқий Европа мамлакатлари ҳам бу цивилизацияга қўшилиб бормоқда.

Биз юқорида Шарқ Ғарбнинг ифодаси, у қувиб етиш асосида модернизациялашган жамият қурмоқда, деб айтдик. Масалан, Япония, Туркия каби давлатлар ғарб цивилизациясига қиради деган

фикрдан йироқмиз. Улар шарқ мамлакатлари, уларнинг шарқона хослиги бор, шарқона анъаналарга эга. Уларни ғарб билан айналлаштириб бўлмайди. Шунинг билан Шарқ Ғарбдан ажралган ҳолда яшайди, деган қарашдан ҳам йироқмиз. Бироқ, жамиятимизни модернизациялашда ғарб билан мустақкам алоқа ўрнатиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш, уларнинг илғор технология, илм фанларидан фойдаланиш зарур. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлидан боради, ўзи ўрни, йўли билан XXI асрга кириб бормоқда. Ўзининг цивилизацияни йўлидан кетаверади.

Цивилизациянинг турли-туманлиги бизни постмодернизм тусунчасига яқинлаштиради. *Ҳаёт тарзи ва фикри, ўзига хос маънавий ҳаёти жиҳатдан модернизация босқичи яқунланган жамият постмодернизм деб аталади.* Буни «постзамон» (замондан кейинги) жамияти деб ҳам юритилади. Постмодернизм назариясига кўра, ғарб мамлакатлари асримизнинг 70-йилларидан бошлаб модернизация босқичига кира бошлади. Ўз кучи, ўз салоҳияти билан уни ижодий шакллантирди, Бунда ҳар бир мамлакат ўзининг миллийлиги ва цивилизациясининг хос томонларига, анъаналари ва маданиятига асосланди. Постмодернизм (постзамон) жамияти анъанавий жамият билан янги жамиятнинг синтези асосида пайдо бўлди. Модернизмдан фарқли ўлароқ постмодернизмда ўтмишга, анъанавий жамиятга бўлган муносабат ўзгарди, ўтмиш билан ҳозирнинг узвий боғлиқлиги масаласи янги талқин қилинди.

Постмодернизм ўтмишни қолоқ, шаклланмаган, деб қарашга барҳам берди. Ўтмиш бугунги ҳаётимизда муносиб ўрнини топиб, бугунги кунимиз ва келажагимиз учун хизмат қилмоқда. Шу маънода юртбошимиз «тарихий хотирасиз келажак йўқ» дея таъкидлади. Шу билан бирга тарихимизга, анъаналаримизга мустақиллик кўзи билан қараш, янгича қайта таҳлил қилиш керак. Зеро, тарихнинг мазмуни ва маъноси бугунги кунимизда, ҳаётимизда иштирок этади, келажакка замин тайёрлайди.

Янги жамият қуришнинг шарт-шароити нуқтаи назаридан қараганда социал ҳаётни дунёвий ташкил этиш, илм-фаннинг ютуқларини ҳаётга тадбиқ қилиш асосида боришимиз билан бирга *«миллий қадриятларимизни тиклаш, «Ўзлимизни англаш, миллий гоя ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларидаги бошланган эзгу ишларимизни давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтириш»* керак. (И. Каримов).

Постмодернизм жамиятида алоҳида шахсларнинг роли орғиб боради. Шу билан бирга постмодернизм жамоатчиликнинг аҳамиятини ҳам ҳисобга олади. Бугунги кунда жамоат ташкилот-

лари, сиёсий партияларнинг аҳамияти ортиб борар экан, «Сиёсий лидер», маҳалла оқсоқоллари, партиявий лидер, илмий йўналиш лидерлари ҳам ижтимоий тараққиётда ўз ўрнига эга бўлмоқда. Бугунги кунда дунёқараш кадриятлари билан нарсалар, буюмлар кадриятининг уйғунлиги ҳақида гап боради.

Маълумки, анъанавий жамиятда дунёқараш кадрияти биринчи ўринда турса, модернизмда нарсалар, буюмлар кадрияти олдинги ўринга чиқади. Постмодернизмда эса улар уйғунлашади. Маънавийлик ва моддийлик ҳам уйғунлашади. Жамиятда ҳокимиятнинг демократлашиши билан бирга, сиёсатда энг обрўли сиёсатчи тан олинади.

Сиёсий лидернинг фикрлари гуманистик характерга эга бўлса, демократияни мустаҳкамлайди. Аксинча бўлса, тоталитаризм томонга кетади.

Анъанавий кадриятларни асослашда фандан унумли фойдаланилади. Бироқ постмодернизмда анъанавий тафаккурнинг салбий томонлари, қотиб қолган одатлар, ярамас анъаналар рад этилади. Постмодернизм модернизациядаги таълим тизими ва маърифатпарварликнинг эски усулларини ҳам рад этади. Таълимнинг янги тизими вужудга келтиришни талаб қилади. Стеаратив, қатъий фикрлашдан эркин фикрлашга ўтади.

Постмодернизм ўтмиш жамиятни, айниқса феодализм даврини кескин қоралашни рад этади. Ўрта аср дини, авторитети, маданияти ва қишлоқ ҳаётини модернизм ўзлаштира олмаган эди. Булар ҳаммаси ҳаётда қайта кўриб чиқилади. Мисол тариқасида Г.Гадамернинг авторитет ҳақидаги фикрини кўриб чиқайлик. Модернизмда авторитет рад этилиб, фан биринчи ўринга кўйилган эди.

*Авторитет ўз фикри-мулоҳазасини устун қўйиб, мутлақлаштиришса, хурофот манбаи бўлади. Бироқ соғлом ақл, фикрий салоҳиятга асосланса, ҳақиқат манбаига айланиши мумкин. Бундай имкониятни қўлдан чиқариб бўлмайди. Агар шахс биздан ўз ақли, кескин муҳокамаси билан устун бўлса, демак, биз учун энг муҳим муҳокама, бу катта ютуқ бўлиб, бизнинг ўз муҳокамамыздан устун туради. Шундай қилиб, ҳеч ким шунчаки обрўга эга бўлмайди, унга эришиши учун курашиш керак, ҳаракат қилиш керак. Кўр-кўрона буйруқ билан, одамларни мажбур қилиш билан обрў орттириб бўлмайди.*

**(21) Х.Г.Гадамер**

Агар модернизм даврида кўпчиликнинг озчилик устидан ҳукронлиги қатъийлик шаклида бўлган бўлса, постмодернизмда озчиликнинг фикрини ҳам, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилиш асосида боради. Сиёсий эркинлигидан тортиб миллий эркинлиги, кичик миллатнинг ва диний ташкилотларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя

қилинади. Мана шунинг учун жамиятимизда турли диний ташкилотлар ва кичик-катта миллатларнинг ҳуқуқлари конституцияда қафолатланган.

Модернизмнинг классик санъатга қарама-қарши бориши эмас, балки уларга яқинлашиш рўй берди. Постмодернизм социал-фалсафий жиҳатдангина эмас, балки эстетик бой мазмунга ҳам эга. Бошқача қилиб айтганда, бунда фалсафий, социал, жиҳатдан ҳам бадиий эстетик томонлар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Постмодернизм модернизмдан фарқли ўлароқ у ёки бу санъат йўналишини ижобий ёки салбий, прогрессив, илғор ёки реакция, қолоқ деб қарамайди. Ҳар бир санъат шахснинг ўз дида, маданияти, эстетик тайёргарлик даражасига мос келиши нуқтаи назаридан қарайди.

Постмодернизм ҳамма нарсаларни бир қаторга қўйиб, бир чизикда «ҳатодан»-«ҳатосизликка»-«қалоқликдан» «Илғорликка» бориш каби модернизм тафаккурини рад этади. Модернизм нуқтаи назаридан Африка халқлари ёки шимолий Америка хиндуларининг маданияти қолоқ, орқада қолган деб қаралар эди.

Постмодернизм нуқтаи назаридан, уларнинг маданияти фикрлаш стили, санъати эътиборга лойиқ деб қаралади. Жаҳон маданияти тизимининг ажралмас қисми деб билади. Модернизмда уларни ер юзида йўқ бўлиб кетишига қаратилган тафаккур тарзи бўлса, постмодернизмда уларнинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўймаслик талаб қилинди. Агар кичик бир ҳужайрали ҳайвоннинг йўқ бўлиб кетипи бир бутун экотизимнинг бузилишига олиб келса, кичик бир халқнинг йўқ бўлиб кетиши бутун инсоният маданият тизимига ўз таъсирини ўтказди. Мажуд бўлиши эса, умуминсоний қадриятларни бойнотади.

Постмодернизм қарашлари билан ҳисоблашмайдиганларнинг нуқтаи-назарлари янги ҳақиқатни излашдан воз кечишга қаратилган. Фаннинг мураккаб дунё қаршисида таслим бўлишига қаратилган. Ғарб фикрлаш тарзининг мувафаққиятини ҳам ҳисобга олади. Эски постмодернизм фикрлаш тарзидан янги фикрлаш усулига ўтиб, дунёнинг янги манзарасини таҳлил қилади. Дунёга янгича кўз билан қарайди.

*Постмодернизм, - деб ёзади В.Вельш - радикал кўп фикрлиликдир. Бизнинг реаллик ва ҳаётний дунёмиз «постмодерн» бўлиб қолади. Ҳаво йўллари ва телекоммуникация турли томондан яқинлашиши, ҳамма жойда бир-биримиз билан учрашув, ҳамкорликка келиш, турли вақтлик янги табиийлик бўлиб қолди, умумий вазиятнинг бирданига бўлиши, турли концепцияларнинг ва қарашларнинг бир-бирига киришиб кетиши, ўзаро ҳамкорлиги реал ҳодиса бўлиб қолди. Бу масалаларни постмодернизм ҳал қилишга киришди.*

*Шу масалаларни у ўйлаб топгани йўқ, балки уларни хал қилишига қаратди, вақтдан юз ўгирмасдан, уларни ўрганишига қаратди\*.*

#### **4.10. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС ЦИВИЛИЗАЦИЯ ЙЎЛИ**

Дунёда турлича ўзига хос цивилизациялар мавжуд эканлиги А.Тойнбининг «локал» цивилизация назариясининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу ғоя билан бир қатор мутафаккирлар (С.Хантингтон, Ф.Бробель, М.Лернер, А.Панарин, К.Ясперс ва бошқалар) у ёки бу даражада ҳамфикр эканлигини кўради. Тойнбининг «Цивилизация тарих ҳукми олдида (Цивилизация перед судом истории)» ва бошқа китобларида дунёда турли туман цивилизациялар мавжуд бўлганлиги ва бугун ҳам ана шундай хилма-хил цивилизациялар яшаётганлигини ёзади. У локал цивилизациялар ҳақида гапирганда, ғарб (Ғарбий Европа ва Шимолий Америка цивилизацияси) ва Шарқ (Ислон, Хитой, Япония ва бошқа цивилизациялар) цивилизацияси хусусида фикр юритади. Дийримизда ҳам буюк цивилизация даври бўлганлиги ҳақида фикрлар бор. Бирок, бу цивилизация Эрон цивилизациясига қўшиб юборилади. Академик Ғофуровнинг шўролар даврида ёзган «Тожиқлар» китобида эса, бутун Марказий Осиё тарихини тожиқ-эрон концепцияси нуқтаи-назаридан изоҳлайди.

#### *Дийримизда мустақил цивилизация бўлганми?*

Қадимги туркий цивилизация тўғрисида турли манбалардан, шу жумладан, Беруний асарларидан оламиз. Бу ҳақда тарихчиларимиз Ўзбекистон тарихининг янги концепциясида, И. Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» ва бошқа асарларида қимматли фикрларни баён этишган. Биз ана шу фикрларга асосланиб, Ўзбекистон мустақил цивилизация йўлида кетаётганлиги ҳақида мушоҳада юритамиз. Бу масала тўғрисида ўзбек фалсафий адабиётларида аниқ концепция йўқ. Ёзилган мақолаларда битта масала, у ҳам бўлса, Ўзбекистон цивилизация йўлидан бориши кераклиги, таъкидланади.

#### *Хўш, Ўзбекистоннинг мустақил цивилизация йўли нимада?*

Бу саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрайлик. Ўзбекистоннинг цивилизация йўли ҳақон цивилизациясидан ажралган, ўзига хосликни мутлақлаштирадиган йўл эмас, балки умуминсоний қадриятларга, ҳақон ижтимоий тараққиётга асосланган йўлдир. Биз Ўзбекистоннинг цивилизация йўлини идеаллаштирувчи қарашга ҳам, унинг ўзига ҳослигини инкор этувчи фикрларга ҳам қўшилмаймиз. Бундай қарашларнинг ҳар иккиси ҳам хавфлидир. Зеро, ҳар қандай қараш илмий-тадқиқот натижаларига, реал ҳаёт ҳодисаларига асосланган бўлиши керак.

---

\* Ф.Ф.Шаповалов. Основы философии. М.1998, 454-бет

Ўзбекистоннинг цивилизация йўли «яxши-ёмон», «юксак-паст» нуқтаи назардан эмас, балки универсал тараққиёт йўлининг Ўзбекистонда намоён бўлиши, унинг бошқа жамиятлардагидан фарқ қилиши, ўзига хос ўзига мос томонларига эга бўлиши, тарихнинг маъно ва моxиятини очиб бериши нуқтаи назардан баҳолалиши керак. Мана шундай муносабат И. Каримов асарларида батафсил берилган. *«Хар қандай цивилизация кўндан-кўн халқлар, миллатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир» (И.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» Т. «Ўзбекистон» 1998 й. 21-бет).*

Ҳозирги замон файласуфлари ўзи яшаётган жамият ўзига хос цивилизация эканлиги тўғрисида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар, китоблар ёзмоқдалар. Жумладан, М.Нерпернинг АКШдаги цивилизация бўйича тадқиқотини, Ф.Броделнинг «Франция нима?» деган асарини (Франциянинг ўзига хос цивилизация эканлигини таҳлил қилган), М.де Унамуно ва Х.Ортега-и-Госсетларнинг Испания цивилизацияси ҳақидаги асарларини, Россия цивилизацияси ҳақидаги В.Соловьев, Н.Бердяев, С.Булгаков, Г.Федотов, С.Франкларнинг илмий-тадқиқотларини келтириш мумкин.

Мисол тариқасида, мазкур қўлланма доирасида, Ўзбекистондаги цивилизация йўлининг асосий томонларини санаб чиқиш билан чекланамиз. Ўзбекистонда цивилизация ўз-ўзини ташкил этиш, ўз-ўзига айнанлик асосида бораётганини кўрсатиб бериш осон иш эмас. Бу жараён буюк цивилизация даврини бошдан кечирган халқимизнинг объектив тарихини тиклаш асосида бормоқда.

*«Давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва мақоңдаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билишимиз керакми, йўқми? – деб савол қўяди, И. Каримов тарихчи олимлар билан учрашувда. «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», деб ёзади Президент. (Ўша асар, 5-бет).*

*Нима учун бундай масала долзарб бўлиб қолди?*

Чунки Ўзбекистонда ўзига хос цивилизацияни шакллантириш учун ўтмиш билан бугунги йўлимизнинг давомийлигини узвийлигини таъминлаш керак. Негаки, мустамлакачилик даврида ўзбек халқи ўзининг ўтмишидан у ёки бу даражада узилиб, бегоналашиб қолган эди. Гарчи тоталитар даврда ўтмишни эсдан чиқариш сиёсати авжига чиққан бўлса-да, ўзбек халқи урф-одатларини сақлаб қолди. Цивилизациян йўл ана шу ўтмиш маънавиятини тиклаш асосида боради. Ундан ташқари юксакликка интилиш учун, юртбошимиз айтганидек, чуқур илдизимизга эга бўлишимиз керак. Диёримизда мавжуд



бўлган ўтмиш цивилизация давлат тизими сифатида тугатилган бўлса-да (маълумки, давлатчилик цивилизациянинг асосий белгиларидандир), маънавий қадрият сифатида мавжуд эди. Уни ўзлаштириш янги цивилизациянинг заминини ташкил қилади. Янги цивилизациянинг ўзига хос томони шундаки у XIX аср цивилизация назарияси сингари ўтмишга паст назар билан қарамайди, балки ўтмишни бутунги кун замини деб билади ва ўтмиш бутунги кунда қандай яшашни кўрсатиб беради. **Демак, Ўзбекистоннинг цивилизация йўли-ўтмишини тиклаш, унинг маъно ва мазмунини бутунги кунга сингдириш асосида шаклланади ва ривожланади.**

Шўролар ўзига хос цивилизацияга, маданиятга эга бўлган халқларни бир бутун йўлга, мафкурага, одат ва қоидаларга бирлаштирмоқчи бўлди. Ўзига хослиғни ҳисобга олмаслик сиёсати социализмни вайрон қилди. Бутунги кунда Россия цивилизациясининг ташкил топишида мусулмон, христиан-католик, монгол-ламанлик тенденцияларининг таъсири борлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Ўзбекистон ҳам ўзига хос ўз цивилизациясини ривожлантиришда бу жамиятдаги цивилизациядан фойдаланмоқда. Ўзбекистонда социал-маданий бирлик мавжуд. Ўзбекистон ўзига хос бир бутун цивилизация йўлидан кета олади. Ўзбекистонда «асосий миллат ўзбеклар билан бир қаторда ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган юздан ортик миллат вакиллари истиқомат қилишади. Уларнинг мамлакат аҳолиси умумий таркибидаги улуши 20 фоиздан ортироқ. (Ислом Қаримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т. «Ўзбекистон», 1997 71-72-бетлар).

Демак, этник гуруҳларнинг миллатлараро уйғунлиги, ҳар бир этник гуруҳнинг манфаатдорлиги, турли диний ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги сиёсати цивилизациянинг ташкил топишига хизмат қилади.

Америка цивилизациясининг ўзига хослигини текширган М.Лернер ҳам худди шундай хулосага келади. Америкадаги турли этник гуруҳлар ва диний-маданий хилма-хиллик турли қадриятларнинг уйғунлигини таъминлайди. Уларнинг кўпчилиги бир бутун Америка цивилизациясини ташкил этади.

**«Ҳар қандай цивилизация кўндан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг маҳсули» И.Каримов.** Шундай қилиб, цивилизация супер-этниқ ташкил топишдир. Бу ҳам И.Каримовнинг юқорида келтирилган **”Ҳар қандай цивилизация кўндан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг маҳсули”** деган фикрининг исботи бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда президентимизнинг «*Шу азиз ватан барчамизники, унинг фаровон келажаги учун яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтдир*»,-деган ғояси ХХІ аср цивилизациясига кириб борадиган ғоядир. Бу цивилизациямизнинг мақсади мамлакатимиз халқларини «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт» қуришга даъват этишга, жамият тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган. Дарҳақиқат, жамият қандай мураккаб тузилишга эга бўлмасин, цивилизацияни йўл унинг ривожланишини таъминлайди. Цивилизациянинг бир бутунлигининг вужудга келиши жуда мураккаб жараён. Жамиятда мавжуд этник гуруҳларнинг ўзига хослигини йўқ қилмасдан, аксинча, уларга кенг имконият яратиш асосида бир бутун цивилизация тизимига бирлаштириш керак.

Америкада яшовчи шахс қайси этнос, ёки этникодга мансуб бўлмасин, Америка цивилизациясига хос характерга эга бўлади. Америкада яшовчи халқларда Америка руҳи сингдирилганини тан олмасликнинг иложи йўқ. Уларда америкача характер, америкача яшаш тарзи, ахлоқи, одати шаклланган.

Худди шунингдек, Москвага Ўзбекистон, Арманистон, Гуржистондан турист сифатида келганларни тезда ажрата оламиз, дейди В.Ф.Шаповалов. Улар нафақат тили, балки яшаш тарзи, одати ва ахлоқи нуктаи назардан ҳам фарқ қиладилар. Демак, постсовет даври давлатларида миллий ўзига хослик характери шаклланиб бормоқда. Нафақат ўзбеклар, балки шу жойда яшаётган барча этник гуруҳларнинг Ўзбекистон характери, умумий ўзбекистонлик бирлиги шаклланиб бормоқда. Бу эса, Ўзбекистоннинг ўзига хос цивилизация йўлини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг цивилизация йўли кўп миллатлилиқ, кўп этниклилиқ, кўп конфессиялилиқ характерга эга. Ўзбекистонда 100 дан ортиқ халқ ва миллат, 16 диний конфессия вакиллари яшамоқда. Улар Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқий фуқаролари сифатида яшамоқдалар. Уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари конституциямизда қафолатланган. Улар Ўзбекистон фуқароси сифатида умумий мақсадларимизни амалга оширишда тенг ва масъулдирлар. Айни вақтда, бошқа чет эл давлатлари билан муносабатимизни яхшилашга кўмаклашмоқдалар. Масалан, Россия билан алоқаларни яхшилашда рус халқи, миллати, православ черковининг, Корея ва Япония билан ҳамкорлик ўрнатишда Ўзбекистонда яшаётган корейс, япон ва шунга ўхшаш кам сонли миллат гуруҳларининг хизмати ҳам ҳисобга оламиз. Уларга бўлган муносабатимиз бутун бир халққа бўлган муносабат сифатида қабул қилинади. Ўз навбатида, чет элларда яшаётган ўзбек ватандошларимизга имконият яратиб берганлиги учун ўша халқларга миннатдорчилик туйғусини билдираемиз.

Ўзбекистон ягона умуминсоний цивилизация йўлидан борар экан, ўзбек халқининг бошқа туркий халқлар билан биргаликда шаклланганлигини ҳисобга олиш керак. Марказий Осиё халқларининг умумий томонлари борлигини тарихий яшаш тарзи, дини, урф-одати умумийлигини ҳисобга олишга тўғри келади. «Туркистон умумий уйимиз» ғоясининг аҳамияти ҳеч қачон йўқолмайди. Лекин, Марказий Осиё давлатларининг ўз ўрни ўзига хос томонларини мутлақлаштириш, сунъий равишда тўсиқлар ҳосил қилиши минтақада ривожланишга салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистоннинг цивилизация йўли ҳақида гапирганда Туркистон Кўк Тангри, Муқаддас кўнғир ер-сув, Умай Момо эътиқодларига асосланган туркий тафаккур, маданият, Ясо-юсунлар, Тўра - тузук, тутуклар қонунчилиги шаклланган, муқаддас битиклар ватани эканлигини, қадимги умумбашарий туркий «Ҳаёт майдонига» кирган, унинг ўлка беклиги мавқеида турган суғдий, хоразмий, фарғонавий маданият ёзув ва матнлар ўлкаси бўлганини, Фарғона-Тошкент-Илоқ, қашқарий, буддавий, насаро ва манихей-кхорошти ёзувларга, мусулмон маданият ўчоғи бўлганлигини ҳисобга олиш керак. Шундай қилиб, академик Н.И.Конрад ибораси билан айтганда, Туркистон, Марказий Осиё қадимги дунёнинг нафақат жуғрофий маркази, балки унинг энг обод, маъмурий, асл (оригинал) умумбашарий туркий цивилизация, толерант маданият ва тафаккур, қадрият, анъана мезонлари туғилган, мақаддас ўчоғи ҳамдир.

*«Туркистондаги ана шу қадимги туркий цивилизация, толерант маданият тафаккурининг муносиб меросхўри, ворисий давомчиси ҳозирги кунда Ўзбекистондир»*

*(Ч.Айтматов).*

Ўзбекистоннинг асл-насаби, қони туркий «Ҳаёт дарахти» дан келиб чиқади. Бу ўзбекларнинг миллий-этник ўзига хослиги-«суперэтнос»лигидир. «Ўзбеклар суперэтнос» деганда, ўзбекларнинг қозоқ, бошқирд, татар, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва бошқа туркий қардош халқлар, элатлардан қандайдир устунлигини эмас, балки қардош халқлар маданияти, турмуш тарзи, этник киёфаси, урф-одатлари, руҳияти, онги ва тафаккурининг энг олийжаноб жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда уюшган, шаклланган халқ, миллат эканлигини англаш керак.

И.А.Каримовнинг ўзбеклар алоҳида, мустақил миллат, халқ эканлиги ҳақидаги илмий назарий методологик концепцияси Ўзбекистоннинг умуминсоний цивилизация йўлидан кетаётганини кўрсатади.

Тарихчилар, ўзбеклар марказий Осиё, Туркистон, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудига ҳеч қачон кўчиб келмаганлигини, қадим-қадим замондан ўтроқ яшаб, илм-маърифат, маданият, буюк цивили-

зация яратганини, ўз урф-одатларини муқаддас билганлигини узил-кесил ҳал қилиб бердилар. (проф. А.З.В.Тўғон)

Ҳозирги замоннинг улуғ ёзувчиси, мутафаккири Ч.Т.Айтматовнинг узоқни кўзлаган фундаментал таърифига кўра, ўз нуфузий, миллий, этник маданий салоҳияти ва ақл-заковатига кўра, Ўзбекистон ана шу тарихий Туркистоннинг ворисий давомчисидир. Марказий Осиёда ўзбеклар, маданий ва ахлоқий салоҳиятига кўра, барча қардош халқларни бирлаштирувчи, уюштирувчи ва илғор тараққиёт сари етакловчи миллатдир. (А.Зоҳидий).

Очиқ тизимли, кўп ўлчовли, толерант умумбашарий туркий цивилизация, шарқ халқлари ҳаёт синовларини ўтказган тадрижий тараққиёт йўли, турмуш тарзи, анъана ва қадриятлари ҳамда бағри кенг тафаккур усули Ўзбекистон цивилизация йўлининг заминидир.

Жамиятга цивилизация нуқтаи-назардан ёндошиш тарихий ёндошишдан фарқ қилади. Тарихий ёндошиш у ёки бу халқнинг тараққиёт эволюциясини (пайдо бўлиши, ривожланиши босқичларини) кўрсатса, цивилизация жамиятнинг ҳозирги даражасини кўрсатади. Ҳозирги босқичда жамиятнинг ривожланиш динамикасини белгилайди. Жамиятнинг ўзига хос белгилари, уни характерлайдиган томонларини кўрсатади.

У ёки бу жамият даврнинг мавжуд цивилизацияларидан бирида, улар билан биргаликда яшайди. Ана шу мавжуд цивилизация эталон жамиятни ўзига тортади. Ёки ўз-ўзига алоҳида цивилизация бўлиб яшайди, бундай жамият *алоҳида цивилизация* жамияти деб аталади.

Бирок, алоҳида цивилизация узоқ йиллар ўзига хос йўлдан ривожланади. Мутахассислар фикрига кўра, Россияда бу жараён XVIII асрдан бошланган. Бугунги кунда, айрим мутахассисларнинг айтишича, Россия алоҳида цивилизация бўлиб шаклланган. Ўзбекистон цивилизациясининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи қадим замонлардан, диёримизда давлатчилик ташкил топган даврдан бошланади.

Ўзбекистон буюк цивилизация маркази бўлса-да, кейинги асрларда (130 йилга яқин) ўзининг тараққиёт йўлидан чиқиб, Россияга қарам бўлиб яшади. Шунинг учун мустақилликка эришганидан сўнг яна мустақил цивилизация йўлига кириб бормоқда.

### *Ўзбекистоннинг цивилизация йўли қандай?*

Бу саволга жавоб бериш учун цивилизация ўзи нима ва уни характерлайдиган белгилар қандай деган саволларга жавоб беришимиз керак (Бу масала ўтган мавзуларда батафсил ёритилган). Цивилизация, юқорида айтганимиздек, кўп қиррали, кўп ўлчовли, кўп режали ва кенг қўламли ижтимоий жараёндир. У мураккаб ташкил топган

соҳа сифатида дунё тенденцияларига асосланади ва ўз навбатида ана шу жараёнларга ўз таъсирини ўтказди.

Рус маърифатчилари ўз ватанини ўрганиш учун кенг кўламда иш қилдилар. Ҳозир ҳам рус цивилизациясини объектив илмий асосда талқин қилувчилар бор. Энг кўзга кўринган, жаҳон фалсафаси тан олган шахслардан В.Соловьев рус цивилизацияси марказига рус ғоясини кўяди. Н.Бердяев эса Россиянинг қалби ҳақидаги масалага алоҳида эътибор беради. С.Франк рус дунёкараши ҳақида трактат ёзган. Н.Лосский рус халқининг характери ҳақида фикр юритади. Уларнинг қарашлари «Англияликлар характери», «америка руҳи» концепциялари билан ҳамоҳангдир.

Н.Лосский «Америка руҳи» деганда уларга хос томонларни таҳлил қилиб чиқади: динамизм, юксакликка интилиш туйғуси, ўз кадр-қимматини ардоқлаш ҳисси, биринчи бўлиш туйғуси, индивидуализм (шахсиятпарастлик), бир жойда тўхтаб қолишни хуш кўрмаслик, мосланувчанлик (гибкость) амалий муносабатда бўлиш, ўзининг ҳаётий-амалий манфаатини устун қўйиш, муваффақиятга эришиш учун интилиш ва унга муддатидан олдин улгуриш, ўз кучига, ўз мақсадига қаттиқ ишониш, меҳнат интизомини муқаддас билиш, хусусий мулкни ҳурмат қилиш кабилар. Юқоридаги олим характерлар «Америка руҳи» ни ташкил этади, деб айтади. «Америка руҳи» ёки «Америка қалби» ҳақида жуда кўп америкалик олимлар ҳам ўз тадқиқот ишларини олиб борганлар (қаранг В.Ф.Шаповалов «Основ философии» М. 1998. 483-бет).

Н.Лосский ўзининг «Рус халқининг характери» деган китобида куйидаги белгиларга аҳамият беради: диндорлик, юксак руҳий тажриба шаклини излаш, шу асосда мутлақ саодатни излаш, ҳис ва иродани узвий боғлаш, эрксеварлик, халқпарварлик, яхшилик, истеъдодлилиқ, мессионизм (ўз юртига олиб келиш), миссионизм (бошқа юртга бориш) ўрта маданият соҳасидаги камчилик, пессимизмга бироз мойиллик ва безорилик. Бердяев ҳам рус қалбига кенг ҳарактеристика (тавсиф) беради. У рус қалбидаги зиддиятларга эътибор беради: рус қалбидаги қарама-қарши характерларни очиб бериш мумкин, дейди, Деспотизм (истибдод, қаттиқ зулм қилиш); давлатда гипертрофия (ҳаддан ташқари ошириш); анархизм; иродаллилик; қаттиққўллик; зўрлик ва яхшиликка мойиллик; одамийлик; юмшоқлик; динга расмий (формал) муносабатда бўлиш; урф-одатларни ўйламасдан бажариш ва ҳақиқатни излаш; индивидуализм; миллатчилик; ўзини ўзи мақташ; универсализм; умуминсонийлик; диннинг эсхологик-мессион характери ва сиртки тақводорлик; худоизловчилик ва жанговар худосизлик, келишиш ва сурбетлик, қушлик ва исён, бир-бирини истесно қиладиган хусусиятларни рус характери белгилари сифатида олиб қарайди.

Рус халқининг тавсифини бошқа муаллифларда ҳам кўрамиз. Буларнинг айримлари фақат рус халқига эмас, балки Европанинг бошқа халқларига ҳам тегишлидир. Индивидуализм, анархизм, динга риоя қилиш каби характерлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон цивилизация йўлида кетар экан, ўзига хос характер, қалб, дунёқарашга эга эканини кўрамиз. И. Каримов «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавобида миллатимизга хос бўлган белгиларни баён этади: *«Миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, шарми-ҳаё, ибтидоат каби бетакрор фазилатлар ва халқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турадиган бағрикенглик, меҳмондўстлик, оқкўнглик хусусиятлари ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин».*

Биз ўзбек халқини характерлайдиган яна бошқа белгилар ҳақида ҳам гапиришимиз мумкин. Жумладан, ўз она ерини эъзозлаш, шу ерда умрининг охиригача яшаш, ота-она ва болаларга муҳаббат, болажонлик ҳислатлари, шунингдек ўз она тили, урф-одати анъаналарини ардоқлаш туйғулари. Бу ҳислатлар Ўзбекистоннинг ўзига хос цивилизация йўлини давом эттиришга, инсонпарвар, демократик жамият барпо этишига маънавий замин бўлади. Бироқ тоталитар мафкура даврида шаклланган, ўз тилига, урф-одат ва анъаналарига, она тупроғига менсимай муносабатда бўлиш туйғулари, *«ўз она тилини, миллий анъаналари ва маданиятини, ўз тарихини билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожеасига айланиб қолган эди (Ислом Каримов, «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» Т., «Ўзбекистон». 1999 й. 5-бет).* Инсон қалбидаги иккита куч, бунёдкорлик ва тажовузкорлик, ўлдириш ва яратиш, бузиш ва тузиш, яқсон қилиш ва вужудга келтириш, уруш ва тинчлик курашидан бири цивилизацияни олға кетказса, бошқаси таҳдид солади, бузади, тўсик бўлади.

*«Аслида, менинг назаримда, одамлар қалбида иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-ийқит инстинктларини, яъни ҳатти-ҳаракатларини қўзғатиб юбориш осонроқ»,- дейди И.Каримов «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавобида.* Биз ўзбек қалби деганда ана шу иккита зиддиятли кучни ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас.

*Ўш, одамдаги бузиш, вайронкорлик, ўлдириш инстинктларидан қутулиш мумкинми?*

*Қандай қилиб инсондаги тажовузкорлик инстинктини йўқотиш мумкин?*

Рухий таҳлил фалсафасининг асосчиси Фрейднинг фикрига кўра, бундай инстинкт бутун жонзотга хос бўлиб, инсондаги ҳайвоний инстинктнинг зўрайишидир. Демак, одамларда юқоридаги инсоний ҳислатларни шакллантириш асосида тажовузкорликдан қўтилиш мумкин. Бунинг учун ана шундай одамлар қалбидаги икки куч курашини санъат, спорт майдонига кўчириш керак. Ахир, адабиётдаги юмор, аския ва бошқа жанрлар рақиб устидан маънавий устунликни таъминламайдими? Спортда ҳам худди шундай. Ҳаётдаги зиддиятларни тажовузли усул билан эмас, гўзаллик ва эзгулик усуллари билан ҳал қилишга ўтиш инсондаги ана шу салбий ҳис-туйғуларнинг қўзғалишига йўл қўймайди. Бу деган сўз-маърифий йўл цивилизация йўли, демакдир.

Биз юқорида «суперэтнос»лик цивилизацияни белгиловчи хусусияти эканлигини айтдик. Демак, Ўзбекистоннинг миллий характерининг, ўзига хослигини, ўзига мос қалбини, руҳиятини кўра билиш керак. Рус, Америка халқлари сингари Ўзбекистон ҳам Ўзбекистонда яшаётган барча халқларга хос маънавий дунёни билиш ва намоён қилиш ҳақида цивилизация йўлидан боради, яъни сўз Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг тинч-осойишта, ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатишини таъминлаш асосида боради. Бу осон иш эмас. Бирок, бу иш чуқур илмий, конкрет социологик тадқиқотлар асосида таҳлил қилиниб, Ўзбекистоннинг тараққиёт жараёнини кўрсатиб беришни, халқимизнинг дунёқарашини, руҳиятида бўлаётган ўзгаришларни илмий таҳлил қилишни тақозо этади. Халқимизнинг турмуш тарзи, фикрлаш стили, жамиятимиздаги давлат тизими, оилавий муносабатлар, институтлик тизими, партиялар, жамоат ташкилотлари, иқтисодий тизим, уларнинг детерминантлари, рағбатлантирувчи кучлар, хўжалик фаолияти ва уларнинг шарт-шароити, синфлар ва уларнинг мавқеи, фан, технология, кишлоқ хўжалиги, санъат, оммавий маданият, диний ва дунёвий қадриятлар, жамият билан шахс уйғунлиги, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни атрофлича таҳлил қилингандагина, Ўзбекистоннинг цивилизация йўли тўғрисида тўла тасаввурга эга бўламиз.

Цивилизацияон йўл жамиятнинг бир бутун, яхлит ривожланиш жараёнини кўрсатади. Агар маданият инсон меъёри билан ўлчанса, цивилизация маданият мезони билан ўлчанади. Хўш, Ўзбекистон жаҳон тан олган анъанавий, индустриал ва постиндустриал цивилизация ёки анъанавий модернизация ва постмодернизация босқичларининг қайси даврида яшамокда? Ўзбекистон бизнингча индустриал босқичдан постиндустриал босқичи томон кетмокда, Тоффлер майдонга ташлаган учинчи тўлқиннинг ҳаётбахш уммонларига ўзига хос, ўзига мос йўл билан кириб боради.

Биз яшаб турган дунё ўзи нима?  
 Бу ёруғ оламда биз киммиз ва  
 не бир сир-синоатмиз,  
 қаёққа қараб кетаяпмиз?

(Ислом Каримов)

Бу саволлар фалсафий билишнинг биринчи ва асосий саволи бўлиб, у ўз навбатида «дунёда нимани билла оламиз?» деган савол билан чамбарчас боғлиқдир.

Бу саволга жавоб беришга биринчи бўлиб киришган соҳа фалсафа бўлган. Кейинчалик, фалсафадан бошқа бир қатор билим соҳалари ҳам ушбу савол билан шуғуллана бошлади. Натижада, фаннинг турли йўналишлари пайдо бўлди. Алоҳида фан соҳалари дунёни билишнинг муҳим томонларини ўз ичига олади. Бугунги кунда фалсафа билимларнинг ҳамма томонларини эмас, балки ўзига хос вазифани бажарадиган бўлди. Тарихнинг турли кўринишларида фалсафий билиш ижтимоий ҳаётнинг, фанларнинг ривожланиши билан такомиллашиб, турли фалсафий қарашлар, парадигмалар янгилашиб туради. Шунинг билан баъзи умумий томонлари, белгилари турғун бўлиб қолади. Шунинг учун биз фалсафани ўқитиш ва ўрганишда ана шу икки томонига эътибор беришимиз керак.

Баъзи файласуфлар диалектика тўғрисида кўп гапирадилар. Диалектика қонуни ва категорияларини дарсликларга киритишни таклиф қиладилар. Бу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда бугунги кун диалектикасини шўролар даврида дарсликларда кўрсатилган схематик асосда эмас, балки бутун мавзуга сингдириб юборган ҳолда бериш мақсадга мувофиқдир, деб ўйлаймиз. Тоталитар тизимга хизмат қиладиган диалектика билан демократияни мустаҳкамлайдиган диалектиканинг фарқи борлигини очиб бериш, кенг тарғибот-ташвиқот қилишимиз лозим. Айниқса, ўрта ва кекса авлод вакилларининг янги замонни тушунишга айнан шу қон-жонига сингиб кетган, “сут билан киргизилган” марксистик диалектика кўпроқ даражада тўсиқ бўлмаётимикан?

Биз фан фалсафаси кўйган энг муҳим саволга ҳозирги замон фалсафаси қандай жавоб беради, деган масалага кўпроқ аҳамият бердик. Фан фалсафасини баён этишда келажак стратегияси ҳақидаги фалсафий фикрларга тўхтадик.

Маълумки, айрим олинган одам, айниқса инсоният бир бутунликка тузилмага эга бўлган (ташқил топган) мураккаб тизимни ташқил этади. Булар ҳаммаси ҳозирги замон билимлардаги қонунлар



доирасида ҳал қилинади. Олам, коинот-астрономия маъносида эмас, балки фалсафий маънода мавжудлиги, дунёнинг турли-туман тизимлардан иборатлиги, инсон кичик космос сифатида физик, химик, биологик ва социал феномен эканлиги, шунинг билан инсоннинг ақли, фаолиятли, севувчи, ахлоққа эга, ўйин-эстетик асосида яшовчи, символлар яратувчи ва хато қилувчи Ердаги олий мавжудод эканлиги, инсон учун ўз тарихининг эволюцияси жамиятни олға қараб ривожланиши (жадалдунё) характерлидир.

Дунёнинг ривожланиши ўз-ўзини ташкил қилиш ва ўз-ўзини ривожлантириш эволюцияси механизмини тушунтиришда синергетиканинг аҳамияти бир қадар кўрсатиб берилди. Чунки, келажак стратегиясини белгилашда синергетика таълимоти қўл келмоқда. Негаки, синергетика илгари бизнинг тасаввуримизда сирли кўринган, инсон, инсоният фаолияти жараёнларига аниқлик киритди. Мураккаб эволюцион тизим мазмунини таҳлил қилишнинг матодологик асосини берди. Синергетика воқеликни таҳлил қилишда, янги тизимга ўтишда чизиксиз тафаккур, очиқ тизим, толерантлик, кўп ўлчовликка асосланади. Бу фалсафа ва бошқа фанларнинг янги тафаккур намунаси бўлиб, дунёни ранг-баранглигини, алоҳида шахснинг тарихда бетақрор ролини кўрсатиб берилди. Қўлингиздаги китоб ана шундай ва шу каби бошқа қарашлар асосида ёзилди.

XX асрда инсоният глобал муаммолар қаршисида турди. Бу масалаларни замонавий тафаккур асосида ҳал қилишда фалсафа ва фаннинг ролини ҳар бир мавзуда кўрсатишга ҳаракат қилинди. Ҳар бир мавзу Республикамызда бўлаётган улкан ўзгаришлар, айниқса, инсон тафаккуридаги ўзгаришлар асосида ёритилди, одамлар онгига миллий ғоя ва миллий мафқурани сингдиришда фан фалсафасининг ўрни кўрсатилди.

Фалсафа инсон ҳаёти ва унинг келажagini, келгуси даврнинг моҳиятини ёритишда, тушунтиришда ижодий таълимотдир. Бўхронларга, таҳдидларга, бузувчиларга қарши қаратилган таълимотдир. У цивилизацияни сақлаб қолишга ва унинг ривожланишига доим ўз ҳиссасини қўшиб келган. Инсон эркинлиги, озодлиги, мустақиллиги ҳақидаги таълимотни риожлантириб ўз «сўзини» айтиб келган. Мазкур китобда ана шу ўзликни англаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998 й.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан; Эркин ва фаровон ҳаёт пиرو-вард мақсадимиз. Т. Ўзбекистон 2000 9-бет.
3. Каримов И.А. Ўша китоб 12-бет.
4. Каримов И.А. Ўша китоб. 8-бет.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пиرو-вард мақсадимиз. Т. “Ўзбекистон” 2000 24-25 бетлар.
6. Уэлс Г.К. Павлов И.Фрейд. М., 1959. 608-бет
7. Фромм. Э. Психоанализ и этика М., 1993 95-бет.
8. Канке В.А. Философия. Учебник. 2000 228-бет.
9. Бердяев Н.А. Смысл истории. М, 1990
10. Витгенштейн: Человек и мыслитель М. 1993.
11. Шаповалов В.Ф. Основы философии. М. 1998 412-бет.
12. Бердяев Н.А, О значение человека М. 1993 119-1290 бетлар.
13. Форобий Абу Наср Фозил одамлар шаҳри. Т.. 1993 174-175 бет-лар.
14. Философия. Учебник. М. 1997 312-бетлар.
15. Бхагавадгита Пер. Я. Смирнова. Ашхабат. 1997. 89-бет.
16. Ницше Ф. Несвоевременные размышления. Полн. соб. соч. Т. 2000 219-бет.
17. Вопросы философии. 1992 № 11
18. Фромм Э. Психоанализ и этика. М. 1993 106-107 бетлар.
19. Вопросы философии 1992 №11
20. Шаповалов В.Ф. Основы философии. М. 1998. 451-бет.
21. Гадамер Х.Г. Истина и метод. М. 1988 331-333 бетлар.
22. Рахимов И.Зоҳидов А., Аюпов А. Мустақиллик мафқураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқ-тисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. Т.: Университет. 2001. 56 бет.

### **Фан фалсафаси мавзуси бўйича адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т.»Ўзбекистон». 1999.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т. «Ўзбекистон» 2000.
3. Карнап Р. Философские основания физики. М. Прогресс. 1971.
4. Никифоров А.Л. Философия науки и методология. М.1998.
5. Поппер К. Логика и рост научного знания. М.Прогресс. 1983.
6. Кун Т. Структура и рост научного знания. М. Прогресс.1975.
7. Степин В.С., Горохов В.Г., Розов М.А. Философия науки и техники М.1995.
8. Филатов В.Ф. Философия науки. Учебник, М.1997.

### **Техника фалсафаси мавзуси бўйича адабиётлар**

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. «Ўзбекистон» 2000.
2. Канке В.А. Этика. Техника. Символ. Обнинск,1996.
3. Канке В.А. Философия техники. Учебник философии, М.2000.
4. Философия техники в ФРГ. М.1989.
5. Новая технологическая волна на западе.М.1996.
6. Кинг А., Шнайдер П. Первая глобальная революция М.1991.
7. Сиборова Т.Ю. Философия техники. М. 1997.

### **Социал фалсафа мавзуси бўйича адабиётлар**

1. Каримов И.А. Биздан Озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. «Ўзбекистон»,1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. «Ўзбекистон».1992
3. Васильев Г.Г. Социокультурная эволюция и социальное управление. М.1997.
4. Тойнби А. Постижение истории. М.1997.
5. Тойнби А. Цивилизация перед судом истории. М.1996.

### **Тарих фалсафаси мавзуси бўйича адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. Донишманд халқимнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Т. «Ўзбекистон», 2000

3. Жўраев Н. Тарих фалсафаси Т. «Маънавият».1999
4. Бердяев Н.А. Смысл истории. М. 1990
5. Гобозев И.А. Философия истории. М. 1997
6. Карсавин А.Н. Философия истории. М. 19992
7. Философия истории. Антология. М. 1995
8. Шаповалов В.Ф. Основы философии. М. 1998
9. Ясперс К. Смысл и назначение истории. М. 1994

#### **Маданият фалсафаси мавзуси бўйича адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. Т. “Ўзбекистон” 1994.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997.
3. Артемьев В.М., Роша А.Н. Социология культуры. М.1993.
4. Бердяев Н.А. Философия свободы, Смысл творчества, М. 1999.
5. Культурология ХХ века. Антология. М. 1995.
6. Шаповалов В.Ф. Основы философии. М.1998.
7. Основы философии (под ред. Ахмедовой М.А. и Хана В.С.)Т. “Ўзбекистон”,1998.
8. Фалсафа (акад.Эркин Юсупов тахрири остида) Т. 1999.

#### **Иқтисодиёт фалсафаси мавзуси бўйича адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиклолининг асосий та-мойиллари. Т. “Ўзбекистон” 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Т. “Ўзбекистон” 1999.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. “Ўзбекистон” 2000.
4. Булгатов С. Философское хозяйство. М. 1990.
5. Вебер М. Протестантская этика и дух капитализма. М. 1991.
6. Тоффлер Э. Третья волна. М.1999.
7. Иноземцев В.Л. Постэкономическое общество. Жур Вопросы философии. №2,2000.

#### **Ижод фалсафаси мавзуси бўйича адабиётлар**

1. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. Т.»Ўзбекистон» 1994.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Т. “Ўзбекистон” 1999.
3. Бердяев Н.А. Смысл и творчество. М. Соч. 1983.

4. Губин В.Д. Культура и творческая деятельность. М. 1987.
5. Раҳимов И. Рухий таҳлил ва ижод. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», газ.16 июнь,1993.
6. Философия. Учебник. М. 1997

#### **Тил фалсафаси мавзуси бўйича адабиётлар:**

1. Аналитическая философия ист. тексты. (отв. ред. А.Ф.Грязов). М.1993.
2. Антонов В.И. Символ, наука, культура. М.-Улан-удэ,1995.
3. Витгенштейн Л. Философские работы. М.1998.
4. Шаповалов В.Ф. Основы философии. М. 1998.

#### **Сиёсат фалсафаси мавзуси бўйича адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол. Иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. «Ўзбекистон» 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т. «Ўзбекистон»1992.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Т. «Ўзбекистон»1997.
4. Гегель. Философия права. М. 1990.
5. Геннел Дж.Т. Политическая теория. Вестник МГУ, серия 12, 1993.
6. Панарин А.С. Философия политики. М. 1994.
7. Философия. Учебник. М.1997

#### **Фан фалсафасидан назорат саволлар:**

1. Фалсафанинг фанга муносабати қандай?
2. Фалсафанинг динга, санъатга муносабатини айтиб беринг.
3. Фалсафанинг дунёқараш ва методологик вазифаларини қандай тушунасиз?
4. Фалсафий ғоя, миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаларининг муносабатини айтиб беринг.

#### **Фан фалсафасига оид саволлар:**

1. Фалсафани назарий ва амалийга бўлиш нима?
2. Фан фалсафасининг вазифаси ва моҳияти нимада?
3. «Фан фалсафаси» тушунчасини ким майдонга ташлаган?
4. Фан фалсафаси алоҳида соҳа сифатида қачон шаклланди?
5. Ҳозирги замон фалсафасида нима учун фан фалсафасига эътибор кучаймоқда?

6. Фан мантиғини яратишда Аристотел таълимотининг ролини қандай тушунасан?

7. Фан фалсафасини бошлаб берган файласуф сифатида Аристотелнинг унга қўшган хиссасини айтиб беринг.

8. Аристотелнинг тўрт сабаб ҳақидаги таълимоти ва унинг фандаги аҳамияти.

9. Ўрта Осиё файласуфларининг фанни таснифлашдаги фикрлари ва уларнинг фан таракқиёти учун аҳамияти.

10. Форобийнинг фан таснифи ҳақидаги таълимоти (нима?)

11. Ибн Синонинг фан таснифи ҳақидаги таълимоти.

12. Хоразмий фанни қандай таснифлаган?.

13. Беруний томонидан экспериментал методнинг майдонга ташланиши ва унинг фан ривожини учун аҳамияти.

14. Н. Коперник, Ф. Бэконлар фан ва илмий билишнинг янги методлари ҳақида.

15. Галилейнинг фан тўғрисидаги янги концепцияси ва унинг Аристотел концепциясидан тубдан фарқи.

16. Фанда табиий илмий методнинг пайдо бўлиши.

### **Фанда стандартлаш концепциясига оид саволлар:**

1. Стандартлаш концепцияси фан фалсафасининг муҳим муаммоси эканлиги.

2. Стандартлаш концепциясини яратишда «Вена тўғраги» файласуфлари дастурининг аҳамияти.

3. Илмий билишнинг объекти ва субъекти тушунчасининг янги таҳлили.

4. Фактларни ўрганишда кузатиш ва эксперимент-методларининг аҳамияти.

5. Нима учун фанда экспериментга алоҳида эътибор берилади?

6. Фан қонунлари деганда нимани тушунасан?

7. Эмпирик қонунлар деганда нимани тушунасан?

8. Назарий қонунлар деганда нимани тушунасан?

9. Эмпирик метод ва унинг турлари нимадан иборат?

10. Назарий метод ва унинг турлари нимадан иборат?

### **Илмийлик ва ноилмийлик чегараси (демаркация) мавзусига оид саволлар:**

1. XX аср файласуфлари илмийлик ва ноилмийлик тушунчаларини қандай фарқлайдилар?

2. Билимнинг ҳақиқатлиги мезони нима? (ёки ҳақиқат мезонини тушунтиринг).

3. Тушунча, муҳокамаларнинг тажрибага мос келиши масаласини айтиб беринг.

4. Тушунча, ҳукм ва муҳокамалар қай вақтда аҳамиятга эга бўлади?

5. Қайси фалсафий мактаб верификация тушунчасини фанга киритган, унинг аҳамияти нимада?

6. Фанда «Ҳақиқат», «ноҳақиқат (хато)» тушунчаларнинг мазмунини айтиб беринг.

7. «Ҳақиқат ҳам эмас», «Тўғри ҳам эмас» тушунчаларини нима деб баҳолаш мумкин? Қандай тушунасиз?

8. Билиш аҳамиятига эга бўлмаган таълимотлар борми?

9. Поппер қайси соҳаларни фан доирасига киритмайди?

10. Поппер томонидан майдонга ташланган верификациянинг нисбийлиги ҳақидаги талимотни тушунтириб беринг.

11. Поппер майдонга ташлаган «гипотезанинг чексиз оқими» назарияси ва унинг стандартлаштириш концепциясидан фарқи.

12. Т. Куннинг фан фалсафасидаги эволюцион назариянинг асосчиси эканлиги.

13. Фанда «парадигма»нинг аҳамияти нимада?

14. Поппер томонидан фан фалсафасида илмий моделнинг ишлаб чиқилиши.

15. Илмий тадқиқот ишларнинг дастури ва унинг XX асрдаги концепцияси.

16. Дастурдаги «қатъий ядро», «негатив» ва «позитив эвристика» тушунчалари.

### **Табиат шунослик фалсафаси бўйича саволлар:**

1. Дунёнинг табиий – илмий манзараси нима?

2. Макон ва замоннинг нисбийлиги концепциясини қандай тушунасиз?

3. Квант механикасидаги ноаниклик назариясининг фалсафий таҳлилини айтиб беринг.

4. Космик эволюцияда чексизлик концепцияси нима?

5. Атомизм ва элементар заррачалар назарияси нима?

6. Химияда моддаларни билиш даражаси.

7. Биосфера ва ноосфера тушунчалари нима?

8. Биологияда эволюцион концепция нима?

9. Фанда ўз-ўзини ташкил қилиш нима?

10. Синергетика нима ва унинг фалсафий моҳиятини аҳамиятини, мазмунини айтиб беринг?

11. Ўз-ўзини ташкил қилиш, эволюциянинг асосидир

12. Синергетика ва дунёнинг янги манзараси.

### **Техника фалсафасига оид саволлар:**

1. «Техника» сўзининг келиб чиқиши ва бугунги маъносини айтиб беринг?
2. Техника эволюцияси ва унинг ҳозирги замон тахлили нима?
3. Техника фалсафасининг асосий муаммолари нима?
4. Техниканинг индустриал жамиятдаги характери айтиб беринг.
5. Техника ва инфор­ма­цион жамият.
6. Техниканинг ахамияти ва уни чеклаш ҳақидаги концепцияларни айтиб беринг?
7. Технократия концепциясини айтиб беринг
8. Техниканинг ҳозирги замон глобал муаммолари.
9. Техника ва санъат муносабатлари нима?
10. Техника ва маданият.

### **Социал фалсафага оид саволлар:**

1. Социал фалсафанинг моҳиятини айтинг.
2. Социал ҳодисаларни илмий ўрганиш деганда нимани тушуна­сиз?
3. Социал фалсафа ва социология фанлари ўртасидаги муносабатларни айтиб беринг.
4. Синфий кураш концепциясининг ярқисиб эканлигини тушунтириб беринг.
5. XX асрда социал фалсафада юз берган туб ўзгаришлар нималардан иборат?
6. Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қолишда ягона куч-маърифат эканлигини айтиб беринг.
7. Жамиятнинг ривожланишида таълим тизимининг ахамияти нимада?
8. Модернизация тушунчаси нима?
9. Жамиятни эркинлаштириш деганда нимани тушуна­сиз?
10. “Озод ва обод Ваган, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз” иборасини мазмунини айтиб беринг.

### **Тарих фалсафасига оид саволлар:**

1. Тарихий тақдир концепциясини айтиб беринг
2. Тарих фалсафаси ҳақидаги марксистик концепциянинг ха­толари нимадан иборат?
3. Тарихнинг олға қараб бориш концепцияси тарихнинг мавжудлигига кафолат берадими?
4. Тарихнинг олға қараб бориш концепциясини танқид қилиш умидсизликка олиб келмайдими?



5. Тарих фалсафасидаги асосий масалалар нималардан иборат?
6. Қандай муқаддаслик тарихнинг олға қараб боришини таъминлайди?
7. Тарихийликнинг моҳиятини айтиб беринг.
8. Тарихнинг моҳияти нима?
9. Тарихнинг мазмуни нима?
10. Шахснинг кадр-қимматини ўз жойига қўйиш тарих моҳиятини англашда қандай аҳамиятга эга?

#### **Маданият фалсафасига оид саволлар:**

1. Маданиятнинг тахлили нима учун бугунги кунда долзарб бўлиб қолди?
2. Маданият тизимида фалсафанинг ўрни қандай?
3. Маданиятнинг фалсафий тахлилини тушунтириб беринг?
4. Маданият турларини тушунтириб беринг.
5. Маданият тушунчасининг уч асосий томонини айтиб беринг.
6. Эркинлик нима?
7. Эркинликнинг даражалари деганда нимани тушунаси?
8. Эркинликни англаб олиш заруриятдир деган фикрга қўшиласизми?
9. Эркинлик инсон ҳаётининг мазмуни, деган қоидага қандай қарайсиз?
10. Цивилизация билан маданиятнинг фарқи нимада?
11. Цивилизация билан маданиятнинг қарама-қаршилиги деганда нимани тушунаси?
12. Постиндустриал цивилизация деганда нимани тушунаси?

#### **Иқтисодиёт фалсафасига оид саволлар:**

1. Иқтисодиёт фалсафаси деганда нимани тушунаси?
2. «Иқтисод», «иқтисодий бирлик» тушунчаларни айтиб беринг.
3. Такрор ишлаб чиқариш, истеъмол тушунчаларини айтиб беринг.
4. Иқтисодий борлик деганда нимани тушунаси?
5. Иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши нима?
6. Иқтисодиёт инсон фаолияти ва фан соҳаси сифатида.
7. Иқтисодиётгача бўлган жамиятни қандай тушунаси?
8. Индустриал жамиятда мулкка бўлган муносабатнинг туб моҳияти нима?
9. Постиндустриал жамиятда қандай мулк шакли асосий бўлиб қолади?

10. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойилари ва уларнинг фалсафий тахлили.

11. Иқтисодиётни эркинлаштириш деганда нимани тушунасиз?

12. Постиндустриал жамиятда иқтисодиётнинг роли қандай?

### **Сиёсат фалсафасига оид саволлар:**

1. Сиёсат дунёси деганда нимани тушунасиз?

2. Сиёсат фалсафасининг асосчиларини айтиб беринг.

3. Форобий-сиёсат фалсафасининг асосчиси.

4. Сиёсат фалсафасининг қадимги илдизлари деганда нимани тушунасиз?

5. Янги даврда сиёсий фалсафанинг шаклланишида Т.Гоббс, Г.Гуго ва Вольтерларнинг ролини қандай тушунасиз?

6. Гегель ўзининг «хуқуқ фалсафаси» китобида сиёсий фалсафанинг хуқуқ фалсафасига бўлган муносабатини қандай изоҳлаган?

7. Сиёсат фалсафаси деганда нимани тушунасиз?

8. Сиёсат фалсафаси ва сиёсий назария ўртасида қандай фарк бор?

9. Сиёсий дунё-билимнинг методологияси, деганда нимани тушунасиз?

10. Сиёсий қадриятлар деганда нимани тушунасиз?

11. Сиёсий эркинлаштириш деганда нимани тушунасиз?

12. Оила, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабати-сиёсат фалсафасининг асоси, деган фикрга қўшилмасизми?

### **Ижод фалсафасига оид саволлар:**

1. Ижоднинг фалсафий тахлили деганда нимани тушунасиз?

2. Қобилият, истеъдод тушунчаларини таҳлил қилиб беринг.

3. Инсоннинг ижодий фаолияти илоҳий ижоднинг давоми, деган фикрга қандай қарайсиз?

4. Илҳом тушунчаси ижод учун қандай аҳамиятга эга?

5. Ижоднинг инсон руҳияти билан узвий боғлиқлигини қандай тушунасиз?

6. Ижоднинг руҳий тахлили нима?

7. Ижоднинг онг ва англаб етмаган томонлари нимада?

8. Гўзаллик тамойиллари ижод учун қандай аҳамиятга эга?

9. Ижоднинг шахсийлиги нимада?

### **Мухим атамалар луғати.**

**Абстракция** (лотинча *abstractio* – мавҳумлаш) – нарса ва ҳодисаларнинг муҳим томонларини аниқлаш учун уларнинг жузъий томонларини ҳаёлан бир чеккага қўйиб туриш, шу тарзда фикр

юритиш. Мавхум тушунча, мавхумлаш йўли билан ҳосил қилинган назарий хулоса. Кундалик ҳаётда «мавхум» тушунчаси ноаниқ, ҳаётда исботланмаган маъноларда ишлатилади.

**Агностицизм (юнонча agnostos – билмаслик, билиб бўлмаслик)** – реал ҳаётни билиш мумкин эмас, деган таълимот. Агностицизм реал ҳаётни билиш мумкин, дунёда билиб бўлмайдиган нарса йўқ, деган билим тўғрисидаги оптимизмга қарама-қарши таълимот бўлиб, инсон моҳиятини била олмайди, чунки моҳият чексиз, деб кўрсатади. Иккала концепция ҳам камчиликлардан холи эмас. Инсоннинг дунё моҳиятини тўла, охиригача билиши мумкин эмаслиги тўғри, бироқ инсон билимлари доимо такомиллашиб туради.

**Аксиология (юнонча axis – қадрият, logos – тушунча, таълимот)** – инсон фаолияти, унинг йўналиши, умумий аҳамияти. Инсон ҳаёти ҳақидаги назарияларни ўрганувчи фалсафий таълимот бўлиб XIX аср охири XX аср бошларида шаклланган.

**Аксиоматик метод** – назариянинг тўғрилиги ва тўғрилиги исботланган фикрлардан келиб чиқадиган тадқиқот.

**Аксиома (юнонча axioma – исбот, далил талаб қилинмайдиган ҳолат)** – исбот талаб қилмайдиган, назариянинг бошланғич ҳолати.

**Аналогия (юнонча analogia – ўхшашлик, мەс келиш)** – нарсаларнинг бир неча томонлари ва ўхшашлигидан келиб чиқиб бошқа томонлари ҳам ўхшайди деб хулоса чиқариш. Нарса ёки ҳодисаларнинг у ёки бу томондан ўхшашлиги.

**Аналитик фалсафа** – XX асрда пайдо бўлган, тилнинг фалсафий муаммоларини ўрганувчи фалсафа. Даставвал Англияда, АҚШ, Канада, Австралияда кенг тарқалган фалсафий оқим.

**Антиномия (юнонча anti – қарши, nomos-қонун)** – икки бир-бирига қарама-қарши ҳолат, ҳар иккиси ҳам маълум қонунга мос келади. Масалан, дунёнинг бошланиши бор, дунё ҳеч қандай бошланишга эга эмас.

**Антропология (юнонча anthropos-инсон, одам logos-таълимот)** – инсон тўғрисидаги таълимот.

**Антропологик фалсафа** – кенг маънода инсон табиати ва моҳияти ҳақидаги фалсафий таълимот, тор маънода XX аср ғарб фалсафасидаги фалсафий оқим.

**Апория (юнонча apogia – иложи йўқ демакдир)** – масалани ҳал қилишдаги енгиб бўлмайдиган зиддиятлар.

**Априор (лотинча a priori)** – ўтмиш тажрибасига асосланмаган, унга қарама-қарши турадиган билим.

**Беден мактаби** - XIX асрнинг 60-йилларида Германиядаги Баден шаҳрида ташкил топган янги кантчилар таълимотининг алоҳида

томонларини ривожлантирган фалсафий мактаб. Билиш натижасига алоҳида эътибор беради.

**Белги-моддий предмет** ёки белгининг хиссий идроки бўлиб, бошқа предмет ёки белги тўғрисида ахборот беради.

«**Борлиқ ва вақт**»-XX аср немис файласуфи Хайдеггер асари (1927 й).

**Борлиқ дунёси** - экзистенциалистлар томонидан киритилган атама (**Инсон борлиғи**) бўлиб, уни тушунчалар билан билиб бўлмайди, балки унинг ички кечинмалари орқали билиш мумкин, деб айтидилар. Бу инсоннинг ички дунёсини ташкил этади.

«**Борлиқ ва ҳеч нима**» – феноменологик тажриба онтологияси. У Сартр асарларида батафсил баён этилган.

**Вакуум**-(лотинча *vacuum* – бўшлиқ) – маълум физик муҳит, физик майдон бўлиб, уни физика ўрганади. Бўшлиқ тушунчаси, анъанавий фикрлаш тарзида айтилганидек, унда табиат йўқ, деган тушунчага ўзгартириш киритилган.

**Замон (Вақт)**-борлиқнинг чексиз оқими, ўтмишдан ҳозирга ва ундан келажакка йўналтирилган жараён. Ҳаётнинг давомийлиги, даврийликнинг такрорланиши, доимийлиги; орқага қайтмаслиги хронологик макон-замон кўлами каби тушунчаларда ифодаланади.

**Верификация** (лотинча *verus* - ҳақиқат *facere* – бошқариш, иш қилиш) – айтилган фикрнинг тўғрилигини тажрибада исботлаш.

**Гедонизм** (юнонча *hedone* - лаззатланиш) – ахлоқий таълимот бўлиб, бу оқим энг юксак бахт лаззатланишидир деган ғояни илгари суради.

**Герменевтика** (юнонча *hermeneutike* – тушунтирувчи, изоҳловчи) – 1) матнларни назарий ва амалий тушунтириш; 2) матнларнинг фалсафий таҳлилини ўрганиш методологияси билан шуғулланувчи фалсафий оқим.

**Гилозоизм** (юнонча *hele*-модда, *zoe*-ҳаёт) - ҳамма нарсада жон бор, дегувчи фалсафий оқим.

**Гипотеза** (юнонча *hypothesis* - тахмин) - ҳодисаларни тушунтиришда майдонга ташланган илмий тахмин. Аксиомадан фарқли ўларок, **гипотеза** амалиётда исботлангандан сўнг назарияга айланади.

**Гносеология** (юнонча *gnosis*-билим, *logos*-таълимот) – фалсафий билиш назарияси. Бугунги кунда эпистемология (юнонча *ep-estema* - билим) атамаси ҳам ишлатилади.

**Гуманизм** (лотинча *humanus*-инсоний) – инсон кадриятларини устувор ўрганадиган қарашлар тизимидир.

**Дедукция** (лотинча *deductio*-келтириб чиқариш) – умумий фикрлардан мантиқий асосда хулоса чиқариш.

**Деидеологизация** – Маркснинг ҳамма нарсани мафкуралаштириш, ягона мафкурага бўйсундириш ҳақидаги таълимотга қарши ХХ асрда вужудга келган оқим бўлиб, илмий, ахлоқий, эстетик принципларни ўта мафкуралаштиришга қарши чиқади.

**Деконструкция**-матнга нисбатан ҳаракати ва уни қайта жиҳозлашга қаратилган алоҳида стратегик муносабат. Анъаналарни бузмасдан қайта англаш усули.

**Демург** (юнонча *demurgos*) – дунё меъмори, архитектураси, тuzилиши, яратувчиси демакдир. Дунёнинг устаси, яратувчиси маъносида ҳам ишлатилади.

**Диалектика**- 1) фалсафий мунозара санъати; 2) айнанлик, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тўғрисидаги таълимот.

**Диалог** (юнонча *dialogos*) – фикр алмашиш, икки кишининг суҳбати, фикр алмашуви.

**Дискурс** (лотинча *discursus*-мулоҳаза, муҳокама) – мантикда ишлатиладиган агама бўлиб, фикрлар илгариги билимга асосланиб изчилик билан давом эттирилади.

**Зарурий хулоса** дедуктив хулосанинг бошқача номи. Унда ҳукмлардан, муқаррар равишда, хулоса чиқарилади.

**Идеал** (юнонча *idea-ғоя*) – юксак ғояга интилиш.

**Идеализация** умумлаштириш шакли. Бироқ илмий идеализацияда ҳодисаларни ўта бўяб, ҳаддан ташқари ошириб кўрсатишни фарқ қилиш керак (қундалик ҳаётда иккинчи маъноси ишлатилади).

**Изоморфизм** (юнонча *isos-тенг, ўхшаш, morfe-шакл*) – икки тўплам ўртасидаги элементларнинг мос келиши.

**Императив** (лотинча *imperativus-буйруқ*) - қатъий қоидалар. Кантнинг қатъий императиви – инсон ахлоқининг қатъий қоидалари маъносида ишлатилади.

**Индукция** (лотинча *inductio-келтириб чиқариш*)- хулоса чиқаришнинг асосий усуллари ва тадқиқот методларидан бири. Билим жузъий муҳокамалардан умумий қоидаларга қараб ҳаракат қилади.

**Индустриал жамият** - жамиятнинг мураккаб ривожланиш босқичи бўлиб, унда илмий-техник фаолият, машина ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми, ижтимоий бозор, тизим хўжалик асосий аҳамиятга эга бўлади. Бу жамиятда ишлаб чиқариш воситалари, йирик саноат асосий ўринга чиқади.

**Интенция** (лотинча *intentio-интилиш*) – онгнинг маълум предметга йўналтирилганлиги.

**Интерпретация** (лотинча *interpretatio-воситачилик*) – Тил белгиларининг объект билан мос келишини таҳлил қилади. Шунда-

гина сўз билан фактлар бирликни ташкил этади, уни реаллаштириш эса **интерпретация** асосида боради.

**Интуиция** (лотинча *intueri*-диққат билан қараш) - ҳодисаларни бир бутун тарзда бевосита воқеа асосида олинган билим асосида билиш. Унга турли ҳисоблаш асосида эмас, балки ақлнинг кучи билан боради. Ҳиссий **интуицияда**, ақлий ҳолатдан қатъий назар образлар ҳис-туйғуларда ифодаланади. Интеллектуал **интуицияда** ҳодисанинг моҳияти тез ва осон англонади.

**Информация жамияти** – электроника ва крмпьютерларга асосланган жамият Информация ҳаётнинг турли тармоғига кириб бориб, бутун ижтимоий ҳаётда ўзгариш ҳосил қилади. Янги ижтимоий муносабатлар, янги социал гуруҳлар ва янги оилаларни, шунингдек, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг янги шакллари вужудга келтиради. Инсон ва унинг интеллекти жамиятнинг ривожланиши асосига айланади.

**Исбот** - айтилган фикрни асослаб берувчи мантиқий усул. У тезис, асос ва исбот тузилмасидан ташкил топади.

**Космос** (юнонча *cosmos*) – юнон фалсафасида дунёнинг бир бутун ташкил топиши.

**Космицизм** космос тарафдорлари, дунёни космос асосида изоҳлаш. Инсонни космоснинг бир қисми, деб қаровчи оқим.

**Космоцентризм** – космос ҳамма нарсанинг маркази, асоси, деб қаровчи дунёқараш.

**Либедо** (лотинча *libedo* – мойиллик, хоҳиш) - Фрейднинг руҳий таҳлил фалсафасида жинсий мойиллик тушунчаси.

**Логос** (юнонча – *logos* – тушунча, фикр, ақл) қадимги юнон фалсафасидаги тушунча бўлиб, аниқ мазмунга эга бўлмай, ақлий асосга эга бўлган қонун, сўз фикрдир.

**Метафизика** (юнонча – *meteta physika*-физикадан сўнг) фалсафанинг биринчи тамойили ҳақидаги таълимот, борликни ақл кўзи, фикр салоҳияти билан ўрганадиган таълимот. Баъзида метафизика фалсафа атамаси маъносида ҳам ишлатилади. Гегель ва Марксча фалсафада диалектикага қарама қарши фикрлаш усули сифатида ишлатилган.

**Методология** – методлар тўғрисидаги таълимот, дунёни яхлит ўрганувчи усул

**Мистика** (юнонча *mystika* - сирли образ, сирлилиқ) – сирли, тўла англанилмаган, ҳал қилиш қийин, интуитив, сирли ҳодиса.

**Миф** - афсонавий – жозибадорлик устун турадиган ҳикоя

**Мифология** (юнонча *mithos* ҳикоя, афсона) – дунёни афсонавий тафаккур, ҳис – туйғу, асосида тушуниш

**Модел** (лотинча *modulus*) – мсёр, нусха

**Монизм** - дунёни ягона борлиқ (материя ёки рух, оллох)дан бошланган, деб тушунтурувчи таълимот.

**Неопозитивизм** – XX асрдаги фалсафий оқим бўлиб, фалсафада методологик муаммолар, айниқса, фан фалсафасига асос солган.

**Ноаниқликлик** –Гейзенберг томонидан майдонга ташланган квант механикаси назариясининг қонунияти. Бу объект билан субъект бирлигини фалсафий таҳлил қилади.

**Номинализм** (лотинча *Nomen* – ном, исм) – ўрта асрдаги фалсафий оқим бўлиб, умумий тушунчалар номга эга, ҳаётда эса алоҳида предмет, ҳодисалар мавжуд, деган ғояни илгари суради.

**Ноосфера** (юнонча *noos* – ақл) - ақлнинг ҳукмронлиги таъминланган доира соҳа (сфера)

**Онтология** (юнонча *on*–моҳият, *logos*-таълимот) борлиқ тўғрисидаги таълимот

**Пантеизм** (юнонча *pan*-ҳамма, *theos*-худо) табиатнинг ҳаммаси худо, деган фикрга мосланган таълимот.

**Парадигма** (юнонча *paradigma* – мисол, намуна) - илмий назариянинг намунаси, унинг тўғрисидаги таълимот

**Парадокс** (юнонча *paradoxos*-кутилмаган) ажабланарли фикр.

**Позитивизм** (лотинча *positivus*) – ижобий.

**Постмодернизм** -XX асрдаги фалсафий таълимот бўлиб, ижтимоий ҳаётни ахлоқ, қонунлар, қадриятларни бузмаган ҳолда қайта кўриб чиқиш усули, кўп фикрлилиқ усули

**Постпозитивизм** (лотинч. *Post-sўнгги*, кейинги, позитивизм-ижобий) - фан фалсафасига асос солган оқим.

**Прагматизм** (юнонча *pragma*-иш, ҳаракат)- инсон фаолияти, унинг амалиётини асосий ўринга қўювчи фалсафий таълимот.

**Принцип** (лотинча *principin*.- асос, бошланиш) - назариянинг асосий ҳолатидир.

**Провиденциализм** (лотинча *providentia*-тақдир) - тарихий жараёнлар азалдан белгиланган тақдир асосида давом этади, деган қараш

**Прогресс** (лотинча *progressus*) – ривожланишнинг олға қараб кетиши.

**Редукция** (лотинча *reductio*) - орқага , бошланган жойига қайтиш.

**Релятивизм** (лотинча- *relativus*) – нисбийлик.

**Силлогизм** (юнонча *sylogismos*) - дедуктив хулоса чиқариш тури

**Символизм** (юнонча *symbolon* рамзий) - борликни белгилар, рамзларда ифодалаш. Символлар назарияси.

**Синеретика** (юнонча *synergeia* - ҳамкорлик) - ўз ўзини ташкил этишнинг умумий қонуниятларини ва принципларини асос қилиб олган фанлараро йўналиш. Бу таълимот асримизнинг 70-йилларида пайдо бўлди.

**Софист** – донолик ўқитувчиси. Софистлар қадимги Юнистонда, биринчи маърифатпарварлар деса бўлади, Улар тил, риторика, мантиқ илмига катта эътибор бердилар. Бироқ улар нисбийликни мутлоқлаштирганлар.

**Структура** (лотинча *structura*-тузилиш) – элементларни нисбий барқарор алоқаси, уларнинг ўзаро бирлиги, жойлашишларидаги тартиб, тизимни турғун ташкил қилиниши ва унинг ички алоқадорлиги.

**Структурализм** - структура (ғояси, асоси) тизимга фалсафий ёндашиш структурализм, деб аталади. Бу соҳани фалсафий таҳлил қилишда Фердинанд де Соссюрнинг хизматлари катта. XX аср фалсафасида социал- гуманитар оқим.

**Субстанция** (лотинча *substantia*) – моҳият.

**Теология** (юнонча *theos*–худо *logos*-таълимот) – илоҳият демакдир.

**Теоцентризм** – борликнинг марказида худо туради деган фалсафий оқим.

**Трансценденталь** (лотинча *transcendo*-ташқарига чиқиш) - энг умумий, универсал борликдир.

**Универсалин** (лотинча *universalin*) – умумий, ҳар томонлама)

**Утилитаризм** (лотинча *utilitas*) – фойда, аҳамиятли.

**Фальсификация** (лотинча *falsus*-ёлғон *facio*-бажараман) - ёлғон гипотезани аниқлаш учун келтирилган фикрий жараён. Бу жараённи биринчи бўлиб Поппер майдонга ташлайди. У бу усул билан фан ва метафизика чегарасини аниқлашга ҳаракат қилади.

**Феномен** (юнонча *phainomenon*) - кўриниш, зуҳурий.

**Феноменология** -XX аср ғарб фалсафасининг асосий йўналишларидан бири, унинг асосчиси Гуссерль онг фаолияти билан унинг феноменини аниқлаш

**Функция** (лотинча *funktio*) – бажариш.

**Хаос** (юнонча *chaos*) – тартибсизлик.

**Цивилизация** (лотинча *civilis*) - фуқаролик, давлатчилик.

**Эвристика** (юнонча *heurisko*) – топаман.

**Эйдос** (юнонча *eidos*-кўриниш, образ) - ғоянинг ўзи, бироқ аниқ образда кўриниши.

**Экзистенциализм** (лотинча *existentic*) – яшаш, мавжудлик.

**Экология** (юнонча *oikos*-уй, *logos*-таълимот) – муҳофаза тўғрисидаги таълимот



**Экогуманизм** (юнонча *oikos*-уй, *hominus*-инсон) атроф – мухитга инсоний муносабатда бўлиш.

**Эксперимент** (лотинча *experimentum* ) - тажриба, намуна.

**Эмпиризм** (юнонча *empeiria*-тажриба) - Билиш жараёнида бевосита сезги аъзоларимиз орқали тажрибада олган билимларни асосий ўринга қўювчи фалсафий оқим.

**Эпистемология** (юнонча *epistema*-билим, таълимот) - ҳозирги замон фалсафасида гносеология (билим назарияси) ўрнига ишлатилатиладиган атама.

**Эстетика** (юнонча *aisthetikos*-ҳиссий) инсоннинг борликқа қадриятлар сифатида муносабатини ва инсоннинг бадиий фаолиятини ўрганувчи фалсафий таълимот.

**Этика** (юнонча *ethos*-одат) - фалсафий таълимот бўлиб, инсон ахлоқининг қонунлари, нормалари ва принциплари, ахлоқий қадриятларни ўрганадиган фан.

## МУНДАРИЖА:

<b>КИРИШ</b> .....	<b>2</b>
<b>МУҚАДДИМА</b> .....	<b>3</b>
<b>I-БОБ. ФАН ФАЛСАФАСИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ</b> .....	<b>10</b>
1.1 Фаннинг эволюцияси (Қадимги дунё, ўрта аср Шарқ ва янги замон фанлари) .....	11
1.2. Илмий билишни бир андозага келтириш (стандартлаш) тамойили ..	16
1.3. Ҳозирги даврда фаннинг аҳамиятини ортиб бориши.....	19
1.4 Фан идеаллари. Олимнинг маънавий қиёфаси .....	25
1.5. Дунёнинг фалсафий, диний ва илмий манзаралари ўртасидаги ўзаро нисбат. ....	27
1.6 Методология. Илмий метод ва унинг мантиғи .....	30
<b>II- БОБ. ТАБИАТШУНОСЛИК ФАЛСАФАСИ</b> .....	<b>53</b>
2.1 Оламнинг табиий-илмий манзараси ва унинг эволюцияси .....	53
2.2. Ҳозирги замон табиатшунослигида макон ва замон муаммолари. ....	65
2.3 Фандаги баъзи муаммоларнинг фалсафий талқини. ....	72
2.4. Биосфера ва экологик тамойиллар .....	77
2.5. Синергетика – дунёга янгича қараш .....	81
<b>III-БОБ. ТЕХНИКА ФАЛСАФАСИ</b> .....	<b>93</b>
3.1 «Техника» тушунчаси, унинг пайдо бўлиши, ва ҳозирги даврдаги талқини .....	94
3.2 Техника билимининг табиати.....	97
3.3 Техника глобал муаммолар доирасида.....	99
3.4 Техникани инсонийлаштириш ва техник кадриятлар .....	101
<b>IV БОБ СОЦИАЛ - ГУМАНИТАР ФАҢЛАР ФАЛСАФАСИ</b> .....	<b>108</b>
4.1. Социал фалсафа .....	108
4.1.1. Жамиятнинг фалсафий таҳлили .....	108
4.1.2. Жамиятнинг социал тузилиши .....	111
4.1.3 Жамият фан объекти ва предмети сифатида. ....	112
4.2 Тарих фалсафаси .....	115
4.3 Сиёсат фалсафаси. ....	126
4.3.1. Сиёсат фалсафасининг ривожланиш босқичлари.....	127
4.3.2. Мустақил сиёсат фалсафасининг шаклланиши .....	129
4.3.3. Сиёсат фалсафасининг моҳияти.....	131
4.4. Иктисодиёт фалсафаси.....	134
4.5 Тил фалсафаси.....	144
4.6. Ижод фалсафаси .....	150
4.6.1. Ижод ва руҳий таҳлил. ....	155
4.7. Маданият фалсафаси .....	161
4.7.1. Маданият тушунчаси .....	164
4.7.2. Маданият ва цивилизация. ....	166
4.8. Жамиятни босқичларга бўлиш назарияси .....	171
4.9. Локал цивилизация назарияси, модернизм ва постмодернизм .....	178
4.10. Ўзбекистоннинг ўзига хос цивилизация йўли.....	183
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>193</b>
<b>ФАН ФАЛСАФАСИ МАВЗУСИ БЎЙИЧА АДАБИЁТЛАР:</b> .....	<b>196</b>

Босишга рухсат этилди 1.04.2005. Ҳажми 13,25 босма табок.  
Бичими 60x84 1/16. Адади 1000 тусха. Буюртма 184.  
М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
босмахонасида чоп этилди.